


Шарқ Юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



Sharq yulduzi

Унутилмас лаҳзалар



Ҳожиакбар ШАЙХОВ
(1945 – 2002)

В - 440



Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддикова
Икбол Мирзо
Қахрамон Куронбоев
Жумакул Қурбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов
Умарали Норматов

Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Меҳрибон Абдурахмонова
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адхамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Этап
№ 3

Бош мухаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад

Наสร бўлими мудири — Рисолат Хайдарова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурад

Адабиётшунослик бўлими мудири — Аъзамхон Қозихўжа

3

2017

УШБУ СОНДА:

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

НАЗМ

*ИНОН, БАХЯТ ҚУШИНИНИҢ
ҚАНОҲТИ СИИМАС*

*Чирокқа уринган парвонасимон,
У келса, қизганмай дилимни тутай.
Мен ўзим шу дарднинг ҳосиласиман,
Майлига, шу дардда дунёдан ўтай.*



АЛИЯ

НАСР

ОРИЯТИ

Ҳикоя

Демак... шу арзимаган нарса учун бувим умрининг ярмини бош эгиб, ёлғизликда ўтказишга мажбур бўлган экан-да?! Дадам ҳам бувимни ташлаб, шаҳарга кета олибди... Одамлар-чи, улар буни билишармикин?!



Санобар ТўЛАҒАНОВА

АДАБИЁТШИНОСЛИК

*ТАРИХИЙ ЖАРАЁН ВА
ИЖОДКОР ШАХС*

Ҳар бир ёзувчи замона синовлари олдида нечоғлик ўзини назорат қила олди, ўз-ўзи билан муросага боришга мажбур бўлди, уларнинг канчаси бу сиёсий ўйинлар олдида мағлуб бўлди, бунга тарих гувоҳ.





ЎМФИРЛИ ИҶЛКА

Аёл зоти учун оила куриш бахт бўлса, очиги, бундай бахтга унинг кўникиши осон кечмади. Гўё хашаматли хонадонга адашиб учиб кириб қолган капалакдай хис қиларди ўзини.



ТЮЛЕИ ХУРЛИК ҚУЎШИН ШАФЪТИДИН ПУРЛАР БУ КҮН

Шамсу моҳ тоби кўринмас ашк ила нам кўзима,
Чўғ нигоҳ, хуррам хаёл ёрдин садоқат йўқ бу кун.

Раиқ ила кўнгул ёнур, кўнгул аро бир гул ёнур,
Меҳру мурувват ёнур, кун-тун рутубат йўқ бу кун.



ОНА ЁР СОҒИНЧИ

Ҳожиакбарнинг кўп хикоя ва қиссаларида тасвирланган Она ер соғинчи хисси болалигимизда, аям дилимизга солган Ватан туйғусидан ўсиб чиккан, деб биламан. Унинг қахрамонлари коинотда, олис сайёралар сари учиб борар эканлар, Она ерни соғинадилар, заминдаги ҳар бир мавжудотни азиз деб биладилар.



ДУРДОНА



УВАЙСИЙ
(1779 – 1845)

Васл ўлса жаҳон хўби фироғинг соғинурмен

* * *

Жон тасаддук бошинг узра чирмаган дасторинга,
Бош тасаддук сўзлаган шахду шакар гуфторинга.

Кўз тасаддукдур сени хуршид талъат хуснунга,
Қадди долим ҳам тасаддук чун алиф рафторинга.

Қўл тасаддукдур сени ул ядди абёзингга ҳам,
Жон тасаддук этмаган ким кўзлари хумморинга.

Ким гирифторинг эрур, мумкин эмас топмоқ халос
Анкабут янглиғ этибсен қайди мушкин торинга.

Онқадар сўрдум табиблардин бу дардимга даво,
Васлидин ўзга даво йўк, деди, ул беморинга.

Кимки сендин юз ўгурса эрмас ул толиби дин
Топшур ул куфр ахлини сен кодири жабборинга.

Демадинг ашъори жошимни кўруб маҳбуби мен
Баракаллох, эй Увайсий, айлаган гуфторинга.

* * *

Кўруб ул донани холинг, дедим, домингга салламно,
Нигоҳинг катл этар ул чашм хангомингга салламно.

Масиҳо иктисоб айлаб экан лаъли лабингдин ким,
Сўзинг минг жон берур бир дамда ул комингга салламно.

Ўшал абру хилолинг ийди рухсорингда кўрсам мен
Ки, курбон айларам жонимни айёмингга салламно.

Вужудим ичра жоним ўртанур фонус шамъидек,
Чирогинг этмагил даркор ул шомингга салламно.

Кўзум хал бўлди кўз тутмоғда то йўлунгга, эй косид,
Дерам хар кун муяссар йўқду пайғомингга салламно.

Увайсий, кофия танг ўлса ҳам мазмуни махвашдин
Хаёлин маҳкам эт, айғилки, ихромингга салламно.

* * *

Дилимни истасанг, дилбар, хаёлинг бирла хар соат,
Хаёлим истасанг субҳи висолинг бирла хар хар соат.

Кишига ишқ тегса ношикиболиғни касб этгай,
Бали хомушлиғ расми фиолинг бирла хар соат.

Юзингдин гул, лабингдин Хизр, нутқингдин шакарларким,
Ки бир хиндубача ул юзда холинг бирла хар соат.

Сени топса киши қадри тунни топса тонг эрмас ким,
Саводи кокилинг нури жамолинг бирла хар соат.

Ёзбдур ҳарфи номим аввалин фаҳм айла, эй махбуб,
Азални котиби абру хилолинг бирла хар соат.

Увайсий ёдию фикру хаёли кечау кундуз,
Дудоғинг ичраким хайвон зилолинг бирла хар соат.

* * *

Зулфининг хажрида келмас сунбули тотар хуш,
Балки келгай менга они бў этардин ор хуш.

Восил ўлмақдин ғизоли наргиси бодомға,
Кипригингдин кўз хаёлида менга озор хуш.

Гул чоғи таклиф қилма боғингга, эй боғбон,
Гул висолидин эрур менга фироки ёр хуш.

Жаннат ичра хур ила ғилмон айшидин менга,
Ёстаниб кўйини исмин айламак такрор хуш.

Эй Увайсий, яъслиғ ҳам хорлиғ ўлтургуси,
Ҳажр ила мен зор нохуш, васл ила ағёр хуш.





* * *

Не тонгдурким жунун саҳросида чархи самоъ урсам,
Сочибон хар тарафга ўт яна чархи самоъ урсам.

Якиндур ўртагай асмо шарори дуди охимдин,
Фиғону нола бирла дам-бадам чархи самоъ урсам.

Самоъи раксдур девонатек тасбиҳу таҳлили
Муҳаббат аҳлини қонунида чархи самоъ урсам.

Ҳама мастоналарни ишқ майдонида то кўрдум,
Ҳавас бирла аларни олдида чархи самоъ урсам.

Дамо-дам ҳаё-хай айлаб ажойиб шўриши бирла,
Раводур тинмайин шавки била чархи самоъ урсам.

Азалдин пойи кўйиким мени зора насибимдур,
Русуми ишқ эли бирла ҳама чархи самоъ урсам.

Увайсий, эмди бу дайри фанода беғам ўлтурма,
Ўтубон муддаолардин ажаб чархи самоъ урсам.

* * *

Кўнгул ойинасини кўрмадим зангордин ғайри,
Анга сайқал беролмас рашки ул дилдордин ғайри.

Нечунким рашк ботин, лутф музмардур хушо, эй дил,
Топа олмон базохир доимо озордин ғайри.

Ҳақиқат рамзидир савдо агар қилса харидори,
Муҳаббат расмида йўқтур кунни бозордин ғайри.

Нечук дод айламай, дайр ичра ул мугбачча давринда
Борарға тоб этолмай, кўрмадим агёрдин ғайри.

Мабодо ул санам васлиға макрун айласа бир кун,
Демон ким, зоҳидо, бўйнимға сол зуннордин ғайри.

Увайсийни фиғонин ёнмоғи онча маҳол эрмас,
Сочи сунбул, юзи гул, бўйи мул гулзордин ғайри.

* * *

Жафосин чекмайин бўлмас муяссар сенга жононинг,
Юракка дарди тегмай, таъсир этмас оху афғонинг.

Кўнгул, сабр айлағил, бетоқат ўлма ҳажр шомина,
Зулумот ичра кирмай, топмағайсен оби ҳайвонинг.

Надин дод айламай уммид субҳим шома айланмиш,
Фирибу макр ила васлингни афсун этти ҳижронинг.



Қошинг бир ғамзаси то тўкти юз ушшок конини,
Кўзинг майдонида саф-саф тамошо килди мужгонинг.

Вужудим поймолин хокироҳидин ки манъ этти,
Аё, хоки Ватан кўйинда туттунг, борму армонинг.

Увайсий, ёда кўрсатмай ҳижо бўлғон тааллуқот,
Аларни ғарқ этар тўфон ўлуб бу чашми гирёнинг.

* * *

Васл ўлса жаҳон хўби фироғинг соғинурмен,
Гар анжумане ичра сўроғинг соғинурмен.

Пайк этти кўнгул ушбу забонимни, нигоро,
Сир муждасидин дерга қулоғинг соғинурмен.

Дил манзарини пок қилур эрди нигоҳинг,
Не тонг, не ажаб, деса, қароғинг соғинурмен.

Ҳижрон туни хамроҳ хаёлингни етурдим,
То топкуча ким васл чароғинг соғинурмен.

Кўйингга муқарраб қилу ё олқи жонимни,
Қонлиғ юрагим дерки пичоғинг соғинурмен.

Ишк дарди фузунрокму ва ё хажр давоми,
Эй ўт, чидамай дудға доғинг соғинурмен.

Ағёр элидин хотири жам ўлмас, Увайсий,
Жам этгали зулфингни тароғинг соғинурмен.

* * *

Хаёлинг бирла ишқинг бу вужудим хона тутмишлар,
Хушу ақлимни қувлаб, телбаи девона этмишлар.

Кўнгулким бир қуши ваҳший, ани ром этгали гўё
Муҳаббатдин кафас айлаб, висолин дона тутмишлар.

Кел, эй дард аҳли бўлсанг, ишқ сирриға қулоғинг тут,
Лабим бирла забоним ушбу дам афсона тутмишлар.

Фироқинг шоми васлинг шамъини ёндурди, андин ким
Ўзингни шамъи мисли жоними парвона тутмишлар.

Табибо, сен шифо этмакни таклифин хаёл этма,
Тани беморим ишқи дардини жонона тутмишлар.

Сиришким донасин кўрди юзум туфроғида андоғ,
Маломат қушлари бошим уза қошона тутмишлар.

Увайсий, мунча беҳушлиғ била сайр орзу қилма,
Хабар топган кишилар доимо пинҳона тутмишлар.





ПУБЛИЦИСТИКА



Шухрат ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. 1952 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) битирган. “Конституция сабоқлари”, “Ўзбекистонда ким яхши яшайди” китоблари чоп этилган.

“ШУНДАЙ ЎЛКА ДОИМ БОР БЎЛСИН!..”

Одамлар бир-бирлари билан кўришганда нима ҳақда гаплашишади? Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашишади, ҳаёт тарзи, туриш-турмуши хақида суҳбат қуришади, хайр-лашаётиб, тинчлик-омонлик тилашади. Оддий мулоқотнинг ўзида халқимизнинг меҳр-оқибати, бағрикенг табиати шундоққина кўриниб туради.

Баъзан хориж фильмларида, эътибор қилсангиз, қахрамонлар учрашишганда оддий салом-алиқни ҳам насия қилиб, муомалага киришиб кетаверади. Бизда-чи? Сўз боши – ассалом! Айтايлик, ҳосил йиғиштираётган юртдошимиз ҳузурга келган меҳмон, албатта, “Ҳорманглар, хирмонга барака!” дея меҳрини намоён этиши табиий. Бу лутфга, албатта, “Саломат бўлинг, умрингизга барака!” деган жавоб олинади.

“Умрингизга барака”. Нақадар эзгу, самимий тилак! Узоқ йиллар ҳаёт кечиринг, меҳнатларингиз хузурини кўринг, ниятларингизга етинг, деган катта маъно бор шу лўнда халқона ибората.

Статистика илмида аҳоли турмуш тарзини кўрсатиб турувчи хилма-хил мезон-ўлчовлар бор. Мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси, миллий даромаднинг аҳоли жон бошига қанчадан тўғри келганлиги, “Рўзгор халтаси”, ташқи савдо айланмаси, экспорт-импорт салоҳиятимиз ўсиши... Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турмуш фаровонлиги муттасил яхшиланиб бориши учун ҳисоб-китоб қилинади. Охир-оқибатда бу кўрсаткич нимада ўз ифодасини топади? Инсоннинг умри узайишида! Бу жами натижалар ичида энг олий мақсаддир.

Агар мустақиллик йилларида иқтисодийтимиз қарийб 6 баробар ўсган бўлса, ЯИМ ўсиши суръатлари охириги 11 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмаётган бўлса, ўтган даврда ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Тогнинг юксаклиги масофадан билингани каби, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси маълум давр ўтгач, яққол кўзга ташланади. Модоники, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси шунчалик ошган экан, бу рақамнинг салмоғини Ер юзининг бошқа мамлакатларидаги кўрсаткичларга қиёслаб кўрайлик. Масалан, Африка қитъасидаги бир қанча мамлакатларда аҳоли зичлиги, экологик шароит оғирлиги, фуқаролар уруши ва касалликлар туфайли ўртача умр кўриш даражаси жуда-жуда паст. Айтايлик, Мозамбикда бу кўрсаткич 31,3 ёшни ташкил этади...

Узоқ умр кўриш, бутун бир халқнинг тинч ва осуда ҳаёти барқарор тус олаётгани юртимиз фуқароларини қувонтиради, албатта. Мазкур кўрсаткичнинг яхшиланиб бораётгани сизу бизнинг кўз олдимизда рўй бериши, демакки, бевосита бу яхшилиққа иштирокчи бўлаётганимиз дилда ғурур уйғотади.

Ўртача умр кўриш даражасининг юкорилаб бориши эса бениҳоя кўплаб омилларга боғлиқдир. Тинч ва осойишта турмуш, эртанги кунга ишонч, ўзликни англаш, атрофдаги ёқимли маънавий муҳит, жамиятда ўзаро хурмат-эҳтиромнинг қадрланиши, малакали тиббий хизмат, ижтимоий адолатнинг барқарорлиги – буларнинг бари пири бадавлат нурунийларимиз умрига умр қўшмоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида 100 ёшдан ошган юртдошларимиз тақдирланиб бориши фақат Ўзбекистонга хос анъанага айланди. Кўп йиллар давомида мамлакатимиз ривожига йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўғит-насихатлари туфайли ёшлар тарбиясига ўзларининг катта хиссасини қўшиб келаётган юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар давлат мукофотлари билан тақдирланишяпти. Давлат миқёсидаги бундай улкан руҳий-маънавий мададорлик, рағбат, табиийки, қарияларимизга зўр тетиклик, бардамлик бағишламоқда, умрларига умр қўшмоқда.

Дунёнинг манамаман деган тадқиқотчилари узоқ умр кўриш сирлари тўғрисида турли омил ва сабабларни қайд этишади. Улар орасида овқатланишда сабзавот, мева, ўсимлик ёғини меъёрида истеъмол қилиш, маромида ухлаш, ҳаракатни тўхтатмаслик, оиладаги аҳиллик қабиладар тилга олинади. Бундан-да муҳими, ёши улғайган одам оилада, маҳалла-қўйда муносиб эъзозланиши экан. Минг шукрки, бизнинг халқимиз табиатида ўздан каттани зўр эътиқод билан хурмат қилиш, киприкда авайлагандай меҳр кўрсатиш ажойиб қадрият даражасига кўтарилган.

Юз билан юзлашишни ким ҳам истамайди, дейсиз? Узоқ умр, кўпчиликнинг айтишича, Оллоҳ ёрлакаган одамларга насиб этади. Ёши улғайган нурунийларимиз йўлини орзу қилишга ҳамманинг ҳақи бор, албатта.

Ўзбекистон дунёда меҳнатқаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари билан танилган. Осойишталик барқарор бўлган даврга анжв ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга юртимиз янгиланган жамият барпо этишга ишонч билан интилмоқда. Бу йўлда ёши улғу инсонларимиз кўплиги билан фахрланиш ҳам бизга насиб этаверсин.

Умрингизга барака!

Эрта тонгда уйқудан уйғонасиз. Кўзингизни очиб, соғ-саломат турганингиз учун ич-ичингиздан шукрона айтасиз, бекангиз тайёрлаган нонушгага ўтирасиз. Бутун оила ёнингизга тизилади. “Яхши дам олдингизми?” – фарзандларингизнинг бу сўровига “Худого шукр, раҳмат!” дея жавоб қиласиз. Нонушгада дастурхонга ёши улғу одам қўл чўзиб, бошқаларни таклиф қилади.

Тонгги насибадан сўнг кийиниб кўчага чиқасиз. Ҳамма катори ишга отланасиз. Йўлларда машиналар ғизиллаб ўтиб турибди. Қўни-қўшнилари, танишлар учраганда ўзаро омонлик тилайсиз. Ҳамма жойда ҳаёт тафтини ҳис қиласиз. Қурувчилар янги иншоотни бунёд этиш билан банд, сотувчилар дўкон молларини пештахтага қўйиб, сизга мунтазир.

Ҳар куни шу манзарага гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай ғайритабиийликдан холи, оддий, қундалиқ турмушимиз бу. Лекин шундай осойишта, керак бўлса, фароғатли ҳаётга қандай эришяётганимиз ҳақида ўйлаб кўрганмизми?! Дунёнинг ҳамма жойида ҳам шундай аҳвол ҳукмронми? Бир томони табиий офат, бир томони терроризм балосидан ини бузилган қушдай безовта халқлар кўзёшига гувоҳ бўлиб турибмиз-ку!

Одам боласи яшаши учун ҳаводан нафас олади. Шу ҳаво қаердadir мусоф-

фо, покиза, яна каердадир олов-тутун билан қопланган. Яратганга беадад шукрки, Ўзбекистон осмони ғубордан холи, ниятимиз каби соф. Юртимизда ҳамма нарса эзгуликка, бунёдкорликка, кўпайишга йўналтирилган. Имонли, адолатли демократик жамият қураёпмиз. Шунинг ҳаммамиз бирдай ҳис этаяпмизми?!

Ҳадиси шарифларда “Нафасинг кирганда бир шукр қил, чикканда бир шукр қил”, деган ҳикмат бор. Биз беадад шукр қиламиз. Ойнаи жаҳонда Сурия, Ироқ каби мамлакатлардаги безовталикни кўриб, беғуноҳ мусулмонларнинг жони узилганидан воқиф бўлиб, бир тавба қиламиз, бир ўзимиздаги бебаҳо ҳаёт учун шукр қиламиз. Алҳазар, тинч, осойишта мамлакатларга бундай бало-қазо каердан келди? Миллионлаб одамлар кўчага чикса, томоқ йиртгудек бакириб, кимларгадир ўлим тиласа. Жаҳаннам дегани шу эмасми? Бундай пайтларда ҳар қандай тартиб, қонунқоида бир пул. Одамларнинг жони ҳалакда. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Меҳр-оқибат, инсонийлик оёқ остида қолади. Нима эмиш, шу тўполонни ташкил қилганларнинг нияти демократия, адолат эмиш. Юзини тескари қилсин бунақа адолатни. Бир кун жанжал чиккан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, деган ўзбек мақолини ўшалар эшитганмикин?! Ёдимизда, мустақиллик арафасида баъзи ўпқасини қўлтиқлаганлар митинг қиламиз деганда, Биринчи Президентимиз “Бунақа митингларнинг баҳоси битта чақалоқнинг жонига арзимайди”, деган доно сўзни айтгандилар. Ҳаёт бу ҳақиқатни рўй-рост кўрсатди. Қандай қилиб асрий орзуларга эришиш мумкинлигига халқимиз ўз ҳаёти мисолида ишонч ҳосил қилди.

Оллоҳ астойдил сўраганга беради, дейишади. Чин юракдан қилинган дуода ҳам гап кўп экан. Спортимиз юлдузи Миржалол Қосимов ёшлигида Шимолий Осетия командасида ўйнаган йиллари Аланиядаги жамоадошлари “Миржалол, отанга телефон қил, бугунги ўйинда ютишимизни сўраб дуо қилсин”, дейишаркан. Шунда Қўшок ака Тошкентда туриб, фарзанди ва унинг шериклари ҳақида дуо йўлларкан. Бундан қувват олган ўйинчилар ғалаба қозонгач, “Ўзбекнинг дуоси зўр-да” деб, миннатдор бўлишаркан.

Олимжон Ҳакимов деган ҳамқасб акамиз бор. Ёшлари саксонга қараб боряпти. Ижодкорлар, зиёлиларнинг тўйлари ҳам, маъракалари ҳам у кишига ўтмайди. Одамийликнинг, меҳмоннавозликнинг мактабини яратган, десак, лоф эмас. Шу инсоннинг дуосига ҳамма ишқибоз. Меҳмонлар ўтирганларидан сўнг кафтларини очиб, алоҳида эътиқод, ўзига хос кироат билан, “Илоҳим, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!” дея дуо қиладилар. Йўқ, бу навбатчи сўз эмас, шу бугунги фаровон, гўзал ҳаётимизга шукрона бу. Шу дуодан сўнг ўтирганларнинг юзлари ёришиб кетади, ўша жойга ажиб бир файз инади. Энди айтинг, мана шу ҳаётни сийму зарга алмаштириб бўладими?!

Яқинда Олимжон ака билан гурунглашиб қолдик. Тошкент шаҳридаги қурилишлар ҳақида сўз кетди. “Яхши, яхши” десалар керак, деб ўйлагандик. У одам эса фикрини бошқача ифодалади: “Мен Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тўйи нишонланганда, пойтахтни бундан гўзал қилиб бўлмас, неча асрларга татигулик ишлар бўлди, дегандим. Ҳали бу ёқда шунча ўзгаришлар бор экан. Навоий кўчасини, Кичик ҳалқа йўлидаги қурилишларни кўринг, қувончдан ҳайқираб юборасиз”. Бу гапни эшитганда, Олимжон ака шаҳарни қанчалик яхши кўришига яна бир бор ишондик. Бу гапни эшитганда, бизнинг халқимиздек тинчликни қадрлайдиган халқ йўқлигига яна бир бор амин бўлдим.

Юртимизда авлиёлар қадами етган зиёратгоҳлар кўп. Йилнинг ҳамма фаслида Хўжамушкент манзилгоҳи ташриф буюрувчиларни оҳанрабодек ўзига тортади. Бу жойга Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани маркази – Баландчақир кўргони орқали борилади. Хушманзара табиати билан ном қозонган Баландчақирда эл назарига тушган инсонлар яшашилади. Шундайлардан бири “Икки вилоят оқсоқоли”

деган таърифга сазовор Абдулла Турдикуловдир. Умрининг саксонинчи баҳорини нишонлаган бу табаррук инсон билан гаплашсангиз, халкнинг бутунги кайфиятини илғагандай бўласиз, кўнглингиздан губор арийди.

Оксоколнинг гурунги кўп саволларимизга жавоб топиб берди. Бу дунёда яшайдан мақсаду эзгу ишлар бесамар кетмаслиги хусусида марокли хикояларни тингладик.

– Кўшни республикалар аҳолиси билан оға-инидек ахил яшаб келдик, – сўз бошлади Абдулла ота. – Бир куни узок йиллар катта бир хўжаликка рахбар бўлган, элга таникли инсонлардан бири тўғри хонадонимизга меҳмон бўлиб келди. У одам нимадандир таъсирланган, кўришаётиб йиғлаб юборди. Аввалига соғинч кўзёшлари деб тушундим. Таассуротларини бир бошидан дастурхон килди.

– Ўзбекистонни айланиб чиқдим, – деди меҳмон. – Самарқанд, Бухоро, Хивани томоша килдим. Чет эллик сайёҳлар шу қадар кўпки, кўзларимга ишонмай колдим. Юртингизнинг ҳамма жойида бир ажойиб бинолар, кошоналар қурилибди – томоша килиб тўймадим. Мухташам лицей ва коллеж биноларини бошка давлатлар орзу килса арзийди. Илгари чекка кишлок саналган Баландчакир ҳам бутун таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Қачон шунча ишга улгурдиларингиз?

– Меҳмоннинг бу хайрати, хаваси ўз-ўзидан бўлган эмас, – дея гурунгни давом эттирди оксокол. – Баъзан ўзимиздаги ўзгаришлар, ичида юрганимиз учун, дафъатан сезилмаслиги мумкин. Ҳаётимизга четдан назар ташланганда холис баҳо айтилади.

– Баландчакирга оқаётган сув боғлаб қўйилганди. Нега дов-дарактлар сарғаймаган?

– Биз эллик километрлик масофадан қувур оркали сув олиб келдик, шунинг ўзи яшилликни таъминлаб турибди, – деб меҳмонга тушунтирибди Абдулла ота.

– Ўзбекистоннинг бунчалик илгарилаб кетаётганига сабаб нима? – сўради яна меҳмон.

Туман марказидаги ёзувни кўрсатдим: “Бу мукаддас Ватанда азиздир инсон”. Халкимиз ана шу мақсадни дилига туккан.

Меҳмон Ўзбекистондаги ўзгаришлардан таъсирлангани, шундай ҳаётни орзу килгани рост. Лекин биздаги ислохотлар қандай амалга оширилаётганини тўла англамаган бўлиши мумкин. Буни ҳисобга олиб амалга оширилаётган ишларнинг баъзи жиҳатларини гапириб бердим. Ҳозир Ўзбекистон кишлокларида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва ғамхўрлиги остида қурилаётган замонавий арзон уй-жойларга ҳамма хавас қилипти. Биргина Янгиобод туманида янгидан қурилаётган инфратузилмалар учун “Микрокредитбанк” ва “Қишлоққурилишбанк” ажратган имтиёзли кредитларнинг ҳажми миллиардлаб сўмда ифодаланади. Баъзилар кредит деганда банк идорасига бир неча бор катнаб ундириладиган сармойани тушуниши мумкин. Бизда эса кредитни истеъмолчи ҳузурига келтириб беришяпти. Шундай имконият яна каерда бор?! Бунчалик шароитдан минг бор рози бўлишимиз, ғамхўрлик учун шукрона айтишимиз керак.

Абдулла Турдикулов кўпни кўрган тажрибали инсон бўлганлиги учун ҳамиша ёшу қари ўртасида ислохотлар моҳияти ҳақида гапириб юради. Одамлар ўз кўнглидаги фикрларни у киши билан баҳам кўришади. Шундай жонкуяр, фидойи замондошларимиз туфайли халқимиз турмуши фаровонлик касб этаётган бўлса, не ажаб?

Профессор Абдуқодир Эргашев онгли ҳаётини юртимиз табиатини тадқиқ этишга, уни асрашга бағишлаган. У киши билан ҳар гал учрашганда қалбим қувончга тўлади. Сал кўришмасак бир-биримизни соғиниб қоламиз. Тунов куни яна дийдорлашдик. Абдуқодир ака мамлакатимизга Япониядан келган бир гуруҳ меҳмонлар билан уч-тўрт кун бирга бўлибди. Келинг, бу ҳақда у кишининг ўзидан эшитайлик.

Ўзбекистонга эзгу ният билан келган япониялик меҳмонларни, табиийки, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига олиб боришни режалаштирдик. Юртимиздаги тарихий обидалар, уларга бўлган эътиборни зўр ҳафсала билан томоша қилган

кунчиқар мамлакат вакиллари бутун сафар давомида Ўзбекистондаги ҳар бир манзарага айрича ҳайрат ва кизиқиш билан қарашиди.

Самарқанддан Бухоро томон йўлда давом этаётганимизда меҳмонлардан бири кўккиядан ҳайдовчининг елкасига қафт қўйиб, “Тўхтаг” ишорасини килди.

Машина тўхтагандан сўнг меҳмонлар пастга тушиб, уфқларга тутшиб кетган кенгликларга, кип-қизил лозазорларга ҳайрат билан қараб туришарди.

– Эҳ, койил, бу гўзаллик нақадар табиий, – деб хитоб килди ёши улуг меҳмон. – Шундай бепоён дашту далалари бор Ватаннинг эртаси хамиша ёруғ. Сизлар чинакам бахтиёрсизлар.

Ажабо, биз юртимиз табиатини бир умр ўрганиб юрган одам хориждан келган меҳмонлар эътибор қилган ушбу гўзаллигу, манзараларга бефарқ бўлган эканмиз.

Энг кизик гап хайрлашиш олдидан бўлди. Миллий таомлар тортилган дастурхонга икки дона вино қўйдик. Ушбу ичимлик идишига мазкур вино Ўзбекистонда тайёрлангани ва унинг номи “Ветка Сакури” (“Сакура бутоғи”) деб аталиши япон ёзуви услубида битилган эди. Ёрликдаги куёш нури ёритиб турган мукаддас Фудзияма тоғи ва Сакура гули тасвирлари меҳмонларнинг хайратини ошириб юборди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган вино япон шеърятининг ёрқин рамзи билан аталса-я!

– Илтимос, шу шишалардан бирини олиб кетишга рухсат беринг, – сўради гуруҳ раҳбари. – Ўзбекистонда Японияга шунчалик ҳурмат, эътибор қилинаётганини ҳамюртларимизга шу мисол воситасида гапирмоқчиман.

Кўзларида чин меҳр порлаб турган меҳмонлар уч кун ичида Ватанни севиш борасида бизга ҳам ибратли сабоқ берганларини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Яқинда бир газета саҳифаларида бир иқтибос ўқидим. Менга каттик таъсир қилган калом куйидагича: “Ҳадсиз имкониятлар ҳаммага ҳам рўбарў бўладию, бироқ кўплар унга дуч келганларини ҳатто билмай қоладилар. У. Ченнинг”. Бу гап неча асрлар илгари айтилган эса-да, худди бугун сиз ва бизга қаратилгандай. Ҳа, мутафаккирларнинг мушоҳадаси замон ва маконни тан олмас экан.

Инсон ўз ҳаёти давомида уч марта Ҳазрати Хизрга дуч келармиш, унинг бирортасини пайкаб қолиб, ўз тилагини айтса, албатта, бажо бўлармиш. Шарқда таркаган бу ривоятда ҳам аксарият бой берилган имкониятлар назарда тутилади. Хўш, биз ўз ҳаётимизда рўбарў келган ҳадсиз имкониятларни англаяпмизми, билиб-билмай Хизрнинг дастини қўйиб юбормаяпмизми?

Албатта, имконият деган тушунчани ҳар ким турлича талқин қилади. Айтайлик, поезднинг охириги рейсига сўнгги дақиқаларда илиниб қолган йўловчи ҳам муҳим имкониятни қўлга киритганидан мамнун бўлиши мумкин. Лекин кўзимизни каттарок очиб, истиклол шарофати боис қаршимизда қандай улкан имкониятлар эшиги очилганини ҳис эта билишимиз ижтимоий аҳамият касб этувчи ҳодисадир.

Дўппини бошдан олиб қўйиб ўйлайлик. Миллатимизнинг асрий тарихида бетакрор бўлган замонда яшашимиз. Яна неча асрлар ўтгандан кейин ҳам истиклолнинг илк даврида ҳаёт кечирган авлодни келажак насллар ёдга олади. Шунчалар тарихий фурсатларга дахлдор эканмиз, “Бу ёғи нима бўларкин?” деб кутиб туришимиз тўғри келадими?!

Сезиб турибман: баъзилар мустақилликка эришган бўлсак, яна нима қилиш керак, дея эътироз билдиришлари мумкин. Бу Ўзбекистон учун бекиёс имконият. Айни пайтда ислохотларни бутун қалбимиз билан қўллаб-қувватлаш, бу буюк ниятни англамаганларга англатиш, фақат нафсдан бошқа нарсани ўйламаган касларнинг турли фисқу фасодларига зарба бериш сиз ва бизнинг зиммамизда турган улкан имконият ҳамда бурч эмасми?!

Ўтган муддат Ўзбекистон танлаган йўлнинг нақадар ҳаётбахш эканлигини кўрсатди. Эндиликда ислохотлар муқаррарлиги, эртанги кунга ишонч туйғуси

канча кўп одамнинг тафаккуридан жой олса, амалий натижаларимиз кўлами шунча кенгайди. Бу йўлда энг хавфли тўсик локайдлик ва бокимандаликдир.

Баъзан якин кишимизнинг хонадониди тўй-маърака бўлиб қолса, тўрт-беш кунимизни ҳади қилиб юборамиз. Сабаби – ўзбекчилик, деймиз. Оқсокол ёзувчиларимиздан бирининг: “Агар халқимиз бошқа ишларда ҳам ошга боргандек уюшганида, анча илгарилаб кетардик”, деган гапида ҳақиқат бор эмасми?! Қаранг, биргина одамгарчилик деб шунча умримизни сарфлаймизу баъзан жамият ҳаётининг тақдирига дахлдор масалаларга вақт тополмаймиз.

Эҳтимол, шахсий ҳаётимизда бирон бир ўнғай вазиятни илғамай қолсак, бизни тушуниш мумкин. Лекин миллат олдидаги тарихий имкониятларни қўлдан бой берсак, буни келгуси авлодлар кечирिशармикан? Улкан мақсадларга фақат юксак ғоялар элтиши мумкин. Бу баландпарвоз гап эмас. Инсоният асрлар мобайнида кашф этган ҳулоса бу. Модомики, биз абадий муҳрланиб қоладиган даврда – юксалиш палласида яшаётган эканмиз, одимларимиз ҳам, ён-атрофга муносабатимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Айрим шахслар эмас, бутун халқ ўз олдига қўйган мақсадни англаб, олға интилса, буюк келажақ реал воқеликка айланади. Демак, бизни нузли келажақ сари ундаётган йўлчи юлдуз – миллий истиқлол ғоямизни қалбларимизга жойлаб, Юрт тинчлиги, Ватан таракқиёти, Халқ фаровонлиги йўлида яқдил бўлиш чексиз имкониятимиздир.

Ҳозир дунё давлатлари раҳбарлари қандай қилиб тинчлик-осойишталикни таъминлаш ҳақида жон қуйдиришяпти. Террорчиликка қарши анжуман ва саммитлар, маслаҳат ва форумлар ўтказилмоқда. Лекин тинч-осойишта турмуш фақат уларнинг сарф-харакати билан таъминланадими? Биз ўз Ватанимизни, кадрдон тўша, уйимиз деганмиз. Уйимизни эса, энг аввало, ўзимиз асрашимиз керак эмасми?! Тонгда туриб Яратгандан тинчлик-омонлик сўраймиз. Оллоҳ ҳам сендан ҳаракат, мендан баракат дейди. Демак, тинчлик ўз-ўзидан бўлмайди. Нотинчлик остонамизга келмаслиги учун ҳаракат қилишимиз, керак бўлса, курашишимиз лозим. Ахир, халқимиз нақлида ҳам сув келмасдан банд ташла, деб бежиз айтилмаган.

Юртимизнинг каерига бормаёлик, энг аввало, “Тошкент тинчми?” деб сўрашади. Жиззахлик меҳнат фахрийси Раҳмат Муҳаммадиев “Сизлар тинч бўлсаларинг – биз тинчмиз” деганида миллатимиз нақадар тинчликпарварлиги, фақат ва фақат бунёдкорлик меҳнатини дилига жойлагани кўз олдимизда намоён бўлади. Ахир, беш аср муқаддам Навоний бобомиз “Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас”лигини айтиб кетган-ку. Боболар дуосидаги “Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин” деган қалом юракнинг туб-тубидан чиқаётгани бор гап-ку.

“Тошкент тинчми?” Шу бир оғиз саволда қанча маъно мужассам. Тошкент – Ўзбекистоннинг юраги. Юрак соғлом уриб турса, бошқа аъзолар ҳаётбахшлиги таъминланади. Айни пайтда ўз Ватанидан гурурланиш туйғуси бор шу сўзда. “Ишқилиб, тинчлик бўлсин” деган ният ақс этади шу саволда. “Юртимиз тинчлиги учун биздан нима талаб қилинади?” деган шижоат минг-минглаб ватандошларимиз юз-кўзида ақс этади. Чунки бу халқ осойишта турмушдан барака топган. Унинг ана шу эзгу кадрияти, эндиликда зийраклик, огоҳлик, хабардорлик хислатлари билан бойишини ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда.

Фақат бир истиҳола бор. “Ҳамма масъул” деган тушунча “Ҳеч ким масъул эмас” деган маъно бермаслиги керак. Ҳар ким ўз уйи, маҳалласи тинчлиги учун кўз-қулоқ бўлса, ўзига эҳтиёт бўлса, пировардида, бутун Ватан осойишта бўлади. Тинчлик бор жойга қушлар талпинади, сармоясини сарфлаш учун олис эллардан тадбиркор-ишбилармонлар келади. Шундай элнинг боғларига барака қиради, гулзорлари кўзни қувонтиради. Ахир, бу ёруғ дунёда яшайдан мақсадимиз шу эмасми?! Демак, тинч ҳаёт қадрига етиш уни асраш билан таъминланади.



НАЗМ



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ўзбекистон халқ шоири. 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Илк муҳаббат”, “Оқ олмалар”, “Чаман”, “Сунъич тоғларим”, “Бобо кўёи”, “Иссиқ қор”, “Садоқат”, “Муқаддас аёл”, “Тумариснинг айтгани” каби шеърлий тўпламлари чоп этилган. Фазу Алиева, Сильва Капутсион, Ибройим Юсуфов ижодидан таржималар қилган.

Инон, бахт қушининг қаноти синмас

Йўлдадирман

Йигирма йил ўтди интизорликда.

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ.

Сиз кутасиз. Менам бораман.
Учиб бородурман худди ўк.
Фақат... олдин хат юбораман,
Ўша хатни ёзганимча йўк.

Кўнгили ичга тўкиб борини,
Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?
Айрилиқнинг алафзорини
Биргаллашиб ўрамиз, хўпми?

Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,
Кўзингизга малол инмасми?
Ўттиз йиллаб ғовлаган ўтни
Ўрар чоғи чалғи синмасми?

Қирк йил ўтди. Мен тез бораман,
Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
Фақат... олдин хат юбораман,
Хатни ҳали ёзолганим йўк.

Учиб бородурман худди ўк,
Бу ҳолатни қандай шарҳлайман?
Борган сари ўрмонзор қуюк,
Мен қуйиниб чалғи чарҳлайман.

Сиз кутасиз. Менам бораман.

Ўзбекнинг

Узун туллар ойларданам уёлган,
Аёллари толса, севилиб толган,
Қора кўзи бор эркакка ишк солган
Тоғлардаги жайронидир ўзбекнинг.

Ойбарчини бор Барчиндир, эртакмас,
Алпомишдан туғ олмаган эртакмас,
Дўст юкига олма тутиб, тоғи паст
Ҳамма олам ҳайронидир ўзбекнинг.

Уйларида ғижирлайди ҳамон синч,
Нодираси мозорида ётсин тинч,
Ҳар боласи то сўнги дам юкинги,
У бир Каъба – сайронидир ўзбекнинг.

Билмам, Оллох, гул берганми, хас берган,
Не бўлса ҳам дилин сархуш, маст берган,
Нодирага каниз бўлиб сас берган
Ҳалимаси, бийронидир ўзбекнинг.

Топмадим

Токка кетди, чўлга кетди карвоним, аммо,
Гўдаклигим ўтган дала-тузни топмадим.

Сурув-сурув бўлиб ўтди даҳшатлар, бахтлар,
Кўй суруви ортидаги изни топмадим.

Кейин хушрўй бўлгандирман ва лекин ўша
Оқи-оқ, кизили-кизил юзни топмадим.

Атрофда ёр, жўраларим гужгон бўлдию
Мен деб юкни олар белни, тизни топмадим.

Онажоним, излаб ёшим бир жойга етти,
Аммо, сиздан келадиган исни топмадим.

Томоқ қириши

Ота келганини доим кишу ёз
Томоқ қиришидан билар эдилар.
Болаю катталар чикарди пешвоз,
Барсдай юришидан билар эдилар.

Энди у барс йўқдир, тортмасдан сергак
Бемалол ўтирар, уйда аёл – ой.
Эркак шундай бўлса, келганда эркак
Аёл типирчилаб топмай қолар жой.





Бу аёл олдинам бемалол эди,
Уддалай олмади эрга шамликни.
Қабул килолмади эркакнинг диди
Аёлдаги бу тур хотиржамликни.

Аёл энди хушёр, кулоғи овда
Йиғлаб эслар эрин хар бир киришин.
Энди тушларини килар безовта,
Шовкин. Ва эркакнинг томок кириши.

Муҳаббат

Қўнгил кўлин боғлаб одам аҳлини
Банду баланд килади тагин муҳаббат.
Бир кун йўлдан уриб соғлом ақлини
Дардман киладия тагин муҳаббат.

Чирокка уринган парвонасимон,
У келса, қизғанмай дилимни тутай.
Мен ўзим шу дарднинг хосиласиман,
Майлига, шу дардда дунёдан ўтай.

Аждодим ҳаёт деб, ишк деб, очган сўз,
Авлодим ҳам ундан ўйларга чўмсин.
Шу дард оқибати мен очганман кўз,
Сўнг дам тагин шу дард кўзимни юмсин.

Ўзи ёнди

Ўзи ёнди. Сарғайди кузи.
Интик-интик кутди. Келмадинг.
Сенга гулоб тайёрлаб ўзи
Талх зардоблар ютди. Келмадинг.

Мунғайиб, ранглари ўчди тоғ,
Заҳарми, бир нима ичди тоғ?
Кетдимми деб, хатимда хато –
Ўзганларин титди. Келмадинг.

Сенга тўнлар тикди, қўшқавик
Қутиш юрагига санчгач тиг,
Қайчи олиб аччиқма-аччиқ
Қиркиб, кийиб, сўтди. Келмадинг.

Кутди.
Кутди.
Бир сўз демади.
Сўнг дард чалди. Кетди омади.
Аста-аста чўкди кемадай,
Кейин бемор ётди. Келмадинг.



Умр бўйи чарх урди.
 Излади.
 Шамолларда колди бўзлари.
 Кетди.
 Очик кетди кўзлари.
 Келма. Энди ўтди. Келмагин.
 Ёзи ёнди. Сарғайди кузи...

Қайта бошлаш

Кўриб қолсанг якин келиб қолган ўлимни,
 Иккиланмай қайта бошдан бошла йўлингни.

Тажриба бор, йўлнинг ўнқир-чўнқирларини
 Энди яхши биласан, сен, таниш барча куй.
 Орта ташла ҳаётингнинг кир-чирларини,
 Кийилмаган қуш тумшукли туфилларинг кий.

Қайта бошлаш истаклари: куйдир, булоқдир,
 Қаттиқ иста. Муғаннийсан. Куйиб чаласан.
 Елкангдаги босиб турган тошни улоқтир,
 Енгил учгин, баланд учгин, учаоласан.

Парво қилма гоҳ бемадор титраса тиззанг,
 Қаддинг кўтар, кўтар яна йўлларнинг чангин.
 Ювгин, кетсин вужудингни қоплаётган занг,
 Қарабсанки, янгисан, сен. Яна яп-янги.

Ҳаёт йўлин қайта бошлаш мумкиндай, нақддай,
 Гар шу истак ич-ичингда ўсса дарахтдай.

Мажнунтол

Мажнунтол, эй эгиб шох
 Сен кимларга сир айтдинг?
 Баридан бўлдим огоҳ,
 Ўн айтдингми, бир айтдинг?

Сирингни сувга солма,
 Баргингдан ғам арисин.
 Бир сирингни ололмай
 Ёш дунёлар карисин.

Сен ҳам кўзинг ёшини
 Ҳеч ким кўрмас бир найсан.
 Фақат ишқинг яшириб
 Мендек йиғлаёлмайсан.



Дашти биёбонман

Дашти биёбонман.
Хўлламади хут,
Минг йилки, чилчилман бўлмагандай бут,
Мени унутганинг тамоман унут,
Сен томон сузгучи кайик бўлдим, мен!

Қадди шамшод эдим, тўлган ойлардай,
Менга туюлар ишқ, йўлим бойлардай,
Лек, сен ёмон отдинг таранг ёйлардай,
Ҳажринг ўқларидан майиб бўлдим, мен!

Воҳ, ишқинг тақдири зумда ҳаллигин
Мен қайдан билибман тили боллигин,
Қанчалар хуш эди камбағаллигим,
Ғам билан бойитдинг, бойиб бўлдим, мен!

Кул бўлиб, кул бўлиб аросат аро
Томчи ишқ сўровдим мен мотамсаро,
Румиймассен.
Мен деб киймассен каро,
Кўксингдаги шамсдай ғойиб бўлдим, мен!

Дашти биёбонман.
Хўлламади хуш...

Юрак билан олишув

Кардиолог Анисхон Алавийга

Бу дунёда нима ўзи
Келмак, кетмак муроиди,
Она арслон, арслон ўғил
Қолдириб кетмиш бизга.
Она арслон кечагидай кўз ўнгимда туради,
Бу майдонга кирганмиз биз, ул устоз босган издан.
Шундай она рухи кўллаб, сизга ўзи келган шон,
Музайяна онамизнинг арслон ўғли – Анисхон!

Оналари хушбўй чечак, савту сунбул эдилар,
Адабиёт боғларинда чин дил, чин гул эдилар,
Шоҳ олдида шоҳонаю кулларга кул эдилар,
Бошдан-оёқ кўнгул эди, факат кўнгул эдилар,
Музайяна онамизнинг арслон ўғли – Анисхон!

Кулок тутсақ биров ақл, биров фириб бергайдир,
Биров бузар, жонин тикиб, биров куриб бергайдир,
Биров чаплар, биров чапни ўнгга буриб бергайдир,
Юрак билан олишувга арслон туриб бергайдир,
Музайяна онамизнинг арслон ўғли – Анисхон!

Одамлар бор, юракларни тинчитмасдан тинчимас,
 Ойдай учиб юрганларга тузоқ ташлар, қилиб қасд,
 Отдай юрак суринади, отдай юрак кетар дарз,
 Шунда... Унинг қўлларида юракда юради қон,
 Музайяна онамизнинг арслон ўғли – Анисхон!

Минг шукрим, ўзбегимдан сиздай ўғлон чиккандир,
 Не дилларга тиб илмининг уруғларин эккандир,
 Биз билмаймиз, тиб илми – қандай синоат, қандай сир,
 Билганимиз – Ибн Сино қўли сизга теккандир,
 Шундай она руҳи қўллаб, сизга ўзи келган шон,
 Музайяна онамизнинг арслон ўғли – Анисхон!

Садоқат

Отани махзун ғам, хасталик ютди,
 Фарзанд юксак-юксак авж учар фасли.
 Учмай, ташвишларга кўмилиб ўтди,
 Бу отага юксак садоқат асли.

Майли, ишқ ҳақида чекмаса ҳам ох,
 Балки бу ҳам сўзсиз ишқ тоқатидир.
 Аммо ўзин унга санарми паноҳ –
 Бу эрнинг аёлга садоқатидир.

Юраги ҳақида очиб юрманг фол,
 Буни текширмасдан хис этган маъқул.
 Силаб, қўйлагига урдими дазмол,
 Аёлнинг эркакка садоқати шул.

Бошга кўтарингиз тортмасдан ҳадик,
 Чидаб танбехларин кўпу озига.
 Келин боқолмасми кўзларига тик,
 Садоқати шулдир қайнонасига.

Шундай садоқатга ўлчов борми, бас,
 Инсонни ҳам инсон қилган шу хис, куч.
 Инон, бахт кушининг қаноти синмас,
 Шу хил белгиларга келиб турсак дуч.



Зулфия ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ

1966 йилда тугилган. Жиззах педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Турмуш”, “Ўвзулик фаришта-си”, “Ўлим ҳеч нарса эмас”, “Қадимий қўшиқ” ҳикоялар тўпламлари ҳамда “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдоби” романлари муаллифи.

ЎМФИРЛИ ЙЎЛКА

Бозорда ортик ўтиргиси келмади.

Ерга тўшалган шолча устига ёйилган нарсаларини йиғиштирди-да, сумкаси-ни елкасига ортмоқлаганча уйига пиёда йўл олди.

Минг кўзли бозор ортда колди. Қаплайган коринлар, чақчайган нигоҳлар шовқини ва чириган пиёзларнинг хиди ҳам.

Уфқдан кўтарилган булут шаҳар осмонини қоплай бошлади.

Хаводан ёмғир хиди анкиди.

Кеч тушиб колган, кўнгли ғаш, оёқлари ўзига бўйсунмаётган эди, бирорта уловга чикса бўларди, бугун хар қалай ҳамёнида пул бор, лекин у йўл юришни истади.

Йўл катта ва икки томонлама эди, турфа хил автоуловлар – “йирткич қушлар” ваҳшийларча чинкириб у ёқдан-бу ёққа ғизилларди.

Аёл йўлкага ўтди.

Йўлка ингичка, узун, елкасидаги сумкаси эса оғир эди.

Аёл катта йўлдан ўтаётган уловларга умид билан тикилди. Улар орасида ўзига таниш уловни кўришни истади. “У”нинг машинаси кўм-кўк, йўк, бақлажон рангида эди, деб ўйлади, аммо барча бераҳм қушлар аёлнинг интизорлигига парво қилмай, шиддат билан олға интиларди.

Интизорлик кўнгил ғашлигига ғашлик қўшди, аёлнинг қайғуси қуюқлашди. Ҳеч нарса ни ўйламасликка уринди. Аммо елкасидан тушишни истамаётган сумка унга дам-бадам бозорни, бугунги кўнгилсизликни эсга соларди.

Бугун... ростини айтса, бозорда яп-янги дошқозонини ўғирлатиб қўйди.

Бу қандай юз берди? Ҳатто сезмай колди.

Билганидан кейин юраги шувиллаб кетди. Ўзини бўшангликда айблади. Ахир дошқозон жимитдай нарса эмас-ку бебилиска қўлтикка қисиб кетаверадиган.

“Сиз боя савдолашиб турганингизда ўзимизникилар уриб кетди-ёв дошқозонингизни”, деди ёнидаги дугонаси.

“Кўрган бўлсангиз аста туртиб қўймабсиз-да”, деди хафа бўлиб. Дугона шугина гапга ҳам тутаб кетди: “Вой, мен атай кипманми?! Кўриб туриб, айтмадингиз, деяпсизми?! Менам савдолашаётгандим ахир!”

Индамади. Можарони давом эттиришдан фойда йўк.

Бу ер бозор. Эски-тускилар сотилса-да, барибир бозор. Бозорда эса... нарса тирик жон макомига кўтарилди. Аксинча бўлганида, битта дошқозон учун шунчалик куйинармиди?..

Аслида ўғирлик биринчи марта юз бераётгани йўқ. Авваллари ҳам тез-тез бирор нарсасини ўғирлатиб кўярди. Лекин улар майда-чуйда нарсалар эди. Дошқозон эса... хали яп-янги эди-да. Жа нари борса икки марта ишлатилгандир. Уни қаровсиз қолган кўшни кампирдан арзон-гаровга сотиб олиб, анчадан буён асраб келаётганди-да дурустрок пуллаيمان деб.

Дугонаси: “Шоди паттачига айтсак, дошқозонингизни топиб беради, у ким олганини жуда яхши билади!” деди бир маҳал.

Жавоб бермади. Шунда дугонаси: “Дошқозонингизни топишни истайсизми ўзи? Ёки икки кўлингизни бурнингизга тикиб кетаверасизми?!” деди ачитиб. Йўғлагиси келди. Лекин йиғламади.

“Топишни истайман, ахир уни тузукрок пулга сотмоқчийдим. Лекин яна Шоди паттачига рўпара бўлишга юзим чидамаяпти”, деди.

Дугонаси пинак бузмай жавоб берди: “Бу ер бозор. Бозорда ҳамма нарса юз бериши мумкин!”

Дугонаси ҳақ эканлигига анча кеч иқроп бўлди, чиндан ҳам бу ер бозор эди.

Лекин бозор экан деб ҳар қандай юзсизликка бориш... ёки бориб... бўладими? Ахир дунёда нималар юз бермоқда?

Шунга қарамай, тушдан кейин Шоди паттачига учрашди. У арзини жим туриб эшитди. Кейин...

“Қачон қарасам, нарсаларингизни ўғирлатиб, кўзёшингизни селдай оқишиб юрасиз! Ундан кўра эрга тегинг. Рўзғор ташвишидан кутуласиз-қўясиз! Эрли хотинмисиз ўзи, ё... Одам... сизга бир нима дейишгайм иккиланади!”

Шоди паттачи ўзи ғалати одам.

Гоҳида патта пулини вақтида тўлай олишмаса, тепаларида турволиб шунақа сайрайдики, гапларидан илон пўст ташлайди: “Сенлар жуда ақли бўлиб кетгансанлар. Шоди паттачини нима деб алдашни яхши билиб олгансанлар. Агар хотиним сенларга ўхшаганида, аллақачон кетига бир тепиб, хайдаворган бўлардим!” Аммо сотувчи аёллар барибир патта пулини вақтида тўлашмайди.

Бозорда шунақа ирим бор. Сотувчилар савдолари юришиб, ҳамёнлари қаппаймагунча бировга бир сўм беришмайди! Барака учади, деб ўйлашади. “Эрта кечкурун ҳам тўламангиз, бу ердан қорангизни ўчираман!” деб дўк ура-ура Шоди паттачи нари кетади охири. Эртасига албатта патта пулини ундиради. Ундирмаса қўймайди ҳам. Уйига қидириб бориб бўлсаям олади пулини! Чунки бозорчиларнинг даярли ҳаммасини яхши танийди, уй манзилигача билади. Лекин керак вақтида яхшилик қилиб ҳам қўяди, яъни дугонаси айтганидай: “...у ким олганини жуда яхши билади!”

Бирок бугун ҳаддидан ошиб кетди!..

Аёлнинг асаблари қалқиди.

Шу вақтгача туриш-турмуши хақида бозордаги энг яқин дугоналарига ҳам гапирмасди, ўзини эрлик аёлдай кўрсатарди, аммо одамлар барибир билишарканда... Аёл ўзини ёзғирди: қанчалик эҳтиёткор бўлмасин, аллақандай паттачидан шармсиз гапларни эшитгани учун... сумкаси билан унинг башарасига туширмагани учун...

Оғир юк залворидан елкаси букчайган аёл юришдан тўхтади. Автоуловлар қарвонига тикилди.

Тўрт ой олдин худди шу ерда...

Ўша куни савдо бўлмаганидан йўлкирага пул тополмаган аёл ерга караганча гира-ширада пойи пиёда уйига қайтаётган эди.

Аввал йўлга узун бир нур устунни тушди, кейин кескин берилган тормоз. Йўловчи машинадир-да, деган хаёлда эътибор бермади.

Нур устунга ғойиб бўлди, баланд бўйли, келишган эркак йўлини тўсди.

У. Жувоннинг эри.

– Бозорга чиқиб нима килардингиз? – деди у жувонга яқин келиб. – Шунчалик кийналиб қолган экансиз, кўнғирок килмайсизми?!

Индамади. Назарида эри унинг сабр-тоқатини синаб кўраётгандай...

– Ўзингизни арзонга сотиб қўйибсиз!

Бу гап аёлни жон-жонидан ўтиб кетди, аммо яна сир бермасдан вазмин оҳангда:

– Ёрдამга мухтож эмасман, – деди.

Аёлни бу ҳолати – қаҳратон совукда муз устида ялангоёк турганча “Совқотмаяпман, шунчаки калтираяпман”, деяётган кишининг аҳволини эслатарди.

– Эҳ! – эри жаҳл билан четга қаради.

Эри азалдан бозорчи аёлларни ёқтирмасди, улардан нафратланарди. “Кучсиз, келажакдан умиди йўқ аёлгина ўзини бозорга уради,” дерди. “Ёлғончи товламачилар!” дерди яна.

Эҳтимол у ҳақдир. Бозорда тирикчилик ўтказаятган момоҳавво кизларининг ёлғон гапиришлари рост гап. Кўпинча арзимайдиган нарсаларни ҳам мактаб-мактаб, дурустгина пуллаб юборишади. Аммо ҳақиқат мубҳам бўлса, одамзод аллақачон жаннатдан қувилган бўлса, у нима ҳам дея оларди?! Қолаверса, жувоннинг наздида... аёл, умуман, одам алоҳида, шахс ҳолида нафратга лойиқдир, – лекин бозорда битта у эмас, сон мингта аёл-эркак ўралашиб юрибди, – шундай экан, шунча одамдан нафратланиб бўладими?!

– Кечкурун пул юбораман, – деди эри.

– Менга пул керакмас, – деди-ю, жим бўлиб қолди.

Аёл эридан қачон орани очик киламиз деб сўрамоқчи эди. Аммо сўрай олмади, журъати етмади, Худо кўрсатмасин, у: “Майли, розиман, қачон ажрашамиз десанг, мен тайёрман!” деб юборишидан кўрқди.

Эри унга каттик тикилиб турди-да, сўнг машинага ўтириб жўнаб кетди.

Шу куни аёл ярим тунгача эридан пул кутди. Тўғриси, эри юборган пулни олмасди, қайтариб юборарди, у шунчаки... эри уни учратганини, нимадир ваъда қилганини эслайдими-йўқми, шуни билмоқчийди, холос. Аммо пул ўша куни ҳам, эртасига ҳам келмади. Пулнинг оёғи синиб қолган шекилли. Ёки кимдир уриб синдирган!

Аёл хўрсинди. Оғир сумка яна ўз жойини эгаллади.

Аёл йўлида давом этди.

Эри бадавлат онладан, тарбияли, оғир-босиқ йиғит эди. У эса бўлажак бастакор. Икки ойлик танишувдан сўнг тўйлари бўлди. Ҳаммаси бунчалик тез рўй берганига хайрон эди. Кейин билса... банкир ота шарт қўйган экан: “Агар бу йил ҳам уйланмасанг, келинни ўзим топаман!” Эри банкир отасини яхши кўрар, у киши чизган чизикдан чиқмасди. Тўйдан кейин билди, эри шу қадар тўнг, димоғдор эдики, ҳеч қандай туйғу унинг юрагини жунбишга келтира олмайдигандек. Мияси фақат банкдаги рақамлар билан тўла бўлса керак, деб ўйларди янги келинчак.

Аёл зоти учун онла қуриш бахт бўлса, очиги, бундай бахтга унинг кўникиши

осон кечмади. Гўё хашаматли хонадонга адашиб учиб кириб қолган капалакдай хис қиларди ўзини.

Афтидан, эри уни ношукр деб ўйласа керак, кейинги вақтларда бир гапни тез-тез такрорлайдиган бўлиб қолганди: “Сиз менинг рафикамсиз, лекин ўзингизнинг мусикачи эканлигингизни ҳам унутманг. Ҳадеб бекорчи нарса-лар ҳақида ўйлайвермасдан, ижод қилинг. Ана пианино, ана қоғоз-қалам! Бўш вақтингизни беҳуда ўтказманг. Одамлар бундай шарт-шароит учун виждонини сотишга тайёр-ку, сиз бўлсангиз!”

Ҳа, у қанчалар олижаноб... ва совуққон.

Аёл бўлса бундай совуққон олижанобликни хазм қила олмасди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам тўқис оилада яшаётганига қарамасдан, мусиқага бўлган муҳаббати аста-секин сўниб борарди.

Қунларнинг бирида ўзи тасаввур қилган даражада бахтсиз эмаслигини хис қилди. Ҳомиладор эди.

Бироқ қувончи узокка чўзилмади.

Ўғли, ягона қувончи ногирон эди!

Нахотки болам дунёни хис қилмасдан ўтиб кетади, дея ўйлаш... Ўғлининг маъносиз кўзларига, ногирон, хаста вужудига қараш... оғир эди. Жуда оғир... оғир... оғир... эди! Унга кўзи тушган заҳоти вужудига сон-саноксиз ниналар санчиливерарди...

Кейин кетма-кет икки қизча туғилди. Улар жисман соғлом эди, аммо яхши гапиролмасдилар.

Аёл энди қалбига кўз ташламай қўйганди. Мусикани буткул унутди.

Бироқ жондан азиз кўрган фарзандлари туфайли ҳаётида кескин ўзгариш, хавфли бурилиш содир бўлиши етти ухлаб тушига ҳам қирмаганди.

Тарбиячи қиз...

“Қизларимизни уйда ўқитиш учун махсус ўқитувчи ёллаيمان, – деди эри ногирон ўғлини болалар уйига топширганларидан кейин. – Тили чучук болаларни ўқитадиган ўқитувчи билан гаплашдим”.

Эрининг бу эътиборидан боши кўкка етди.

Кўп ўтмай уйига у кириб келди: ёш ва ниҳоятда гўзал.

Бақамти келганларида аёл беихтиёр ўзини четга тортди...

Кейинчалик ҳам тарбиячи қиз билан ёнма-ён турмасликка ҳаракат қиладиган бўлди...

Тарбиячи нафақат уйига, балки ҳаётига кириб келганини дастлабки вақтлар фаҳхламади. Уни самимий, ювош, маъсума қиз деб ўйларди, яъни ўзига ўхшаб, илм истаб шаҳарга келганлардан! Ҳурмат қиларди. Ҳозир ҳам унинг меҳнатини инкор қилмоқчи эмас. Ахир ўша тарбиячи қиз туфайли қизларининг толе юлдузи ярқирашига унда ишонч пайдо бўлди. Қизлари равон гапира бошлади.

Шу боисдан ҳам унга ихлоси баланд эди. Унга ишонарди. Эрига кўз сузаётганини бошқа бировлардан эшитганида бу гапга ишонмаган бўларди. Афсуски, бу нарса кўз олдига содир бўлди. Бунга ҳеч қандай миш-миш, бўҳтон аралашгани йўқ.

Эрининг ўзини вазмин туттишга беҳуда уринишлари...

Унга нигоҳи тушганда кўзларининг чакнаб кетиши...

Тарбиячи қизнинг ўзини йўқотиб қўйишлари... титраб-қалтираб туришлари...

Бу нарса унчалик хавфли эмасдай, бир ҳамла билан ҳал қилинадиган муаммодай туюлганди бошида. Тўғри-да, бирор сабаб билан тарбиячинини уйдан ҳайдаб солади, тамом-вассалом! Лекин ҳозирча шошилмаслик керак.

Ўйчининг ўйи битгунча... хиёнат юз берди.

Бу ҳақда ҳеч ким уни огоҳлантиргани йўқ. Уларнинг кўркувлари, унсиз икромлари бу нарсани фош қилиб қўйди. Ҳаётида юз берган бундай фавқулудда ўзгариш хонумонига ўт қўйди, бутун вужудини жунбишга келтирди. Ахир бу номардлик, ноинсофлик эди!

Эри унинг кўз ўнгига маъшуқаси билан кўз уриштириб ўтирса... Маъшуқасининг ҳар бир қадамини кузатса... Вужуди хотинининг ёнида бўлса-ю руҳи аллақандай бир кизнинг ортидан эргашиб юрса...

Танлаш имкони туғилганда эри ўша тарбиячи кизни танлади, эмишки, у енгилтаклик қилиб покиза бир кизнинг келажagini барбод қилганмиш, жавобгармиш... Агар киз ёмонликка олса борми! Уни (яъни эрини, унинг эрини!) бу жамиятда ҳеч ким аямайди!

Қиз эса "...ёмонликка" олиш бу ёқда турсин, ҳатто ноз қилиб ўтирмади, тарбиячилик рутбасини бойликка алмаштирди-қўйди!

"Одамлар бундай шарт-шароит учун виждонларини сотишга тайёр-ку, сиз бўлсангиз!.."

Кейинроқ фахмлашича, банкир ота ҳам "фатво" берганмиш: "Бизга тўрт мучаси бут меросхўр керак!"

Эри вақтинча алоҳида яшаб туриш ҳақида гап очганида индамай рози бўлди, ҳеч нарсани ҳеч нимага алиштирмади. Ҳатто савдолашмади. Бутунлай орани очиқ қилиб, иккала кизини етаклаб, ота уйига қайтиб борганда нима, у ерда қандай хузур-халоват кутиб турибди?!

Ахир айтишади-ку: ўзгартира олмайдиган нарсанга ўзингни ерга урмай бардош бер, деб.

Эри икки хоналик уй олиб берди. Алоҳида яшай бошлашди. Аммо эри негадир конуний ажрашиш ҳақида гап очмади. Нима учун?

Хуллас, етим ковурагадай сўппайиб қолаверди.

Энг кизиги, алоҳида яшай бошлаганларидан кейин аёл бир чимдимгина бўлса-да, оилавий халоватнинг кадрини билди, ўз ҳаётини ўша димоғдор ва худбин одамдан айро тасаввур қила олмаслигини тушуна бошлади. "Эрим менга хиёнат қилди, уни асло кечириб бўлмайди!" дерди-ю, зум ўтмай тарбиячи кизни юмма талаб, уйдан хайдаб чиқармагани ва эри вақтинча алоҳида яшаб туриш ҳақида гап очганида рози бўлгани учун афсусланарди негадир...

"Уларнинг севгиси худди ёқимли мусика мисол гўзал бўлгани учунгина яшайпти. Аммо ҳар қандай ёқимли мусика ҳам барибир ниҳоясига етади, афсуски, эрим буни ҳозир англамаяпти", дерди тундан, ёлғизликдан, девордаги соялардан кўриб, юраги ёрилгудай титраганида... рашк оловидан жизғинак бўлганида...

Эри жуда ўзгариб кетганди.

Мухаббатнинг қудратини қаранг, иродаси пўлатдек мустаҳкам, ишбилармон одамни не қўйларга солиб қўйди?

Аммо аёл буни ҳам тан олгиси келмасди.

"Мухаббат?!

Қанақа мухаббат? Йўқ, буни мухаббат деб бўлмайди, бу шунчаки севги. Пианино клавишларига беҳосдан бармоғинг тегиб кетганида жаранглайдиган қиска бир оханг..."

Бироқ ўша "...қиска оханг" эрининг шу қадар эс-хушини олиб қўйгандики, кўзига ҳеч нарса кўринмасди, болаларини унутганди, ҳатто ишни ҳам унутиб, тарбиячи билан ҳали тоққа, ҳали денгиз бўйига сайёҳатга кетармиш...

Сир бермасликка қанчалик уринмасин, аёл ўзини ёлғиз ва бахтсиз ҳис қиларди. Юраги қуярди...

Лекин... кун кўриш керак. Тирикчилик ўтказиши, болаларини бокиши лозим. Эри икки хоналик уй олиб бердию, бутун масъулиятдан қутулгандай жим бўлиб кетди. Нима қилиши керак? Ўйлаб-ўйлаб мактабга ишга кирди. Мусикадан дарс бера бошлади. Афсуски, маоши рўзгорга юк ҳам бўлмасди. Ўлсин, мактабда мусика дарсларига кам соат ажратиларкан-да!

Охири бўлмади, ўзини бозорга урди.

Эри нафратланганича бор, бозор унчалик яхши жой эмас, алғов-далғов замоннинг узлуксиз жанги давом этаётган бесурур ҳаёт маскани; сокинлик, шоду хуррамлик ҳукм сураётган олам эса унинг теграсида айланади; бироқ ҳар қалай, бу ерда жон сакласа бўлади.

Мухими – ўзни йўқотмаслик.

Гоҳида бозорда харидор кутиб ўтириб... ўзининг қаерда эканлигини унутиб қўяди. Аллақандай сирли-сехрли оҳанг одамларнинг туссиз башаралари ва шовқин-сурон орасидан сирғалиб ўтиб, аста-секин қалбига оқиб қираётгандай бўлаверади. Шунда ўзини аллақандай сирли оролчага тушиб қолгандай хис қилади, бармоқлари шолча устидаги эски-тускиларни эмас, пианинонинг оппоқ клавишларини силаётгандай, руҳи олис-олисларга парвоз қилаётгандай бўлаверади.

Худди шу вақт қаршисида қаҳратон киш ёки инжик кузнинг ҳароратсиз кунларидан титраб-қалтираган бир банда пайдо бўлади ва:

– Манави... тоғорачангиз неч пул? – деб сўрайди.

Шунда уни ром этган сохир туйғулар бир зумда аллақайёққа йўқолади ва у энди мусиқачи эмас, балки шунчаки олибсотар қаби харидор билан савдолаша бошлайди ва бу ерда ҳам ўзини ортикча хис қилади...

Дарвоқе, бундан икки ой илгари, яъни улар бозор йўлида тасодифан учрашганларидан кейин, эри кизларини йўқлаб боғчага борибди. Ширинликлар билан уларни сийлабди. Яна кўпдан-кўп совғалар берибди. Кейинги гал паркка олиб бораман, деб ваъда берибди.

Шу куни кечаси билан иккала қизи ҳам иситмалаб чиқди. Сезиб турибди, кизлари ичкияпти, отасини соғиняпти, кийналяпти.

Аёл шу окшом тарбиячи кизни юмма талаб, уйдан хайдаб чиқармагани учун яна афсусланди. Кейин барбод бўлган дунё вайроналари устида улғувор кошона бунёд этишни орзу қилди... Ахир эри билан бутунлай орани очиқ қилишмаган-ку!

Эртаси куни кизларини боғчага юбормади. Боғча опанинг ўзи қўнғирок қилиб, ҳол сўраркан, гап орасида кеча эрининг юзи ташвишли кўринганини кистириб ўтди...

Аёл аёл-да, бирдан хушёр тортди. Миллионлар эгаси бўлган одамни нима ташвишга солган бўлиши мумкин? Нега бирдан болаларини эслаб қолди? Ишлари юришмай қолдимикин? Ё анави тарбиячи билан ораларидан ола мушук ўтдимикин? Балки унинг ҳақиқий киёфасини кўриб қолгандир? (Одамлар яқинлашгани сайин бир-бирдан нафратлана бошлайдилар.) Айтганча, нега шу вақтгача бола кўришмаяпти?

Ким билсин, балки унинг ахволи боғча опа айтганидай эмасдир? Шунчаки кизларини кўргани келгандир?! Лекин нега ҳалигача унинг жавобини бермайди? Балки эри айёрлик қилаётгандир? Буям хотиржам яшашнинг бир усулидир?!

Эҳ!

Жаҳли чиқиб кетди.

Гоҳида эрини тушунишга ҳаракат қилади, аммо барибир бунинг уддасидан чиқолмайди. Йўк, уни кечириб бўлмайди! Йўк. Йўк. Йўк.

— Таваб, гўё эри ундан кечирим сўрапти-ю... Аммо... Башарти у кечирим сўраб колса-чи?! Шунинг учун ҳам юзма-юз гаплашишга журъат қилолмай, боғчага, болаларининг олдига боргандир?

— “Биз худди совук қотган типратиконларга ўхшаймиз, бир-биримизга яқинлашишга тиконларимиз халакит беради...”

Аёл маънос жилмайди. Ўзини совук қотган типратикон киефасида тасаввур қилиб. Кейин яна орзуга берилиб, бир кўприк қуришни истади, ўзи билан эрини ажратиб турган жарликни бирлаштириш умидида.

Шу умидда икки ойдан буён елкасига оғир сумкасини ортмоқлаганча бозордан чиқиб, уйига пойи пиёда йўл олади. Шу умидда икки ойдан буён юришдан бирдам тўхтаб, йўлга тикилади. Мана ҳозир, аввал нур устунни пайдо бўлади, кейин қаршисида баланд бўйли, келишган эркак пайдо бўлади-ю...

Йўлдан машиналар қарвони тинимсиз ўтиб борар, лекин уларнинг ҳеч бири елкасига оғир сумкани ортмоқлаганча йўлкада турган аёлни кўрмасди, унинг юрагининг туб-тубида, ўй-хаёлларининг аллақайси кўчаларида сарсон кезиб юрган андишалар фарёдини эшитмасди.

Кўкни буткул қоплаган булут шовқин солмасдан, оҳиста кўзёшларини тўқа бошлади...

БОЙВУЧЧА

Кувш ўлди.

Уни консираган шафак еб қўйди.

Шамол турди. Шамол куёшнинг нимпушти қони сачраган уфқнинг чекка-чеккасида дайдиб юрган булутларни ҳайдай бошлади.

Аммо... зум ўтмай осмонни қоп-қора булут қоплади.

Ховлига туман ва қоронғилик бостириб кирди.

Аёл зим-зиё дераза олдида турарди.

Хонага аёлнинг тутинган синглиси Рукия кирди. Қўлида патнис.

Бир қўли билан чирок тугмасини босди.

Сукунат парчаланди.

— Опа...

Аёл миқ этмади. Ҳатто ўгирилиб қараб қўймади.

Рукия патнисни кўтарганча остонада туриб қолди.

Аёл ташқаридан кўз узмасди.

Бир маҳал унинг миғжаларидан ёш томчилай бошлади.

— Опа... — Рукия на нонушта олиб келдим дея олар, на кечлик... Бу уйда анчадан буён кун билан туннинг ўрни алмашиб қолганди. — Сутчойингиз совиб қол...

Рукия гапини тугата олмади. Аёл кескин бурилиб ўшқириб берди:

— Йўқол, Рукия! Кўзимга кўринма!

Қичқиргани камлик қилгандай, мушукни ҳайдагандай қўлини силқиди.

Рукия қўлида патнис тутганча кимир этолмай қолди. Патнис титради ва кўксидан бир қуш безовталанди: “Текин томоша бошланди!..”

Аёл қўлларини кўксидан қалиштирганча яна ташқарига тикилди.

Дераза ортида зимистон жарлик пайдо бўлган, ичкаридан тўқилган сарғиш нур жарликни ёритишга ожизлик қилар, бўшлик қаъридан мўр-малахдай ўрлаётган туман тап тортмасдан ичкарига ёпирилди... лекин аслида бундай эмасди, ташқарида чигирткалар қирчилар, йўлак четидаги чиннигулларнинг исси атрофни тутар, тўлин ой эса сахийлик билан мўл-кўл ёғду сочарди оламга...

Аёл зимистон жарликка канчалик тикилмасин, ҳеч нарсани илғай олмади.
Кейин кунишганча ортига ўтирилди. Унинг намхуш кўзлари ювош тортганди.
– Олиб ке.

Аёл оромкурсига чўкди.

Рукия патнисни столча устига қўйди. Кейин деразани ёпайми дегандай аёлга каради. Аёл миқ этмади.

У финжондан ўрлаётган буғга тикилиб қолганди.

Ташкарида нимадир гумбуради.

– Қор ёғади-ёв... – деди Рукия аёлнинг саволчан нигоҳига жавобан.

– Хўжайин келдими? – сўради аёл совук уфураётган деразага бир қараб қўйганча.

– Йўқ ҳали.

– Комила-чи?

– Қизгина хонасида ўтириб нимадир ёзяпти.

– Шунинг учун товуши чикмаётган экан-да. Фуркат-чи?

– Фуркатжон ҳали кўчадан келмадилар.

– Ҳа, кеп қолар.

Рукия ташкарига йўналди. Ундан охишта “так” этган овоз қолди хонада...

Аёл оромкурсига ястанди.

Оромкурси каршисидаги стол устида банкдан берилган ҳисоб рақамлари, енгил машина ҳужжатлари, четларига олтин суви юритилган қутича бор эди. Столдан нарироқда қоқ ўртасидан дарз кетган тўртбурчак тошойна аёлнинг қаҳридан қўрқкандай қалтираб турарди: “Менинг айбим йўк!..”

Тошойна ёнида тумба. Тумба устида жойнамоз. Четлари кашталанган, лекин чанг босган...

Тумба тепасида иккита портрет жилмайиб турибди. Портретлардан бирини ялтироқ чилвир маҳкам ўраб олган...

Аёл кўзларини юмди.

Бир маҳал ташкарида нимадир қаттиқ гулдиради.

Кўзи илинган аёл ваҳима ва аросат ичида титраб кетди. “Ё раббим!”

Сониянинг аллақайси улуши ичра навнихол қизнинг додлаб бакириши, дунёни бошига кўтарган чинқириғи, алланарсаларнинг ғажир-ғужури, қандайдир кишиларнинг кўпол сўқинишлари... аёлнинг миясини пармалаб, юрагини даҳшат ва қўрқинчга тўлдирди.

“Комила!”

Аёлнинг кўзлари чакчайиб кетди.

– Қизим...

...Сочлари ёйилган, тўзгиган, нозик бўйнига ялтироқ чилвир ўралган йигирма ёшлардаги қиз бор овози билан чинқирганча хонани гир айланиб югурар, ялтироқ чилвир унинг ортида илондай билангларди.

Девордаги жилмайиб турган қиз портрети ўрадай қорайиб турар, пастда ойна синиклари ётарди.

– Ифлослар! Ярамаслар! Бу ишларинг учун ҳали жавоб берасанлар!

Аёл даҳшат ичида туриб қолди.

Қолдан тойган, гиламга чўк тушган аёл ниҳоят нима қилиши кераклигини эслади.

Югуриб бориб қизини қучоқлаб олди, афтодаҳол қиз юлқинди, онасининг қучоғидан чиқишга уринди, аммо она маҳкам қучоқлаб тураверди. Ниҳоят, Ко-

мила бироз тинчланди, онасининг кўксига бошини кўйганча... изиллаб йиглаб юборди:

– Ахир бу аҳволда қандай яшайман?! Қандай яшайман... – Кейин кимларга-дир ялина бошлади: – Илтимос, менга тегманглар... жон акалар! Илтимос, мени жувонмарг қилманглар!..

Аёлнинг етмиш икки томири зириллаб кетди. Қизи тортган азобларни ўз та-нида, ўз вужудида хис этиб аламдан инграб юборди.

Нихоят, киз бутунлай ўзига келди.

– Ойи, мени деб кўп кийналдингиз-а? Энди ҳеч нарсани ўйламанг, мен яхши-ман, – дея онасининг кулоғига шивирлаб кўйди у.

Аёл миқ этмади, кўзига ёш олди, кизининг жавдираб турган нигоҳлари жавоб кутаётганини англаганидан кейин:

– Сен билан уканг тинч бўлсаларинг, бас, менга бошқа ҳеч нарса керакмас! – деди у.

Шу билан олам гулистон бўлди. Комила хотиржам тортди.

– Сиз бораверинг, ойи...

Аёл кизининг буткул хотиржам тортганига ишонди ва ўрнидан турди.

Қиз яна портрет ичидан жой олди.

Ялтирок чилвир унинг сочларини тараб, ўра бошлади...

Оппоқ, яркирок, кадам ташлаётган одамнинг акси кўринадиган мармар зиналардан бир-бир босиб пастга тушаётган аёл туйқусдан жиринглаган эшик кўнгирағидан чўчиб тушди, юришдан тўхтаб, паришон ва ғамгин нигоҳлари билан Рукияни кидирди.

Рукия шундоқкина зина тагида, нақшинкор панжара ортида турарди.

– Опа... Бугун маошимни оладиган куним, агар иложи бўлса... – деди у панжара ортидан чикиб.

– Шу ердამидинг? Эшикни очмайсанми? Нодир келди, шекилли, – деди аёл унинг маош ҳақидаги сўзини эшитмаганга олиб.

– Эшик жирингламади... Укангиз ҳам келганлари йўқ, бундан кейин умуман келмасалар керак, буларнинг ҳаммаси... кўзингизга кўриняпти... Ибодат қилинг, илтимос... Кейин агар иложи бўлса, бугуноқ маошимни берсангиз, ўғлимнинг ўқишига...

Аёл унинг сўзига яна парво қилмади.

– Бор, эшикка қара дедим! – зуғум қилди аёл.

Рукия ноилж ташқарига чикиб эшик ортига бекинди.

Аёл дераза ойнасидан ташқарига кўз ташлади.

...Рукия қадимий услубда ишланган иккинчи дарвоза олдида ёшгина жувон билан гаплашиб турарди.

Аёл беихтиёр орта тисланиб, ўзини четга олди: “Яна келибди-да, ярамас!” Аёл қаҳр-ғазаб зўридан титраб кетди. Худди шу вақт Рукия эшикдан мўраллади.

– Опа, яна ўша танноз...

– Йўқолсин! – аёл бакириб юборди. – Мен сенга нима дегандим?! Эшигимга яқин йўламасин демаганмидим?!

– Шундай дегандингиз...

– Яна айтаман, корасини ўчир бу ердан! Кўзимга кўринмасин!

Рукия эшикни ёпди.

Аёл асабийлик билан ғудранганча чарм креслога бориб ўтирди. Бирок кўп ўтира олмади. Ўрнидан туриб хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Эгнидаги кўйлаги унинг

азадор эканлигини билдирувчи либос бўлса-да, ниҳоятда нафис ва қимматбаҳо матодан бичими жуда келиштириб тикилгани боис ўзига ярашиб турар, ёши элликдан ошса-да, ҳамон тиник, ажинсиз юзини яна-да окартириб кўрсатарди.

Аёл хонага, нафақат хонага, балки дунёга сиғмай, у ёқдан бу ёққа бориб келаркан, канча уринса-да, хавотирли хаяжонини боса олмай турган бир вақтда Рукия яна эшикдан мўралади.

– Опа...

– Вой дод! – аёл бошини чангаллади.

– Нима қилай ахир?.. У кетмаяпти, гапларимни эшитишним хохламаяпти!

– Билмадим! Мен билмайман! Лекин нима қилиб бўлсаям уни йўқот!

– Милиса чақирайми?

– О... йўк! Нималар деяпсан?! – аёл кўрқинчли тарзда кўзларини чақчайтирди.

– Хўп, яна бир уриниб кўрай-чи...

Рукия эшикни ёпди.

Аёл холдан тойиб адоий-тамом бўлгандек ўриндикка ўзини ташлади. “Ярамас! Ифлос!”

Бир маҳал...

– Опа... – Рукиянинг овози қулоғи остида эшитилганда аёл сесканиб тушди. Шоша-пиша қаддини ростлади.

– Анови танноз кетди...

– Кетдимми?

– Ҳа. Лекин...

– Нима лекин? Чайналмасдан гапир!

– Яна келаман деб кетди. Энди у сизни тинч қўймасмиш. Яхши гапига кўнмасангиз, конун йўли билан ҳақини ундириб олармиш...

– Ҳақини... ундириб олармиш?..

– Ҳа, боласи Комилбекдан бўлганидан кейин...

– Чучварани хом санабди!

– Опа... – Рукия журъатсизлик билан шундай деди-ю, индамай қолди.

– Нима дейсан?

– У келса... нима қиламиз?

– У ёғи билан ишинг бўлмасин!

– У боя мени ҳақорат қилди. Эмишки, сиз одамларнинг кўзига мени тутинган синглим деркансиз. Лекин аслида хизматкорга карагандай қарармишсиз...

– Парво қилма. Сен мени билсанг бўлди. Одамларнинг гапи билан ишинг бўлмасин, – бироз ўзини босиб олган аёл тутинган синглисини юпатди.

– Агар қўлида боласи бўлмаганда...

– Тағин боласи билан келибдимми?.. – овози ўзгариб сўради аёл.

– Ҳа.

Аёл ўйланиб қолди.

Рукия нимадир демокчи бўлиб тараддуланиб турди-да, аёлнинг авзойига қараб фикридан қайтди. Бир-бир босиб ташқарига йўналди.

Аёл қарғанди: “Жасадинг гўрда чирисин, илойим! Сени дастингдан кизим жувонмарг бўлди! Топган пулларинг кафанлигингга ярасин!”

Аёл шахд билан тепага кўтарилди.

...Комилбек хонасида эди. У ҳозиргина қабрдан чиқиб келган, аммо ўз ахволдан уялгандай, ниҳоятда хижолатли эди.

– Нималар бўляпти ўзи? Нега ташвиш бошимиздан аримай қолди? – деганча қириб борди у эрининг хонасига.

– Бу душманларимнинг иши... Шошмай туришсин, ит кунини бошларига соламан ҳали! – деди дераза олдида турганча ўзининг у ер-бу ерини бекитишга уринаётган Комилбек. Кейин хотинига ўгирилди. – Лекин сен эътибор берма, ўтиб кетади.

Эрининг хотиржамлиги, боши узра қора булут тўпланаётганини сезса-да, парво қилмасликка уринаётгани аёлнинг чатнаб турган асаб торлари устига ёккан нафрат, нафрат, нафрат қорлари бўлди.

– Бас, етар! Ҳозирок милисага хабар бераман!

– Биз конундан паноҳ тополмаймиз!

– Жонимга тегди бундай хаёт! – чинқирди аёл.

Комилбекнинг ёнокларидаги гуддалари ўйнади. Асабийлашди. “Яқиндагина қачон биз ҳам одамларга ўхшаб бекаму кўст яшаймиз, демаганмидинг?!” демокчи бўлиб, оғиз жуфтлади, аммо индамади.

– Сиз билан яшаб турсам тинчлик бўлмас экан, – деди аёл кутилмаганда. – Яхшиси ажрашайлик!

Комилбекнинг юзи бўзарди. Аёл бунга парво қилмади.

– Ё бўлмаса вақтинчага уйдан чиқиб кетинг! – деди у аввалгидан ҳам қатъий оҳангда. – Менга тинчлик керак!

– Шундайми... – деди Комилбек анчадан кейин худди хафсаласи пир бўлган одамдек ҳазин товушда.

– Шундай! Ҳамма кўргиликларим сиз туфайли! Агар сиз... Агар сиз аллақандай ишларга аралашиб юрмаганингизда Комилам хароб бўлмасди! Номусига чидай олмай ёш жонига қасд қилмасди!.. Қандайдир шаллаки хотин ҳароми боласини рўқач қилиб, уйимга бостириб келмасди! Фуркатжоним...

Комилбек хотинига бир неча сония сўзсиз тикилиб қолди. Тупроқ нуқси урган юзи аллақандай зўриқшдан бўғриқиб кетганди.

– Шу фикрда экансан... нимаям дердим, – деди Комилбек, сўнг сўзларим қандай таъсир этаркин, дегандек хотинининг юзига тикилди.

– Худого шукр! – деб юборди аёл беихтиёр.

Комилбекнинг юз-кўзларида ғазаб учкунлари чакнади, хотинини уриб юбормоқчи бўлгандек ҳезланди, кейин нима учундир бирдан ховуридан тушиб, тумтайиб олди, аёлига бир олам гинаю таъна аралаш маънос назар ташлади, гўё ҳаммасини сен учун қилгандим, дегандек...

Остонада Рукия пайдо бўлди.

– Опа... Ўғлингиз... – деди-ю шовилганча ортига қайтди.

Аёл унинг ортидан югурди.

– Бу ёкка, – Рукия уни ўғлининг ётоғи томонга бошлади.

Аёл хонага кириб борганида ўн етти ёшлардаги йигитча қаравотда гужанак бўлиб ётар, қўл-оёқлари тинимсиз қалтирарди.

Рукия унинг тепасида парвона.

– Фуркатжон... Болам... – ўғлини касал бўлиб қолди, деб ўйлаган аёлнинг жон-пони чиқиб кетди. Фуркатни кучоклаб бошини бағрига босди. – Нима бўлди, болам? Қаеринг оғрияпти?..

Фуркат жавоб бермади. Гапиришга холи йўқ, нафақат қўл-оёқлари, балки бутун вужуди ғайритабiiй жазавадан қалт-қалт қиларди, тишлари тақилларди, кўзлари кўркинчли олаярди. Билагига кўкариб-қорайиб кетганди.

– Унга нима бўлди, Рукия?!. Боламга нима бўлди?!.

– Бу душманларимизнинг иши. Лекин аввал дўхтир чақирайлик...

– Чақир! Чақирмайсанми?! Нега қаққайиб турибсан?!

– Хўжайин... – эҳтиёткорлик билан деди Рукия.

– Хўжайинни ҳам чақир! Бўл тез! – аёл яна ўглига юзланиб, унинг юз-кўзларини силай бошлади. – Болажоним, нима бўлди сенга...

Фуркат жавоб бермади.

– Опа... ўзингизни қўлга олинг...

Рукия нимадир демоқчи бўлди, аммо аёл уни гапиртиргани қўймади:

– Сен ҳаммасини билгансан! Била туриб менга айтмагансан! Нонқўр! Берган тузим кўр килсин сени!

Рукия довдираб қолди, хушини жамлаганидан кейин ўзини оқлашга уринди, хатто қасам ичди ҳам, аммо аёл унинг илтижоларига кулоқ солмади.

Рукия ув тортиб йиғлаб юборди. Ва югурганча ташқарига чиқди, ҳовлини кесиб ўтиб, дарвоза ёнидаги хужрасига камалди. Қўксида бир куш безовта чиркиллади: “Сен текин томошани такрор-такрор кўришдан чарчамайдиган ягона томошабинсан!..”

Эрталаб Рукия мехмонхонага кирганида аёл ҳамон боласини кучоқлаб ўтирарди.

Рукия аёлнинг ёнига келди.

– Опа...

Аёл бирдан калқиб тушди. Кимдир аямасдан миясига тош билан ургандек, сакраб ўрнидан туриб кетди.

Аммо шу заҳоти шилқ этиб кулади.

Нихоят, аёл кўзларини очди, лекин уни бутунлай ўзига келди деб бўлмасди. У гоҳ иситма ичида алахлар, гоҳ атрофига тийрак назар ташлаб, ҳаммасини аниқтиник хис қилиб тургандек, бошига тушган шўришларга сабр қилишдан ортик чораси қолмагандай махзун, мунис кўринар, Рукияга гоҳ мутеларча, гоҳ мутаасибларча боқар, гоҳ миясида ўпирилиш юз берган одамдай дунёга аллақандай туманли парда ортидан қарар, атрофида аллақанча одамлар йиғилиб, у ҳақида гаплашаётгандай ва унинг мол-дунёси вазидан талашиб-тортишаётгандай, жанжаллашаётгандай бўлар, гоҳида эса ҳамма ундан безиб, уни ташлаб кетгандай, нотаниш манзилда ёлғиздан ёлғиз, саргардон қолиб кетгандай бўлар, аммо бу ҳолат узокқа чўзилмас, дам ўтмай хўрак ҳидини сезган каламушлардай, нариги хонада тўпланиб, ўзларича алланималарни бўлишиб олаётган яқин қариндошлари ўқтин-ўқтин эшикни очиб, унга қараб қўяётгандай, нигоҳлари билан унга “Қачон ўларкин, очкўз бойқуш?” дея зуғум қилишаётгандай бўлар, айниқса, укаси Нодирнинг нигоҳларидаги нафрат ҳамманикидан кучлироқ эди.

Бундан бир ҳафта аввал...

Миясида аллақандай ўзгариш юз бераётганини англаган аёл ниҳоят, мерос масаласида бир қарорга қелиши лозимлигини тушуниб етди ва кечаси уйкуга кетиш олдидан ҳаёлан бор бисотини баҳоли қудрат қариндошларига улашди. Ҳатто бева-бечора Рукияни ҳам унутмади. Унга бироз маблағ ажратди. Мероснинг қолган қисмини гиёҳвандларни даволайдиган касалхонага хайрия қилишни кўнглига тугди. Қарори қатъий эди.

“Мендан бой, бадавлат аёл йўқ, – деб ҳаёлидан ўтказди аёл махзунлик билан шу кеч. – Қаерга қўлимни узатсам етади! Лекин нима қиламан шунча пулни? Ёшим ўтиб қолди. Ҳаётимни қайтадан бошлашнинг иложи йўқ! Эримнинг елиб-югуриб топгани яхши кунларимизга буюрмади, ҳеч курса бировларнинг камини тўлдирса, бировларнинг дардига малҳам бўлса, кўнглим таскин топармиди?”

Эргаси куни нонушта вақтида кечаси тузган режасини эслаб, қариндошларга мерос улашиш масаласида ўйланиб қолди. “Шошилмадиммикин?” дея ўзига ўзи савол берди. Иккинчи қавағда, ёзги айвондаги тебратма креслода ўтирганча ховлисига назар ташлади. Кенг-мўл, озода, қасрмонанд ховли-жойнинг бир қисмини болажон сингисининг ижарама-ижара санкиб юрадиган ўғлига ажратганди. Ҳадемай жияни хотини бола-чақаси билан кўчиб келса... “Ҳамма ёқ ифлос бўлиб кетса керак...” маҳзунлик билан хаёлидан ўтказди аёл. Юраги “жиз” этди.

Тушлик қилиб ўтирганида эса феъли айниб қолишидан чўчиб, нима бўлганда ҳам бугун кечга қариндошларини уйига тўплаш ва тузган режасини эълон қилиш ҳақида укаси Нодирга маслаҳат солди. Бирдан-бир ишонгани шу укаси эди. Анча йиллар муқаддам эски папкасини қўлтиқлаб, уйдан заводга, заводдан уйига йиртиқ туфлида пойи пиёда қатнайдиған, она бир, ота бошқа ўғай укасидан бошқа айтарли қариндош-уруғи бўлмаган Комилбекка ота-онасининг розилигисиз турмушга чиққани учун опасини кечирмай юриб-юриб, қутилмаганда поччасининг ишлари юришиб, шаҳарнинг энг бой одамларидан бирига айланганидан кейин ҳеч нарса бўлмагандай, уни йўқлаб кириб келган ва анча йиллик гинани унутиб, узилган риштани боғлаган одам мана шу укаси Нодир эди. У аввал ўзи келган бўлса, кейин онасини олиб келди. Салдан кейин отасини... Лекин ярашув Нодир кириб келмасдан сал олдинроқ юз берганди чамаси. Ўшанда Нодир азбаройи тирикчилик вазидан қирақашлик қилиш учун ижарага олган машинасини симтўсикка уриб олиб, на машина эгасининг ойлик ҳақини, на пачақ бўлган аравасини таъмирлаш учун чака тополмай, бир сиким бўлиб юрганида мана шу Рукья оркали анча-мунча пул бериб юборган куннинг эргасига биринчи бўлиб онаси йиғлаб қўнғирок қилганди: “Яхшиям сен бор экансан, болам!” Севгани ёнида бўлгани билан юрагининг бир чети кемтик бўлган аёл учун бу гаплар олам-жаҳон шодлик бахш этганди.

Ўшанда у ич-ичидан ўзидан эмас, Комилбекнинг пулларидан миннатдор бўлган, бекаму қўст яшаш истаги эса ҳаётининг мазмунига айланганди. Ахир кўзёшлару изтироблар ҳал қила олмаган нарсаларни бир сиким қоғоз ўз ўрнига қўйиши мумкин экан-да!..

Хуллас, Комилбек тириклигида сал-пал ийманиб юрадиган, лекин машъум кўргиликлардан сўнг ҳеч ким ундан илтимос қилмаган бўлса-да, бу уйда ўзини хўжайиндай ҳис қилиб, опасининг иссиқ-совуғидан хабар олиб турган укага тушлик вақтида айтилган мерос ҳақидаги гап негадир ёқмагандай туюлди. Ҳардамхаёл опа шоша-пиша: “Лекин меросга асосий даъвогар ўзинг бўласан,” деганидан кейингина унинг бужмайган юзига табассум югурди.

– Ҳа, албатта, уларнинг ҳам ҳақи бор-да, адолат билан тақсимлайверинг, бировнинг ҳақи бировга керакмас, – деб қўйди укаси олийҳимматлик билан.

Аёл укасига зимдан назар ташларкан, негадир маблагнинг бир қисмини гиёҳвандларни даволайдиған қасалхонага хайрия қилмоқчилигини айтмади. Айтгиси келмади. Пул ҳозирча уники бўлса, нимани истаса шуни қилади-да.

Меҳмонлар кечки соат саккизга чақирилди. Лекин улар соат олти ярим бўлмасдан тўпланишди. Аёл бундан аччиқланди, лекин билдирмади.

Ўғай уқанинг ховлида турган машина атрофида айланашаётганига кўзи тушганда негадир Нодирнинг ғазоби қайнаб кетди. Аёл буни сезди ва укаси томонга иддао билан қараб қўйди. Аммо Нодир буни сезмади, у еб юборғудай бўлиб, ўғай ука томонга қараб турарди. Ёшлигидан машина ҳайдашни орзу қилган, аммо қўли қалталигидан халигача орзусига эриша олмаган ўғай ука Нодирнинг ғазабнок нигоҳини пайқамади. Ҳавас билан машина қапотини силаркан: “Тул-

пор! Ҳақиқий тулпор!..” – дея гудранарди у. “Меросни бўлиб берган куним, улар бир-бирлари билан кирпичок бўлишади-ку! – кўккисдан миясига урилган фикрдан аёл кўрқиб кетди. – Дарвоқе, нега бу томонини ўйламадим?”

– Бу уй эмас, қаср-ку қаср! – дегани эшитилди ижарачи жиянининг. – Қани энди болаларим билан бир умр шундай уйда яшасам!

Аёл ўтирилиб қараб юмшоқ креслода ижарачи жиянининг оёқларини чалиш-тирганча ястаниб ўтирганини кўрди. Жиянининг хотини – мумсик келин эса хориж мебелни ёнидан жилмас, хадеб ва хадеб кафти билан мебелни силагани силаган эди. “Бу мебелни қўл билан ушлаб бўлмайд!” деб бакириб юборди Нодир бу гал ўзини босолмай. Аёл ўзини эшитмаганга олди. Мумсик келин эса айб иш қилиб кўйгандай Нодирга узрли нигоҳ ташлаб, шоша-пиша нари кетди.

Соат саккизлар атрофида ҳамма меҳмонхонадаги стол атрофига тўпланди. Дастурхон тўкин эди. Аммо нима учундир қариндошлар ноз-неъматларга қарашмасди. Ҳамманинг нигоҳи аёлга қадалганди.

– Жуда сиқилиб кетдим... Шунинг учун сизларни чақиртирдим, – деди аёл қариндошларининг унсиз саволларига жавобан.

Қариндошлар кирпичи ютган илондай сумрайиб қолишди. Айниқса, ўз укаси Нодирнинг юзига қараб бўлмасди.

Кейин иддаоли хитоблар эшитилди:

– Кеннайи, ахир...

– Хола...

– Амма...

Аёл миқ этмади. Кўзларини тўкин дастурхонга тикканча қилт этмай ўтираверди.

Қариндошлар бирин-кетин хонадан чиқишди.

Энг охирида укаси Нодир қизариб-бўзарганча, лом-мим демасдан хонадан чиқаркан, эшикни шундай зарда билан ёпдики, деворлар зириллаб кетди. Аёл кулоқларини бекитди. Бир неча сония ўтгач, эшик охира очилиб укаси хонага кирди. У ниманидир ўйлаган шекилли, бояги зардасидан асар ҳам қолмаган, нигоҳлари айбсиниб боқарди.

– Опа, узр, боя эшик беҳосдан...

Аёл индамади. Аммо укасига нега қайтиб келдинг, дегандай қаттиқ тикилди.

– Мен, очиги, тушунмадим, опа...

– Ҳали вақт бор, шошилма, – деб жавоб берди аёл хотиржам ва қатъий оҳангда.

Шундан кейин Нодир чиқиб кетса бўларди, авваллари шундай қиларди, лекин бу гал кетишни ҳаёлига ҳам келтирмади.

Аёлнинг қони қайнади, аммо куч билан ўзини босиб, яна хотиржам оҳангда деди:

– Биласанми, мен ўйлаб кўриб, эримдан нимаики қолган бўлса, барини қасалхонага хайрия қилишга қарор қилдим.

Нодир шайтонлаб қолаёзди.

– Ўйлаб гапиряпсизми шу гапларни, опа?! Одам ҳам шунчалик ақли қалта бўладими?! Қасалхонага хайрия қиламан деганингиз нимаси? Қасалхона сизнинг мурувватингизга зор қоптими? Ўз жигарларингизни ўйлаш ўрнига... Боласи гиёҳвандликдан ўлиб кетган бошқа оналарнинг қилаётган хайрияси ҳам етиб ортади уларга...

Аёл мийиғида қулимсираганча укасининг сўзларини тинглади, аммо ортиқ чидаб туролмади. Стол устида турган вазани шаҳд билан олиб тўртбурчак тошойнага қараб улоқтирди.

Ойнага дарз кетди. Ваза синди.

Тутқанок жазавасидан хушини йўқотиб, кутилмаганда ўзига келгандек бирдан сесканиб тушган Нодир жим бўлди, опасига еб юборгудек вахшиёна назар ташлади. Аёл ўз укасини таниёлмай колди.

Нодир шарт бурилиб ташқарига отилди.

“Мана, яна бир жигаримдан айрилдим... У энди қайтиб келмайди, остонамни-ям хатламайди...”

Вужудини аллақандай паришонлик, армон ва ғам-ғусса чулғаб олди. Ўзини ёлғиз ва ночор хис эта бошлади.

Агар ҳаёти шу тарзда давом этганида, балки у кўпга бормасди. Аммо кунларнинг бирида...

“Агар ҳисоб рақамимда икки миллиард пулим бўлмаганида,” деган ўй ҳаёлига келди-ю аёл бирмунча ўзини ўнглагандек бўлди.

Пашша йирингли ярадан озик олгандай, аёл ҳаётидаги нохушликдан ўзига тасалли топди...

– Опа...

Таниш овоз эшитилгач аёл бошнини кўтарди. Қаршисида патнис кўтарган Рукия турарди.

– Яхши бўлиб колдингизми?

– Тузук.

– Дорингизни ичволинг, кейин нонушта қиласиз.

Бироздан кейин аёл кўзи тўла ёш, асалу бол эмас, ғичирлаган тош чайнаб ютаётгандек, кавшана бошлади...

Дахлиздан укасининг зардали овози эшитилди:

– Опамни даволатиш керак. У касал! Касал! Хавфли касал!

Аёл каттиқ сесканиб тушди ва хизматчига, э, тутинган синглисига савол назари билан каради.

Рукия:

– Эрталабдан буён шу ерда. Сизни бетоб десам ҳам кетмаяпти.

Аёл кўзида ёш, истехзо билан кулимсиради:

– Уни энди келмайди, дегандинг?!

Рукия ҳам жим колмади:

– Одамлар бировнинг пулига эгаллик қилишдан ор қилмай кўйишди!

Аёл хўрсинди.

– Опа... нима қилай?... – деди дахлиздан эшитилаётган гўнғир-гўнғир овозга кулок тутиб, ранги ўчган Рукия.

Ўз ҳаёли билан андармон аёл паришонлик билан деди:

– Нодир билан болагимиздан келишолмаймиз. Ҳар доим менинг ўйинчоқларимни тортиб олиб кўярди. Мен йиғлаб қолаверардим, у парво қилмасди... У вақтларда бола эдик, ўйинчоқларимиз ҳам кам эди, лекин энди ҳамма нарсамиз етарли, лекин нега ҳалиям бир-биримизга меҳримиз йўқ. У ҳаминша мандан норози...

– Рози бўлса, пул бермай кўясиз-да, – пичинг қилди Рукия.

Аёл бирдан хушёр тортди.

– У ҳалиям кетмадим?

– Кетишни истамаяпти...

– Яна нима гапи бор экан? – сўради аёл. – Ахир келмайдиган бўлиб кетганди-ку!

Рукия дарҳол жавоб бермади.

- Ўзингиз жуда яхши билиб турибсиз-ку, – деди бироздан кейин у аниқ жавобдан қочиб.
- Аёл қошларини чимириб, каттик тикилди. Рукия ноилож давом этди:
- Опам касал, дўхтир олиб келаман, лозим бўлса касалхонага ётқизаман, даяшти.
- Аёл титраб кетди.
- Жаҳл устида гапиряпти, тўғрими? Мен касал эмасман! Укам мени ҳеч қачон касалхонага юбормайди, а?
- Эйтибор берманг. Вайсаб-вайсаб, охири кетади.
- Шу вақт дахлиздан яна бир эркак овози эшитилди:
- Акам қандай қилиб пул топганини яхши биламиз! Эгасига буюрмаган ҳаром пул...
- “...ҳаром пул!” Аёл кўзларини чирт юмиб, кулоқларини бекитди.
- Жаҳлдан кўқарган Рукия отилиб дахлизга чиқди.
- Аёл бошига тушаётган кулфат залворини кўтаришига мажולי етмаётгандек букчайиб колди.
- Рукия хонага қайтиб кирди:
- Кетишди.
- Аёл қаддини тиклаб, унга боқди. Нигоҳларида аллақандай ғайриоддий ўт чакнади.
- Биласанми, калламга нима келди?
- Рукия мик этмай тикилиб тураверди: “Янги томоша бошланди!”
- Қариндошларимнинг шу қилиғи учун улардан бошлаб ўч олмоқчиман.
- Ҳойнаҳой киллер ёллаб, уларни ўлдиртириб юбормассиз!
- Агар шундай қилсам, бу ўч олиш ҳисобланмайди, битта ўк билан оппа-осон ўлади-кетади! Ўч олиш сал бошқачарок бўлиши керак... – аёлнинг кўзлари совук ялтиради. – Токи улар ҳар гал ўйлаганларида, эслаганларида ёки кўзлари тушганида юраклари туз куйгандай ачишсин!
- Опа, – аёлнинг сўзини бўлди Рукия. – Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?
- Хўш.
- Ростини мендан ранжймайсизми?.. Мени синглим дегансиз-а!
- Шарт қўймасдан гапир.
- Анави жувоннинг боласини... ҳеч бўлмаса сотиб олинг! Ахир сизнинг қурбингиз етади-ку!
- Йўқ, бўлмайди! – дангал жавоб берди аёл.
- Нега? Ахир... бегона эмас. Жувоннинг айтишига қараганда, Комилбек уйдан чиқиб кетганидан кейин ўша аёл билан яшаган. Жувон хомилдор бўлиб қолганини билгач, фақат бир шарт билан болани туғишига розилик берган. Яъни, бола туғилгач, жувон уни сизга бериши лозим бўлган. Комилбек ўзидан кейин сизнинг бутунлай ёлғиз бўлиб қолишингизни истамаган...
- Менга бундай муруватнинг кераги йўқ! Кераги йўқ! Кераги йўқ! Кераги йўқ! У Комилбекнинг боласи эмас! Умуман, Комилбек мени ўйлаганида!.. Йўқ, уни ҳеч қачон кечирмайман! Ҳатто у дунёда ҳам!.. – нафрат билан жон аччиғида қичқириб юборди аёл Рукия, э, хизматчиси қон силкиб турган ярасига туз сепгандай. – Азбаройи пул ундириш ниятида бу гапларни ўша фоҳишанинг ўзи ўйлаб топган.
- Агар у қонунга мурожаат қилса, уйга ёки машинага эғалик қилиши мумкин...
- Агар у қонунга мурожаат қилса, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин! – деди аёл ўжарлик билан.

– Опа, – Рукия бирдан гапни бошқа ёкка бурди. – Ўғлимнинг ўкиш пулини тўлашим керак. Шунинг учун... менга ҳозирок...

Аёл бир лаҳза унинг юзига сўзсиз тикилиб турди. Сўнг мадори куриб кетгандай:

– Рукия, ҳеч бўлмаса сен пул ҳақида гапирма. Ҳар куни чиркиллаб турманг ҳам сенга пул кераклигини биламан, ўз вақтида бераман ўша зормандангни. Фақат мен сал ўзимга кеволай, ахир сингил деган ҳам шунчалик бўладими...

Аёл гапини тугата олмади.

Рукия шахд билан эшик томон бурилди. Унинг аёл билан тортишишга ҳам, унинг ташвишларига шерик бўлишга ҳам тоқати қолмаганди. Одатдаги томошанинг ёлғиз томошабини бўлишга ҳам.

Бир сўз демасдан хонадан чиқди-да, ховлини кесиб ўтиб, ўзининг кичкина ва қоронғи хужраси томон йўл олди.

Калит ичкаридан буралди.

Рукия стол ғаладониди сақланаётган уйку дорисидан икки донасини кафтига тўкди ва ичиб юборди. Аслида битгасини ичса ҳам бўларди, аммо у эрталабгача ҳеч нарсани ўйламадан, тинч ухлашни, дам олишни истарди...

Кутилмаганда...

– Рукия! Қулоғинг том битганми, Рукия?! – чақирди аёл. Унинг жажли чиқаётгани, чунки халидан буён эшик кўнғироғи жиринглар, хизматчидан эса дарак йўқ эди. – Рукия, эшикни оч!

Жавоб йўқ.

Сукунат.

Дераза раҳига қўнган тўлин ой деразадан ичкарига мўраларди.

Аёл ўрнидан турди. Дераза олдига келди.

Эшик олдида ок халатли киши билан укаси Нодир турар, ховлида эса аёлнинг бошқа қариндошлари ва бола кўтарган ёш жувон айлалиб юришар, ўзларининг чорбоғида юргандай бақиршар, шовқин солишар, гапиришар, кулишар, ора-чора аёл турган хонанинг деразасига қараб-қараб кўярдилар: “Боқладикми, телба миллионерни!..”

Аёлнинг кизиган миясига қон тепди. “Ҳали шунаками? Мени касалхонага жўнатиб... уйни ўзлариники қилиб олишмоқчимми? Йўқ, мен осонликча жон бермайман. Бу уйда ҳеч кимнинг, ҳатто анави фоҳишанинг ҳам, боласининг ҳам ҳақи йўқ! Уй эмас, бир дона гугурт чўп ҳам ололмайдилар. Ололмайдилар! Ололмайдилар!”

Тун бағрини ёриб оловнинг ўткир тиллари қўкка ўрлади.

Ловуллаётган уй агрофида бир аёл қаҳ-қаҳ урганча ракс тушарди:

– Ололмайдилар! Ололмайдилар! Ололмайдилар!..

Юраги ёрилган тўлин ой дераза раҳидан учиб кетди. Унинг ортидан кичкина бир қушча ҳам.

Осмон энқайганча ерга тикилиб қолди...

НАЗМ

Одил ХОТАМОВ

1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини таҳсил олган. “Тириклик шами”, “Нигоҳлар”, “Дала йўли”, “Нафас” тўпламлари чоп этилган. Шоир Назар Шукурга бағишланган “Юксакдаги дарахт” хотира-қиссаси муаллифи.



Мени излаб келар бир садо

Бўёқларга эврилади сўз
Чизгиларда титрар хаяжон.
Қилкалам бу, асли, хайрат, кўз,
Нигоҳларда тафаккур пинҳон.

Ишк суврати – куёш музаффар,
Қушлар – оҳанг тимсоли – хавас.
Аравадир ҳаракат, зафар,
Таралади яшил бокий сас.

Камалакка иккиқат осмон,
Адирларда ғилдирак изи.
Ўзи иншо айлаган дoston –
Борлик ювар шабнамга юзин.

Дарё кескин бурилган қирғоқ,
Қаҳратонда қакшар қамишлар.
Қорга емиш бўлар бир титроқ,
Балки сўнгги сўзни демишлар.

Сувлар оқар сокин ва пурғам,
Қор остида қолмиш дала-туз.
Хув, олдинда қулади кўклам,
Ортда эса хансирайди куз.



* * *

Ҳою хаваслардан ортмас бу умр,
Кўзинг қамаштирар ялтирок хислар.
Хохласанг озгину хохласанг семир,
Бошинг айлантирар ифорлар, ислар.

Эгнингда жанда ё шоҳона либос,
Кўнглингдан чекинар кулранг рутубат.
Мунгдош табиатнинг феълига хўб мос,
Еттинчи фалакдан инган сукунат.

Туйғулар тўзони – хаёл жадвали,
Фаришта ичиккан руҳними чорлар.
Орзулар парвозга шай турар хали,
Сўнги кордай эрир армонлар, зорлар.

Кемадай чайқатар юракни фикр,
Айланиб козиғин топар бир кун от.
Тонг билан куёш ҳам тушгайдир зикр,
Борин тухфа килар хотамтой хаёт!

* * *

Мени излаб келар бир садо,
Вақт махрига эврилар умр.
Тошларни ҳам эритар нидо,
Армонларни айлаган кўмир.

Салобатли вазмин дарахтлар
Тушларимни килишар таъбир.
Ёстиғимнинг остида хатлар –
Куёш билан қовушар тақдир.

* * *

Сенга аён бу дунё сири,
Шаркираган сочларинг тилсим.
Чалинмаган дойра тақдирин
Англаб етган кўзгулар кулсин.

Ҳар заррада афсона бисёр,
Чанг-губорлар – сахро арвохи.
Иймон билан келтирса икрор
Тўкилгайдир одам гуноҳи.

Қутбларни туташтирган ишк,
Орзуларга ато этар нур.
Садоқатга ёруғ кўнгиш кўшк,
Най навоси севяига шукур.



Дунё сири бир сенга аён,
Ўзинг жумбок, ўзингсан тилсим.
Муҳаббатнинг кудратин шоён
Англаб етган кўзгулар кулсин.

* * *

Ифорлардан энтикар ҳаво,
Ҳаприкади озурда кўнгил.
Юрагинга йўл топар наво,
Унинг жасур амрига кўнгил.

Нигоҳлардан бўлгайдир бино,
Атиргуллар ўртагай жонни.
Ишқ кўлига қилгайдир хино,
Юрагиндан сачраган конни.

* * *

Митти булбул бўлиб сахар сайраган,
Тўкин боғлар аро кулган, яйраган,
Чўққилар тошини тилган, кайраган,
Шамоллар кўшигин куйлар дарахтлар.

Заминда бирор қуш қолмагай инсиз,
Барги ҳазонларда донолик кинсиз,
Шафақ рангларини совурган тинсиз,
Шамоллар кўшигин куйлар дарахтлар.

Бўронлар тўлғоғи ўзиникидир,
Дарёлар қирғоғи ўзиникидир,
Лайлакқор қирғоғи ўзиникидир,
Шамоллар кўшигин куйлар дарахтлар.

Охир шаштдан тушиб эрийди муз, қор,
Бойчечак юзини силагай ифор,
Камалак рўмолин силкитар баҳор,
Шамоллар кўшигин куйлар дарахтлар.

* * *

Айтилмаган изҳор бўғзингда,
Ёруғликка интилган куртак.
Тахтиравон булут измингда,
Пастда қолар афсона, эртақ.

Шуъла, ёмғир эҳсон осмондан,
Гулдураклар сочар олов – ўк.
Айрилмасни айтсанг гар жондан,
Айтмасликнинг ҳеч иложи йўқ.





* * *

Ярим тун уйқум кочар,
Сўзлар жамолин очар.
Қамашади кўзларим,
Ҳилол ифорин сочар.

Шивирлайди дов-дарахт,
Балхутлар бунча карахт?
Кўлимда қоғоз, қалам,
Дунёда ҳеч борми бахт?

Гох шодон мамнун-мамнун,
Юраман махзун-махзун.
Хув, сахро саргардони –
Юраги пора Мажнун.

Сўздандир меҳр-шафқат,
Иймон эмас муваккат.
Борлигим яшнаган боғ –
Қаршилайди мухаббат.

Айтганимда борми туз,
Сенга етарманми сўз.
Қаламим сенга совчи,
Хохласанг юрагим уз...

...Ярим тун уйқум кочар,
Сўзлар жамолин очар.
Қамашади кўзларим,
Ҳилол ифорин сочар.

* * *

Узун тунлар тортар бунда ох,
Хотиралар бермайди тиним.
Қорайгандан қораяр гуноҳ,
Орзулар ҳеч тополмас кўним.

Қайтиб келар яшиллик, ардоқ,
Шижоат ҳеч букмагай тизин.
Томирлари уз-у-у-ун дарахт, боғ,
Қаҳратонга тутади юзин.



**Абдурасул ЖУМАҚУЛ**

1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида ўқиган. Ижодкорнинг “Осмон бешиги”, “Ишқ боғи” каби шеъррий, “Юракка сизмаган гаплар”, “Сурхон полвонлари”, “Йиллар ва йўллар” деб номланган публицистик китоблари нашр этилган.



Ёдга тушди эски хотира

Баҳор ташрифи

Тоғларнинг бошида уйғонади тонг,
Куйида ирмоқлар югурар қониб.
Омонат совуқдан жуңжикиб осмон,
Офтобни ўпкиси келар соғиниб.

Аёзли кунларда совкотган дала
Кўксини тўлдириб олади нафас.
Булутлар ортидан очволиб дарча,
Куёш нур сочади бир муддат, бир пас.

Бойчечак кўклардан берганча дарак,
Қоялар кўксида ёқади олов.
Дарахтлар уйғониб, очади куртак,
Олам яшилликка инади дарров.

Чечаклар очилар қирларда гулгун,
Рақсга тушади ял-ял капалак.
Ёмғир томчиласа эчки сутидай,
Тамшанар ичкиси келганча куртак.

Гиёҳлар улашар хаёт завқини,
Мойчечак баргида ажиб бир титроқ.
Лолалар қадахда узатишар май,
Кўклар хавоси-чи, маст этар кўпроқ.

Табиат сеҳрига йўқдир ниҳоя,
Ҳар йили, ҳар сафар такрор ва такрор,
Ифорларга кўмиб бутун борликни,
Шундай ташриф этар юртимга баҳор!



* * *

Эсингдами, ойдин оқшомлар,
 Ўйламасдик на ташвиш, ғамни?
 Севги ўти ёниб юракда
 Бағримизда ёкарди шамни.

Ўтди йиллар умр чархида,
 Тақдир бизни синади ёмон.
 Гулдай икки фарзанд доғида
 Қалбимизни ўртайди армон.

Ҳеч ким билмас қисматин, аввал,
 Не савдолар бошида ғич-ғич?
 Кимга омад келару қўш-қўш,
 Кимга кўзёш ва ташвиш зич-зич.

Мен омадга ишонар эдим,
 У бизларни айладими тарк?
 Ё бўлмаса буларнинг бари
 Яратганнинг синовими ғарк?

Нега бунча қийнадим сени,
 Тушунмадим ҳаргиз, ҳар калай?
 Гуноҳларим тузатиб билмай,
 Хатоларим бўлди пайма-пай.

Атрофимда дўстлардан кўра
 Ғанимларга жой бердим алқаб.
 Аччиқ сўзни қабул қилмадим,
 Ширин ёлғон ёқдими ё, раб?

Чин биродар сўзларин олмай
 Ракибларга инондим кўпроқ.
 Ўйладимки, яхшилик қилсам,
 Душманлар ҳам бўлар яқинроқ.

Энди, билсам, кўп ишим хато,
 Боболарнинг сўзи тасалло:
 “Яхши одам ёмон бўлару
 Ёмон яхши бўлмагай, асло!”

Лек, ишонгим самимиятга,
 Ҳеч кимсага қилмадик ҳасад.
 Қишдан кейин кўклам келгандай
 Ёруғ кунлар қайтажак албат!



Ўдга тушиб...

Ўмғир тинмай ёғди бу кеча,
Деразадан ўтирдим қараб.
Юрагимни эзди нимадир
Ё шу ўмғир бўлдим сабаб?

Кўзларимга инмади уйқу
Яна сени эсладим дилдор.
Эсингдами ўмғирли тунда
Сенга севги қилгандим изхор?

Аммо, нетай, кўнглим ноласин
Синдиргандинг пиёласимон.
Ва, қулганча мағрур, бепарво
Деган эдинг: “Бўлмайди, инон!”

Мағрур эдим мен ҳам ўзимча,
Осмон каби кўзёш тўқмадим.
Гар юрагим кетса-да идраб:
“Мени сев!” – деб, оҳ-зор чекмадим!..

...Ўдга тушиб эски хотира,
Кўзларимга ёш келди тўлиб:
“Сен турардинг ўмғирли тунда,
Қулганингча мағрурдек бўлиб...”

Дарахтлар

Дарахтлар – дўстларим.
Яхшиям эканман уларни.
Яхшиям сув тутганман
чанкашганида.

Чин вафоли, содик ёрдир – дарахтлар.
Боримда ҳам,
йўғимда ҳам ўзгармас худди,
ўзгармагани каби ҳаёт қонуни.
Дарахтларнинг тили йўқ деманг,
дарахтларнинг дили йўқ деманг,
узок суҳбат қураман гоҳо,
дилимни ёриб сўзлашаман бемалол.

Ҳатто,
ҳеч кимга айтмаган сирларимни ҳам
яшириб қўяман пўстлоқларига.
Сир тутишни билишар улар,
қанча авраса ҳам ўжар шамоллар,
гуллаб қўйишмас оғизларидан.
Савоб ишни жойига қўйиб,
унутишмас бирор юмушни.





Пана килиб ёмон кўзлардан
яширишар шохлари билан.
Баҳор келса, куртаклар очиб,
кулиб турар келинчак каби.
Соя бўлишади бошимга келиб,
саратоннинг иссиқларида.
Дарахтлар – чин рафиқдир,
ибрат олса арзир,
хар қандайин жон.
Мени бўлса кийнагани шу:
буни тушунарми,
болта тутиб турган
номард ўтинчи?!

Онажон

Онажоним, нега бунча меҳрибонсиз,
Нега бунча яхшисиз?
Болам дейсиз,
Ўзингизни ўйламайсиз,
Жонингизми болангиз?

Сира эсдан чикмас она,
Узун тунлар бешикка
Суянганча ухлардингиз,
Толмасмиди кўлингиз?

Ғичир-ғичир бешикларнинг
Овозида улғайдим.
Укам бунча йиғламаса,
Укам бунча йиғлоки!

Жон укажон, бироз ухла,
Ором олсин онам ҳам.
Эх, укажон сен кўнмайсан,
Нега бунча йиғлайсан?

Онажоним, азизимсиз,
Ок сут берган волидам.
Тавоф қилай пойингизни,
Сиз – мукаддас Каъбамсиз.

Сочларингиз кордай оппоқ,
Арзирмизми толасига.
Хизмат қилсам умрим етмас,
Сизга берган озоримга.



Она, энди ўғлингиз ҳам,
Бугун ота: болам дейди!
Нетай, ҳар кун, ҳар дам эмас,
Факат йўқлар байрамларда...

Лек, танамга тикан кирса
Ё оғриси бирор жойим.
Шу ондаёқ сизни излаб:
“Вой онажон, онам!” дейман.

Тушундимки, бир нарсани,
Тушунмадим кўп нарсани.
Бу оламда сиздан бўлак,
Меҳрибоним йўқдир мани.

Боболар демишлар

Энг оғир кунингда билинар:
ким дўст,
ким душман эканин
билмоғинг душвор.
Боболар демишлар,
чин дўст
шул эрур,
бору йўғингда ҳам
ўзгармас улар.
Душман-чи,
борингда ейди
ошингни,
йўғингда емокка шайдир
бошингни.

Кўнгил сочмалари

Ҳар куни кўзгуга қараб
оқарган сочларин юлиб ташлайди.
Шундай ўчин олар гўё
ташлаб кетаётган ёшликдан.

Қарз олдим дўстимдан.
Ёлвораман, эй Танграм,
Уни йўқотиб қўймай!..

Ёлғон сўзлаб ноилож
мўлтиради кўзимга.
“Мен сенга ишонаман!” –
дедим кўнглини овлаб.
Одамга хуш ёқаркан,
баъзан ёкимли ёлғон.





“Тасалли”

“Одам бўлмадинг!” – деб,
койиди ота.
Ўғил елка кисар,
айбин англолмай.
Шунда кимдир деди:
– Кўп ҳам куйинманг,
у сизга ўхшабди,
куйиб кўйгандай.

Набирам Асалга

Сен – дилбандим, жажжигинам,
Осмонимнинг юлдузи.
Бамисоли уйимизнинг
Ўзинг кеча-кундузи.

Бешигингда тоғ арчасин,
Ифори бор, болажон.
Юрагингда аждодларинг,
Шитоби бор, болажон!

Кулсанг агар,
Чароғондир,
Нурафшондир бу дунё.
Гар йигласанг,
Олам йиглар,
Чекинар куёш гўё.

Гулчечагим, кўзмунчоғим
Сенга шудир баёгим:
Исминг каби тотли бўлсин,
Тотли бўлсин ҳаётинг.

Лек, унутма ва ёдда тут:
Сен боламнинг болисан,
Уйимизнинг фариштаси,
Хазинаси – борисан!

Аксиома

Чумолилар уясига
меҳмонга бордим.
Кўлимда ушоғим йўк эди,
чўнтагим ҳам бўш эди,
аттанг!
Ковок уйиб карашди улар.
Қуруқ қўл меҳмонни
ким ҳам суярди?





Шодмон СУЛАЙМОН

1975 йилда туғилган. Бухоро давлат университети филология факультетини татомлаган. Унинг “Хосиятли кун”, “Куз хаёли”, “Отамнинг айвони”, “Мен бахтли яралдим” сингарии шеърй ва насрий китоблари чоп этилган.



УЧИНЧИ ПАЛАТА

Қисса

...Бугун илк қор ёғди. Қишининг беғубор нафаси кенг-мўл хоналарига, ораста йўлақларига хасталарнинг кўнгли каби оғир сукунат чўккан шифохонага ҳам бостириб кирди. Шундоқ ҳам қордек оппоқ кийим кийиб юрадиган ҳамширалар шифохона деразалари атрофида чуғурлашиб, бир-бирларини суюнчилашди. Уларнинг кайфияти беморларга ҳам кўчди. Ким бош ҳакимга қорхат ёзиб, уйга бориб-келиш учун бир кунга ижозат сўраган, ким ҳамширадан аччиқ дорилар ўрнига ширин сўзлар ўтинган... Факат Шоир ётган учинчи палатада жонланиш сезилмайди.

Хонада тун бўйи навбатчилик қилган Нафиса дугоналарининг шовкини ўйларига халал берган каби қошларини чимириб, деразага қаради. Ўйнаб-ўйнаб ёғаётган лайлакқорни кўриб, чехрасига шодлик югурди. Ёш боладек сапчиб туриб, деразага яқинлашди. Деразани очиб қор ўйнагиси келди. Бирок юзининг ранги қордан фарқ этмай қолган Шоирга кўзи тушди-ю, тагин маънос тортиди. Шоир бу йилги қорни кўраманми, йўқми, дея армон қилган эди. Уни уйғотгиси, “дунёнинг килвирликларига гўё қасдма-қасд” (Шоир жажли чикқанда доим шундай дер эди) ёғаётган қорни кўрсатиб суюнтиргиси келди. Лекин...

...“– Кузни яхши кўрасизми?”

– Нега бундай деб ўйладингиз?

– Куз хақидаги шеърларингиз анча-мунча экан...

– Эхтимол... лекин булутли хавони, майин ёққан ёмғирни яхши кўришим аниқ. Яна... биринчи қорни яхши кўраман. Бу йилги илк қорни кўрсам, армоним йўқ эди...”

Шоир шу сўнгги жумлани айта туриб, Нафисага аллақандай ғалати, худди энг яқин одамига қарагандек тикилган эди. Бу нигоҳларда айтилмаган узрлар, сўзга кўчмаган изхорлар, ўлим шарпасини хис қилиб турган чорасиз инсоннинг маънос илтижоси, Нафиса таърифини келтиришга ожиз бўлган, камдан-кам одамлар нигоҳида учрайдиган аллақандай мунг бор эди. Нафиса бир неча кун олдин Шоир хушига келган дамда бўлиб ўтган бу суҳбатни эслади-ю, хаёлига келган, аммо тилига кўчиб улгурмаган фикридан уялиб, ўзини ноқулай хис қилди. Икки ойдан бери “на тузалиши, на тақдирга тан бериши аниқ бўлмай, шифохонанинг дардисарига айланган” Шоир акасининг шундоқ ҳам нозик бўлиб қолган кўнгли биринчи қор хабаридан шод бўлармикан? Ахир у Нафисаниннг хушхабарини эшитиб, “Мана, Нафисахон

синглим, биринчи корни ҳам кўрдим, сўнгги орзуим ҳам ушалди, энди беармон ўлаверсам ҳам бўлади”, демайдими? Одамнинг бегонаси бўлмайди. Ҳар холда, Нафиса шундай деб ўйлайди. Дугоналарининг ғалати карашларию писандаларидан катъи назар, ширин сўзу табассумга мухтож беморларнинг бирини ака, бирини опа, бирини ука, бирини сингил дея меҳрибончилик қилишни бурч деб билади.

Аммо Шоир бутунлай бошқача. Бир караса, ундан мулоийим, ундан сергап одам йўқ. Бирок жакли чикканда унинг нигоҳига дош бериш, ундан биргина сўз эшитиш машаққат. Нафиса унинг баъзан оддийгина нарсадан ҳайратга тушиб ҳаяжонланиб кетишига, баъзида ҳатто энг даҳшатли хабарни бамайлихотир эшитиб, “Ҳа...”, деб кўйишига бир неча марта гувоҳ бўлган. “Мавхум одам, – деган эди бир кун бош ҳаким Шоирнинг бу феълига ишора қилиб. – Бунақаларга яшаш жуда оғир бўлса керак...”

Шоирга оғир эканлигини Нафиса ҳам билади. Аммо буни бош ҳаким талкин қилганчалик ваҳимали тасаввур қилмайди. Бир пайтлар мактабдаги адабиёт муаллими “Яхши ижодкорлар ёзганларига жуда-жуда ўхшайдилар”, деган эди. Нафиса Шоирнинг шеърларини касалхонага тушмасдан аввал ҳам ўқиган. Муаллимнинг гапига Шоирнинг ўзини кўргач ишонч ҳосил қилди. Шоир касалхонага кузнинг илик қуёши каби жилмайиб кириб келган эди. Кўричагидаги оғрик зўрайиб, жарроҳлик хонасига олиб кирилаётганда ҳам, ҳамшираларга “гап отиб”, гўё уларга далда берган эди. Лекин сўнгги бир ярим ойдан бери Шоирнинг ҳаёти ҳам, кайфияти ҳам куз тўзонига ўхшаб қолди. Нафиса энди Шоирни бандидан узилай-узилай деб турган кузги япроққа ўхшатар, у гўё ўз шеърларидаги зорларини айтиб адо қилолмаган заъфарон япроққа айланаётган эди. Ҳозир эса...

Бир неча кундан бери гоҳ хушидан кетиб, гоҳ хушига келиб, озурда жони борлик ва йўқлик орасида ярадор қушдек ожиз талпинаётган Шоир шу топда хуши ўзидами-йўқми, аввалига англолмади. Ўнг биқини ва юрагида оғриқ сезгач, хушига келганини билди. Сўнгги йиллардаги зерикарли машғулот – ўй суриш, оғир ўйлар гирдобида жон таллашишга тағин ўзини маҳкум эттиси келмай, ҳаёлан шеър ўқишга тутинди. Шу билан гўё ёзганларини сарҳисоб қилмоқчи, тинчгина кўз юмишга ҳақи борми-йўқми, аниқламоқчи бўлди. Таассуфки, минг машаққат билан ҳаёлида тикланган мисралар уни аввалгидан ҳам оғирроқ ўйлар гирдобига улоқтириб ташлади.

Уфф... Аслида шу ўйлар эмасми шеър ёздирган?! Шу шеърлар эмасми одамови қилиб қўйган?!

Дунё кенгми? Унда нима учун совуқ башарасини кўрсатмасликни Яратгандан тавалло қилиб сўраганинг аблах кимсаларга истасанг-истамасанг ҳар дамда дуч келаверсан?! Дунё торми? Унда не сабаб юрагингга жон қадар яқин олганинг, дийдорига муштоқ бўлганинг, тақдир тақозоси билан йўлдами, сафардами, қишлоқдами, шаҳардами танишиб, меҳр қўйганинг инсонларнинг дийдори қиёматга қолаверади?!... Шоир бу ҳақда жуда кўп ўйлайди. Эҳтимол, дунёнинг ишлари у ўйлаганчалик чигал эмасдир. Эҳтимол, у умрнинг ҳар кунидан маъни излаб яшашга одатлангани учун тириклик дунё билан муросадан иборат эканлигини унутиб қўйгандир...

Ишга энди келган пайтлари ўзига бино қўйган ёши каттароқ бир олифтани “Сизнинг фикр тарзингиз ўн гектарлик ишхона худудидан ташқари чиқолмайди”, – дея тахтадек “михлаб қўйганди”. Эҳтимол, озми-кўпми улгайиб, ўзи ҳам тор ўйлайдиган бўлиб қолгандир. “Торга тор дунё, кенгга кенг дунё”, дейдилар-ку, ахир. Ҳамкасблари унинг далли-девона феъли боис давраларга осонликча киришиб кетолмаслигини кўп кўришган. Шу боис улар Шоирнинг баъзан меҳри товлана кетиб, айтган ширин сўзларини ҳам ёлғонга, аниқроғи, пичингга йўйишади.

Аслида кўпчилик Шоирнинг йиғласа юрагини парчалаб йиғлаши-ю, қулса қушдек беминнат қулишини билмайди. Яна ким билади, дейсиз? Бани одам ичра

шеър ёзмаса ҳам, шоирни тушунадиганлар озми-кўпми бор. Шоир мактаб сабоғидан сўнг қўли китоб кўрмаган, аммо дунё ҳақида алломайи давронлардан салмоқлироқ фикр айта оладиган одамларни кўрган. Инсон кўнгли ҳақидаги анча-мунча китобларни титкилаган-у, аммо вазият такозо қилганда, “одамларнинг юрагига оёқ кўйиб девор ошадиган” гапдонларни кўравериб кўзи қотгани рост. Бирок кўнгли ҳақидаги баландпарвоз машваратлардан “қочгани” сабаб танбех эшитган, аслида ҳеч бир кенгашсиз умрини ўзгалар юзига табассум индириш, одамлар кўнглини обод қилиш учун сарф этишга ҳозир бўлган инсонларга ҳам ахён-ахён дуч келган.

Нега ахён-ахён? Дунёни бутун кўриш абадий армонми?! Балки дунё ҳақиқатан ҳам тордир? Унда не сабаб яхшилик қилиш учун узалган қўл ҳавода муаллақ қолаверади? Эҳтимол, дунёни кенг деганлар донишмандроқдирлар? Унда не сабаб улар бир қарич ер учун бош ёргувчиларга, омонат обрў таъма қилиб ёвлашувчиларга бу ҳақиқатни исботлаб беролмайдилар? Ёмонликдан қайтиш шунчалик машаққатми? Яхшиликдан юз буриш шунчалик осонми? Яхшилик ва ёмонлик орасидаги масофа қаерда ўзи?

Шу топда устозларидан бирининг “Аслида яхшилик билан ёмонлик орасидаги масофа жуда қиска. Бировга ёмонлик қилсанг, уни ўзига яқин олувчиларни ранжитган бўласан. Бировга яхшилик қилсанг, уни ёмон кўрадиган одамларнинг пайтавасига қург тушади”, дея истехзо ила бош чайқаб қўйгани тагин эсига тушди. Эҳтимол, бу фикр кўпни кўрган одамнинг йиллар давомида синовдан ўтган ҳаётий хулосасидир. Аммо Шоир ҳар галгидек бу сафар ҳам устознинг бу хулосаси билан муроа қила олмади. Илло, ёвуз ҳаёллари рўёбига боис-бахона излаб юрганлар камми? Уларга бу гапни шивирлаб айтиб кўринг-чи. Устознинг триклик ҳақидаги дардли армони ўлароқ айтилган бу хулосани мутлақ ҳақиқат дея қабул қилувчилар, гапи ўтадиган давраларда бошқаларга шу тарзда фатво берувчилар чиқиб қолмайдими? Бир қўлда асал тутиб табассум қилиш, бир қўлда захар тутиб фурсат пойлаш... Ух... Ай, ғофил, бундайлар йўқ дейсанми? Аслида устознинг фикрига қўшиласанми-йўқми, дунё шафқатсиз ҳукмини ўқийверади. Уйда еган асалинг бекатта етар-етмас захарга айланаверади... Кимдир дастлаб юрагинга аёвсиз пичоқ санчиб, сўнгра ўзинг билан қўшилиб йиғлайверади... Пўртанаси минг йиллик уммонларга тутшиб кетган бу асов оқимга қарши сузиш мумкинми?

Сиқилиб кетди. Ўзига ўзи ваҳимачи бўлиб кўринди. Дунёда фақат ёмон одамлар яшамайди-ку, ахир. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлгани билан дунё тугаб қолармиди?! Шу қоронғи тунлар арази деб олдинда кутаётган ёруғ тунлар умидини ўлдириш, ёруғ кунлар қувончини ерга қориш мумкинми?!

Ёки дунёда яхши яшаш учун бефарқроқ бўлиш керак, дегувчилар ҳақ эканми? Йўқ, асло! Оқни ҳам, қорани ҳам бир тарозига солгувчилардан, баландни ҳам, пастни ҳам бир мезонда баҳолагувчилардан, хуллас, нафратини муҳаббатидан, муҳаббатини нафратидан фарқлаб бўлмайдиганлардан бадбахтрок одам йўқ. Шодлигию хуррамлигидан ташқари, дарду қулфати билан-да гўзал инсонлар йўқми дунёда?

Шу топда собиқ хонадошларини эслади. Зеро, улар қай жиҳатлари биландир Шоирнинг юрагига ўрнашиб қолишган эди...

...У жарроҳлик хонасида кўп қолиб кетмади. “Кўричак нима бўлибди? Ўн беш минутда есть қиламиз-да, Шоир ака”, – деган ёш жарроҳ йигит “ваъда”сининг устидан чиқди. Дорилар таъсирида оғрик сезмай жимгина ётган Шоирни икки-уч ҳамшира шўхлигу эркалик билан палатага ўтказишди. Шоир хонадошларига тузукрок разм солиб улгурмай, уйкуга кетди. Эрта тонгда оғрик зўридан безовта

бўлиб, инграб уйғонганида, боши устида унга хавотирли нигоҳини тикиб турган эллик ёшлардаги одамни кўрди.

— Оғриқ безовта қиялпими, биродар?.. Ҳечкиси йўқ, бир-икки кунда оёкка туриб кетасиз! Мана, кайноқкина чой ичиб олинг.

— Раҳмат сизга, — дард соя солган юзи ёришиб бош иргади Шоир. — Раҳмат...

Кейинги кун Шоир анча ўзига келди. Хонадошлари билан яқинроқ танишиб олди. Кеча унга меҳрибонлик қилган киши хонадошларнинг энг ёши улуги, хунарманд уста эди. Шу боис уни Уста дея хурматлашар экан. Танасига оғриқ чанг солаётган бўлса-да, беш вақт намозини қанда қилмаётган ўрта ёшлардаги кишини Мулла дея эъзозлашар экан. Шоир Мулла билан тенгдош учинчи хонадошни ким деб аташларини аниқлай олмади. У кўримсизгина кийинган, соч-соқоли бетартиб ўсган, кун бўйи шифтга термилиб ётишдан ўзга ташвиши йўқдек ҳеч ким билан гаплашмас ҳам эди. Илло, бир неча кун давомида уни сўраб келадиغان киши ҳам бўлмади.

Шоир унинг ёлғиз яшашини, яқинларидан узилганини, дунё шодликларидан махрум бўлиб қолганлигини тушунди. Уни ўзича Мосуво дея атайдиغان бўлди. Албатта, бу номни тилига чиқаришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Аммо бу топилмаси ҳазин кайфиятига мос келганидан уни унутиб ҳам юбормади.

Шоир шифохонига келиб бир ҳақиқатни англади: бу ердагиларни фақат танасининг дарди эмас, калбининг дарди ҳам бирлаштириб турар экан. Эҳтимол, дунёнинг ўзи шу мантқиққа қурилган-у, Шоир буни энди, дардмандлар бир жойга тўпланиб қолганда англагандир? Шифохона ҳам дарсхона экан-да...

Бу дунёда бедард одам бор эканми?! Тан дарди-ку, баҳарнав. Ҳарҳолда, унча-мунча эмас, шаҳарнинг биринчи даражали шифохонаси — шошилинч тиббий ёрдам клиникасида ётишибди. Оппок халати ўзига ярашиб, у ёқдан-бу ёқа югурган дўхтирларга ҳукуматнинг ақчасини окламок ҳам фарз. Аммо тан дарди баҳарнав, кўнгил дардига даво бормикин? Дил дардига дори бормикин?

Оғир ўйга ботган Шоир, кейинги ўн беш куннинг нари-берисида иккинчи марта касалхона замбилига ётган Уста, дўписини бурни аралаш кўзига қўндириб мудраётган Мулла, каравотни ғижирлатиб, у ёқдан-бу ёққа тўлғонаётган, сассиз-содосиз шифтга қадалиб ётган Мосуво — ҳамма-хаммасининг ўз дарду ғами бор...

Ўз фарзандининг, биродарларининг ёмон одам бўлишини истайдиган ота-она, оға-ини йўқ дунёда. Шоир ўз адлу диёнати билан кўпчилик орасида обрў-эътибор қозонган ва ўз жигарпоралари, қондошларининг ҳам диёнатли бўлишини истаган кишилар хонадонидеда униб-ўсди. Уларнинг оиласи мухташам саройда истиқомат қилмаса-да, бениҳоя катта эди. Шу даражага етган эдики, бирор жиддийроқ сабаб туфайли барча кавму қариндошлар жамланса, кичикроқ бир қишлоққа сиғиши мушкул эди. Қишлоқ кексаларининг кўпчилик ошқора ҳавас билан боқадиغان бу оилани илдизлари тарвақайлаб кетган чинорга ўхшатишлари сабабини Шоир кейинроқ — анча улғайиб қолганида тушуниб етди. Бинобарин, уларнинг фақатгина чинорнинг томирларини эмас, балки виқор билан кўр тўкиб турган шохларини ҳам назарда тутишганига шубҳа йўқ. Оила чинорининг савлатдор шохлари шоирнинг тақводор бобо-бувилари, ота-онаси, ака-опалари, мамлакат бўйлаб ёйилиб кетган кавму қариндошлари эдилар. Табиийки, улар оила шаънини барча нарсадан устун қўйишар, халқнинг эътиборидан қолиш улар учун ҳалокатга тенг эди. Табиийки, ўз хатти-ҳаракатларини бекам қўст баҳолай олиш лаёқатига эга бўлган оила катталарининг фикру зикри оиланинг “бебош”, ўйинқароқ болалари тарбияси билан банд эди.

Гўдақлар томирларига қон билан оқиб қирган эзгулик нури оила катталарининг жонкуярликлари боис соат сайин теранлашиб борар эди. Опа-акаларнинг

тергашлари, аччик танбехлари болалар кўнглига оғир ботмас, аксинча, мурғак қалбларида илдиз отаётган эзгу хислар уларга ажиб фароғат бахш этар эди. Атрофдагиларнинг бошқача назар билан қарашлари, катталарга хос мулоҳазаларини эшитиб, жилмайиб қўйишлари хуш ёқарди, уларга.

Гўдакларнинг ўйинлари, жажжиларга хос машғулотлари ҳам оила рухиятига мос эди. Ўртанча ака ўргатган “Яхши ва ёмон бола” ўйини, айниқса, болаларнинг асосий вақтини банд қиларди. Ўйин талабига мувофиқ улар яхши ва ёмон болалар сифатида икки гуруҳга бўлинишар, гуруҳлар тўлғач ортиб қолган болаларга кози ҳамда аъёнлар, миршаблар вазифасини ўташ топширилар эди. Ўйин жуда кизикарли, шунинг баробарида, қатъий қоидага ҳам бўйсунар эдики, гуруҳларга бўлиниш жараёнида чекига ёмон бола бўлиш тушиб қолган иштирокчилар жўрабошига очик-ошқора норозилик баён қилишар, бу ажримга хайрихоҳ эмасликларини яшириб ўтиришмасди. Ўйин учун ёлғондакам бўлса-да, ёмон бола бўлгиси келмасди уларнинг...

Катталарнинг унга муносабати бошқаларга нисбатан ўзгачарокмиди ёки болалик хотираси қагларига меҳрга тўла қунарлари манзараси теранроқ муҳрланганми, ҳарҳолда, Шоир ўша қунарлари энтиқиш билан эсларди. Аслида оила катталарининг ундаги кизикишлар билан ҳисоблашишгани, баъзида эринмай энг майда икир-чикирлар учун-да бесаранжом бўлишдан оғринмаганликлари бежиз эмас эди. Улар бу мурғак қалбнинг ўй-фикрларида, фавқуллодда катта режаларида унинг эртасини кўришган эди. Ўртанча ака унга китоб ташишдан эринмади, ота-она рўзғорнинг ўру қирдан чегириб, айтганларини муҳайё қилишни одатга айлантиришди. Шоир яхши фарзанд, яхши ука, яхши ўқувчи, яхши талаба бўлишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Кейинроқ яхши ходим, яхши ота бўлиш машаққатларига рўбарў келди. У буларнинг барчасига улгураётганлигидан, барчасини уйдалаётганлигидан ҳайратга тушар, қувончи ичига сиғмас эди.

Замонасининг олими давронлари фаннинг алламбалло муаммолари ҳақида бош қотиришга киришган, дунёни ўзгартириб юборадиган кашфиётни мана мен қиламан, дея қўкракларига уриб юрган пайтда Шоир ҳаётнинг икир-чикирларини муҳокама қилиб, ўй суриш билан банд бўлди. Биродарлари “Дунёни бунча тору тақир қиласан. Сендан бошқалар ҳам бордир унинг ташвишини ўйлайдиган”, дейишдан чарчашса-чарчашди, аммо Шоир мушоҳадаларига эрк бериб, пешона тириштиришдан чарчамади. Бошига булут кўнган касбдошлари уни махмадона дея “алқашди”, ҳазилга ўч биродарлари донишманд, дея “елқасига қоқишди”. Бирок у далли, девона деган ном орттирса орттирдики, ортига қайтмади...

Аммо дунёни англаш учун озми-қўлми яшаб кўриш керак экан. Ёши улғайиб, тирикликнинг қоронғи сўқмоқларига бош ургани сари аввалги шахди сўнаверди. Яхшилик ва ёмонлик орасидаги чегарани аниқлай олмай боши қотгани сари, озми-қўлми қилган хайрли ишлари эвазига гоҳ танбех, гоҳ пичинг, гоҳ ошқор ғазаб шаклу шамойилида “муқофот” олгани сари, дарёга солинган яхшиликларини бир ямламай ютган наҳанг балиқ қўзларини лўқ қилганча қўлини ғажишдан умидвор эканлигини анлагани сари шубҳаси ортаверди. Энди у эзгулик ҳақидаги баландпарвоз нутқларни заҳарҳанда билан эшитадиган бўлди. Илло, бундай суҳбат у нутқлардан самимият тополмай ҳафсаласи пир, кайфияти хуфтон бўлажагини анлагани боис радио ёки телевизорга ҳафсаласизлик билан қарайдиган, газета-журналдан ижирғанадиган бўлди.

“Яхши одам, қўй оғзидан чўп олмаган инсон”, деган номга муносиб бўлиш учун жисму жонидан кечишга тайёр бўлган кекса отаси, донишмандлик фаслига кадам қўйган акалари унга танбех беравери чарчашди: “Ёмонликдан ёмони, яхшиликдан яхшиси йўқ, болам!” “Ёмонлик қилиб ким фойда топибди, ука?!” Шоир бу танбехларга пинак бузмай чидаб берар, аммо фикрини ўзгартириш,

оиланинг минг йиллик анъаналарига қайта бағир очишга ўзида куч топа олмас эди. Йўк, у қалбидан юз бургани, жисмию рухига она алласи билан сингган эзгу хиссиётни кўксидан юлиб отгани йўк. Аммо шубҳаларга чап беришга, ақалли ўн йил олдинги ҳолатига қайтиш учун куч топишга қийналар эди.

“Мен қаерда хато қилдим ўзи?” Бу саволни яна неча марта бериб юрагини қиймалайди? Андишанинг отини кўрқок дегувчилар ҳамма замонларда топилади. Наҳотки, дўсти ғариблари унинг-да андишасини кўрқокликка йўйишган бўлса? Бошқача талкин қилишлари мумкин эдими, ўзи? Аслида у ўз кўрқоклигини андиша баҳонаси ила никобламадими? Анча муддат ана шу қусури жабрини тортмадими? Чегарани бузмасликка онт ичган эди. Аммо инсоний муносабатларда, тирикликнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларида чегаралар борлигини ҳамма билармикин? Илло, билган тақдирда нечта одам бу чегара қонуниятлари билан ҳисоблашади?... Ахир, у қачонгача қийналиб яшайди? Бу янглиг аросат азобига яна қанча чидаб бериши керак? Наҳотки, яхши одам бўлиш орзуси армонга айланиб бўлди? Наҳот, қалби яхшилик қилиб ҳаловат топиш бахтидан абадулабад махрум бўлган бўлса?...!

Оғир уф тортиди. Деворга ўгирилиб олди, уни анчадан бери кузатиб ётган Мосуво ҳам хаёлга толган эди. Шифоҳона ҳаётининг ҳам ўз қонунияти бор, шекилли. Келганига ҳали беш кун бўлмаган эса-да, хонадошлари билан кадрдонлашиб қолганини хис қилди. Ёлғизликда одамнинг кадри билинар экан, беш кундан бери ҳаётига мазмун кириб қолгандек. Ака-укалари ҳам Устага, Муллага, Шоирга ўхшашса қанийди. Хаёлан Шоирнинг ҳозирги ҳолати сабабини аниқлашга уринди. Шоирларни ўйчан бўлишади, доимо дунёнинг ташвишини қилиб юришади, деб эшитган эди. Шоир бу гапларнинг нотўғри эканлигини исботламоқчидек доимо қулиб, ҳазиллашиб юради. Аммо ҳамсухбат бўлган одам уни қандайдир ички дард эзиб турганлигини хис этмай қолмайди. У, айниқса, ором соатларини жуда эзилиб, азоб билан ўтказди. Тин олиш ўрнига нуқул ўйлар гирдобида тўлғонади, ич-ичидан хўрсиниб қўяди. Шоирга теле-визорда бир-икки марта кўзи тушган, шеърларини эшитган Мосуво унинг бу ердаги шўхлигу ҳазилларини кўриб, ёзганлари табиатига мос эмас экан-да, дея ўйлаган эди. Йўк, Шоир ёзганларига жуда-жуда ўхшар экан. Фақат тунд кайфиятини бошқаларга юктирмаслик учун қулиб, ҳазиллашиб юришга уринар экан.

Шоир билан дилдан суҳбатлашгиси, унга тасалли бергиси келди. Аммо бунга журъат қилолмади. Илло, ўзининг кайфияти ҳам униқидан яхши эмас эди...

Одам нима учун ичади? Ҳаётдан қўнгли совисами? Умридан мазмун топмаса, мақсад-маслагини йўқотсамми? Баъзиларга ичиш учун баҳона керак, дейдилар. Аслида ичишга баҳона қидирадиганлар, ичмаса туролмайдиганлар сафар ибтидосида йўлни йўқотганлари учун, энди ҳаммаси барибирлиги учун ичишга баҳона изласалар, ажаб эмас. Дарвоқе, йўл. Мосуво йўлини қачон йўқотган эди? Чуқур хўрсинди. Ёш бўлиб кўзида аке ётган дарди суратини яшириш учун деворга ўгирилиб олди.

“Мен ўшанда ўлишим керак эди. Ўшанда Азроил жонимни олса, бунча кўргиликлар қайда эди! Ўшанда итга ит ўлими қисмат эканлигини исботласам, бугун Худодан ўлим сўраб изиллашларга не ҳожат бор эди?!”

Ўшанда... Ҳар доимгидек улфатлари билан чўнтагидаги энг сўнгги чақаларигача эзиб-сиқиб ичишган, чайқалиб-туртиниб уйга келганида, икки норасида қизчаси изгирида қолган мушук болаларидек бир бурчақда кўзлари жавдираб ўтирар, рўзгорнинг энгини елкасига ёпиштира олмай гангиган хотини унинг бугун яна қандай томоша кўрсатишини ўйлаб, бош чангаллаганча хижилларди. Кўзига ёмон кўриниб кетди шу топда бу нотавон заифа. “Ношукр!” (худди рўзгорда ҳеч бир кемтик йўғ-у, хотини атайлаб ғишғиша қилаётгандек) ўйлади у. Ўйи тилига кўчди:

– Ношукр!

Шундай дегани баробар хотинининг бикинига тепди. Кутилмаган зарбадан хушдан кетаёзган “бу алвасти” лўлилик қиялпти, деб ўйлади-ю, баттар ғазабга минди. Шалвираган “қоп”ни холдан тойгунча тепди... Қизларининг ваҳима аралаш аччиқ фарёдидан сергак тортиб ўзига келганида, хотини қора қонига беланиб, оёғи остида зўрға нафас оларди... Бошқасини эслолмайди. Чошғоҳда – бикинидан совук ўтиб, жони қакшағач уйғонганида, хотини икки норасидасини ўраб-чирмаб отасининг уйига қочиб ултурган эди... Шўрлик жуда юрак олдирган эканми, хафта ўтса ҳам, қорасини кўрсатмади. Бу орада чеккан азобини ўзи биллади-ю, Худо. Уй дегани ювилмаган идишу йиғилмаган кўрпа-тўшакдан ивирисиб, лўлининг капасидан фарқ этмай қолди...

Нихоят, сабри тугади. Белдан ураётган лайлакқорни, тун зулматини писанд қилмай, велосипедини етаклаганча йўлга тушди. Йўл-йўлакай совук ва кўрқувни енгар, дея бир шиша арокни ҳам қўйнига солиб олди. Шу тахлит минг азоб билан қор кечиб, арок ичиб, қорни газак қилиб, ярим йўлни босиб ўтди. Босиб ўтди-ю... оёқ-қўли ўзига бўйсунмай, кўзи тиниб, йўл четига қулади. Қанча ётганини билмайди. Қўзини очиб, дастлаб нима учун бу ерда ётганини тушунмади. Тун зулматида қай ёқдан келётгани-ю, қай ёққа кетётганини билолмай қангиди. Тагин қор ейишга тушди.

Юзи, бўйни ва тобора алангаланаётган оташ ичида қоврилаётган кўксига қор суртиб, фикри равшанлашди. Тиширичаётган жонига хотиржамлик инди. Бўшаган пишани номаълум ёққа улоқтириб, велосипедини етаклаганча йўлга тушди. Лекин қаёққа?... Хушсиз ётган пайтида тагин қучайган қор изларни кўмиб юборган. Тун ярмида бу овлоқ йўлдан на машина, на бир йўловчи ўтар, учга бўлинган йўлнинг қай тармоғи қайнотасининг уйига бориши номаълум, ўзи қай томондан келгани-да мавҳум эди. Ҳамма ёқ оқ... оппоқ... Туйқус юрак-юрагини ўртаб юборган фикрдан тилигача музлаб, ночор-нотавон тиз чўкди: “Энди нима қиламан?! Музлаган жасадим мана шу овлоқда хор бўладими?! Ширин қизларимнинг майин қўлчалари, иссиқ нафаслари тафтидан бебахра, қимсасиз, қувғинди махлуққа ўхшаб жон бераманми?!” Ўзини забун, ҳамма нарсадан махрум, ҳақоратланган ҳис қилди. Хўрлиги келиб, уввос солиб йиғлади. Бетартиб ўсган соқол-мўйловида музлай бошлаган қору қиров кўзёшлари тафтида эриб, кўрагини шалаббо қилди. Айтиб-айтиб, тўлиб-тўлиб йиғлади (қимдан ҳам андиша қилсин?!). Қуйган қунларию қуяжак қунлари учун. Чеккан ғамларию чекажак аламлари учун. Ҳаммаси тугаганию ҳаммаси барибирлиги учун...

Узоқ йили тракторчи қўшнисининг бир тўйда кўпроқ ичиб, уйга етолмай йўл четида уйқу элитганини, қони музлаб ўлиб қолганини эшитган эди. Шу машъум воқеа ёдига тушиб, кўксида совук алланима ўрмалагандек бўлди. Тун зулмати зилзамбил қўллари билан елкасидан босиб, ваҳимаси орди. Шуурида уйғонган ўжар хиссиётга бўйсуниб, номаълум томонга юра бошлади. Кўнгида умид уйғонди. Ҳеч йўқса, қун ёришгунча музлаб қолмаслик тадбирини ўйлаб, бир қақиримча масофа оралиғида изиллаганча тақрор-тақрор югуришдан ор қилмади. Югураверди, югураверди... Тирик қолса бўлди! Музлаб қолмаса бўлгани!...

Афсус... нотавон жисмини изғирин чангалидан халос этгани чора топганидан бир кун келиб пушаймон қилажагини билса, нақд бўлиб турган имкониятни қўлдан чиқарармиди?... Тун зулмати чекиниб, ғира-шира тонг отганида, ўзининг ожизлиғию лакмалиғига лаънат ўқиди. Қаҳратон даҳшатидан эсанқираб, қайнотасининг уйи томон кетадиган йўлнинг бир қақирими орасида тақрор-тақрор югураверибди, югураверибди... Шу лаҳза қайнота уйдан қадами ўша машъум тундаёқ узилганлиғини тушунди...

Беозор мусичадек қимтиниб, пастак уй деразасидан мўлтираб боққан қизалоқларини бағрига олган ҳовли дарвозасини қоқиш фойда бермади. Қўшни ҳовлидан югуриб чиққан икки қайноғаси ёғдирган қалтақлар, жонсўз ҳақоратлар

олдида тунда чеккан азоблари ҳеч нарса бўлмай қолди. Бир замонлар қўлига тушиб қолган китобда ўқиган эди: Одам ким эмас, нима! Жаҳолат нима эмас, ким!.. Дарвоза ғазаб билан ёпилди, унинг учун бир умрга очилмайдиган бўлиб ёпилди гўё.

Одам нима учун ичади? Мақсаду маслаги ноаёнлиги, умрининг мазмунини йўқотганлиги учунми? Ҳеч кимга керак эмаслигини, уни деб қайғуришга кўзи учиб турган меҳрибону мушфиқи йўқлигини англагани учунми? Ўзини азобли ўйлар гирдобига боғлаб турган тириклик ришталарининг узилишини тезлаштириш учунми? Барча-барчаси учун! Ҳамма нарса барибир бўлиб қолган одам учун ичишга бахона излашнинг ҳожати йўқ.

Мосуво ҳам ичди. Ҳожати бўлса, бўлмаса. Кўнгли тортса, тортмаса. Бир шиша вино таъмаида кун бўйи мардикорлик қилишлар. Йиллаб супурилмай ивирсиб ётган каталақдек хонада қон-қусга ағанаб тонг орттиришлар. Шу йилларда орттирилган жигар хасталиги... Йўл бошида адашган бадбахт кимга ҳам керак?! На оила, на касб-кордан тинмаган дардисарга кимнинг ҳам кўзи учарди? Ака-укалари, опа-сингиллари “искирт пианиста”дан юз ўгиришди. Уни кўрган ёр-дўстлари кўзини олиб қочадиган, кўчанинг нариги тарафига ўтиб кетадиган бўлишди... Одам ким эмас, нима! Разолат нима эмас, ким! Ичишга бахона излаш шартми? Шунча кулфат “шукронаси учун” ичмаслик инсофданми?!..

“Ай, ўзига бошган нораволар! Ай, шўрлик никоб бандалари! Ёмғирдан кўркан тошбақага ўхшаб бўйнингизни ичкари тортавериб толиб кетмадингизми, шўрманглайгиналар?! Мен-чи, мен? Сизлардан қолишармидим? Бир ношуд, аянчли маҳлук. Ҳеч ким қирмайдиган уй, ҳеч ким қадам босмайдиган кўча... Ўшанда нега ўлмадим?! Зулми одат қилган бенаводан ўлим ҳам хазар қилдимми? Қалтагу ҳақоратларга бундан-да баттарок бадбахтликларга юзма-юз бўлиш учун чидаб берган эдимми?!”

Бўзига тикилган фарёд йўлини тўсишга куч топа олмади. Жон ҳолатда оғзини ёстикка босди. Аммо алам ва ҳаяжондан силкинаётган елкаларини яширишга имкон тополмади. Уни боядан бери зимдан қузатаётган Шоир ортик чидаб туролмади. Ўрнидан секин кўзгалиб, Мосуво ётган каравот олдига борди:

– Қаттиқ оғрияптими?

Мосуво дастлаб сўз тополмай тараддудланди. Сўнгра синиқ жилмайиб бош силкиди:

– Ха...

Шоир унга қандай кўмак беришни, қай тарика тасалли беришни билмай шошиб қолди. Ногаҳон, бола ёшида хотирасига муҳрланган бир воқеа эсига тушиб, сергак тортди...

Ўшанда кишининг сўнгги кунлари эди. Қор-кировли кунлар нафаси чекиниб улгурмаган, бир тўп синфдош қунишганча бир-бирининг пинжига тикилиб, мактабдан қайтишаётган эди. Ногоҳ йўлга туташ ташландик зовур томондан мушукчанин оғиз миёвласи эшитилди. Болалар совуқни унутишди, жилдларини бир чеккага қўйиб, уни қувлай кетишди. Хатардан қочиш тажрибаси шаклланиб улгурмаган жониворни тутиш қийин бўлмади.

– Ў-ў... урғочи-ку. Бекорга ташлаб кетишмаган экан-да, – билагонлик қилди синфдоши Азиз.

– Бу ёкка бер-чи, – мушукчага чанг солди синфдошлар ичида зўравонлиги билан ном қозонган Шавкат. – Урғочи мушук касофат келтиради, уни мана бундай қилиб...

У шундай дея мушукчани боши узра бир неча марта айлантирди-да, қулочкашлаб ерга урди. Мушукча бир-икки типирчилади-ю, тинчиб қолди. Синфдошлар бепарво қўл силтаганча ундан узоклашишди. Бола (у пайтларда шоир бўлиб улгурмаган эди) йиглаб юборди. Гавдаси шалвираб қолган мушук-

чани ердан кўтарар экан, кўлидан ҳеч нарса келмаслигини ўйлаб, хўрлиги келди. Унинг жажжи бошчасини, кўкракчасини силаб, кўзларини юмганча алланималарни шивирлай бошлади. Шу тахлит қанча ўтирганини билмайди. Ногаҳон, қафтида жонланиш сезиб, кўзини очди. Унинг силаб-сийпалашларию илтижолари сабаб бўлдими, хушига келдими, мушукча унга кўзлари жавдираб қараб турарди. Бола мушукчани авайлаб қўйнига солди...

Ўйдагилар унинг мушукчани асраб олиш ҳақидаги илтимосини рад этишолмади. Шундан кейин у менда аллақандай илоҳий қувват бўлса керак, дея ўйлади. Бирор ери безовта қилган ота-онасини, ака-укаларини шу тариқа ўзича “даволаб” юрди. Аммо ёши улғайғач, одамларга кулги бўлмай дея бу “эрмак”дан ўзини тиядиган, ҳатто бу қилиғи ўзига кулгилу туюладиган бўлди.

Ҳозир эса... бироз тарадудланиб турди-да, қаравот четига эҳтиёткорлик билан ўтирди. Қафтини Мосувонинг кўксига қўйиб, кўзларини юмганча алланималарни пичирлай бошлади. Четдан қараган кишига бу ҳолат эриш туюлиши муқаррар эди. Аммо Шоир қомил ишонч ила бошлаган ишида давом этар, Мосуво танасига титрок югурганини, енгил тортаётганини сезиб, лол бўлиб қолган эди...

Тундан сўнг Устанинг аҳволи оғирлашди. Қон босими ошиб, бошида кучли оғриқ турди. У ҳамширалар ҳар қанча оғоҳлантиришмасин, бош ҳақим ҳар қанча таъкидламасин, ўйлар гирдобидан қутулолмаган эди...

Одам боласи мунофиқ бўлиб туғиладими? Бундай деса... Уста Шогирднинг отасини яхши билади. Бир неча йилдан бери шу маҳаллада яшаб, бу одам ҳақида ёмон гап эшитгани йўқ. Ёки мунофиқлик одамзод табиатига кейинчалик атрофдагилар таъсирида ўрнашиб оладими? Ундай бўлса, Уста айбни ўзидан кидириши керак экан-да? Бандасининг айби Яратганининг ўзига аён. Уста ўзини кўпроқ савоб амалларга дахлдор ҳисобласа-да, ундан ҳам ўтган айб-хатолар йўқ эмас. Аммо баъзиларнинг қаттоллиги-ю мунофиқлиги олдида унинг айблари нима бўлибди? Наҳот дунё яхши-ёмонни ажратмай бир қалтакда савалайверса?! Наҳот нодон абадулабад айшини суриб, доно абадулабад жабрини тортаверса?

Отаси Устанинг ҳузурига етаклаб келганида, Шогирд ҳали ўн олти ёшга тўлмаган эди.

– Хунари бор хор бўлмас, дейдилар, Уста. Мана, ўзингиздан киёс. Маҳаллада обрў-эътиборга эгасиз. Шу десангиз, ўғлимизнинг сизнинг касб-корингизга ишқи тушиб қолган. Қўлига тушган ёғочдан нимадир ясай, дейди. Устоз кўрмаган шогирд ҳам макомга йўрғалар, деганларидек, бирор тузукроқ нарса ясаганини кўрганим йўғ-у, тарбия қилса, бир иш чиқиб қолар...

Уста қариянинг гапини ерда қолдирмади. Илло, биров хунар ўрганаман деб келса, юзига эшик ёпиш усталар одати эмас. Ўғиллари бошқа соҳани танлашга иштиёқманд бўлиб турганда, ўзидан кейин ишини давом эттирадиган мард топилганига қувонди.

Шогирд анча укувли чиқди. Бир неча кун Устанинг ишини кузатгач, ўзича ёғоч йўниб юрган пайтларидаги ғўрлиги сабабларини англаб етди. Синчковлиги, кизиқувчанлиги билан Устанинг кўнглига йўл топди. Унинг одамлар билан муомала-муносабати ҳам Устага маъқул бўлди: у қатта-кичикни ўзининг ширин сўзига махлиё қилар олар, битмаган ишни битиришу ечилмаган чигални ечишда унга тенг келадигани йўқ эди. Уч-тўрт йил ўтиб, Шогирднинг сабоғи якунига етиб қолди.

Уста Шогирднинг отасини маслаҳатга чақириб, икковлон уста оши беришга келишиб олишди. Кичик бир маърака тусида ўтиши зарур бўлган уста оши қатта тўйга айланиб кетди. Уста бироз оғринди. Уста оши Шогирднинг дабдабага ўчлигини ошқор қилиб қўйганди... Аммо Устанинг гинаси чўзилмади. Бир йилдан

сўнг Шогирд унинг кизига совчи қўйганда гиналар аллақачон унутилган эди. Устанинг назарида кизига Шогирддан-да муносиброк жуфт йўқ эди. Тўй уста ошидан-да дабдабали ўтди. Ўйлаб кўрса, Устанинг ўзида ҳам дабдабага майл йўқ эмас экан. Қудасининг ўша кунги “эркаликлари”, меҳрибончиликлари унга жуда-жуда ёқди...

Шогирд устахона очиб, мустақил иш бошлади. Устадан ўрганганларини Худо берган иктидорини ишга солиб, бир неча кун тер тўқди. Бир-биридан чиройли, салобати ақлини шоширадиган эшик, дераза, бешик, сандиклар ясаб, устахона бурчагига териб қўяверди.

У ясаган жиҳозларини устахона ташқарисига, намоишга олиб чиққан куни маҳалладошлари бир-бирини суюнчилаб, томошага оқиб келишди. Кекса-ёш, хотинкиз Шогирд яратган мўъжизалар атрофида лолу хайрон кезарди. У ясаган буюмлар, дарҳақиқат, бекаму кўст. Уларни кўрган Уста ҳам лол қолиши аниқ эди. Кексалар Шогирдни узок дуо қилишди, бир-икки одамни айтмаса, ҳамма уйига хуш-хурсанд, Шогирд ясаган буюмлардан қай бирини харид қилишни кўнглига тугиб қайтди.

Хафсаласи пир бўлганлар Шогирднинг омадига ҳасад қилишгани йўқ, унинг Уста ҳақидаги бўлмағур гапини эшитиб қолишгани учун ранжишган эди. Шогирд устахона олдида ўралашиб юрган уч-тўрт гумаштасини ёнига чақириб, “Буларни Уста кўрса, юраги ёрилиб ўлса керак. Унинг ясаганлари булар олдида нима бўлибди”, дея беҳаёларча кулган эди. Бора-бора у бу гапни устахонага кирган дуч келган одамга айтадиган бўлди.

Уста бу гапларга парво қилмади. Шогирднинг гапларини ёшлик танतिकлигига йўйиб қўя қолди.

Шогирд ясаган буюмларимни намоиш қилсам, ишдан қўлим бўшамай қолса керак, бутун маҳалла буюртма учун устахонамга оқиб келса керак, деб ўйлаган эди. Аммо бундай бўлмади. Шогирднинг Уста ҳақидаги ножўя гапи қулоғига етган, шекилли, кишлоқ кексалари устахонадан оёқ узишди. Иморату тўй ташвишида юрганлар Шогирднинг устахонасига киё ҳам бокмай, олисроқ бўлишига қарамай, Устанинг уйига эшик қоқиб боришарди. “Устоз ота ўрнида ота эмасми? Отасини иззат қилмаган одамнинг қўлидан чиққан буюмда шарофат бўлармиди?” ўйлашарди улар.

Шогирд ғазаблангандан ғазабланди. Ўз мағлубиятини Устадан кўрди. “У одамларни менга қарши қайрапти. Алмисоқдан қолган услублари билан одамларнинг кўзини мойлаб юрибди. Кўзбўямачи. Эски тос, эски ҳаммом!” – бетокат тўлғонар эди у. Аламини Устанинг кизидан – хотинидан олди. Аввалига тилига эрк берди, сўнгра қўлини, оёғини ишга солди. Кундузида фароғат, уйқусида ҳаловат қолмади. Охири, Устанинг нақ юрагига ханжар уришга аҳд қилди.

Ўша куни Шогирд хотинини етаклаб келди-да, Устанинг юзига тик қараб захар сочди:

– Мен сизнинг оталигингизга ҳам, оталигингизга ҳам муҳтож эмасман!

Шундай деди-ю, нафрат билан “чирт” тупуриб чиқиб кетди.

Устага шунинг ўзи кифоя эди. Бошини буровга олган оғрик зўридан беҳуш кулади...

Уста жойлашган шифохона бош ҳакими тўрт-беш кунлик муолажадан сўнг уйга руҳсат берар экан, ҳуда-беҳуда асабийлашмаслик, ҳаяжонланмасликни таъинлади. Ташқарида уни мунғайиб қолган хотини, кўзлари ёшдан қизарган кизи кутиб туришарди. Уста бир неча кун умидланиб юрди. Шогирд хатосини тушунар, мурсасага келар, деб ўйлади. Кеча-кундуз дарвозага умид билан тикилиб, хушхабар кутди...

Шогирд иккинчи зарбани берди. Эшик қоққан нотаниш йигит алланималарни мингирлаб, дарвоза рўпарасида турган юк машинасига ишора қилди. Машинага кизининг юклари ортилган эди. Устанинг юраги чилларчин бўлди. У Шогирд-

нинг бундай кабиҳ ишга қўл уришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бошини чангаллаганча остонага чўкди. Отаси киравермагач, хавотир олиб дарвозадан мўраллаган, машина устидаги юкларини кўриб йиғлаб юборган кизининг фарёдини элас-элас эшитар экан, тагин хушидан кетди.

Шифохонада хушига келган Уста боши устида унга норизо қараб турган бош ҳакимни кўрди. Уста синик жилмайди, ҳаким бош чайқади:

– Мен сизга айтувдим, ахир. Икки ҳафта ичида икки марта бундай холга тушиш... Қон босими билан ҳазиллашманг. Ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак. Бўлмаса, мен ҳам ҳеч қандай ёрдам беролмайман...

“Ўзингизни эҳтиёт қилинг, дейди-я. Ҳамширалар ҳам шу гапни такрорлашгани такрорлашган. Ахир, бошимга тушган бу кўргиликларни ўйламай бўладими? Мен-ку, дунёйи дуннинг аччиқ-чучугини озми-кўпми татидим. Фарзанд, невара кўрдим. Қизгинам, кенжа гулгинам ҳали нима кўрди?”

Бегонанинг ханжари оғритмас, дейдилар. Шогирди кўксига қадаган ханжар азобига қандай чидасин?! Фарзанд озори ўлдирари, дейдилар. Шогирд фарзанд эмасми?! У учинчи зарбани қачон беради? Бу зарбага дош бера олармикинман? Яна қандай ғайирликни ўйлаётган бўлса у...”

Хўрлиги келди. Кўзёшларини яширолмади. Ҳамширалар чиқиб кетишини кутиб, боядан бери фурсат пойлаётган Шоир Устага яқинлашди:

– Ўзингизни сикманг, Уста. Ҳаммаси яхши бўлади.

Уста индамади. Шу топда кўнглига гап сиғмас эди. Шоир бироз тараддулланиб турди-да, Устанинг елкасига кафтини қўйди. Кўзини юмганча нималарнидир пичирлай бошлади. Уста танасига югурган ажиб иликликни ҳис этиб, енгил тортди. Бошидаги оғриқ чекингандай бўлди. Бунга Шоирнинг меҳри сабаб бўлди, қўлида аллақандай шифобахш қувват бор эканми, англаёлмади...

Икки кундан кейин Уста бош ҳакимга ўзини жуда тетик ҳис қилаётганлигини айтиб, уйга бориб келиш учун ярим кунга рухсат сўради. Бош ҳаким аввалига буни ҳас-талиқ инжиқлигига йўйиб, қош чимириб қўйди. Тушдан сўнг Устани қайта кўриқдан ўтказиб, қон босими мўътадил эканлигини аниқлагач, ноилож ижозат берди:

– Янгамнинг туғилган кунлари экан-да, а? Мен сизга ишонганим учун рухсат бераман. Тагин ёру дўстнинг қўлини қайтаролмай... Ўзингизни хароб қиласиз, билиб қўйинг.

Уста маҳзун жилмайди. Ичкилик кўнглига сиғармиди. Аслида у туғилган кун баҳона йўқлаб келадиган ўғил-қизларимни, невараларимни кўриб, кўнглим бироз ёзиларми, дея умид қилганди.

Уста кетгач, бироз мудраб ётган Мосуво бирор шумлик ўйладими, Муллага кўз қисиб, ташқарига имлади. Шоир уларга хайрон тикилди. Мосуво “Ҳозир, хозир”, деганча Муллани етаклаб, оёқ учиди йўлакка чиқди. Улар кўп ўтмай юзларига жиддий тус берганча хонага қайтишди. Мулла юзидаги жиддиятни тагин ошириб, Мосувога гўё норози тикилди:

– Ўйлаб айтяпсизми гапингизни? Ахир, энди-энди оёкка туриб, тузала бош-ладингиз...

– Қизиқмисиз, бир култум билан одам ўлиб қолармиди. Бирга борасизми, ё ўзим бориб-келаверайми?

– Мен... шарият харом қилган нарсалардан ҳазар қиламан. Сизга ҳамроҳ бўлмасам, хафа бўлиб қоласизми, деган андишам ҳам йўқ эмас. Лекин хомтама бўлманг, сизга улфат бўлолмайман.

– Ваҳима қилманг-ей, Мулла ака. Бир амаллаб олиб келсак, бўлди. Қанча бўлса, мендан ортмайди.

Мулла “Билганингиздан колмадингиз-да”, дегандай кўл силтаб, истар-истамас Мосувога эргашди.

Шоир уларнинг суҳбатидан аввалига ҳеч нарса англаёлмади. Кейин Мосуво-нинг “бир култум”, “мендан ортмайди” деган лўқмалари ёдига тушди-ю, кўнглига ваҳима оралади. “У нима қилмоқчи ўзи? Жигар хасталиги жонини буровга олиб, шифохонага кон қушиб кириб келган бемор хали шифохона эшигидан чиқиб улгурмай ичиш ҳақида ўйлаши мумкинми? Мосувоки, бу ишдан қайтмаётган экан, демак, дунёни дундан этак силкиб улгурибди-да. Эсиз...”

Кўзига дунё коронғи кўриниб кетди. Жарроҳ муолажасидан кейинги жароҳати тузалаётганини, кундан-кун кайфияти хиралашаётганини ўйлаб тагин хуноб бўлди.

“Ўзим-ўзимга тушунмаяпман-у, одамларни қандай тушуна олардим. Ўзим нечоғлиқ ҳакманки, бировга ноҳаксан, дея маломат қилардим. Ўзимни, кўнглимни даволашга уриниб кўрдимми? Бировдан буни талаб қилишга қанчалик ҳақим бор?”

Бетоқат бўлиб дераза олдига борди. Касалхона ховлисидаги йўлакдан Мосуво ва Мулла суҳбатлашганча келишарди. Уларнинг қўлида ҳеч нарса йўқлигини кўриб, тинчлангандай бўлди. Бирок Мосувонинг қўйнида алланарсани авайлаб олиб келаётганини кўргач, ҳафсаласи пир бўлди. Хонадан чиқиб кетгиси келди, уларнинг “муроди ҳосил бўлгунча” каватдаги ором хонасида вақт ўтказсамми, дея ҳаёлланди. Тагин ўзига маломат қила бошлади. “Бировларнинг фожиасига қачонгача томошабин бўламан? Уларнинг хато ва адашувларини қачонгача четдан туриб кузатаман? Қандай яшаган маъқул? Бировларга ҳалакит бермай, “яхши одам” бўлибми, ёки ҳамманинг ишига аралашавериб, “ёмон одам” бўлибми?..”

Бир қарорга келолмай боши котди. Чиқиб кетиш учун тараддулланиб турганда, эшик секин очилиб, Мосуво ва Мулла кириб келишди. Чиқиб кетиш ноқулай эди. Шоир норози оҳангда гўдранганча жойига чўзилди.

Мулла хона ўртасидаги столга дастурхон ёзди. Тўшаги ёнидаги кичик столда турган меваларни, канд-курс, пиширикларни дид билан ликопчаларга териб, дастурхон тузашга киришди. Мосуво эса Шоирнинг столдан нарса таший бошлади. Илло, унинг ўзида бу имконият йўқ, ул-бул олиб келадиган меҳрибондан-да умидини узган эди.

Шу боис Уста ҳам, Мулла ҳам, Шоир ҳам уни ўзларига тенг шерик санашни бурч билишар, меҳрга мушток Мосувонинг кўнгли бу эҳтиромдан тоғ бўйи ўсар эди. У газак учун помидор ва бодринг паррақлар, “Ичига олов тушгур арок дегани бунақа газак билан келишиб қўяди-да”, дер, ўзига “хамрохлик қилмаётган” Мулланинг елкасига “туртиб” қўяр эди. Сас-садосиз дастурхон тузаётган Мулла бу “танбех”дан хушёр тортгандек, “Шуни айтмайсизми, биродар, шуни айтмайсизми”, дер, тагин “Астағфируллоҳ, ўзинг кечиргайсан, Худоийм”, дейишни-да унутмас эди.

Нихоят, дастурхон тайёр бўлди. Мосуво Мулланинг уйидан янигина келган овқатни дастурхонга тортар экан, Шоирга “келинг, қани” дегандек им қокди. Қўйнидаги нарсага қараб, “Ҳозир, ҳозир, сизни ҳам дастурхонга оламыз”, дея “эркалик” қилди.

Шоирнинг бардоши тугади. Мажолсиз кўзғалиб, эшикка йўналди. Хонадан чиқишга чоғланар экан, ортига илкис қараб, “Садқан одам кетинг-ей”, дегандек Мосувога қаттиқ тикилди. Мулла тиззасига урганча афеус билан бош чайқади. Мосувога таъна қилди:

– Бўлди-да, энди!.. Енгилтақлик ҳам эви билан-да...

Мосуво бундай бўлишини кутмаган эди. Кўзидан изтиробу қувонч, хайрату миннатдорлик аралаш аллақандай ифода аке этганча, Шоирга яқинлашди. Йўл-йўлакай қўйнида дўппайиб турган нарсани қўлига олди. Бу чиройли муқовали

калингина янги ён дафтар ва кимматбаҳо ручка эди. Буларни Мулла иккаласи ён-ларида бор пулни ўртага қўйиб, Шоир учун сотиб олишган эди. Ҳаяжони бўғзига тикилиб, кўзёшлари юзини юваётган Мосуво Шоирга қўлидагиларни узатар экан, худди яқин биродари билан бағирлашаётгандек унинг бўйнига осилиб, ув-вос солиб юборди. Унинг-да бардоши тугаган эди...

Шоир аввалига ҳайрон бўлиб турди. Кейин нима бўлаётганини англаб, кўксини кўзёши билан ҳўл қилаётган Мосувонинг елкасига титроқ қўлини қўйди. Аммо унга тасалли берадиган ҳеч бир сўз айтолмади, илло, бундай сўзни топиш ҳам мушкул эди. Мосуво елкалари титраганча нола қилди:

– Шоиржон, бизни кечиринг. Аслида сизни хурсанд қилмоқчи эдик... Илтимос, бизни унутиб юборманг. Биз билан ўтказган кунларингизни китоб қилинг, Шоиржон, китоб қилинг... Қизларимни соғиндим, Шоиржон. Уларни бир мартагина кўрсайдим, Шоиржон!

Ҳамманинг кўнгли хуфтон бўлди. Аслида хурсандчиликка боис бўлиши кўзланган бу “сахна”нинг бу қадар жиддий яқун топишини ҳеч ким кутмаган эди. Ясатиғлик дастурхон музтарлиғича қолди. Шоир Мосувони авайлаб ўрнига ётқизар экан, Муллага қаради. У бошини чангаллаганича ўйга толган эди.

Шоир Мулланинг ҳам недири ўй гирдобиде жон талашиб юрганини сезган эди. Юзини панжалари орасига яширганча мук тушиб ўтирган Мулланинг шу топда ҳам ўша ўйлари боис эзилаётганлигига шубҳа қилмади...

Одамзод танига бир тикан ҳам бесабаб қирмайди, дейдилар. Исик жонга чанг солган дардни одамзод билиб-билмай қилган қайбир гуноҳ учун жазо, дейдилар. Мулла шифохонада дард деганининг маълуми номаълум саноксиз хилини қўриб, одамзоднинг бардошига лол қолди. Шифохонага оғрик азобидан паноҳ излаб келган дардмандлар сафига қўшиллар экан, аввалига жазога мустаҳиклар сафига тасодифан тушиб қолган маҳкумдек ўнғайсизланди. Бу шафқатсиз ажримга рози бўлгиси келмади. “Наҳотки, бу одамларнинг ҳаммаси жазога лойиқ бўлса? Ҳатто мана бу тиши чиқиб улгурмаган болақайлар ҳамми? Улар дунёга келиб, қандай гуноҳ қилиб қўйишибдики, жонлари исканжага тушиб азоб чекадилар? Ўт кетса, ҳўлу қуруқ баварар ёнади, дейдилар. Наҳот дунё тарозуси ҳаммани бир мезонда ўлчайверса?..”

Шифохона одамни мўмин-қобил қилиб қўяр экан. Бу ерда шифтга қараб ўй суришу ҳаётингни сарҳисоб қилишга фурсатинг қўп бўлади. Мулла ҳам қўп ўйлади. Оқибат, “Бу ердаги ўнга одам жазога муносиб бўлса, биттаси менман, агар битта одам муносиб бўлса, ўша менман”, деган хулосага келди. Хонадошлари унинг камгаплиги сабабини суриштиришга истихола қилишарди. Сухбату кулгиларга қўшилмай, уларни ноқулай аҳволга солиб қўяётганини ўзи ҳам сезарди. Бироқ харчанд уринмасин, қалбини пора-пора қилган, ҳаловатидан айирган ўйлар гирдобидан қутулиш ҳорасини тополмаётган эди. Шу топда бир-бирига суяниб, ғам-андўҳини баҳам кўраётган икки хонадошига қараб, яраси янгиланди. Шоирга дардини айтгиси, енгил тортгиси келди. Аммо нима десин? “Менинг ҳам меҳрибон дўстим бор эди. У мени ер-қўкка ишонмай авайлар, қулфату шодлигимга шерик эди. Лекин мен унга хиёнат қилдим, уни арзон пулладим, қўксига пичок санчдим”, – десинми? Шоир бу гапларни эшитиб, “Суф сиздай одамга, сизга ўхшаганларга муллалик ҳайф”, – демайдами?!

Хонадошлари уни беш вақт намози сабаб Мулла ака дея эъзозлашади, холос. Аслида у ўзини савдонинг пири санар, дарҳақиқат, у бозорни ипидан игнасиғача биладиган савдогар эди. Намозхонликни эса ёши қирқдан ошиб, дунё ҳақидаги фикри анча-мунча ўзгаргач одат қилганди. Шифохонага тушгач, гуноҳларини ювиш учун намозлари камлик қилишини тушуниб етди...

Бировнинг кўнглини обод қилишдан улугроқ савоб, бировнинг кўнглини оғритишдан оғирроқ гуноҳ борми дунёда?! Ахир, у инсон кўнглини бир буюм янглиғ бозорга солмадимми? Одам калбини худди кўлида тилла занжир ўйнагандек ўйнамадимми? Бунинг жабрини бегона одам тортса, эҳтимол, вақт ўтиб ҳаммаси унутиларди... Уни балою қазолардан асраб қолиш учун ўзини ўтга уришга тайёр турган Дўстининг калбига оёқ кўйганини Худо кечирармикин?

Дунё кўзига тор бўлди. Бир неча кундан бери кўз олдига келди дегунча, ўзини бошқа ишга андармон қилиб чалғитишга беҳуда уриниб юргани манзара тағин ҳаёлидан ўтаверди.

– Биласанми, ҳозир ҳамқишлоқларинг учун сен ҳимоя қилаётган ҳақиқатдан кўра кишидан омон-эсон чиқиб олиш муҳимроқ.

– Қишлоқликлар кишни биринчи марта кўришаётгани йўқ, не-не қаттол кишларни енгмади бу одамлар. Йўқ, аслида бу улардан чиққан фикр эмас. Сен айнитяпсан уларни. Қишлоққа газ ўтказилса, жаннатда юргандай роҳат қилиб яшайсизлар, деб сен кутку соляпсан уларнинг кўнглига.

– Адашяпсан, биродар. Бу фақат менинг фикрим эмас. Қишлоқ кексалари ҳам шу гапни айтишяпти. Қариганда бир фароғат топайлик, дейишади-да боёқишлар. Юришсинми сенинг кош-қовоғингга қараб?

– Мен ҳеч кимни кош-қовоғимга қарашга мажбур қилган эмасман. Раисман деб қерилганимни ҳам биров эслолмайди. Тартиб бўлмаган жойда ишнинг унуми ҳам бўлмайди. Ҳали биздан олдинги икки қишлоққа ҳам газ келгани йўқ. Хўжаликдаги ҳамма қишлоқларда келгуси кишигача газлаштиришни якунлаш режалаштирилган. Мен сенинг мақсадингни биламан. Ахир, сен савдонинг одамисан. Ўзингга фойда унмайдиган иш учун бунчалик ёниб-қуйишинг бесабаб эмасдир...

Дўст яна нималардир демокчи эди-ю, аммо уни аяди. Савдогар буни кўркүвга йўйди. Тағин авж олди:

– Мен нимаики қилаётган бўлсам, бошқаларни ўйлаб қиялман, ўзимни эмас. Хўжаликнинг иши ўз йўлига. Ҳозир тадбиркорликка кенг йўл очилган. Ким қандай хоҳласа, шундай иш битиради...

Дўст чидаб турулмади. Илло, биродари андишани йиғиштириб қўйиб, ўз қабих кирдикорлари учун фатво тўқиётган эди:

– Нима, бошқаларни ўйлаб? Ким у бошқалар? Сенинг ҳамтовоқларингми? Молини кўтарасига пуллаб қолиш учун фурсат пойлаб ётган ўша худбинларми сен айтган бошқалар? Қўшни қишлоқдагиларни чув тушириб, иш битирганларингни билмайди деб ўйлайсанми? Чўлдаги ташландик овулдан олиб келинган, ўн-ўн беш йил ишлаб, хизматини ўтаб бўлган эски қувурларни мойлаб, одамларга сотганларингдан бошқалар беҳабар дейсанми? Неча йил ишлайди ўша қувурларинг? Энди ўз ҳамқишлоқларингга хиёнат қилмоқчимисан? Вақти келиб қинғирликларинг фош бўлса, қандай бош кўтариб юрасан бу ерда? Кўзингни қатгарок оч, биродар. Кўза кунда эмас, қунида синади. Ёки бир галгидек осон қутулиб кетаман, деб ўйлаяпсанми?

Савдогар қизариб кетди. Дўстга ғазаб билан тик қаради. Унинг юзидаги аламзада ифодани кўриб, заҳарханда билан гап бошлади. Бу унинг рақибига зарба берадиган энг ишончли қуроли эди:

– О, валинеъматим... Ўшанда қилган яхшиликларини юзимга солиш учун фурсат пойлаб юрган эканлар-да. Мен бечора ўшанда сен бўлмаганингда нима қилардим-а? Қулдук, раис бова, қулдук. Бу яхшидигингизни тирик бўлсак унутмасмиз...

Дўст унинг бошига бир неча йил бурун – қишлоқдаги дўконда ишлаб юрган пайтларида тушган кўргиликларни эсга олаётган эди. Ўшанда дўконга “ўғри

тушган”, агар Дўст орага тушиб, тегишли идораларнинг ишни якунига етказмаганига қўймаганида, Савдогарни жавобгар қилишлари тайин эди. Дўст буни шу пайтга қадар эсга олмаган, эслашни ҳам истамасди. Ғазабини жиловлай олмай, тилига эрк бергани учун ўзини койиди. Афсус билан бош чайкаб, йўлнинг нариги тарафига ўтиб кетди.

Савдогарга алам қилди. Ўзини ҳақоратланган ҳис қилиб, ғазабга минди. “Қилиқларимни юзимга солиб, тагин “сен ҳам одаммисан”, дегандай қўл силтаб кетди-я, номард. Ў, хомқалла, анқов ҳақиқатпараст. Ахир, бугун одамлар сувни пуллаянги-ку. Бошқалар бир сўм бўлса ҳам пул ишлаб қолай, деб югуриб юрганда, ҳақиқатга бало борми. Нима, мен қишлоқдошларимни мажбурлабманми? Ўзлари эмасми “Қўшни қишлоққа қарашдингиз, бизни ҳам унутманг-да”, – деган. Савдо одами харидорнинг ўзи ўламан сагтор бу йўлимдан қайтмайман, деб турганда эсини ебдими унинг йўлини тўсиб? Энди раис мени тинч қўймайди. Жўрачилигимизни андиша қиладиганга ҳам ўхшамайди. Ундан олдинроқ отни камчиласам, панд еб қоламан, шекилли...”

У Дўстдан олдинроқ от камчилади. Гумашталарига айттириб, бутун қишлоққа “раис қишлоқни газлаштиришга қарши экан. Тумандаги мажлисда мен яшайдиган қишлоқни газлаштиришга ҳозирча эҳтиёж йўқ, деб айтибди”, кабилида гап тарқатди. Қишлоқ кексалари раиснинг йўлини пойлаб, унга таъна-маломат ёғдиришди. Унинг бироз сабр қилишларини сўраб қилган илтимосини эшитишни ҳам истамай, “Ўзингнинг қўлингдан келмас экан, ҳеч бўлмаса бошқаларнинг йўлини тўсма”, дейишгача боришди. Раис уларга гап тушунтириш бефойда эканлигини англагач, қўл силтаб қўяқолди.

Бирок шу билан иш бита қолса, қанийди. Ҳисобот-сайлов куни яқинлашаётганини билган Савдогар қишлоқдошлари кўнглига тагин ўт қалаб, “Мен-ку, сизларга ёрдам беришга тайёрман. Лекин раисларнинг ҳали ҳам йўлимга тўғанок бўлишдан қайтмаган бўлса, мен нима қила олардим”, дея ўзини жабрдийда кўрсатишни одат қилди. Бу гап қишлоқдошларига таъсир қилмай қўймади. Ҳисобот-сайлов йиғини куни хўжалик клубининг олд каторига ўрнашиб олган қишлоқ кексалари раиснинг икки гапидан бирига луқма қўшавериб, савол ёғдиравериб, маърузанинг маза-матрасини кочиришди. “Раис тумандан келган вакиллар олдида изза бўлди. “Халқ билан ишлаш керак, ўрток Ҳамроев. Халқнинг дардини эшитиш керак. Ўзлари имконият кидиришаётган экан, нима қиласиз халал бериб”, – дея таънаю писанда қилишди улар.

Савдогарга шунинг ўзи етарли эди. Ўша куниёқ гумашталарига буюриб, қишлоққа қувур ташиттирди. Арзон-гаров мардикорларни ёллаб, иш бошлаб юборди. Чоғроққина қишлоқни газлаштириш учун кўп вақт керак бўлмади. Кексалар уни дуо қилиб, кўнглини чоғлашди. Ёшлар бойбова дея ҳурмат қиладиган бўлишди. Савдогар бир ёндан мўмайгина даромад, бир ёндан текин обрў орттирганига хурсанд бўлиб юраверди.

Бирок қувончининг умри қиска экан. Қишлоққа газ келганига йил тўлар-тўлмас Савдогар қувур етказиб берган қўшни қишлоқ аҳолиси ғимирлаб қолди. Икки-уч йиллик қор-ёмғирда бўёғи кўчиб, тагин юпқалашган эски қувурлар бебош болалар осилавергач, дарз кетган, ичидаги занги кўриниб, эскилиги биллиниб қолган эди.

У қувурларнинг бунчалик тез ишдан чиқишини кутмаган эди. Ичида сирни ошкор қилиб қўйган бебош болаларни сўқди. Кейинги йили ўз қишлоғидаги қувурларнинг ҳам “миси чиқди”. Савдогар талвасага тушиб қолди. “Ифлослар, мени ҳам чув туширишган экан. Мен уларга янги қувурлар учун пул тўлаганман”, – дея қутулиб қолмоқчи бўлди. Қишлоқдошлари ундан юз буришди. “Садқай

одам кет”, – дея қўл силташди. Анчадан бери кўнглига хавотир солиб юрган, ўйлаганида кўз олдини қоронғи парда тўсадиган ҳолга тушиб улгурган эди. Ич-эттини еб, кунни тунга, тунни кунга улайдиган бўлди:

“Тангри таолонинг инсонни жонзотлар аро азиз қилиб яратгани рост. Аммо инсон жонзотлар аро энг жохили, энг ёвузи ҳамдир. Йўкса, инсон боласининг ўз хатоларини англаши учун, ўз гуноҳларини тан олиши учун йиллар зарур бўларми эди? Тўфонлар, кўчкилар, зилзилалар – табиат ходисаларими ёки инсон ўз гуноҳлари учун фоний дунёда тўлайдиган тўловларми? Бевақт ажал, хасталик, ногаҳоний айрилик, ишдаги омадсизлик, халкнинг лаънати – инсон қисматидаги ёзуқларми ёки унинг билиб-билмай қилган ёвузликлари учун берилган жазоми? Нахотки инсон ҳидоятга қайтиш учун бошига қулфат тушишини кутиши керак? Нахот инсон халкнинг назаридан қолиш билан баробар эканлигини ўзи халк назаридан қолганда англаб етиши керак? Мен Дўстимни ёмонотлик қилиб нимага эришдим? Бир даста қоғоз пулгами? Ҳаром-ҳариш пул эвазига ёзилган дастурхону икки соатлик маишатгами? Ҳақиқатнинг тиғи бунчалар ўткир бўлмаса? Кеча менга кўшилиб Дўстни ёмонлаган одамлар бугун менинг гўримга гишт қалашга тайёр туришибди. Дўст-ку, ҳеч кимнинг кечиримига мухтож эмас, аммо одамлар мени кечир шармикин? Ҳамма дардни вақт даволайди, дейдилар. Энди кўршапалакка ўхшаб тунда кўча кезиб, кундузи хонанишин бўлиб умр ўтказаманми? Гуноҳимга тирик гувоҳ одамларнинг ўлимини пойлаб кун санайманми?!”

Нихоят, ўйлаб-ўйлаб, намозхонликни одат қилди. Маъракаларда пойгакда ўтиришдан, тўйларда чой ташишдан орланмади. Қишлоқдошларининг унга муносабати мавҳум эди. “Ўғри қариса мулла бўлар экан-да”, – деганлар кўп бўлди. “Хато қилмаган банда бор эканми? Худо имон бергани рост бўлсин”, – дея уни кечиршига мойиллигини сездирганлар-да йўқ эмас эди.

Аммо у ўзини кечира олармикин? Дўст калбида қайта меҳр уйғота олармикин? Иллю, ўшанда қилган ғайирликларини қай тарозига солиб, қай тарика ўлчаш мумкин?

Ўшанда Дўстга яна қандай зарба бериш мумкинлигини ўйлаб соатлаб бош котирганини, режалар тузганини ҳаёлидан ўтказиб, ўзининг нечоғлиқ паст кетганлигини тан олди. Ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш тутганини, ўнгу терсига қарамай, гуноҳ устига гуноҳ қилиб, охиратини азобга қўйганини ўйлаб, эти жунжикди. “Бир-икки турткилаб, кўзини очиб қўймасам, босар-тусарини биладиганга ўхшамайди бу овсар”, дея ўзининг ҳақлигини исботлашга беҳуда уринганини, аслида кўрқок олдин мушт кўтарар қабилида йўл тутганини эслаб, ўзидан нафратланиб кетди.

“Бу гапларни Шоирга қандай қилиб айтаман. Парвардигорнинг қарами кенг. Аммо Унинг даргоҳида мендаин нотавонларга жой бормикин? Яхшилик эвазига захар, меҳр эвазига қаҳр тутувчи мендай адашганларга раҳм қилармикин У?”

Кўксиди ўрмалаган совуқ хисдан тилигача музлаб кетди. Девор тарафга ўгирилиб, юзидаги аянчли ифодани яширишга уринди. Инсон зотининг тақдири азал олдида жуда-жуда заиф, жуда-жуда кучсиз эканлигини алам ва кўрқув ичра эътироф этар экан, бўғзига қадалган фарёд йўлини тўсишга куч топа олмади. Мосувога андармон бўлиб қолган Шоир илкис унга қараб, гап нимадалигини фахмлади. Шоша-пиша унинг бошига келиб, елкасига қўл узатди. Бирок аллақандай куч ўзини орқага силтаб ташлаганини хис қилиб, дарҳол қўлини тортиб олди. Мулла буни сезди. Баттар хўрлиги келиб, очик-ошкор хиқиллай бошлади. Ўз дарди билан бўлиб ётган Мосуво ҳам ўрnidан туриб, унинг бошига келди. Хонага аза сукунати, мотам кайфияти бостириб киргандек эди...

* * *

...Бош ҳаким Уста, Мулла ва Мосувога бирданига жавоб берадиган бўлиб қолди. Аслида дарди енгилроқ бўлгани учун улардан-да олдинроқ кетиши керак бўлган Шоир бундан бироз хавотирга тушган эди. Бир томондан, кадрдон бўлиб қолган биродарларидан узоклашаётганини, иккинчи томондан, жароҳатининг тузалмаётганини ўйлаб, кўнгли бузилди. Хонадошлари билан бағирлашиб хайрлашар экан, уларни қайта кўриш насиб этмаслиги мумкинлиги кўнглидан кечиби, бағтар эзилди. Илло, у жисмига аллақандай шафқатсиз дард ўз ҳукмини ўтказаятганлигини сезган эди.

Ўша кун Шоирни бошқа бўлимга кўчиришди. Танасида қанд миқдори ошиб кетган, жароҳати тузалиш ўрнига, жисму жонига хатар солаётган эди...

* * *

— ...Илтимос, пардани туширманг, қорни кўрмоқчиман.

Нафиса бир сапчиб тушди. Шоирга ялт этиб қарар экан, унинг юзида тириклик ифодасини кўриб, суюнганидан йиғлаб юбораёзди. Боядан бери кўнглини ўртаётган ўй тилига кўчди:

— Табиат исён кўтаряпти, табиат яшашга даъват этияпти. Наҳотки сиз жим ўтираверасиз? Наҳот сиз бунга қуч топа олмайсиз?

Шоир гапиришга ожиз эди. Нафиса унинг кўзида акс этган мунгни кўриб, тагин умидсизланди. Танаси дарддан бегона одамнинг бемор кўнглидан кечаётган ҳиссиётни англаши қийин бўлганидек, беморнинг соғлом одам кўнглидаги хисларга бўйин эгиши ҳам мушқул савдо. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Шоир Нафисанинг қувончига шерик бўлишдан қўра, ўз ҳиссиётига бўйсуниб, ўй суришда давом этди. Начора, ўзига қолса ўйнаб-қулмасмиди? Танасида озгина бўлса-да мадори бор экан, ўйлаб олсин: “Қор ҳам одамга ўхшаб кетади. Қор ёққанда унга мана бу жойга қўн, бу ер покиза, мана бу жойга қўнма, бу ер нотоза, деб бўлмаганидек, туғилажак одамга ҳам қаерда нашъу намо топишни буюриш мушқул. Қор ўз хоҳишига қарши ўлароқ, ҳар доим ҳам покиза жойга қўна олмаганидек, инсон боласи ҳам қай макону замондан ўрин олишига қозилик қила олмайди. Кимдир фазилатлари билан кўпчилик эътиборини қозонган инсонлар қафтига қўнса, яна кимдир нафрати-да, самимияти-да ноаён кишилар либосига илашишга маҳкум бўлади. Илло, тоғ чўққисига қўнган қор яна қайта осмону фалакка парвоз қилишдан умидвор бўлганидек, оёқ остига қўнган қор парчалари тупроқка қоришиб кетишдан ўзга қисматни орзу қилишлари мушқул. Инсон бир ёғиб, бир эриса майли эди-я. Наҳот унинг умри ёғишлару эришлардан иборат бўлса. Эртага қай эзгу инсоннинг қафтию елкасига ёғиш насиб этаркин, қай ёвузнинг оёқлари остида эзиларкинман, дея юрак ҳовучлаб яшаш одам боласига қисмат эканми? Наҳотки инсон бу аччиқ қисматга бош эгиб яшашга мажбур?! Наҳотки у бу азалий қисматдан қочиб қутула олмайди?”

Шоир тагин ишхонасини эслади. Ўзини бир иссиқ қафт, бир меҳрибон елка топа олмай сарсон бўлган қор парчалари каби чорасиз хис қилди. Энди у собик хонадошларини эсга олди. Ўзини тоғ чўққисига қўнган қор каби хис қилди, енгил тортди. Уларга омонлик тилади. Уларга мададор бўлишни сўраб Яратганга илтижо қилди.

Тушдан сўнг Муниса келди. Ўжар феъли боис бошида синган қалтакларга шерик бўлавериби, қирққа кириб улгурмай сочига оқ, юзига ажин тушган аёлига қараб кўнгли бузилди. “Унга менсиз қийин бўлади. Уйда болаларни, бу ерда мени аягани учун кўзёшларини яширишга мажбур, шўрлик. Унга нима қилиб бердим

ўзи? Бир умр ковоғимга караб яшади. Шеърим боис бошимга ёғилган маломатларга индамай елка тутди, дўст бўлиб душманнинг ишини қилганлар, кавмдош бўлиб ёвнинг йўлини тутганлар ичирган захарга тенг шерик бўлди, тириклик саҳросидаги бесамар жангу жадаллар холдан тойдириб, ерга қулатганида, қайта оёкка тургазди. Нима қилиб беролмадим унга? Ака-укаларим ўжар феълимдан озорланиб, қўл силтаб кўйишганига анча бўлди. Мунисанинг яқинлари ҳам шундай. Мендан кейин қай тахлит умр кечиради Мунисгинам?!” – қорачикларини кўйдирган огрикка чидай олмай кўзларини юмиб олди.

Муниса унинг кўзёшларини артар экан, кафти билан оғзини тўсиб йиғлаб юборди. Шоир мажоли куриб энтикди. Бўғзидаги фарёдни ичига ютиб аста шивирлади:

– Болаларни эҳтиёт қил, Мунис! Сизларни Худога топширдим...

Муниса унинг қўлларига юзини босди. Бир неча кундан бери жисму жонини ўртаётган хасратини тўкиб-сочишга шайлангандек, кўз олдини қоплаган ёш пардасини кафти билан сидирганча Шоирга тикилди. Аммо Шоир унинг гапларини эшитадиган аҳволда эмас, яна хушидан кетган эди...

Шоирнинг ўнглинишига умид қолмаган эди. Эртаси куни бош ҳаким Нафисани ёнига чакириб, уни уйига жўнатиб юборишдан бошқа чора қолмаганлигини айтди. Нафиса хонадан йиғлаб чикиб кетди. Бош ҳаким деразадан мўралаётган киш куёшининг заиф нурларига тикилганча хўрсиниб кўйди...

* * *

...Юрагига майин титроқ солган аллакандай ҳаётий қувватни ҳис қилиб хушига келган Шоир кўкси устида мулоим сирпанаётган қўлларга кўзи тушар экан, хайратдан лол қолганча қўл эгаларини излаб юкорига қаради. Боши устида ўн чоғли одам турар, улар Шоирнинг кўксига қўлларини қўйганча кўзларини юмиб, алланималар дея пичирлашар эди. Шоир улардан учтасини – Уста, Мулла ва Мосувони таниди.

Кўзи қувончдан яшнаб, Устанинг қўлини ушлади. Уста майин жилмайиб, ёнидаги йигит ва кизни бағрига тортди.

– Бу – Шогирдим, буниси – кизим!

Кўзлари қувончдан порлаб кетган Мулла ёнидаги кишининг елкасига қўлини кўйди:

– Бу – Дўстим!

Ораста кийинган, юзларига ранг кириб, кўзлари маъно касб этиб қолган Мосуво ёнидаги – жажжи қўлчалари Шоир амакисининг кўксини сийпалаётган икки кизалокнинг бошини силади:

– Булар – кизларим!

“Йўк, йўк! У энди Мосуво эмас, Бахтиёр, – ўйлади Шоир. – Сўзсиз, Бахтиёр! Уларнинг ҳаммаси БАХТИЁР!”

Меҳрибонларининг кайфияти Шоирга ҳам кўчди. Танасига мадор кирганини, руҳи энгил тортиб қолганини сезиб, кўзи ёшланди...

Хонада туйқус авжига чиккан қувнок қаҳқаҳа ва шўх-шодон кийкириқларни эшитиб фиғони фалакка чиккан бош ҳаким ва ҳамширалар кўз очиб-юмгунча фурсат ўтмай, эшик олдида пайдо бўлишди. Нимқоронғи хона гўё ёришиб, кенгайиб қолган, унга бош ҳакимдан яширикча кириб олган ўн чоғли одам хавотир сезмас, хона ўртасида ғуж бўлиб, қаҳқаҳаю аскияни авжига чиқарар, улар чехраси ёришиб, юзига ранг кириб қолган, курсига сипогина ўтириб, қаҳқаҳага жўр бўлаётган Шоирни ўраб олишган эди...

НАЗМ

Минҳожиддин МИРЗО

1965 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугаллаган. “Нилуфар”, “Висол хабари”, “Юлдузим”, “Гуллаш пайти келди, боғларим” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.



Тафаккур тож бўлса, ҳеч тушмас бошдан

Эҳтиром

Меҳру муҳаббатдан сўз очсалар гоҳ,
Бағри кенг қай юрт, деб, излаб колсалар.
Дунёни бир сирдан этмоқ-чун огоҳ,
Кўнглимдан бир ғурур кўкка юксалар.

Қайдадир ўқидим, офтоб ҳам азал,
Меҳрдан тафт олиб тураркан калкмай.
Ўзбегим меҳридай меҳр кўрмадим,
Оламнинг қай бурчи, четига бокмай.

Тўғри, хар ким учун ўз эли буюк,
Гоҳ ўзни санаб ҳам кўрдим бегона.
Шунда ҳам англадим, ҳаммадан суюк
Элим, сен дунёда меҳри ягона.

Қувват олар эмиш, англадик, куёш,
Меҳр бор эканки, у ҳам бор доим.
Жаҳолат ҳукмига бош эгса бардош,
Шундан бошланмасми киёмат қойим?

Ҳа, кўпдир дунёда меҳрли эллар,
Бироз муболаға килурман, балким –
Дилдаги ул буюк меҳринг – сеҳринг-ла,
Офтобга нур бериб турибсан, халқим!



Киприкларда куртаклар битар

Тотли эди бир вақтлар дунё,
Ташвишлар ҳам бу дилдан йирок.
Чорлар эди мени бир зиё,
Етолмадим нурига бирок.

Кўнглим кезган баҳорий йўллар,
Чечаклари мени биларди.
Субҳидамда у майин кўллар –
Шаббодалар сочим силарди.

Инсон умри гоҳ худ, гоҳ беҳуд,
Ёруғлигу тун-ла ўтаркан.
Муҳаббат ҳам баҳорий турна,
Хазорезни сезса кетаркан.

Умрим баҳорларин кўмсаб гоҳ,
Юрак “ол”, деб, кизғалдок тутар.
Соғинчидан этгали огоҳ
Киприкларда куртаклар битар.

Жасорат

Ўтди қанча аср, қанча қарвонлар,
Келиб кетди не-не зотлар дунёга.
Мангулик йўлида суриб давронлар:
Ҳайкаллар турибди, отлик, пиёда.

Уларга бокқанча чувалар хаёл,
Ҳар бири ўтган шон-шавкатга сайқал.
Ана у Широғу Тўмарис – аёл,
Аслида ким учун қўйилар хайқал?!

Ана Соҳибкирон Темур, Беруний,
Мусо Хоразмийу ана Фаробий.
Ана Ибн Сино, Улуғбек, Жомий,
Лутфий, Фирдавсийу хазрат Навоий.

Ана Жалолиддин саманин кучар,
Нажмиддин Кубронинг мағрур сиймоси.
Самарқанд, Бухоро, Хивадан ўчар
Ҳар тонгда юрт бўйлаб пирлар дуоси.

Мардлар номи доим тилларда дoston,
Тафаккур тож бўлса ҳеч тушмас бошдан.
Завол не билмагай бу абад бўстон,
Мангу нур таралгай мисли қуёшдан.



Тоабад эъзозда мардлар пок номи,
Улуғлар хизматин унутмас башар.
Барҳаёт рухлари, ўчмагай шони
Авлодлар ёдида мангуга яшар.

Ҳар бир воқеликда хикмат бор азал,
Ҳар бир хулосада мангулик, ҳукм.
Даъватдур Навоий битган ҳар ғазал,
Эй азиз набирам сўрма бу деб ким?

Сукроту Гиппократ, Данте, Коперник,
Ҳайкаллари турар мағрур ва азим.
Гарчи хориждасан бир зум турмай тик,
Сиймоси қошида айлагил таъзим.

Гул кўйил, мартабанг бўлсин зиёда,
Рухини шод этгил, тилингда дуо.
Номард эъзозланмас ҳеч вақт дунёда,
Жохилга мангулик бахш этмас Худо.

Тўғри, ўчмас гоҳи хоинлар номи,
Афсус, кўчиб ўтар абадиятга.
Лекин то киёмат бўлмас ороми,
Улар лойикдилар мангу нафратга.

Эзгулик, тож эрур башар тўрида,
Ўчмагай тафаккур ёккан ҳар машъал.
Ёдда тут, мангулик абад йўлида
Фақат жасоратга кўйилар хайкал!

Ўтган дамлар

Сендан қолди юрагимда ширин ўйлар,
Фаришталар ичра топиб сиғинганим.
Ёдга олсам юрагимда атрий бўйлар,
Қайлардасан, кўнглим чорлаб соғинганим?

Энди, сени хаёлимда суяман, мен,
Ширин-ширин хаёл билан ўтар ойлар.
Хаёлларнинг қулбасини ташлаб чиқсам
Остонадан ўтолмайман азоб пойлар.

Яхшиямки, ажиб-ажиб хаёллар бор,
Соғинчлар гоҳ найсон янглиғ кўзим намлар.
Ширин-ширин хаёл таскин берар, аммо,
Хаёлдан-да, ширин эди ўтган дамлар.





Кўнгил томчиси

Деразамни чертади ёмғир,
Юрагимда маҳзун-маҳзун куй.
Томчи сўзин тинглаб ўтирар,
Кеча қуёш мўралаган уй.

Ҳаёт сабоғи

Умр ўтар, кунлар оралаб
Ортда қолар маънос орзулар.
Ҳаётимнинг чорсуларида
Ғамлар менинг бахтим яширар.

О, бу дил ҳам ажиб салтанат,
Билиб, жисмим ўтга отади.
Изтиробнинг ғолиб лашкари
Кўзларимга келиб ётади.

Хаёлими у мени чорлаган,
Етолмайман, чарчайди жисмим?
Тунлар юлдуз салтанатидан
Кимдир тилга олади исмим.

Гоҳо мағлуб, гоҳ мағрур умр,
Яна илдам бошлар бу ҳаёт.
Гоҳо ширин хаёллар бериб
Юрагимга қилур илтифот.

Субҳидамнинг майин еллари
Сочларимни сийпаб кетаркан.
Бир мантикни тушунаман, мен,
Умр – азоб ичра ўтаркан.

Кўтарилар туннинг пардаси,
Умидимга излаб ниҳоя.
Илғаб колгим ёруғ дунёда
Бахт ҳам ўтган кундан бир соя.

Кўкдан шуъла соч, бахт юлдузим,
Гулдек яшнаб қаршилар жоним.
Кўзларимга нур бергил ўзинг,
Эй толеим – нури мехмоним.

Сўз

Туннинг сочларида юлдузлар порлар,
Нури шуълалардан қамашади кўз.
Чалина бошларкан дилдаги торлар,
Қаламдан тўкила бошлар моҳир сўз.



Муҳиддин ОМОН

1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Кўнгил дарбозаси”, “Толе фасли”, “Мунаввар соғинч”, “Даканг хўроз ва унинг жўжалари”, “Соғломжон алифбоси”, “Зеҳни аъло, тили бурро”, “Буюмлар тилга кирса” каби шеърӣй китоблари чоп этилган.



Шафиқ қалбнинг қайноқ меҳри бор

Баҳор

Баҳор – гул фаслидур, хушбўй, фарахли,
Қуёшнинг зулфидан тўкилар зиё.
Гулгун юз очади чаманзор ахли,
Ифориға олам бўлар махлиё.

Баҳор нозли ёрдек қайсар ва шаддо,
Зумда чимиради абру кошини.
Бўлар-бўлмасга ҳам ранжигай, хайҳот,
Кейин тўхтатолмас кўздан ёшини.

Баҳор – толпопукли жажжи қизалок,
Сархуш эпкинлардан юраги тошган.
Кунгай адирлардан топиб кизгалдоқ,
Мунис волидасин қутлашга шошган.

Эхтимол, оналар фаслидур баҳор,
Борлик уйғонарку жонбахш тафтидан.
Унда шафиқ қалбнинг қайноқ меҳри бор,
Бокийлик парвариш топар қафтидан.

Нима бўлганда ҳам гўзал, бетакрор,
Бу фаслни суйиб, интик кутармиз.
Бамисли ошиқдек маҳбубига зор
Иқболига содиқ дилни тутармиз.

Токи, гуллар экан умидлар кўркам,
Орзу чаманлари ураверар барқ.
Баҳорни соғиниб яшаса одам,
Ҳаёт ишки зинҳор дилни этмас тарқ!



* * *

Ўртамизда ишқ деган гулхан,
Кўкка бўйлар оташ-шарора.
Кўз узолмам нузли юзингдан,
Мафтундирман сенга тобора.

Хар бир сўзим – оловли бир ох,
Ловиллагар туйғуларингни.
Изхоримга юлдузлар гувоҳ,
Жодулайди дил мехварингни.

Жим тинглайсан. Куласан махзун.
Қароғингга соя солар ғам.
Теграмизда қуюклашар тун,
Сирли хислар билан мухташам.

Мен айтаман кўнгиш ройишин,
Дейсан: “Бу ишқ бизлар учун кеч...”
Лек, гулханнынг сўниб қолишин
Иккимиз ҳам истамаймиз ҳеч.

Ўртамизда ишқ деган гулхан...

* * *

Бунча оғир бугун туннинг хаёли,
Бошимда минг фикр мисли харсангтош?
Кўнгилда синиккан руҳнинг жамоли,
Қайларда колди-ей, таскин – сангтарош?

Бунча оғир бугун димиккан ҳаво,
Кўпчиган ўпкада хансирар нафас?
Елларнинг эпкини – куй мотамсаро,
Рухларни тўзғитар – рухлар муқаддас!

Бу оғир ҳавонинг оғир осмони
Ғариб қулбам томон аста энқаяр.
Кўксимда гувлайди хислар бўрони,
Туйғулар базмидан хонам кенгайр.

Хужрамга нур сочиб шамлар толади,
Бир садо келади ёғду қаъридан.
Ногаҳон, остона копиб олади
Йиртиқ чопонимнинг этакларидан.

Киприкда жимирлар армон малолли,
Бунча оғир бугун туннинг хаёли?..



Висол

Гапир, гапиравер, осуда, майин,
Тотли товушингдан яйрасин дилим.
Кўзларимни юмиб, бир гўдакдайин
Тинглайин мен сени, тинглайин, гулим!

Тунги саболарнинг эпкини саркаш
Деразанг пардасин судраб толса ҳам,
Кўкнинг равокида, хув, олтин баркаш
Кўтарган сулув – ой мудраб қолса ҳам.

Сен гапир. Борликка берма эътибор,
Сира тортинмасдан килавер ҳасрат.
Тун билмас, лутфингда қанча ёғду бор,
Юлдузлар билмайди, недир мухаббат?

Майли, хобгоҳига улар йўл олсин,
Донг қотиб ухласин ёхуд кўрсин туш.
Билмаса бир умр армонда қолсин,
Севги на-да ширин, висол на-да хуш!

Гапир, гапиравер, осуда, майин,
Тотли товушингдан яйрасин дилим,
Кўзларингни юмиб, бир гўдакдайин
Мен сени тинглайин, тинглайин гулим!

* * *

Ёмғир дуо ўқир. Дарахтлар соме,
Маҳзун қулоқ тутар само пандига.
Сайёҳ дарвеш мисол оҳанглар қирар
Вужуд қафасимнинг банди-бандига.

Минг йилки, муттасил йиғлайди осмон,
Адирлар бағрини тирнаб йиғлайди.
Абри сиёҳларнинг ашқидир – пайкон,
Буни майса билар, одам билмайди.

Кўк токидан бехос узилган томчи –
Қаро тупроқ қадар чўзилган армон.
Ҳаёт – қари кампир, афсунгар, ромчи,
Етти беҳишт эса – шу рангинкамон.

Аршдаги хилқатнинг мунаққаш қасри
Замин меҳварига чандиб ташланган.
Ҳеч ким билолмаган, билолмас, асли,
Умри қачон тугар, қачон бошланган.

Сайёҳ дарвеш мисол оҳанглар қирар
Вужуд қафасимнинг банди-бандига.
Ёмғир дуо ўқир. Дарахтлар соме,
Маҳзун қулоқ тутар само пандига...





Булбул ва Гул қиссаси

Баллада

Тушда кўрдим Булбул ғариб холини,
Бир Гулнинг ишқида урарди чах-чах.
Ноласида гўё бахт-икболини
Йўқотган ошиқдек алам тах-батах.

Анбарин чаманда гуллар ифори
Сарин ел қанотин силарди майин.
Авжланиб борарди Булбулнинг зори,
Офтоб Гул узорин кучгани сайин.

Гул эса кирмизи лабида шабнам,
Елларда солланар, бепарво, кибор.
Кошкийди, мен уни шундок кўрмасам,
Кошкийди, калбимга санчилмаса хор?

Зеро, Гулнинг кадди инжа, расида,
Борлиқ чаман аро анвои дилбар.
На чаман, ул замин – кўк орасида,
Ўзин танҳо санар, нодир, муқаррар.

Наздида, бу олам, борлиқ табиат,
Бир унинг измида, тургай мунтазир.
Инкор этмок учун ким килар журъат,
Гул – сарвари олам бўлмокка арзир.

Э вох, нима бўлди, кўпди рутубат,
Бир дайди, саросар бўрон ўрлади?!
Гулнинг мағрурлигин қилмасдан писанд,
Қарс этиб синдирди, кадрин ерлади.

Шунда ундан ҳеч ким сўрмади ахвол,
Ғамингга шерикмиз, демади, гуллар.
На еллар ва на ул хуршиди само
Гарчи, кеча кучиб, тўккан эди – зар.

Гул энди сўлғиндир, қовжираб адо,
Булбул ноласининг мағзини чақар:
Бирок, энди ҳаёт завқидан жудо,
Пушаймон жисмига уради ханжар.

Шўрлик Булбул эса тобора ғамнок,
Кўкка ўрлатарди ох-фиғонини.
Дафъатан уйғондим, юрак-бағрим чок,
Лабларимда туйдим Гулнинг конини.

Тушда кўрдим Булбул ғариб холини,
Бир Гулнинг ишқида урарди чах-чах...



НАСР

АЛИЯ



1990 йилда туғилган. “Оқ қушлар қўшиғи”, “Осмон бир дунё” номли насрий тўпламлари нашр этилган. “Икки ўт орасида”, “Ой маликаси” қиссалари муаллифи. “Open EuroAsia & Central Asia Book forum & Literature festival-2016” IV Халқаро китоб форуми танлови финал босқичи қатнашчиси.

ОРИЯТ

Хикоя

Тонг ёришмай, бувимнинг “кху-кху”лаб йўталишидан уйғонаман. Кўзимни чала очиб, секин атрофни кузатаман: бувим мени уйғотмаслик учун шам ёруғида ишларини битираётган бўлади. Қаёққадир отланган кўринади, пистоки гулли кўйлагини кийиб, бошига кизил накшли оппок рўмоли устидан йўл-йўл яқтак ташлаётган эди.

– Катта! – инжиқланаман кўрпанинг бир четини кайириб. – Қақка кетопси-и-из?
 – Ҳич қақка! – дейди бувим жеркиниб. – Сан ётовур. Хўрозам кичкирган йўғ холи.
 – Ё, манам бораман, қақка боропсиз? – энди ўрнимдан туриб, шоша-пиша кавик нимчамни кия бошлаймаман.

– Айттим-ку, сани обоммайман барбир, монин юрмайсан мехмонга. Туркиган бусанг, бориб уззийни юб ке, ҳамма ишимми чаппа кимастан, – бувим терс ўгирилиб, электр чирокни ёқади, сўнг бурилиб, деразага кўйилган шамни ўчиради. Шам олови тегиб қолмасин учун кайириб кўйилган пардаларни туширади.

То мен ташқарига чиқиб, ювиниб келгунимча, бувим ўрин-кўрпаларни йиғиштириб, кетишга тайёрланиб турган бўлади. Мен уйғонмасдан бирон ёққа бориб-келмокчи бўлади-ю, уйғонганимни кўргач, барибир эргаштириб кетади.

Алия (Шахноза Эшмирзаева) Сурхондарёнинг Сарийосиё туманида яшаб ижод қилади. Унинг ижодида, фаолиятида интилувчанлик, тиришқоқлик сезилади. Шу чоккача турли нашрларда эълон қилган қисса ва хикоялари шундан далолат берадики, кейинги бир-икки йил ичида бу синглизмининг ижоди бадний жихатдан анча ўсган. Бунга “Орият” хикояси далил бўла олади.

Орият тушунчасини ҳар ким ўз онги, дунёқараш ва савиясидан, феъл-атворидан келиб чиқиб талқин қилади. Жохил эр учун ўз аёлининг эркак дўхтирга кўрингани – орсизлик, ҳамқишлоқ келинчак учун бундай “орсиз” хотинга салом бериш – ориятга зид, жоҳил, эндиликда собик ҳисобланган эрнинг кейинги хотинидан кўрган кизларининг назарида эса отасининг бу иши – “қишлоқлик”, отасининг қилмишини бировга айтишнинг ўзи уят ва ҳоказо. Бош қаҳрамон – кичкинагина кизчанинг ҳам орият борасида ўз тушунчаси бор.

Алия ёзувчи сифатида оёққа туриб келяпти. Унинг кейинги қадамлари янада тетик бўлишини тилаймиз.

Уйда бир ўзим қоламан-да акс холда! Ўзи, бувимнинг биргина овунчоғи менман. Бувам мен туғилмасимдан вафот этиб кетган экан, бувимнинг айтишига караганда.

Жуда яхши тушунмайман-у, бувимнинг қандайдир хасталиги борлигини биламан. Шу боисми, одамлар бувимдан ўзини четга тортиб юришади. Бувим шўрлик, дорилари турадиган жойни фақат менга “ишонади”. Дадам, ойим, акам ва опам шаҳарга кетишган. Бутунлай. Бошқа йўл йўқ эди: опамни қўшимизнинг ити ёмон талаган, уни даволатиш учун шаҳарга олиб кетиш керак эди. Дилнур опамни касалхонага ётқизиб келгач, дадам Карим овчидан милтигини олиб, атайлаб ўша итни отиб келган эди. Аввалига қонига беланиб ётган итни кўриб, унга жуда раҳмим келганди. Кейин... Опамни кўргани олиб боришганда, унинг ахволини кўриб... Нималарнидир тушунгандек бўлгандим. Опамни оёкка турғазиш учун узок ҳаракат қилишди, бувам (ойимнинг отаси) ўша ердан турар жой қилиб берди. Бир йилча бўлиб қолди бунга ҳам.

Қора қавик гуппичамга янаям бурканиб олганча, кетиб боряпман. Бувимнинг кўлидан чиқиб кетиб, йўл четидаги ариқ бўйлаб юра бошламан, ҳали очилишга улгурмаган момақаймоқ ғунчаси эгилиб, жилға сувига юз чаяётганини бироз томоша қиламан.

– Пудина чиғиптими? – сўрайди бувим.

У ёқ-бу ёққа аланглаб, ялпиз излай бошлайман. Ола-була тошдан мавж ҳосил бўлган жойда сув ичидан бинафшаранг барғлар хилпираб, кўзга ташланади.

– Напармони боракан, холи яшил бўмапти, – дейман барибир уни узиб олиш учун интилиб.

– Баққа вўт, суга тушиб кетасан хозси! – қойийди мени.

Сўзсизгина унга эргашиб, яна кўлидан тутиб кетавераман. Яқтак остидан кўриниб турган, бўйингача танғиб боғланган рўмолнинг униккан ранги, бувимнинг бошида қилт этмай келаётган дастурхон, ўзимнинг-да эскиган эгни-бошим, одатий кўчалар, хув нарида кўча супураётган келинчакнинг ёнида ирғишлаётган Сиртлон – ҳамма-ҳаммаси мени зериктиради, бўғилаётгандек ҳис қиламан ўзимни.

– Катта, қишлоққа сиғмай кетомман, – дейман ўзим нимани ҳис қилаётганимни тушунтира олмай.

– Кичкинигина бўлиб туриб, шунноғ катта қишлоққа сиғмайсамми? – бир-нималар билан овутмоқчи бўлади мени. – Бияғла – хар кун юрайтигон йўлинг, шуни учун санга ҳаммаяғ кичкина, тор бўлиб кўринади. Юри, сани башқа йўллан меҳмон обораман...

Бояги кўча супураётган келинчакка яқин келиб қолганимизда ҳам, у бизни кўра туриб, юзини терс ўгирганча ишида давом этаверади, Сиртлон ҳам бизга қараб ёқимсиз ириллайди.

– Катта, нимага Садбар янгам бизга келинсалом кимади?

– Садбар янгам бизани танимайди-да! Янги келинчай буса...

– Ман танийман-ку, укаси билан кўп уришаман. Мани дойим бегона қилади, кўшмайди...

Бувим ҳеч нимани эшитмагандек, индамай келинчак ёнидан ўтиб кетади. Кейин йўлни мен деярли билмайдиган ора кўча томон буради. Кетиб борарканмиз, бу мен учун “янги” кўча бўлса-да, тор ва кинғир-кийшиқ йўллар баттар бўға бошлайди. Деворлар тобора яқинлашиб, шу митти вужудим кўчага сиғмай қоладигандек туюлаверади. Бувимнинг менга хавотирланиб айтаётган сўзлари мени ўзимга келтиради.

– Турки, нимага вўттириволлинг?

Ўрнимдан туриб, яна йўлда давом этаман. Ҳар доим бувимнинг биз билан “салом-алик” қиладиган ягона дугонасиникига боргунча шунақа – болаларга хос ҳар қандай саволу ғалати гапларим билан бувимни “зериктирмайман”. Нотаниш кўчалардан кетиб бораётган бўлсак-да, қандай қилиб айнан ўша уйни топиб келганимиз мени хайрон қолдиради.

Бувимнинг дугонаси билан узундан-узук салом-алик, хол сўрашиши мени зериктиради, яшил майсалардан холи тош йўлакка эргашган нигоҳим ганч билан безалган девордаги ноаник шаклларда тўхтайтиди.

– Ичкари кириб, апа, – ниҳоят, бувимнинг дугонаси салом-аликни якунига етказди, – қачаннан бери кутиввўттириптила...

– Бирдан вўйга жўнатиявармабсила-да...

– Билмасам, иёллилами...

Бувим ранги оқариб, қўллари калтираган кўйи ичкарига шошилади, юзида табассумга ҳам, қайғуга ҳам ўхшамайдиган хаяжоний ифода зоҳир бўлади. Мени ҳам унутган кўйи шоша-пиша қадам ташлайди.

– Моҳи, сан шаққа дигоналаринг билан вўйнаб ту... – бувимнинг дугонаси ёлғиз қолганимни кўриб, қўлимга бир бўлак патир билан тўрт-бешта парварда тутқизган бўлади-ю, набираларини чақиради, – Саида, Нигина! Қовурчоғларийни опчиғийла!

Зум ўтмай, қаршимда пайдо бўлган Фотима-Зухраларча бир-бирига ўхшаш опа-сингиллар кизганч нигоҳлари билан қўлларидаги эскирган лагта қўғирчоққа термилиб, тўхтаб қолишди. Тўзгиган сочларига, сарғиш қошлари-ю, юмалок қўзларига бир муддат қараб турдим. Саида эрталабдан гулмомачечак еган кўринади, ингичка лаблари атрофида яшил доғлар кўриниб турарди. Гулмомачечак – бандсиз баргли, гулбарглари бинафша-кўкиш тусли ўсимлик, эрта баҳорда кийғос очилади. Бу ўсимликнинг гули ёқимли нордон таъмли, болалар баҳорги гўра мевалар қатори гулмомачечак гулини ҳам териб ейишади. Хуллас, икки опа-сингилнинг ётсираб, ёқтирмай қараб туришлари энсамни қотиради.

– Қовурчоғларийни опкириб кўйийла. Ман вўйнамайман. Бу ил мактоб бораман, иёт бўлади, – дейман патирни тишлай туриб.

– И, сан мактоб боронсамми? – кизикиш билан сўрайди Саида.

– Ҳа... – яна нималардир демоқчи бўламан-у, ичкаридан эшитилган баланд овоз эътиборимни тортиб, сўзимни унутаман:

– Кунношинг бўмади... Бир гапка кўнсанг-чи, шунча вахт ҳаммадан иёлиб юриш бадинга урмадимиз? Сани опкетай диб келдим-ку? Ман билан кетасан, гап тамом!

Бу одам ким ўзи? Нега бувимни олиб кетмоқчи? Бувим ҳам индамай ён бераётгандек, овози чикмайди... Нималар бўляпти?!

Ниҳоят, мени саволлар гирдобидан олиб чиққан воқеа содир бўлади – бувим ховлига чиқиб, атрофга қарайди, бир чеккада болалар билан андармон бўлиб турганимни кўриб, шоша-пиша калишларини қияди-ю, мени чақиради:

– Баққа ке, кетоммиз...

Кейин бувимнинг изидан нотаниш бир одам чиқади. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, ҳали бақувват, ҳатто бувимдан ёшроқ кўринади у. Нотаниш одам пойафзалини оёғига кийиб олгач, шахдам одимлар билан менинг ёнимга келади, энгашади, сўнгра тиззалаб ўтиради. Сўнг мени бағрига тортади:

– Ман бовонгман, Моҳи... Силани опкеткани келлим...

У одам менга бошқа ҳеч нима демайди. Уйга томон кетиб борарканмиз, энди бувимнинг аввалгидек қад букиб юришлари йўқ, назаримда, ёшариб қолгандек ту-

юлиб кетади. У одам эса, бувимга паранжисини олиб ташлашни буюрар, юриш-туришидан камчилик топаверарди. Менга умуман ёкмади бу одам. Энг ёмони, бутун оиламиз шаҳарга кўчиб кетганида ҳам унамаган бувим, энди мана шу одам учун ҳамма-ҳаммасидан кечиб, шаҳарга кетиш учун учиб-кўниб турарди.

Шаҳар деганлари менга умуман ёкмади. Қишлоққа сиғмай кетяпман, дердим доим. Бу шаҳар деганларида эса, буткул бўғилиб қолдим. Тўғри, дадам ва ойимни кўргани тез-тез бораман, лекин мен бувимдан ажралгим келмайди. У одам бувимга бир ёмонлик тилайдигандек эди, назаримда. Қолаверса, у одамнинг кўзини шамғалат қилиб, турмушга чиқмаган икки кизи бувимнинг устидан кулиб ўтиришади. Сухбатларнинг бирида эшитган хабарим, бола ақлим билан тушунмаган ҳақиқатни менга ошқор қилиб берди...

– Ўзи дадам уни шу қишлоқкилиги учун ташлаб кетган бўлсалар керак, – энса котирди кичик “аммам”.

– Қулгимни қистатма! Биласан-у, дадам ҳам шунақа “эскича”лардан. Дадам бу “бечора” аёлни эркак дўхтир муолажа қилгани учун ташлаб кетган. Буни бировга айтишга ҳам уяласан киши...

Демак... шу арзимаган нарсга учун бувим умрининг ярмини бош эгиб, ёлғизликда ўтказишга мажбур бўлган экан-да?! Дадам ҳам бувимни ташлаб, шаҳарга кета олибди... Одамлар-чи, улар буни билишармикин?! Ҳа... Ахир... Ҳатто, бувимнинг олдида “бир қаричгина” Садбарг янгам ҳам беписанд караганининг гувоҳи бўлдим-ку?! Нега?! Орият, номус деганлари шу қадар оғир юкми?!

Кўксимда санчик турди. Оғрик чидаб бўлмас даражага етгунча бўлмай, бувимни ёрдамга чақирдим:

– Катта! Кат-таа-а-а!..

Ранг-қути ўчган бувим югуриб келаркан, икки ўғай аммам ҳам ғийбатни бас қилиб, мен томон шошилишди. Кўз олдим қоронғилашиши олдидан бувимдан каттик илтимос қилдим, балки, менга шундай туюлгандир ҳам:

– Мани духтирга обомманг, катта... Мисистра... унамми чақиринг... Кийин удамла маниям ямон кўриб қомасин, катта...

ҲУКМАТ

Өаузган сўз гоҳо ўт, гоҳо сув
бўлиб чиқади, уларнинг бири бай-
рон қиладу, бири одоғ этади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

БУ БЎСТОН САҲНИДА

ХУРШИДА

1967 йилда туғилган. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) битирган. Унинг “Алдамчи тонлар”, “Изҳор”, “Тажалли”, “Самойи-нур” шеърый тўпламлари чоп этилган.



Толеи хурлик қуёшин тафтидин порлар бу кун

Андижон

Боғи беҳиштдин ҳусн олган ажиб бўстондир,
Сервикор манзиллара одимлаган карвондир.

Мирза Бобур изларин асраб кадим тупроғида
Бахту иқбол қасрининг бунёдидин Комрондир.

Нодира назмий навосин сеҳридин сарбаст эса,
Коинот юлдузлари ичра ёруғ Чўлпондир.

Зебизар тупроғига жонбахш меҳр сарчашмаси:
Дилдаги ниймондир, кўнгулдаги паймондир.

Меҳнату сабрин риёзат кўксига нарвон этиб,
Хуррият тулпорларин имконига шоёндир.

Дилда жўш ургай шижоатким ғурур давворида:
Рустами дostonдир мардонаи дарвондир.

Чун хилол мастоналикдин шабгир ўлғон кечалар
Офтоб кўксига чўғ солган улуғ армондир.

Толеи хурлик қуёшин тафтидин порлар бу кун,
Миллатим, халқим дили осмондир, раҳшондир.

Назм ила изхори ишк этгуси Хуршида, не бахт,
Айрилолмас бир нафас кўнгулки, анда жондир.



Тасалли

Қўрма, бетаклиф кадам босмоқ тамом ётдир манга,
Сабр мулкида муқимлик чин саодатдир манга.

Дилга маълум бўлди ногоҳ дилгинангнинг истаги,
Музлаган тошларни зарби қатга ибратдир манга.

Ор қошида манимдек хуркагу лол бормикин,
Сохта сўзга ошинолиғ ҳам жинойтдир манга.

Минг алам чексин юрак, минг илтижо этсин кўнгул,
Тангри ҳукмига мутелик соф қаноатдир манга.

Сен риёлар илкида мастоналарга айла лутф,
Ҳажр уйин этмак тавоф кун-тун, ибодатдир манга.

Гул – муҳаббат боғига кирмак сира осон эмас,
Имтиҳон Ҳақдин, иноят ҳам итоатдир манга.

Арз эмас, очдим санга дил ичра бехоб сўзни,
Хаста Хуршида фиғони нур хидоятдир манга.

Икки дил

Бизга зулм этманг, рақиблар, бизда йўқ асло гуноҳ,
Икки дил, икки сифат аҳд айламиш, Оллоҳ гувоҳ!

Осмон буржида зар афшон Зухал кўргазса юз,
Ки, кумуш нурын сочиб, восил бўлур васлига моҳ.

Бир эса икки камон пайконининг гар матлаби,
Сайди ишк чоғи чекингайдур машаккат бирла оҳ!

Қатл учун ҳозирламанг дор, айбимиз бир ишк, холос,
Афв этар илк бор адашса йўлидин мискинни шоҳ!

Қўхикоф гарчанд тўсиқ, топгай йўлин фавворалар,
Фасли найсон сеҳридин тошни ёрар меҳригиёҳ.

Бизга кўз тикманг само меҳри кулиб боккан маҳал,
Кўр бўлур шамс юзига ким тик қадар эрса нигоҳ!

Чин вафо аҳли яратса севгининг сарчашмасин,
Тонгуси Хуршида, не тонг, ишк даштида паноҳ!



Ишқ баҳри

Ақлга бүйсунар жисмим, юрак сен, дейди, тўлғона,
Туним тан олмагай тонгинг, дил истар кунни уйғона.

Вужудим домига ўт беаёв хис беписанддурким,
Зилолинг обидин сепгилки, бўлмасдан кукун ёна.

Ки, ким сайд айласа, вобаста дил фарёду охини
Эшитгай тонг-ла маҳшар, кетмагай килмишидин тона.

Кўнгул жомин хиноранг май била тўлғазса гар зулми,
Киёмат доридир зулфи жафокор ёрни ул жона.

Самандар зотидин Хуршида равх айлар олов ичра,
Кўнгулга қатра суйин куймаса ишқ баҳри кизғона.

Бу кун

Соғиниб кетдим, дилимда зарра токат йўқ бу кун,
Дилгинам сохибидин ҳаргиз мурувват йўқ бу кун.

Ёр висолин ахтариб назм элида фотих кўнгул,
Ки, муҳаббат куйчисин куйида ибрат йўқ бу кун.

Шамсу мох тоби кўринмас ашк ила нам кўзима,
Чўғ нигоҳ, хуррам хаёл ёрдин садоқат йўқ бу кун.

Рашк ила кўнгул ёнур, кўнгул аро бир гул ёнур,
Меҳру мурувват ёнур, кун-тун рутубат йўқ бу кун.

Ер, фазо хажру хиёнатдин ёнур, эй дўстлар,
Ишқ ёнур, Хуршида ёнур, равх икомат йўқ бу кун.

Сухбатинг

Санда йўқ гар эҳтиёж, манга даркор сухбатинг,
Гарчи ер, осмон эрур чин харидор сухбатинг.

Сув, хаво, нондин кечиб, кун кўриб бўлгайми айт,
Рад этур дил жонни ҳам айласа зор сухбатинг?

Қизғонолмас-ку, күйш нуруни ер юзидан,
Ер самодан топмадим, мунча душвор сухбатинг?

Сабрима ўт кетди, бас, минг ёниб сўнмас хавас,
Минг синаб, минг айлади, зору афгор сухбатинг.

Садкаи умрим кетур, билмасанг Хуршидани,
Кел, тараххум бирла эт садка бир бор сухбатинг.





Дил армони

Онажон, сиздан бўлак бир меҳрибоним йўқ менинг,
Меҳрингиз тафтидин ўзга хонумоним йўқ менинг.

Қон била жисмимда туғён пок дилингиз чашмаси,
Ки, Ваганга бундин ўзга армуғоним йўқ менинг.

Турфа ранг гулзор бу кўнглумга кўз солмас қуёш,
Парвариш истар, нетайки, боғбоним йўқ менинг.

Гоҳ замин-даввор аро тансиқ маҳал обу хаво,
Жонга осойиш этарга ошиёним йўқ менинг.

Тил била дил ёралар эрсаки кўнглу коралар,
Рухима куч бергали ширин забоним йўқ менинг.

Минг шукр, чархи фалакнинг юз жабр-жафосига
Кўп эрур сабрим, вале, оху фиғоним йўқ менинг.

Онажон, Хуршида дил армони бир уммондир,
Бўлмасин, кетсам жаҳондинки нишоним йўқ менинг.

Ногаҳон

Айб эрур гарчанд юрак домингга тушди ногаҳон,
Ҳисларим сарҳадни билмай кўкка учди ногаҳон.

Хонумоним ёқди буткул сўзларингнинг оташи,
Тун бўйи васлинг дилим мастона кучди ногаҳон.

Етти иклимдин муносиб ёр топмоғлик маҳол,
Ишк сохир зар либосин нега бичди ногаҳон?

Айланар ер, офтоб куйгай, боши хамдир само,
Ахду паймон йўқлабон бир, кайга қочди ногаҳон?

Эй замин, эй осмон, жисмимга жой қайдин топай,
Бемаҳал Хуршида нурын ёра сочди ногаҳон?



Кенгесбой КАРИМОВ

ОҒАБИЙ

Роман¹

Азонда сафарга тайёрлана бошлаганида бир совук хабар етиб келди. Бу Шакшакни Хўжамёр бий томонидан Бухоро амирига олиб борилгани хақидаги хабар эди.

Кулчи бийнинг хаёлида “нима учун?” деган савол чақмоқдек чакилди. Чиндан ҳам нима учун? Шохмуроднинг замонида, ҳатто ундан бурунги замонларда ҳам кипчоклар амирликнинг Қўкон хонлиги тарафидан туғиладиган хавфнинг олдини олишга тайёр турадиган жанговар қавм эди. Тўғри, амирдан норози бўлиб, бош қўтарган махаллар ҳам бўлган, бироқ Шохмурод ҳукмронлигида эски гиналар унутилиб, кипчоклар сардори билан амир ўртасида дўстлик муносабатлари ўрнатилганди. Амир кипчоклар бийига катта ишонч билдириб, муҳим вазифаларини топширадиган даражага етганди.

Отасининг вафотидан кейин амирлик тахтига ўтирган амир Ҳайдар ёш эди. Шунинг учун ёнига ўзига ўхшаган ёшларни тўплагандир. Ёки бировлар кипчоклар хақида ёмон хабар таркатдими? Нима бўлганда ҳам сўнгги вақтларда ёш амирнинг ўзи хақида қандай фикрда эканини Кулчи аниқ била олмади. Жимжилоқдек бола пайтидан амирлик тахтига ўтиришни армон қилган, бахтига отаси омонатини топшириб, тахтни ўғлига мерос қолдиргани орзуларини осонгина ушатган Ҳайдарнинг атоқли кипчок бийи хақида қандай фикрда эканини билиб оладиган вақт келган эди.

Ёнига Жаппас билан Бўтабойни олиб, Бухорога отланди.

Амир ҳар хил бахоналар билан Кулчи бийни бир неча кун қабул қилмади. Иниси Шакшак билан ҳам учраштиради. Бухоро шаҳрида бийнинг ёру дўстлари кўп эди. Ўшалар орқали Кулчи инисининг ахволини билди. Озиқ-овқат юборди.

Амир Кулчи бийни совук қабул қилди. Сир бўйи қорақалпоқларининг Бухоро атрофига эмас, балки Қўкон тарафга кўчганини, амирнинг отаси раҳматли Шохмуродга берган ваъдасини бажармаганини Кулчи бийнинг эсига солди. Амир ёш ва тажрибасиз, бунинг устига амирлик мартабасидан маст эди, балки шунинг учун кипчоклар бийига, айниқса ёвқувар кипчокларга ишонмаслигини, ўрни келса, устларига аскар тортиб жазолашдан ҳам тоймаслигини тажрибали бийга сездириб қўйди.

Кипчоклар бийи амирнинг далил-исботли гапларига жавоб сифатида тайинли жавоб айта олмади. Янгиберган бий сўзининг устидан чикиб, Бухоро ва Қўкон чегарасига яқин аймақларга тўрт юз-беш юз чанғарокни кўчириб келди. Бирок Салтик бий Қўконга бошлаб кетган қорақалпоқлар чанғароғининг сони мингдан ошиқ эканини эшитганди. Демак, эшитгани тўғри экан.

Кулчи бий Сир бўйига борганда унинг Янгиберган бий билан суҳбатлашганини учинчи биров тинглаб турганидан, бу хабар Бухородан аввал Қўконга етиб борганидан беҳабар эди, албатта.

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Иниси Шақшак ҳақидаги саволларига амир мужмал жавоб берди: “Ҳозирча менинг қўл остимда сақланади. Шундай бўлса, ҳар-хил дов-жанжалларнинг олди олинади”.

Бу Қулчига бўлган ишончсизликнинг яна бир тимсоли эди. Амир ёвқур қавмнинг бийининг туғишганини гаровда сақлаш орқали ўз хавфсизлигини таъминлашга интилаётганини сездирган эди.

Хуллас, Қулчи бий амир ҳузуридан хафа бўлиб чиқди. Албатта, амир атрофидагилардан кимнидир ўзи ҳақидаги бўлмағур гапларни амирнинг қулоғига шивирлаганини билди. Унинг ким эканини ҳам тахмин килди. У айни дамда инисини кутқариб олиш учун чора топа олмасди. Хўжамёрнинг килган бедодлиги, зўрлигини айтаман, деб келган Қулчи бий ўзига қўл чўзиши мумкин бўлган одамларни эслагани билан уларнинг ҳеч бирида тўхталмади. Барча ёрдам эшиклари ўзи учун ёпик тургандек, оғир хўрсинди.

Бухородаги ёр-дўстларнинг эшигини ёрдам сўраб қокмасдан изига қайтган Қулчи бийни овулда бир тўда бийлар кутиб олишди. “Элнинг оғзини тугмоққа эллик қари бўз керак” деганларидай манғит бийи Хўжамёр билан қипчоқ бийи Қулчининг орасида Тўрик кашка жонивор сабаб бўлиб бошланган жанжал факат икки бийнинг эмас, балки Бухоро атрофида жойлашган икки қатта уруғнинг жанжалига айланиб бўлган эди. Қўкон тарафда Қорақалпоқ даласида жойлашган қипчоқлардан тортиб Томдибулоқ, Омонқўтан, Миёнкўл теварагидаги Қулчи бийнинг уруғдошлари ҳам бу довдан хабардор бўлди. Қулоқлари динг эллар қандайдир бир йўллар билан кўз очиб-юмгунча етиб борадаган хабарлардан Хўжамёр бошчилигидаги манғитлар Шақшакни амирга олиб бориб топширганини, қипчоқларга ишончсизлик билдирган амир уни қўл остида сақлаб, “оқ уйли” қилганидан воқиф бўлишди. Шунинг учун ҳам хонлик ва амирлик чегараларида кўчиб юрадаган қипчоқларнинг бош кўтарган бийлари Ортик серининг ўғли Қулчи бийга ёрдам бериш учун бийнинг овулида йиғилиб, унинг ўзини кутмоқда эдилар.

Бухородан ҳориб-толиб, хафа бўлиб қайтган Қулчи ўтовига тушиб, бир-икки кун дам олди. Мулоҳазали бийлар бу маҳалда Қулчининг безовта қилишмади. Фурсат кутишди.

Учинчи кун Қулчи бийларни ўз уйига таклиф килди.

– Ҳой, Қулчижон, кимдан қандай жабр кўрдинг? Ким сенинг иззат-нафсингга тегди? Ҳал бўлмаган қандай довинг бор? Бизга айтавер, – деб сўз бошлади келганларнинг ичидан энг ёши улуғи Сирдарё бўйидан беш юз уйли элдошларини Томдибулоқ теварагига бир пайтлар Қулчи бийнинг таклифи билан кўчириб келган Янгиберган бий. – Бу ерда ҳаммамиз маслаҳатлашиб, бир қарорга келдик, оғайнимиз бировдан жабр кўрганини билиб, индамай қараб туролмаймиз. Ўзим икки юз отликқа бош бўламан, бошқалар ҳам ким юз отлик, кимдир икки юз отликқа бош бўлар, Миёнкўллик Жеткер ботир беш юз отликни кўшаман, демоқда. Хўжамёрнинг кўзини ёғ босган бўлса, ўрнига келтириб кўямиз. Бу гапга нима дейсан, Қулчи?

Қулчи бий икки ўт орасида қолган эди.

Отаси Ортик сери ҳам, Қулчи бийнинг ўзи ҳам чигаллашган тугунни қилич билан эмас, балки сўз билан, келишув билан ечишнинг тарафдори эди. Тўғри, қиличнинг кучи билан ечилган масалалар ҳам бўлган, бироқ айнан мана шу дамда Қулчи бийнинг икки қўли бирдан боғловли эканини мана бу уруғдош бийлар нега тушунишмайди? Ёки тушунишни хошлашмайди? Иниси Шақшак амир қошида тутқинликда ўтирган

пайтда бу Хўжамёр бий бошлик манғитларга қандай қилиб қилич кўтара олади? Бу бийлар амирнинг ҳам манғитлардан эканлигини унутишмадимиз?

– На дейсан, Қулчи бий? Қулоғимиз сенда.

Қулчи бий нима дея оларди.

– Огайнигарчилик қилиб, мушкул пайтда ёрдам беришга тайёр эканлигингизни билдирганингиз учун раҳмат, – деди Қулчи аллақанча вақт жим тургандан сўнг. – Мен ўз фикримча, ҳали қиличларни киндан суғиришга сабаб йўқ, деб ўйлайман.

– Шақшаққа нима бўлди, Қулчи оға? – деди Жаппас чидолмай.

– Нима ҳам бўларди. У амирнинг кўноғи. Амирнинг ҳазинасидан буюрганини тотаверади, оч қолмас, хор бўлмас, хар ҳолда. Унгача биз ҳам қараб ўтирмасмиз, чорасини кидиармиз.

Бу гап Шақшақни қутқариш ҳақида Қулчи нима дер экан, деб қулок тутиб ўтирганларга қаратилганди.

– Унда бизга нима қил дейсан? – деди Янгиберган бий гинали товуш билан. – Кўнок ошимизни едик, кимизимизни ичдик, энди элимизга отланаверайликми?

– Янгиберган оға, бовурум деб, халким деб жигарингиз эзилгани учун миннатдорман. Ҳали қипчоқ ўронини хайкириб, “Алла”лаб от сурадиган пайтлар ҳам келар. Бирок менинг иним учун қон тўкилишини хоҳламайман. Бўлиб ўтган ишларда менинг ҳам айбим бордир балки, ким билсин. Хўжамёрнинг боласи Тўласин от жинниси эди. Бир Тўриққашқадан кечганимда бу савдолар бўлмасмиди. Яна буни Оллох билади. – Эрежебни назарда тутиб, “норастанинг раўйини қайтара олмадим” деб ҳам айтмоқчи эди, бироқ нимадандир андиша қилиб, айтмади, айтилмай кўнглида қолди.

Сўз кесилган эди. Кўноқлар отланишди.

Қулчи бийнинг чанғароғидан атоқли бийларнинг саркитини ейиш одати бор эди. Кўноқлар кетгандан сўнг айниқса болалар, келинлар бош тобоқдан, тета тобоқдан оғиз тегиб, шу бийлардай, ботирлардай, чечанлардай бўлишни, оналар шулардай азамат фарзанд кўришни тилар эдилар.

Кўп ўтмай Жонимқиз саркит ейишга Эрежебни эргаштириб уйга кирди.

Ўйинқароқ бола эмасми, отасининг бошига тушган кийинчиликлардан беҳабар Эрежеб кўйнинг тўқмоқ илигини олиб кемира бошлади.

“Воқеаларнинг тус олиши ёмон, алланечук замонлар бошланадиганга ўхшайди” деб ўйлади Қулчи бий эт ейиш билан овора бўлиб ўтирган ўғлига тикилиб. Хар қавм, хар уруг, хар бий ўз нафси учун бўри бўлиб ўтган замонда ёмон айтмай, яхши йўқ, ўзимга бирон кори ҳол бўлса ҳали суяги қотмаган боланинг аҳволи не кечар экан. Эр етиб бўғини қотса, бу ҳам бўри бўлиб йўртар, бировдан жабр кўриб ўтирмас, бироқ эр етгунча бало-қазодан омон сакламоқ керак...”

Тонг отгунча тўлғониб чиккан бий азонда Жаппасни чақирди.

– Жаппас, – деди Қулчи бий паст товуш билан. – Энг яхши отлардан бирини танлаб мин, ёнингга Бектемирни ол. Қорақалпоқларнинг ота макони Чимбойга отлан. У ерда қайси бийга, кимга учрашишингни аниқ айтилмайман. Қипчоқларни топ, менинг номидан бийлари билан гаплаш, қишда кишлов, ёзда яйлов бўлгудек кўниш сўра.

– Ҳов! – деб юборди Жаппас хайрон бўлганини яшира олмай.

– Ўтовдан чиқиб, ташқарига қара, Жаппас, “уй ортида одам йўқми” экан?

Жаппас хайрон бўлганини яшира олмай уйдан чиқиб, теваракни кузатди. Ҳеч ким кўринмади. Ичкарига қайтиб кирди.

– Уй теварагида ҳеч ким йўқ, бий оға.

– “Уй ортида одам бор”, деган сўз хар доим ёдингда турсин, Жаппас, – деди бий. – Бу сўзингни хар ким эшитавермасин, сирингни хар кимларга айтавермагин,

дегани. У ёқда ҳам менинг айтганимни ҳар кимга жория қилаверма. Тегишли кишини топиб айт.

Жаппас кўнглидаги “нима учун?” “кўчамизми?” деган саволларни бериб улгурмаган эди. Дилидагини тилига чиқарди.

– Кўчамизми? Нима учун?

– Эшитишимча, жунғорлар Туркистонни ва ундан бериги томон Сир бўйини макон тутган қарақалпоқларни чопганда, биладиганлар ундан буён уч авлод алмашди дейишади, кўп қорақалпоқ Оролнинг бўйига, ундан юқорилаб, Чимбой теварагига кўчиб борибди. Қорақалпоқларнинг ота макони бизнинг ҳам ота маконимиз бўлади. Бу теварақларни, ўзинг биласан, ота-бобомиз ватан қилди, ёмон бўлмади. Бирок кечаги гаплардан кейин Бухоро атрофи бизга тор бўлиб қолди-ёв, деган гумоним бор. Шунинг учун “Эр бошига кун тугса, этик билан сув кечар” деганларидай, бошимизга кун тугса, бош сақлашга ота макондан ўзга қай ер лойиқ, деб ўйлайсан, Жаппас?

Жаппасда бу борода ҳеч сўз йўқ эди. Ўйлашиб қолди. Келажакда нима бўлади, номаълум. Давқора қаёқда? Чимбой қаёқда? Уч марта ухлаганида ҳам тушига кирмаган ерлар. Айниқса, Жаппас Қулчи бий айтган макон дунёнинг шимолидами, жанубидами, шаркидами, ғарбидами, қайси томонда жойлашганидан ҳам беҳабар. Йўлга чиқса, топиб борар. “Қалдирғоч Каъбани топибди деб айтишади-ку”.

“Эшитганларингни икки қулоғингга қуйиб ол” деган товуш Жаппаснинг ўйларини бўлиб юборди.

Албатта, эшитганларини қулоғига қуйиб олмаса, бўлмас эди. Номаълум тарафдаги номаълум номлар негадир кўнглидаги сирли туйғуларни кўзгаб юборди. Қулчи бий айтган олисдаги ота маконни, у ёқдаги туғишганлари бўлган қорақалпоқларни, қипчоқларни кўришга ҳавас қилди.

Хуржунларига сур эт ва ичимлик тўлдирилган икки отлик тонг қоронғисиди овулдан чиқиб кетишди. Кўзланган манзил шимол томон – Орол денгизи эди. Орадан ойлар ўтди. Жаппас билан Бектемир уч ой деганда кўниб-кўниб йўл юриб, Орол бўйларини айланиб келишди. Уларнинг кўнгли шод эди. Чимбойнинг шимол томонида яшаётган қипчоқ бийлари “Келсангиз, бош устига, Лар ўзанининг бўйидан яйлов билан кишлов берайлик, келаверинг” деб кўпдан-кўп салом айтиб юборишибди.

Куз ўтиб, киш келди. Қўкон ва Бухоро ўртасидаги кескинлик қучайиб, Қўкон хони чегарага кўчиб келган қорақалпоқларни ҳимоячи билиб, бир неча овулларга бостириб кирди. Амир атрофга ясовулларини юбориб, навқар ёллаш билан машғул бўлди. Қипчоқ йигитлари бирин-кетин қурол-яроқларини сошлаб, отларига миниб амирнинг навқарлигига кета бошлашди.

Қулчи бий талай юришларда қипчоқ йигитларини бошлаб жангга кирган тажрибали йўлбошчи эди. Ўзига очикдан-очик ишончсизлик билдирган ёш амир тарафда туриб, ўз қавмларига қарши қилич кўтаришни хошламади. Ахир, Қўкон тарафда туриб жангга қирадиганларнинг кўпчилиги Сирдарё бўйидан кўчиб кетган қорақалпоқлар экани олдиндан маълум эди.

Кўнглига тушган “кўчиш” номли гулгула сувга ташлаб юборилган кесакдан таралган халқа-халқа мавжлар кўп жойни ўз ичига олгани қаби ётса ҳам, турса ҳам ҳаёлидан чиқмас, бора-бора бу ўйларга кўникиб кетган, кишнинг сўнгида ота юртига кўчиш борасида бир қарорга келиб бўлган эди.

Наврўз кирмасдан бурунги ой кўринганда киш бўйи йўл ғамини еган, икки юз хўжалик атрофидаги бий овули бир окшомда кўтарилиб, йўлга чиқди. Ўшандан буён Қулчи бий бошлаган кўч Амударёнинг қуйилишига қараб, қумларни ораб, қарвон тортиб бормокда эди.

Бектемирни ер юзини киздира бошлаган тонгги куёш нурлари уйғотиб юборди. Бу пайтда Қизилкум кўйнида яна бир машаққатли тунни бир амаллаб бошдан кечирган кўч одамлари кундалик тирикчилик ишлари билан банд эдилар.

Кулман чўпоннинг сурувидаги кўйлари қўзилай бошлади. Бир томондан кашкирлар хамласидан хавфсираган, иккинчи томондан қўзилаган кўйлارни йиғиб олишнинг осонроқ йўлини кўзлаган чўпон сурувни кўч уйлари жойлашган тепалик атрофидан узоқлаштирмасди. Совлиқлар бирин-кетин қўзилайверди. Кўч яқин бўлгани билан Кулмanning болалари тукқан совлиқларни кўзиси билан тепаликда қурилган қўрага ташишдан кун бўйи бўшамадилар. Кулчи бий Бектемир билан маслаҳатлашиб ўтириб, теварақдаги қўлмак сувлар адо бўлгунча бир неча кун шу жойда қолишга қарор қилди. Кўч қўнган ердан йўлга чиққан одам энг яқин қудукка икки кун деганда етар эди.

Навбатдаги кечалар аввалги окшомларга қараганда анча тинч ўтди. Бўрилар тепанинг пастида йиғилиб, тун бўйи улиб безовта бўлишганига қарамасдан кўч қўнган маконнинг атрофига ёқилган гулханларга яқинлашмадилар. Келганлари ҳам оловдан ўтиб, молларга ташланишга журъат этмадилар. Балки кум ичидаги турли жониворлар уйғониб, кашкирларнинг қорни тўя бошладими, ёки яна бошқа сабаблар бўлди, ким билсин, хуллас, тунги қўриқчиликка қўйилган одамлардан бошқа ҳамма кашкирлар хавфидан қутулгандек бўлди. Бектемирнинг кўзига қўнган бахайбат бўри ҳам негадир қўркинчли товуш билан улишини шу қунарда тўхтатди.

Қанча машаққатлар ва хавф-хатарларга тўла бўлишига қарамасдан юз йиллар, минг йиллар давомида ухлаб ётган қўмлар кўйнида ҳаёт уйғонган, шу билан биргаликда қадим замонлардан бошланган тирикчилик учун кураш бирдам ҳам тўхтамай давом этаётган эди.

Баҳор куёши киздира бошлаганини сезиб, тунги совуқлар ва кировлардан қўркмасдан, офтобга қафтани ёйиб очиладиган кизғалдоқлар каби ота-оналари билан олисга сафарга чиққан кўч болалари чошгоҳ пайтида қайбири жўлим уйдан, қайбири қўшдан чиқиб, дашт кўйнида ўйинга киришиб кетишарди. Айлана-сига, қаторма-қатор тикилган уйларнинг ўртасидаги кенг майдон ўйин бозорига айланди. Бир вақтлар Тоғабеган сайис йўнган ёғоч қиличини олган, саксовулнинг синдирилган бурчлики бутогини от қилиб минган, ўзи қатори болалардан қўра бўйчанроқ қўринадиган Эрежеб ҳам болаларга қўшилган эди.

Қайирбой кераганинг бошига юмалоқлаб илиб қўйган тузокларини олиб қўйнига солди. Тери дастурхонни очиб, онаси товада пиширган арпа ноннинг қатта бўлагини синдирди. Мешнинг оғзига оғзини қўйиб, идиш излаб ўтирмай, қонгунича сув ичди. Бир чеккада ётган, эчки жунидан тўқилган қопни топиб, ичидагиларни қумга ағдарди. Туби тешилган жез обтова, балдоғи синган хумча, бир-иккита қопқон шақур-шуқур қилиб қумга сочилди. Қайир қопқонларни бирма-бир қўздан кечирди. Энг қаттасини танлаб олиб, пўлат жағларини икки қўллаб босиб қўрган эди, кучи етмади. У кашкир қопқон эди.

Бола кашкир қопқондан бошқаларини қопга қайтариб солиб қўйди. Қашкир қопқонни тозалади, тўнглаган мой билан мойлади, чарм этик кийган ҳодадай оёғи билан пўлат жағларини босиб очиб, яна бирдан қўйиб юбориб, қопқоннинг қанчалик тез ва ишончли ишлашини текширди. Яроқли эканига ишонч ҳосил қилганидан кейин кераганинг бошига илиб қўйди. Сўнг тузокларни сошлаб, бир ўзи тепаликдан пастга тушди.

Шу кетганидан қош қорайгунича изига қайтмади. Қалин саксовулзорда қуён сўқмоқлар топиб, тузок қўйди. Унга бироз вақти кетди. Кўп ўтмай қуённинг

вийкиллаши эшитилган томонга қараб ҳаллослаб югурди. Улоқдай келадиган сарик кулок чўл куёни тузоқда типирлаб, ўзини у ён-бу ёнга ташлаб, уриниб ётарди. Бундан бир-икки кун аввал кўчиб кетаётган кўч қўнган теваракка яқин ердаги ўнғурда бўлтирикларини кўриклаб ётган кўкёл овга кетган қанжиқ кашкирни кутавериб, кўзи тўрт бўлган эди. Кўзларини очган, бироқ эмчакдан чиқмаган бўривачаларнинг ҳам она кашкирни кўмсаб, ўнғирнинг тўрида ётиб олиб тинмай чийиллашлари кўкёлнинг юрагини эзиб юборди. Кўч атрофида бўлиб ўтган алғов-долгов тўпалонларда озик излаб йўртган она кашкир нобуд бўлдимиди, очликдан ҳолдан тойиб, қишдан зўрга чиққанликдан мадори куриб бирон ерда йиқилдимикин, ким билсин, ҳуллас озик излаб кетган қанжиқ уясига қайтиб келмади.

Табиат инъом этган сезги билан кўкёл озик излаб кетган она кашкирнинг қайтмаслигини англади. Бўривачаларнинг ҳам ҳолдан тоя бошлаганини ўнғурдан чиқаётган, тобора секинлашаётган товушлардан сезди. Ортиқ кутиб бўлмас эди. Баҳор куёши ботишга томон энкайиб, кечки шафақ қатга саксовулларнинг учларини кизгиш ранг билан бўяган пайтларда кўкёл ўрнидан турди. Оёғини кўтариб, ўнғурнинг оғзидаги саксовулнинг тубига сийди. Бу шу атрофларга йўли тушиб йўртадиган ўзига ўхшаган хайвонларни оғохлантириш белгиси, кашкирлар тилини тушунадиганларга агар ожиз ва кўрикланмаётган бўривачаларга ёмонлик қилса, қаттиқ жазоланишига бир ишора эди.

Кўп ўтмай, кун сайин ерни тобора кўпроқ қиздираётган куёш уясига ботиб, осмонда юлдузлар кўринди. Теваракдан озик топилади, бироқ уни излаш, овлаб қўлга тушириш керак. Боши оғган томонга қараб, шошилмай йўртиб кетди. Шимол томондан эсган шамол кашкирнинг елкасидаги тикрайган жунларини силаб ўтди. Кўкёл шамолга қарши тумшугини кўтариб, кўкраги тўлғунча нафас олди, хавода саксовул тутини, пўстин, яна аллақандай, фақат кашкирнинг хид сезиш аъзоларигина таниб, ажрата оладиган хидлар бор эди.

Қашкир тепалиқдан тушиб, шимолий ғарбга йўл олди. У томонда қум ичида қарвон тортиб келаётган кўч қўнган эди. Азонда или бўйинига бойланган юк кўтарадиган туя, Эрепбойнинг туяси тепадан пастга тушиб, шохлари синдирилиб олина-олина сийраклашиб қолган саксовулларнинг учини узиб ўтлаб, бир-бир кадам босиб, кўч жойлашган тепалиқдан узоқлашиб кетаверди. Изга қайтмайдигандай қайсар қуч билан, бироқ бундай қараганда, бирдан кўзга ташланавермайдиган мўъжиза билан оламга ўз ҳукмини ўтказаяётган баҳор фасли саксовулларнинг бурчигига аллақачон жон бағишлаган эди. Бу аста-секин атрофга таралаётган сезилар-сезилмас ёқимли ифорлардан билинарди.

Анчайинда олисга кетиб қолмасин, деб туянинг оёғига тушов солинар эди. Уй юмушлари билан банд бўлган Сарбеканинг туяни тепадан тушириб, тушовлашга вақти бўлмади. Бу ишни Қайирга топширмакчи бўлиб, товушини баланд кўтариб қақирди, у жавоб бермади. Шундан сўнг аёл туянинг ипини бўйинига ўраб, пастга хайдаб қўяверди.

Теваракда ҳавф сезилмади. Туя секин-секин одимлаб, саксовулнинг ям-яшил кўқараётган бурчигини тишлари билан узиб еявериб, кўчдан анча олислаб кетди. Устидан оғир босадиган юки, қаттиқ тортилган айили, ўпкасини сиқиб турадиган жез йўк, бош ипи бўйинига ўралган, оёғи тушовдан бўш туя эмин-эркин ўтлаб, қорни тўйди. Бўталоклик чоғи ёдига тушдимиди ёки баҳор хавоси таъсир қилдимиди, қумларни оралаб, лўкиллаб чопгиси келди. Ўз-ўзидан яйраб, ўрқачлари ликкиллаб, елиб бораётган эди. Тўсатдан юмшоқ товонлари остидаги қумлок бирдан ўйилиб кетгандай бўлди. Ўзига келганида оёқларини қимирлата олмади, олға интилган эди чуқурга тикилиб қолган ўмрови кўтарилмади.

Жонивор бўз туя келиб-келиб чўл ўпконига дучор бўлган эди.

Кўкёл югуриб ўтиб, одамлар ва итларнинг шовкини эшитилиб турган кўчнинг сиртидан бир айланди. Тумшугига қўзилаган совликларнинг таниш иси келди. Кулман чўпон болалари билан қўй бокиб юрган жойга нигоҳини тикиб, анча сукуланиб турди. Чўпон ва унинг ёрдамчилари хар тарафда таёкларига суяниб, зийраклик билан қўйларини кузатар эдилар. Хар бирининг ёнида бир-иккитадан ит ҳам кўринади. Ўтган сафар куппа-кундуз куни тўрт-беш совликни кашкирга олдирган Кулман эхтиёткорликни оширган, қўйларни хар тарафи очик ерда боқаётган, теваракда калин кўринган бутазорларни ўткир кўзлари билан киприк кокмай кузатиб турар эди. Қашкир саксовулни паналаб, олдинга оёкларига бошни қўйиб ётиб олди. Оғзидан осилиб турган тилидан оккан сўлак тез-тез томиб кумга тушарди. Очликдан тинкаси қуриган, рўпарасида нимаики учраса, ямлаб ютгудек иштахаси очилган. Қўйлар сурувидан кўз узмасди. Шиддат билан беш-олти сакраса, сурувга етиб, одати бўйича тўрт-беш совликни бўғизлаб ташлар, хумори босилгандан сўнггина ёриб ташланган совликларнинг бирига ўткир тишларини ботирар эди. Бирок хозирча бунга журъат этолмайди. Пайт пойлаш керак... Шунга карамасдан вақт киска. Чўпон огохлик билан қўйларни кўч ўрнашган томонга ҳайдай бошлади. Айни шу дамда итлардан бири бўрнини сезиб қолиб чувиллаб хура бошлади. Унга бошқа итлар ҳам кўшилди. Бир неча итлар бир ерга тўплангандан сўнг ботирланиб кетиб, кашкирнинг устига тўпланиб келдилар. “Ботирга ҳам жон керак” дегандай ўзини сездириб қўйган қашкир панадан чикиб, оркага чекинишга мажбур бўлди. Тура сола қуйруғини қисиб қочавермади, елка ёлини хурпайтириб, кўзларидан кўм-кўк учкун сачратиб, ўткир тишларини киличдек намойиш қилиб, ириллаб-ириллаб, изига қараб-қараб бемалол йўртиб кетаверди. Бир нигоҳ ташлаганда гала ичида ўзи билан тенгма-тенг олиша оладиган қуйруғи кесилган ола қўппакка кўзи тушган эди, шунинг учун итлар галаси билан тишлашмоққа шошилмади. Бўлмаса, уларнинг истагани кўкёлнинг ўткир тишларининг жароҳатидан ҳалок бўлар, фақат кашкирнинг емтиги бўлишгагина ярар эдимиз, ким билади.

Эгаларидан узоклашишга юраклари дов бермаган итлар галаси сурувга қайтди. Боши оған томонга йўртиб бораётган қашкир одамларнинг кий-чуварли тинимсиз эшитилиб турган кўчдан олислаб кетди. Кўзлаган манзили номаълум эди. Қай томонга боради, олдинда уни нималар кутиб турибди? Йўртиб бораётир. Қош қорайиб осмонда дастлабки юлдузлар кўрина бошлади. Бир нарса кўзга чалингандай бўлди. Қашкир букчайиб тўхтади. Қулоқлари тикрайиб кетди. Қандайдир таниш ислар “гул” этиб бурнига урилди.

Кумлок текисликда туя чўкиб ётар эди.

Кулчи бийнинг сурувлари, қора моли билан йилкисининг теварагида юрган Эрепбой кеч қираётган пайтда тепалик устида тикилган жўлим уйига қайтди. Вақтликрок бир нима еб олиб, молларни жойлаштирмоқчи ва тунги қўриқчилик тадоригини кўрмоқчи эди. Бирок бошқача вазият юз берди. Ўчоқ бошида юрган Сарбека:

– Эрепбой, пастда бизнинг туямизга кўзинг тушмадимиз? – деди белдовга от бойлаётганида.

– Йўк, кўзим, тушмади. Тушовлаганимдинг?

– Йўк. Пастга тушириб тушов солишга кўлим тегмади.

– Вох, – деди Эрепбой ёнбошига бир уриб, – унда туя Аксуватга бориб еткандир-ов!

– Кўйсанг-чи, каёкка ҳам кета қоларди? Ўглаб юргандир. Теварак тўла мол бўлса, кўрадан ажралиб, олисга кетмас.

Буни айта туриб: “Агар туя Аксуватга кетган бўлса, юкимизни нимага орта-миз?” деган ўй бирдан хаёлига келди.

– Майли, ошингни тайёрлайвер. Мен туяни кидириб, топиб келайин. Айтмоқчи, қора боланг қаёқда?

– Сенинг қора боланг-ку, – деб қулди Сарбека. – Шу атрофда юргандир. Азондан бери кўринмайди.

– Тузokka кетдимикин? Шу бола тузokka жуда ёмон ўрганди-да. Теваракда кашкир кўп бўлса, – деб норози бўлди Эрепбой отини белдовдан ечаётди. – “Кўрада кўзиси бўшанганинг уйда катиғи тўкилади” дегандек бўз инген тушовланмаса, уни бокадиган боланг тузokka кетган бўлади-да, ахир...

– Келиб қолар, кашкирни айтиб, юрагимни ёраверма, оғаси, – деди Сарбека. Товушидан хавотир олаётгани сезилиб турарди.

– Қай тарафда ўтлаётганди?

– Мана бу тарафга кўйиб юборивдим, – деб Сарбека шимол тарафни кўрсатди.

– Олиста кетмагандир-ов.

Аёлининг бепарволигидан ўпкаладими, Эрепбой индамади. Тепаликнинг шимол томонидан отини етаклаб пастга тушди. Кўп ўтмай қумда туянинг изи кўринди. Учлари узилган саксовуллар кўзга ташланди. Осмонда юлдузлар милтиллай бошлаганди. Ҳали атрофни қоронғилик қоплаб улгурмаган, ботиб кетган куёшнинг сўнги нурларидан қумлок ерда ялпайиб босилган туя изларини кўрса бўларди. Изнинг орқасидан юравериб, овулдан бир от чоптирим масофага олислаб кетганини ҳам сезмади. Қумдаги излар ҳам ғира-ширада кўринмай қолди. “Энди излаш бефойда, туя анча узоклаб кетганга ўхшайди” деб ўйлади Эрепбой. “Орқага қайтиш керак”. Отнинг жоловини тортиб, яна ўйланди: “Ҳали Чимбойга етганимизча олдимизда қанча йўл бор. Қунимизга шу туя ярайди. Агар даштда қолиб кетса, албатта кашкирга ем бўлади. Сарбеканинг жўлим ўйидан энди отга ортагимизми? Балки юз кадам нарида саксовулнинг бошини узиб юргандир жонивор”. Отнинг қорнига оёқлари билан никтаб, олдинга бораверди. Ростдан ҳам олдинда бир нарсa қорайиб кўринди. Кўк сўнгининг² темир сопини қаттиқроқ қисиб қўйди, ҳали “йўлда яраб қолар, яроқлига ёв йўликмайди”, деб бир-икки кун бурун кашкирни санчиб ўлдирган найзасини олиб чиққанди. Отни никтади, от негадир бир жойда тўхтаб қолди, сира олдинга юришни истамасди. Олдинда эса, йигирма кадамча нарида туя чўкиб ётар эди. “Бўз инген жонивор-ку”, деб ўйлади, “Қоринни тўйдириб бўлиб, бийдай даштда чўкиб ётганини қара. Чув, жонивор”. Тўрт оёғини бир жойда тираб, туриб олган от кистовга қарамасдан илгари юришни сира хоҳламас, юришнинг ўрнига пишқириб, ер тепиниб, безовта бўлиб ўқранарди. “Туядан ҳам шунчалик хурқайдими”. Отдан тушди, узун арқоннинг учини маҳкам ушлаб, иккинчи қўлидан найзани тепасига кўтариб, юлдузларнинг хира ёруғида йилт-йилт этиб турган ўткир учини қорайиб турган махлукка қаратиб, олға кадам ташлади. Қора кўринган ерга уч кадам, балки тўрт кадам қолган эди. Ғира-ширада “чўкиб ётган туя” деб ўйлаган махлук унга қарши хужумга ўтди. Қўм-қўк учқун сочган икки кўз ялт этиб тикилганда юраги “шувв” этиб кетди. “Қашкир”, деб ўйлади йилдирим тезлигида. Отнинг ипини қўйиб юбориб, найзани икки қўллаб ушлади. Кўз илғамас тезликда олға ташланган кашкирнинг ўткир тишлари Эрепбойнинг томоғига “ғарч” этиб ботиб кетди, тунги йўловчининг кўкрагига урилган қучли панжанинг тирноқлари жун чакмонни қоқ айириб юборди. “Қашкир” деб ўйлади Эрепбой йикилаётди. “Аттанг, бўз инген, бўз инген кашкирга ем бўладиган бўлди...” Сўнг осмондаги юлдузлар бирин-кетин сўниб, зулмат ичига Эрепбойнинг ўзи ҳам сингиб кетди. Найза бўрининг юрагига санчилмаган, у икки қобирғанинг орасидан тешган эди. Душманининг танаси бўшашиб кетганини сезган кашкир, қоришиб

² Кўк сўнги – найза.

колган жағини очиб, бикинига санчилган найза оғриғидан ириллаб юборди. Танаси копконнинг пўлат кискичидек ортга қайтган пайтда жонсиз қўлларда котиб колган найзанинг ўткир тиғи кашкирнинг бикинидан суғирилиб кетиб, ўрнидан кон отилиб чиқди. Бикинни ялайвериб, бир жойда чирпирак бўлиб айланди. Бироз тинчлангандан сўнг зиркираган оғрикка карамасдан ичак-чавоғи чикиб ётган, танаси совиб улгурган туянинг ўрқачига оғиз солиб, бир парча этни териси билан қўшиб юлиб олиб, ямлаб ютиб юборди.

Эгасига кашкир ташланганида хуркиб кетган от орқа-олдига карамай, чилвирини судраб, кочиб колди.

...Қош қорайганда сурувдан ўлжа овлай олмаслигини англаган ва ўзини сездириб қўйган кўкёл очик даштда ўпконга ботиб колган туяга дуч келган эди.

Бахорги ёмғирлар қум тепалардан пастга караб жилдираб, одатда кичик-кичик жилғаларни, уларнинг бир-нечаси қўшилиб, бирпасда қумлар орасида шаркираб оққан сойларни хосил қилади. Соё сувлари чуқур ерларни тўлдириб, қўллар пайдо бўлади. Ёмғир селлари баъзида қумлок ерларда қум сичконлари казиган инларни кенгайтириб юбориб, ер остида ковакларни юзага келтиради. Сув йўлларида қазилган бундай ковакларни қорақалпоқлар “ўпқон” деб аташади. Эрепбойнинг бўз ингени жонивор қумлар орасида кўзга кўринмай, яшириниб ётган ўпқонлардан бирига тушиб кетган эди.

Олдиндан чиқкан бундай тайёр ўлжани оч кашкир қўлдан чиқарармиди? Қимирлашга ҳам имконияти колмаган бўз ингеннинг энг нозик жойи бўлган халкумига ўткир тишлари санчилганда, бир марта бўкириб улгурди, халос. Ўқ томиридан шариллаб оққан иссиқ кон буталарни кизилга бўяди. Бугун фақатгина бўз ингеннинг эмас, унинг эгаси Эрепбойнинг ҳам ажали етдими, орадан бир коса айрон ичар вақт ўтар-ўтмасдан у ҳам найзасини ўкталиб, жон талашиб ётган туя ёнида пайдо бўлди ва аянчли ўлим топди.

От жонивор ўша хуркиган шиддати билан тўхтамай одамларнинг товуши эшитилиб турган кўч томонга караб чоңди. Судралиб келаётган чилвир бир икки саксовулга ўралган эди, саксовул тағ-тубидан ўпирилиб анча ерга қадар судралиб келаверди, охири бир томирга илинди, бироқ отнинг кучли тортишига чидамаган чилвир шартта узилиб, саксовул ёнида илондек эгри-бугри бўлиб колаверди.

Дўнон от шу чопишда тўғри Эрепбойнинг жўлим уйининг белдовига, ўзи хар куни боғланиб ўрганган жойига келиб тўхтади. Отнинг дупурлашини эшитган Сарбека уйдан чиқди. От белдовда турар, бироқ Эрепбой кўринмас эди.

– Эрепбой, – деб чақирди аёл.

Хеч ким унга ҳа демади.

– Эрепбой!

Яна жим-житлик.

Хеч қандай ёмон хаёлга бориб улгурмаган аёл отни белдовга боғламоқчи бўлиб, йиғилган чилвир илдирувли турадиган эгарнинг бошини пайпаслаган эди, чилвир жойида йўк. Шундан сўнг кўнглига шубҳа оралади. “Отнинг чилвир қерда?” Нўхтани ушлаган эди чилвирнинг бир қулочча бўлаги қўлига илинди. “Узилибди. Нега узилган? Эрепбой қерда?”

Онасининг қуймаланиб юрганидан, отасининг товуши эшитилмаганидан хавотирланган Қайир уйдан чиқди.

– Опа, оғам келдими?

– Йўк, келмади. Бўз ингенни излаб кетганди. Ўзи ҳам, инген ҳам кўринмайди.

– Ҳов! От хуркиб, йикитиб кетдимикин?

– Қайдам?

Она-боланинг нохуш товушларини эшитган якин кўшнилар югуриб келишди. Бектемир ҳам келди.

– Қайси томонга кетиб эди?

Аёл тушинтирди.

– От бир нарсадан каттик кўркан, – деди Бектемир отнинг ўмовини ушлаб кўриб, – Қалтираб, ўзини босолмаётир. Балки кашкирдан... – Ўзгаларни ваҳимага солмайин дедими, сўзининг охирини айтмади. – Балки туясини топиб, унга минганда от бир нарсадан, шokolданми, бўрсикданми хурккандир.

Бу сўзларга канча ишонгиси келса ҳам ўз-ўзини ишонтира олмас эди. “Нега ундай килади? Отдан тушмай, туяни етакласа бўлмасмиди?”

Бироз ўйлашганларидан сўнг Эрепбойни излашга келишдилар. Бектемир бошчилигида Қулман чўпоннинг икки боласи ва яна уч-тўрт йигит қўлларига машъала кўтариб, тепаликнинг орқа томонидан пастга тушдилар. Қайир ҳам улар билан бормокчи эди, катталар “хали ёшсан” деб эргаштиришмади. “Ёш бўлсам, нима бўпти. Қулман чўпоннинг пакана болаларидан менинг қаерим кам?” деб ўйлади Қайир узоклашиб бораётганларнинг қўлларидаги машъалаларига тикилиб туриб. Ёмон хаёлга бормади. Остида оти, кўлида найзаси бор одам нимадан кўркади.

Куни кеча кўкел кашкирни найза билан санчиб ўлдирган эди-ку. Ана, терисини тузлаб кўйишибди.

Эрепбойнинг излашга борганлар хўрозлар дастлабки чакирганида курук қўл билан кайтиб келишди. Ой хали туғмаган. Атроф нотаниш. Эрепбой туяни излаб қаёқка юргани номаълум, қоронғи тунда кум барханларида кезганларнинг йўлини ҳеч ким ёритмайди, ҳеч ким уларга мадад бермайди. Қўлларидаги машъалалар бирин-кетин сўна бошлади. Ниҳоят овулдошини излаётганлар орқага кайтишга мажбур бўлишди.

Қайир тузок билан ушлаган қуённинг гўшти солинган қозон ўчоқдан туширилмади, остидаги ўтга ўтин ташланмади, копоқи очилмади. Она ва бола уларга далда бўлиб турган бир-иккита аёллар ва болалар, айниқса, Сарбека ва Қайир Эрепбойни кутишар, бир нарса овози эшитилса, “келиб қолдими” деб умидвор аланглар, аллақачон пишган қуён гўштини қозондан олиб ейишни хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Даштдан алламаҳалда кайтиб келганлар “Тун қоронғи, йўл номаълум. Эрепбой, Эрепбой, деб чакирдик. Ҳеч ким жавоб бермади, балки йўлдан адашгандир. Ҳеч нима қилмас, остида туяси, кўлида яроғи бор-ку. Тонггача келиб қолар” деб уй-уйларига таркалишди. Теварак-атроф ёввойи саҳро, унда кашкирлар изғиб юрганини ҳеч ким тилига чиқармади. Буни айтгандан нима фойда? “Яхши ният ярим мол” дегандек азонгача келиб қолар, деб ҳаммани умидвор қилган яхши эмасми?

Қайир овқатланмасдан, ётган жойида ухлаб қолди. Ёлғиз қолгандан сўнг бир-бирининг изидан кетма-кет улиган кашкирларнинг ваҳимали овозига кулоқ тутган Сарбека тонг отгунча киприк қокмади. Чор-атроф ёришиб, жўлим уйларнинг туйнуғидан баҳор қуёшининг илк нурлари туша бошлаганда “Тонг отди, энди ухлаб қолмайман, Эрепбой келиб қолар” деган ўй билан ўнг қўлини бошининг остига қўйиб, чанғарокка тикилиб ётган Сарбека беихтиёр уйку кучоғига сингиб кетганини билмай қолди. Тушида Эрепбой кириб келибди, устида қуёш нурларидан тикилганга ўхшаб кўзни камаштирадиган оппоқ кийим бор экан. “Тонг отди-ку, турмайсизларми?” деган товушдан уйғониб кетди. Кўзини очса, қуёш нури чанғарокни камраб олган. Ўнгими, тушими ажратолмай бироз уйқусираб ётди. Эрепбой уйдан кайтиб чиқдими? Тушим эмас, хозиргина кўрдим-ку. Устидаги нима унда. Эрининг оппоқ кийим кийгани ёдига тушганда, юраги “шиғ” этиб кетди. Шошилиб ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

Куёш кўтарилар-кўтарилмас пайт Эрепбойни излашга чикканлар сафига буйрулни минган Қайир ҳам кўшилди.

Отликлар изларни ўқиб боришди. Қумда ҳар хил излар калашиб ётар, уни тунда кидирганлар албатта кўра олмас эдилар. Кўч қўнган тепалиқдан унчалик узок бўлмаган ердан Эрепбойни топишди.

– Болани олиб кетинглар, – деди Бектемир ёнидагиларга. Кимдир буйрулниң жиловидан тутиб кўч қўнган томонга юраверди.

Ўйилиб кетган ўшқонга тикилиб қолиб, кашкирга ем бўлган бўз ингендан нишона бўлиб ғажилган суякларгина қолган эди.

Кўп ўтмай тепалик бошида қабр пайдо бўлди. У одамга туғилганидан ҳамроҳ бўладиган ажалнинг охири бир сабаб билан уни дунёдан олиб кетгандан кейингина тинчишини исботламокчи бўлгандек қорайиб турар эди. Жаноза тарқалганидан сўнг, эртасига кўч бу хосиятсиз макондан тезроқ кетишга шошилди. Сарбека билан Қайир кўзёшларини оқизиб юриб, кўчга кимдандир сўраб олинган эшакка жўлим уйни ортишди. Энди уларнинг чанғароғининг устуни қулаган – бири етим ўғил, бири есир аёл эди.

Сарбека эшакнинг ипидан ушлади. Қайир қўликка жойлашмаган, хуржунга солинган буюмларни елкасига олди. Қумда санчилиб турган, Эрепбойга кўп йўлдош бўлган найзага қаради. Ийланган теридан ўрилган, сопининг охирига бойланган боғига негадир қон томмаган, бошқа ҳамма ёғида қон қотиб қолган. “Қашкирнинг қони”, деб ўйлади ҳали ўн бешга тўлмаса ҳам қорувли гавдаси йигирма яшар йигитни эслатадиган Қайирбой. Бироз иккиланиб турди. Сўнг найзани қумдан суғуриб олиб, эшак етаклаган онасининг изидан эргашди.

Баҳор қунлари аста-секин узайиб ва кизиб бораётган эди. Бирданига ғарб тарафдан, балки олис денгизлар устидан кўтарилган қоп-қора ва оғир булутлар осмонни тўлдириб босиб келди. Аввалига бир-икки марта чақилган чакмоқ булутларни олмос қилич каби бўлиб ташлагандек туюлди. Бироз вақтдан кейин унинг кетидан еру қўқ шундай қалдирадики, гўё оёкости қок ёрилиб кетгандек бўлди. Эшакнинг нуктасидан тортиб келаётган есир аёлнинг қўрқиб кетгани сўлғин тортган, бироқ чиройли юзидан билинди. Юзи бўздек оқариб кетган эди. Шошапиша ёдига тушган калимасини қайтарди.

Қутилмаганда булут келаётган томондан кучли шамол эсди. Саксовулнинг бурчикларида мўнгли, изиллаган товуш эшитилди. Ердан кўтарилган қум тўзони кўзни очирмай хавони қамраб олди. Шамол тарафга юзини қаратган одамнинг нафас олиши кийин эди.

Кўкда ярқ этган чакмоқдан кейин кўп ўтмай, шундай ёмғир қуйиб бердики, гўё осмондаги минглаб жез сувдонлар ва тери мешларнинг тикинлари бирдан очиб юборилгандек бўлди. Йўл юриб келаётган кўч тўхташга мажбур эди. Онаси билан кўчнинг орқасидан келаётган Қайир отлар ва эшакларнинг қулоқлари шалвираб, бир жойда туриб қолганини, уларнинг теварагидаги одамлар эса, кўпчилигининг қўлларида ҳеч нарса бўлмаса ҳам, қўллари билан бошларини пана қилмокчи бўлаётганини, айниқса, биров қўлида саксовулдан синдириб олинган новдани ялов каби тепасига кўтариб турганини кўриб, қулгиси кистади. Ахир, у новда осмондан томаётган минг-минлаб томчиларнинг атиги биронтасини ҳам тўхтата олмас эди-да. Кўч ҳайдаб келаётган қўйлар бир жойга йиғилишиб, ёмғирга ягринларини қаратиб олганлар. Йўлдаги одамларни бирпасда доводира-тиб ташлаган баҳор ёмғири ёғаётган эди.

Ёмғир қандай қутилмаганда бошланган бўлса, худди шундай қутилмаганда тўхтади. “Ростдан ҳам ёмғирмиди шу, ҳеч вако йўқ-ку” деган хаёл билан одамлар

ажабланиб кўкка тикилишди. Қизилқум бағрини селга бостириб юборган булутлар шаркка кўчиб борар эдилар. Баланд тепалардан пастга оқаётган сувлар шилдирашидан ва олисларда пўстагини қоқаётган момақалдиروقнинг товушидан бошка овоз эшитилмас, олам қандайдир бир тилсимли воқеадан кейин ўзига кела олмаётгани сингари чўл кўйнидан янгидан пайдо бўлган сойлар, ирмоқларнинг ёкимли шовқини кўп вақтга қадар тинмади.

Сарбека ёмғир сувидан ҳўл бўлиб, оғирлашиб қолган тивит рўмолини бошидан ечиб, сувини сириктирди. Бошка бировлар ҳам кимдир эғнидаги чакмонини, биров бошидаги телпагини ечиб, силкиб-силкиб қайтадан кийишди. Қайир найзасини кумга санчди. Ёмғир суви шўрғалаб турган қалта тўнини ечиб, қумга ташлади. Найзадаги қон доғларига кўзи тушди. Дарҳол найзани олиб, қум билан ишқалай бошлади. Қон доғлари кетган, тозаланган сўнгини қайтадан қумга санчди. Ҳўл бўлган тўнини суви сергисин деб унга илди. Негадир, отаси Эрепбой ёдига тушди. “Қасос оламан” деб шивирлади бола. “Қасосини оламан!” Отасининг қасосини кимдан оломқчи?

Бу пайтларда ярадор қашқир бўз инген йиқилган ўпконнинг теварагида айланаиб юрар эди...

Кўп хаялламай, йўлида давом этган кўч кош қораймасдан қулай ерда тахтади. Аёллар ва болалар қўшларни тикиш учун курукрок ер танлаб, ўрнаша бошлашди. Одатдагидек мол-ҳолни ўртага олиб жойлашишга буйруқ берилган эди.

Эртасига кун очик, баҳор қуёши чараклар эди. Қайир чошгоҳ маҳалда отаси Эрепбойдан қолган буйруқ отга минди. Темир найзани эгарга қўндаланг қилиб қўйди. Пўлат тишли қашқир қопконни ҳам олишни унутмади. Мунгли кўзларидаги ёшни рўмолининг учи билан артиб, Қайирнинг ҳаракатларини кузатиб турган она боласига тиш ёриб ҳеч нима демади. Ўғлининг ота ўрнини босгудек азамат бўлиб қолганига бир томондан суюнса, бир томондан кўнглида “Бу бола қаёққа отланди? Ногоҳон бирон хавф-хатарга учрамаса эди” деган хавотир бош кўтарган, бироқ хатти-ҳаракатларидан сезилиб турган ўз кучи ва укувига ишонччи англаган она “қаёққа бораяпсан, болам?” деган саволни бермай тўхтаб қолди.

Шамолдек елган от тез орада Қайирни куни кеча бўз инген билан Эрепбойнинг қони тўкилган ерга етказди. Ёғиб ўтган кўклам ёмғири қонли изларни ювиб юборган, ҳар ер-ҳар ерда ғажилган суяклар сочилиб ётар эди. Қашқирнинг яраси оғир ёки енгил эканини билмаса ҳам найзада қотиб қолган, ўзи қум билан ишқалаб тозаланган қон доғларидан хулоса чиқариб, бўрининг яраланганини чамалади. “Яраланган экан, бироқ емтик учун бу ерга яна бир айланаиб келади” деган фикр унга тинчлик бермасди.

Отдан тушмай, теваракни кўздан кечириб, қумдан из кидирди. Қумда у ёқдан бу ёққа ўтган излар бу ердан емтик излаган бир неча ёввойи ҳайвонлар ўтганидан дарак берар эди. “Шу изларнинг бири менинг хундоримнинг изи бўлиши мумкин” деб ўйлади у изларга тикилиб. Отни ҳайдаб теваракни айланди, буталарнинг ораларини кўриб чиқди. Из эгаларининг ҳеч бири кўзга ташланмади.

Отдан тушиб, чилвирини белига боғлади. Сўнг отдагидек қўйнидан тузоқларни олиб кўя бошлади.

Қайир шошилмади. Саксовул буталарининг кўқарган бошларини узиб ўтлаётган отга қараб кун оғтулча пойлади. Сўнг тузоқларни йиғиштиришга тушди. Тузоққа илинган қуёнларни ҳалоллаб хуржунга солди. Қашқир қопконни олиб бир газ келадиған томир қозиғини ерга қоқди. Бир учи қозиққа боғланган темир занжирнинг иккинчи учи қопконга маҳкамланган эди. Қопконнинг пўлат “жағ”ларини оёғи билан босиб очиб, тилсимли тилини ўрнига жойлаштирди. Ўртасига уйдан атайин ҳўрак учун олиб чиққан гўштли суякни ташлади. Қоққан

козик ва темир занжирни кўринмаслиги учун кум билан кўмди. Саксовул шоҳини синдириб олиб, у ёк-бу ёкка судраб, изларини ўчирди.

Бу ишларни битириб, отга минганида очик осмонда илк юлдузлар жимирлай бошлаганди.

Тонг отиб, кўч одамлари ўз юмушлари билан банд бўлиб юришганида буйрул отга минган қора бола ва унинг изидан эргашган қулоғи ва думи кесилган итнинг қай томонга кетиб бораётгани билан ҳеч ким қизиқмади ҳам.

Олисада гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга шўнғиб учган қарғалар кўринди. Бола отни ўша томонга ҳайдади. Кеча кечкурун қопкон қўйиб кетган жойга яқинлашганида қушларнинг ўша теварақда қарх уриб учишаётганини билди. Олисдан бир нукта қорайиб кўринди. Қайирнинг юраги гушпиллаб кетди. “Тушибди”.

Олдинги оёғидан қопконга илинган қашқир бор қучи билан темир қопкон тишларидан қутулишга уринар, жон ҳолатда ҳар томонга ташланар, бироқ темир занжирни узишга, чуқур қокилган қозикни суғиришга қучи етмас эди. “Шумикин? Балки шудир, ярадор бўлса керак. Озиқни таъма қилиб, айланиб келган”.

Қопконда юқиланаётган қашқирга ўқ етар масофа қолганда тўхтади. Буйрул ҳам олдинга юргиси келмасди. Ортиқча яқинлашиш ҳавфли. Ит бўлса ўзини химоя қиладиган эгасининг янада олға юришини хоҳлаб, тишини иржайтириб, елкасининг жунини хурпайтириб “воф-воф” этиб хуриб, ер тирнаб безовталанди. Зоти бир, бироқ қалта ақли етавермайдиган қандайдир бир сабабларга қўра қондор душманларга айланган ит ва қашқир ҳаёт ва мамот учун олишишни хоҳлар, бу йўлдан уларнинг бирини темир занжир ва пўлат қопкон, иккинчисини эса, эгаси, буйрул отли бола тўхтатиб турар эди.

Қайир от устида бирпас қашқирнинг жон ҳолатда қутулишга уринишини кузатди. Отасининг ҳаётига зомин бўлган йирткичнинг, балки шудир, балки бошқадир, бунга аниқ ишонч ва далил йўқ эди, кўзларига бир марта тикилмоқчи бўлди. Лекин қопкондан қутулиш учун жон таллашиб ётган жондорнинг нигоҳи билан боланинг нигоҳи дуч келмади. “Нима қилиш керак?” деган ҳаёл билан яна иккиланди. Отни ҳайдаб бориб найза санчишни ўйлади, бироқ от турган жойидан бир қадам ҳам силжишни хоҳламас, аксинча, тайсаллаб орқага қайтиш йўлини излар эди. Итга “бос” деса, ташланиши мумкин. Шунда ҳам қашқирми, итми, қай бирининг устун келиши ёлғиз Худогагина маълум. Мабодо ит енгилса-чи?

Нихоят отини орқага буриб, кўч томонга йўл олди. Нар-бери кум сочиб, хурганига эгаси қайрилиб қарамагандан кейин ит ҳам хансираб-хансираб, от изидан йўртиб юришга мажбур бўлди.

Қўй боқиб юрган Қулман чўпоннинг болалари қопконда ҳолдан тойган қашқир устидан чиқиб, итларини ҳамла қилдириб, охири уриб олишди. Ҳолдан тойганига қарамадан кўкёл ҳақини олиб ўлди – бир итни бўғизлади.

Қулманинги болалари таниш қашқир қопконни келтириб эгасига топширишганда ўлган қашқирнинг териси ҳақида гапириб ўтирмади, фақат биргина савол берди:

– Қашқир яраланганмикин?

– Ҳа, – деб жавоб беришди қопкон келтирганлар. – Ярадор экан, қобирғасига ўткир тиғ урилган, найза бўлса керак.

“Шу” деб ўйлади Қайир, “Найзадаги қон қашқирнинг қони эди”.

...Кўкдам ёмғирларидан кейин Қизилқум манзараси тез ўзгарди. Уч-тўрт кун ичида саксовул бурчиқлари яшил тус олди. Ёвшанлар хушбўй хид таратиб, тепалиқлар олисдан қараган кишига яшил гилам тўшалгандек кўринар эди.

Кўзилаётган қўйларнинг аҳволига қараб, кўч қўниб-кўчиб бемалол силжиб келаверди. Кунлар узайган сайин ҳарорат кўтарилди. Кишнинг қорлари ва баҳорнинг шиғалаб ёққан ёмғирларидан сув ичган дашт бепоён яйловга айланди. Бирок ёзнинг яқинлашуви билан бирга сувсизлик хавфи ҳам бостириб келар эди. Ота юртига йўл юриб келаётганларни “Молимиз ва ўзимиз сувсиз қолмаймизми?” деган хавотир ўйлантира бошлади.

– Олдиндаги қудукларни аниқламасак, кўп ўтмай сувсизликдан қийналиб қолишимиз мумкин, – деди Бектемир Қулчига.

– Тўғри айтасан. Энди бундан бу ёғига қудуклар билан қўллар ёқалаб юрамиз. Олдинда Кўнғирнинг қудуғи бор. Ундан нари икки-уч кун йўл боссақ, Акчадарёга чиқамиз.

Кўп ўтмай қўйлар қўзилаб бўлди. Бирок ёш тўлланинг баъзилари кун бўйи йўл юришга ярамас эди. Кўч ҳар куни бир манзил силжиб, қўниб дам олиб бораверди.

Хафталаб осмондан бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Қўлмак сувлар ҳам қуриб адо бўлди.

Бектемир ҳаммани тезроқ юришга қистаб, кўчни ҳар куни қош қорайгунча тиндирмади. Одамлар ҳам, моллар ҳам чанкай бошлаган эди.

– Қудуккача хали олисми? – деб сўрашарди одамлар Бектемирдан.

– Чамаси, бир манзиллик йўл қолди. Қудук катта кум тепалигининг этагида қазилганга ўхшайди. Қулчи бий ва Бўтабой олдинроқ кетишган. Улар бизни қудук бошида кутиб олишса керак.

Қип-қизил бўлиб ботиб бораётган қуёш нурларидан қўлларини пешонасига соябон килиб, қўзларини тўсган одамларнинг нигоҳи олисларга қадалиб, баланд кум тепалигини кидиришади. Тепалик эса хали-вери кўриная демайди.

Нихоят қош қорайганда баланд тепалик устида турган отликнинг қораси кўринди. “Қулчи бий қудукни топибди, тепаликда турган Бўтабой бўлса керак”, деб ўйлади Бектемир. Бирок энди устида отликнинг қораси кўриниб турган кум тепалик сира ўзига етказмас эди.

Кўчнинг боши қудукка еганида қуёш ботиб, кунчиқишда Чўлпон юлдузи кўринган эди. Юлдузга кўзи тушган Бектемир бир нарсалар деб шивирлади. Бироз отининг жиловини тортиб турди. Сўнг отнинг қорнига товонлари билан ниқтаб йўлда давом этди.

Учига ёғоч челақ бойланиб қудукка ташланган ўн қулочлик қил арқоннинг охириги ўрами ёйилиб тушмагунча қудукдан садо чиқмади. Нихоят сўнгги ўрам ҳам очилди, бир товуш эшитилди, бироқ бу ёғоч челақнинг қудук тубидаги сувга урилганда чиқадиغان “шалп” этган овоз эмас эди. Демак, қудукда сув йўқ, у ер қаърига сингиб кетган.

Кўнғирнинг қудуғига етишга шошилиб, умид билан энтиқиб келаётган кўч одамларининг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Бир-икки кундан буён қониб сув ичмай, мешлар ва хумлардаги, барча идишлардаги сувни эплаб келаётган одамлар кечкурун қудукка етамиз-ку, деган ният билан сувнинг ҳаммасини сарфлаб юборган, энди айримларда бир-икки қултумгина сув бўлмаса, қўпчиликда томокни хўллагудек ҳам ичимлик сув қолмаган. Нима қилиш керак? Одамлар бийнинг кўчи атрофида йиғилишди.

– Ишонган қудуғимиз қуриб қолган. Одамлар ҳам, чорва ҳам чанкаган.

– Айниқса, болаларимизга қийин бўлди. Нима қилайлик? Бизга буюринг. Белимизга арқон боғлаб, қудукка тушинглар десангиз, қудукка тушамиз.

Қулчи бий юзини кўрмаса ҳам товушнинг эгасини таниди. Бу Элқора юзбошининг товуши эди.

– Элқора, – деди Қулчи бий баланд овозда. – Тўғри, қудукда сув йўқ, қуриб қолибди. Қўчнинг бари – одамлар ҳам, моллар ҳам чанкаган. Бу ҳам бизга Оллоҳнинг бир синовидир. Шунинг учун руҳимизни туширмайлик. Тонгда бир иложини топармиз.

– Бектемир, – деди бий яна. – Бизнинг уйимизда канча сув бўлса, ҳозир ҳаммасини бўлиб бер. Халойик! Кимда канча сув бўлса, Бектемирга келтиринг. “Кўп тўкилса, кўл бўлади” деганлар. Ҳозир ҳамма сувсаган. Молни қўйиб туринглар. Аввал болалар ичсин. Сўнг ҳаммага етгунча тенг тақсимлансин.

Ўртага гулхан ёкиди. Аввал Қулчи бийнинг уйдаги мешлар ва хумлар келтирилди. Сўнгра бошка одамлар қараб туришмади, ким ярим меш, ким бир хўплам дегандай қўллариди борини ўртага қўйишди. Чўмич ушлаган Бектемир сув улаша бошлади.

Болаларга бир чўмичдан сув тўлик етди, катталарнинг эса баъзиларига тегмай қолди.

Бир амаллаб тонг оттирган кўч атроф сал бўзаргандаёқ тик оёққа турган эди. Айниқса, Тангжарбой ҳаммадан аввал турди. Кўч юқини тушириб, молини ётқизган теваракни диққат билан кўздан кечирди. Суви аини дамда тортилиб қолган Қўнғир қудуғи баланд қумтепанинг этагида, пастда жойлашган эди. “Қудук нима учун тортилган экан?” деб ўйлади қалта бўйли, соқоли оқариб қолганига қарамасдан ғайрати зўр киши сувсиз қудукка энгашиб. “Ер остидаги булоқ кўзлари бошка томонга адашган бўлиши мумкин”.

Тангжарбой ота-боболаридан буён қудук казиш билан шуғулланган қудукчилар авлодидан эди. Оқиб турган дарёлардан олисларда ҳам яйловлар бор, у ерларда ҳам одамлар яшашади, мол асрашади. Шунинг учун қор ва ёмғирга, сардоба сувларга ишониб қолавермай, мўл сув кўзлари бўлган қудуқлар казиш даркор. Бу ишни отасидан ўрганиб, пухта эгаллаб олган Тангжарбой қазган қудуқларни жазирама чўлнинг ҳар ер-ҳар ерида учрашиш мумкин эди. Гоҳида қудук уни қазган одамнинг эмас, қаздирган одамнинг оти билан номланиб кетади. Шунинг учун ҳам уларнинг бари “Тангжарбой қудук” эмас, балки бир бир нечтасигина Тангжарбой қудук.

“Шундай қилиб, ер остидаги сув кўзининг йўли адашган, деб ўйлади қудуқчи. Баҳор ёмғирининг ёғиб ўтганига қўп бўлгани йўқ, демак, ер остидаги сув кўзлари чуқурлаб кетмаган, йўналиши ўзгарган бўлиши мумкин ё кўзлари ёпилиб қолдимикан? Қайси томонга ўзгарганини аниқлаб, шундан кейингига қудук казиш даркор, бўлмаса меҳнат бекор кетади. Ҳозир, айниқса, шу бугун адашишга йўл қўйиб бўлмас эди. Эл, мол-ҳол чанкаган. Яна бир-икки қун сувсиз қолсақ, оқибати нима бўлишини ёлғиз Оллоҳ билади. Бир-неча одам қудукка тушиб, уни тозаласа ҳам бўлади, ким билсин, сув кўзи ёпилган бўлса, очилар”.

Тангжарбой ўшига мос келмайдиган чакқонлик билан қудук чеккасида суяб қўйилган узунлиги одам бўйи келадиган бир учи ўткир темир таёғини олиб, елкасига қўтарди.

Ёзнинг жазирама иссиқлари доимо авж оладиган Қизилқум саҳросида ўсган ҳар бир буга, ҳар бир гиёҳ иложи бўлса сувга яқинроқ ерда ўсишга интилади. Бунда дарёлар ва сойлар окмайди. Шунинг учун ер юзасида доимий сакланадиган сув хавзалари бўлмайди. Тўғри, киш қорлари, қуз ва баҳор фаслининг ёмғирларининг сувлари ўйик ва чуқур ерларда йиғилади. Шунинг учун китмир чўл қўйнида ўсадиган гиёҳлар ҳам кўпроқ сув йиғиладиган жойларда кўкаради. Тангжарбой қудуқчи ҳар бир гиёҳнинг томирига зеҳн солиб қарайди, унинг намликка, сувга қанча миқдорда олис ёки яқинлигини чамалайди, елкасидаги темир таёғи билан ерни чуқалаб кўради, қўлининг қучи етгунча таёғини чуқурроқ суқиб, сўнг

суғуриб олиб, темирнинг учини ушлаб намликни аниклайди. Бугун ҳам шундай ишларни бажаравериб, терлаб кетди, эгнидаги чопон оғирлик килиб колди, уни ечиб бир саксовулга илди-да сиртдан караган одамга тушунарсиз кўринадиган, ўзи ўрганиб кетган ҳаракатларини давом эттираверди.

Бир пайт Тангжарбой ҳаракатини тўхтатиб, пешонасининг терини артди. Сўнгра ким бор экан деган маънода атрофига каради, мол бокиш билан шуғулланмаганларнинг кўпчилиги тишини тишига кўйиб, сувсизликка чидаб, кудукчининг ҳаракатларини томоша қилишмоқда, унинг оғзидан қандай сўз чиқар экан, деб кулоқларини динг килиб пойлашмоқда эди.

– Ўринбой, – деди кўзлари билан керакли одамни излаб топган Тангжарбой бошқаларни кўрмагандек. – Бери кел, белкуракни олиб кел, қолган асбобларни ҳам тайёрлаб қўй.

Тангжарбийнинг ўзига ўхшаган қалтарок, кенг елкали, билаклари бакуват Ўринбой аллақачон отасидан буйрук кутиб, қумга санчилган белкурагига суяниб турар эди. Белкуракни олиб, югуриб борди. Кудукчи ўзига ҳос чакконлик билан белкуракни олдида ёгин суви неча йиллар бўйи меҳнат килиб ўйган чуқурда томир отиб кўқарган, хаворанг гул очишга мойил бўлиб қолган мөжлишнинг тубини қавлай бошлади, бир-неча белкурак тупроқ олди. Пешонасидаги терни сидира-сидира кудук қазиладиган ернинг ўрнини белгилади.

– Оға, энди белни менга беринг, – деди ёнида турган Ўринбой.

– Бормисан, ма ол!

Ўринбой белкуракни отасидан олиб, ерга санчди. Чакмонини ечиб, белидан ташламайдиган энли камарини, ахир, у белбоғ ечмайдиган навкар бўлган эди, бўз кўйлагининг устидан қисиб бойлади, қалта, бироқ қорувли билакларини ёпиб турган энглари шимарди, “Ё, бисмилло” деб Қизилқумнинг тошли қумига белкуракни ботириб олиб, қумни четга ташлади.

– Худо йўл берсин, омин! – деб кўлларини юзига тортди боласининг ҳаракатига севиниб қараб турган Тангжарбой. Бу устознинг шоғирдга берган фотиҳасига менгзар эди. Кекса кудукчи кўнглида отамга ва ўзимга ўхшаб болам ҳам кудукчи бўлади, деган ният уйғонган бўлса, не ажаб. Бухоронинг шимол томонида обрўли бўлган кудукчилик касби ўзи кўчиб бораётган ота юрт тарафларда унчалик даркор эмаслигини, у томонда дарёлар, дарёлардан ўзан олган анҳорлар, анҳорларнинг поёнида кўллар кўп эканини қаёқдан билсин!

– Ҳой, бекорчилар! – деб қичқирди Тангжарбой буларнинг ишини томоша қилиб турганларга. – Кўп қилиб саксовул йиғинлар. Йирик шохларини танлаб синдиринг, кудукни чеганлаймиз. Бўлмаса, куракда турмайдиган қумни қазиб, сув чиқариб бўлармиди? Уч-тўртта йигит Қўнғирнинг кудугини тозалашга киришсин. Агар сув кўзи битган бўлса, очилар. Кўриб турибсизлар-ку, қанча одам суваб ётибди. Шунча одамни битта кудук суви қондира олармиди? Қани тезроқ бўлинлар!

Йиғилганларни унчалик қисташга ўрин қолмади. Сувнинг отини эшитган одамлар дарров саксовул йиғишга киришдилар.

Кўп ўтмай кудук тубидан ваҳимали товуш гумбураб эшитилди.

– Вой-вой, Эсберган, торт арқонни, илонлар, кўп илон!

– Нима дейсан? Илонлар? Чакиб олмадимми?

– Билмайман!

Бу томонда ишнинг қандай бораётганини кўздан кечиришга келган Тангжарбой кудукчи паства энқайиб, далда берди.

– Қўркма, ўзинг тегмасанг, илонлар сенга тегмайди. Авайлаб челақ билан суриб ташла, ўз ишингни қилавер. Қўлинг билан тегинма.

Алламаҳалгача кудукдан садо чикмади. Бир пайт “Челакни тортинг” деган овоз эшитилди. Кудукка интилиб турган йигитлар арконга тармашдилар. Кўп ўтмай нам кум тўла челак кўринди. Дарҳол кумни тўкиб ташлаб, яна кудукка туширишди.

– Тортинглар...

Арконни ушлаб йигитлар тортиб олишолмади, челак оғирлашиб кетган эди.

Кимдир:

– Абсатор, челакни олтинга тўлдирганинг йўкми? Тортилмаяпти-ку! – деб инкиллади.

Унинг ёнида тайёр турган бир неча жуфт қўл арконга тармашди. Кўп ўтмай кудук оғзида челак ўрнида Абсаторнинг боши кўринди. Уни кўтариб чеккага олишди. Кўркканиданми, ёки нафас етишмагандими, юзи оқариб кетган эди.

– Мадорим йўк, кўнглим айнияти, чакиб олдим дейман... – Тинкаси қуриган йигит кумга ўтирди.

– Қани, кўлингни узат, – деди Тангжарбой. – Балки илон чакиб олгандир.

Кудукдан чиққан йигитнинг кўлини диккат билан кўздан кечира бошлади.

Йигитнинг чап кўли анча шишган ва тез йўғонлашиб бормоқда эди.

– Илон чакибди. Энди захар танага ёйилаётир, – деб Тангжарбой чакқон ҳаракат билан белбоғидаги пичоғини кинидан суғуриб олди. – Энди бироз чидайсан, Абдусатор, – деди у.

Сўнг илон чаккан чап кўлнинг бош бармоғини қисиб ушлаб туриб ўткир пичоқ билан тилиб-тилиб юбориб, конини оқизди. Билагини ип билан маҳкам бўғиб боғлади.

– Энди йигитга тезда оклик ичкизинглар, – деди кудукчи. – Қатикми, шубатми, айронми, кимиз ҳам бўлаверади. Оклик илоннинг захрини қайтаради. Буни ўз бошимдан ўтказиб, синаб кўрганман.

Йигитни шу ернинг ўзига, кумга чакмон тўшаб ётқизиб, ким айрон, ким катик келтириб ичкиза бошладилар.

Кудук қазиш, унинг деворини саксовул билан маҳкамлаш қўлма-қўл давом этаверди. Кун оға бошлаганда янги қазилган кудук тубидан сув кўзлари кўринди. Бу пайтда тозаланган кўҳна кудукдан олинган сув сувсаганларнинг чанкоғини қондираётган эди.

Кечга томон иккала кудукдан молларни ҳам суғориша бошлашди. Худонинг марҳаматини қаранг, кудуклардан сув олинган сайин озайишнинг ўрнига қайтадан тўлиб, кўпайиб борар эди. Келаси тонг отгунча кўчнинг сув ичмаган моли қолмади.

Кўч “Кўнғирнинг кудуғи” ёнида бир-икки кун кўниб, дам олди. Унинг ёнида “Тангжар қазган кудук” номли иккинчи кудук ҳам пайдо бўлган эди.

Кулчи бий бошлаган кўч энди аввалгидек чуваланавермай, тезрок юришга ҳаракат қилди. Олдинда уларни Ақчадарё кутмоқда эди.

Қумли, саксовулли далалар орқада қолди. Кўчнинг рўпарасида кенг тақирликларда қад кўтарган кўрғонлар кўрина бошлади.

– Эл, эл кўринди! – деган овозлар янгради.

Ғиштлардан терилган кўрғонларга еткунларича ярим манзил вақт ўтди.

Кўрғонлар тобора узоклашгандек ўзига етказмас эди. Одамлар яшаётган ерларга яқинлашдик, деб ўйлаган кўч одамлари кўрғонга етишга шошилишар, ўша тарафларга умидвор кўз тикишар эди.

Кулчи бий билан Бўтабой биринчилардан бўлиб баланд деворлар ёнига етиб келишди. Неча юз йиллар сахро қуёшининг остида куйиб, қип-қизил бўлган, пишган лойдан тикланган баланд деворларга хайрон бўлиб қараган Бўтабой хайратини ичида сақлай олмади.

– Вой-бўй, бунчалар баланд! Бирок теварагида тирик жон кўринмайди.

Тақдир тақозосига кўра бу ерни тарк этган дарё билан бирга одамлар ҳам баланд кўрғонларни ташлаб кетганини содда қўшчи қаёқдан билсин.

Такир далаларда юксалган кўрғонлар кўп эди, бирок кўч одамларига уларнинг баландлиги ва ҳашаматидан не фойда?

Кўрғонларнинг ичида ҳам, сиртида ҳам биронта тирик жон кўринмайди. Бу кўрғонлар – ўлик кўрғонлар эди. Негадир кўч одамлари ўлик кўрғонлар ёнида кўниб қолишни хошлашмади. Кўч тўхтамасдан бир қанча манзил йўл босиб, кичикрок бир дарё бўйига етиб келди. Жануб тарафда кўм-кўк қоялари чўнкайган тоғ кўзга ташланади. Бир вақтлар бу ерларни гуллаб-яшнаган элатга айлантирган, ҳозир эса Амударёда сув тошқин бўлган йилларда баҳорда бир-икки тўлиб-тошиб, сўнг кичикрок бир ўзанга айланиб қоладиган Акчадарё эди бу.

Мўл сувдан тўйиб-тўйиб ичиб, тетикланган кўч Акчадарёдан кечиб ўтиб, йўлда давом этди. Ер юзининг қон томиридай тўлиб-тошиб оқадиган Амударёнинг яқин экани сезилиб турар эди. Баҳорги сув тошқини пайтида пайдо бўлган қўллар кўринди. Саҳрода юриб, сувнинг кадрили билган, чанқок азобини бошларидан кечиришган одамлар дарёни ўзларига ишончли мадад деб билишар эди.

Бир куни кўчнинг олдини тўсган тепаликларнинг нарғидан чувалиб ҳавога ўрлаган тутун кўринди. Бу саҳрода бир неча ҳафталардан буён йўл босиб келаётган одамларга йўлда учраган ажойиботларнинг энг қаттаси эди. Тутун чиққан ерда одамларнинг макони ҳам бўлиши керак-ку!

Ростдан ҳам тепалар этагида керагалардан тикланган, одамлар яшайдиган уйлар кўринганда бунга дуч келган кўч одамлари қувончининг чеку чегараси йўқ эди.

– Келдик, етиб келдик. – деган овозлар ҳам эшитилиб қолди. – Тутун шу маконда ёкилган оловдан тарқалмоқда.

Одамларнинг қувончига сабаб бўлган уй-жой бир-бирига бириктирилган керагалардан қурилган, тепаси ва ёнидаги керагалари ёпилмаган, тўғриси ёғоч ҳодалар ёки саксовуллар билан ўралган четан кўраларга менгзайдиган жой бўлиб, унинг ичида бир-икки туя, от ва эшак боғланган эди.

Баландрок ерда тўхташган одамлар бу маконга ажабланиб тикилишар, фақат керагалардан тикланган бу уйнинг томи қаерда экан деб, хайрон бўлишар, яхшироқ кўриш учун тепароқ жойга интилишиб бир-бирларини итаришар эди.

– Одамлар, одамлар бор экан, – деб ховлиқиб қолишди кўпчилик.

Ростдан ҳам керагалардан қурилган “иморат” теварагида икки-уч киши кўринди. Улар шу ерда, тепалик этагида ўсган саксовулларнинг соясида дам олиб ўтирган ўринларидан туришганда кўзга ташландилар. Улар ҳам тепаликдан ўзларига қараб турган, ола-була кийинган одамлар, атрофни босиб кетган қорамол, туя, йилқилар ва қўйлар сурувини кўришганда кўчадагилардан кам ҳайратланишмагандир?

Улар қимлар? Қаёқдан келишаётир? Яна қанча юрсак, элга етамиз? Шунга ўхшаш саволлар билан мурожаат қилиш учун керагали “иморат” ёнига келган Бектемир отдан тушиб, жиловни бир қўлидан қўйиб юбормай туриб сўрашди.

– Манаву киши хитой савдогари ва жаҳонгашта сайёх Сунянг, – деб таништирди ола кўзли қора йигит ёнидаги қора чакмон кийган, белни боғлаган, калпокли, ўрта яшар, қийқ кўзли, сийрак соқол кишини кўрсатиб. – Менинг отим Қалдан, миллатим уйғур. Ғўлжа деган шаҳардан бўламиз.

– У қаерда? – Бектемир қизиксинди.

– Анча олисда, – деди уйғур қўли билан кунчиқар тарафни кўрсатиб. – Тошкент, Туркистон, Сайрамдан ўтасиз. Анча олисда. Келинг, яхши йигит, биз билан ўтиринг, ош енг, сухбатлашамиз. Анкабой, қумғонни ол, суви совиб колган бўлса керак.

Узун бўйли, котма уйғур йигит, чамаси Қалданнинг хизматкори бўлса керак, ўти сўна бошлаган қумғон остига саксовул ўтинларидан ташлаб, ўтни тутатди.

Улар Бектемирга кизиқиб караб туришарди. Бектемир отини боғлаб, уйғур йигит кўрсатган жойга ўтирди.

Ўртага ёзилган дастурхонга жез чойнак келтирилиб, чинни пиёлаларга чой куйилди. Гурунг давом этди.

Уйғур йигит хитой савдогарининг тилмочи экан. Айтишига караганда, Эрондан Доғистон томонга ўтишибди. Дарбанд кальасидан чиқишганига бир неча ой бўлганга ўхшайди. Бундан Бухорога, ундан Тошкент, нарёғи Туркистон оркали уйғурлар ва хитойлар юртига Ғўлжа шахрига сафар қилишмоқда экан. Айтишларича, Сунянг фақат савдо билан шуғулланиб колмасдан, борган юртидаги одамларнинг турмуши, урф-одатлари билан кизикаркан. Тўрда чой ичиб ўтирган савдогар гаплашаётганларни диққат билан тинглаб эди, бироқ туркий тилга тўлик тушунмаганидан афсусланса керак, онда-сонда бош чайқаб кўярди. Мол-қолли кўчнинг каердан кетаётганини хитойча тушинтирганидан сўнг, савдогар ёнида турган кичикрок сандикни очиб, юпка, ялтирок қоғоз чиқариб, уни дастурхоннинг четига авайлаб ёйиб, қоғоздаги бир нуктани кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб, тилмочга бир нималар деди. Шунда уйғур йигит Бектемирга юзланиб:

– Ҳозиргача юриб ўтган йўлингизни кўрсатиб бероласизми? – деди.

– Қаёқдан кўрсатаман?

У савдогарнинг олдидаги қоғозга ишора қилди.

– Диққат билан кара, бу қоғозга Қизилқум оркали ўтган эски йўлларнинг суварти чизилган.

– Қоғозга йўл қандай сиғади? – деди хайрон бўлган Бектемир. Шу топда юзбошининг шимол, жануб томонларни, дарёни қумга чизиб кўрсатганлари ёдига тушди.

– Қани, кўрайлик.

Бектемир қоғозда тўғри ва эгри чизиқлар, чумчук изидек қилиб битилган хитойча ёзувлардан бошка ҳеч нарсани кўрмади.

– Йўлда дарёдан ўттингизми?

– Ўтдик.

– Ўтган бўлсангиз, мана бу дарё, – деб тилмоч охири йўқ бўлиб кетган бир қийшиқ чизикни кўрсатди. Бектемир ичидан қулиб қўйди. “Бир қийшиқ чизик дарё бўлибдими? Дарё бўлганига...”

– Унда сизлар мана бу йўлдан келмоқдасиз, – деб қўлда қийшиқ чизилган чизикни кўрсатди. – Йўлда эски кўрғонлар дуч келдимми?

– Дуч келганда қандай. Уларнинг бир нечасини кўрдик. Бахайбат. Бироқ халки йўқ, билмадим қаерга кетган?

– Сунянгнинг айтишича, бу йўл сизлар кўрган, халки йўқ ана шу кўрғонларга олиб борар экан. Бу йўлларда сон-саноксиз қарвонлар минг йиллардан буён катнайвериби, дунёга машхур бўлиб кетган.

Бектемир хайрон эди... Ўзи йўқ йўллар. Минг йиллик қарвон йўли. Ҳеч бўлмаса шу ерларда бирон бир тузукрок сўкмоқ бўлса-чи!

Бектемир хитой савдогарининг ҳузурда эшитганларини айтиб берганда одамлар унинг гапларига хайрон қолишса ҳам, унчалик ишонмаганларини “хой, қўйсанг-чи” деганларидан билар эди. Гап савдогарнинг хитой эканлиги ва улар-

нинг оёғи остидаги мана шу ерлардан карвон йўли ўтганлигига келганда одамлар унинг сўзларига ишонмасликларини ошкор этишди.

“Хитой савдогарлари?! Қизилкумнинг ичида-я? Буюк карвон йўли? Қани у? Ҳеч бўлмаса, ундан кеча ўтган бир туянинг изини кўрсатинг, мусулмонлар. Лофнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку!”

Кўпчиликнинг ичида ўйга чўмиб ўтирган Қулчигина бу гапларнинг ёлғон эмаслигини билар эди. Қизилкумда хитой савдогари юрса, не бўпти. Қулчи Бухорода нималарни кўрмаган? Арабларни ҳам, хиндларни ҳам, қоп-қора хабашлар ва ранглари андиздай сарик ўрисларни ҳам, туслари арабларга менгзаб кетадиган андалусларни ҳам, кийик кўзли хитойларни ҳам кўп кўрган. Бироқ буюк карвон йўли ҳақида эшитган бўлса ҳам, аввал эътибор бермаган экан. Тўғри, карвон йўли кеча рўпара келишган хашаматли кальалардан ўтмай, қаёқдан ўтар эди. Пухта хитой савдогарининг керагадан ясалган йиғма кўраси кўпчиликни хайрон қолдирди. Саҳрода узок йўл босган кўч одамлари кенг далада бундай кўра ёввойи хайвонлардан ҳимояланишда ноёб нарса эканига ақли етган эди.

Уйғур тилмоч қипчок даштида одамлар яшайдиган маконлар бор эканлигини айтган эди. Қўниб-кўчиб келаётган кўч чуваланиб ҳаракатланаверди.

Кўчнинг олдинги сафида келаётганлар қипчок ёқасига яқинлашганда баланд тепаликнинг устида турган бир тўда салт отликларни кўрганларида хавотирга тушдилар. “Қароқчилар эмасми? Энди кўрмаганимиз шу эди”.

Бу ҳақда Қулчи бийга хабар беришди. Қулчи жангари йигитларни ёнига олиб, олдинга юрди. Шу пайт тўдадан бир отлик ажралиб чиқиб, бий тарафга қараб, от чоптириб келаверди. Бошидаги темир дубулғаси қуёш нурида ялтираб, белидаги қиличи отнинг ёнбошга шарт-шарт этиб урилар эди. У яқинлашиб келиб, от жловини тортиб тўхтатди. Қулчи бийга қараб сўз қотди:

– Кимсизлар? Дўстмисиз, душманмисиз? Сизлар Хива хонлигининг чегараси, манғит беклигига қарашли ҳудудга кирдингиз. Мен бекнинг ясовулиман.

– Мен бухоролик қорақалпоқларнинг қипчок уруғининг бийи Қулчи бўламан. Кўчиб келаётган эл менинг уруғдошларим. Биз Хива ҳудудига берухсат қирган бўлсак, бекнинг ўзидан узр сўраймиз.

– Узрингизни мен қабул қила олмайман. Уни бекнинг ўзига айтсангиз.

– Бекингиз қаерда? – деди Қулчи бий.

– Дарёнинг нарғи бетиде, Манғитда. Сизни келаяпти, деб олдингизга чиқиб турсинми? – деб тўнқиллади ясовул.

– Унда мени ёшулнинг билан учраштир, – деди Қулчи ясовулнинг қошу қавағига парво қилмай.

– Қипчоқда оксоқол бор.

– Ўша ёққа бошла.

Қулчи бий отини ниқтаб, тўдадан ажралиб чиқди. Изидан Бўтабой эргашди. Улар тепаликдан тушган ясовулбоши ва бир-икки навқар билан қўшилиб, баланддан қараганда кафтдагидек кўриниб турган, баҳайбат дарёнинг шундоққина ёқасида жойлашган овулға томон кетишганини кўчдагилар нигоҳлари билан кузатиб қолишди.

Паҳса девор билан ўралган кенг ховлининг дарвозаси очилиб, уй эгасининг ўзи кутиб олди. Отлар боғланди. Қўноқлар, асосий қўноқ албатта Қулчи бий эди, ойнаванд айвонга тўшалган туркмени гилам устига ўтиришди.

Оксоқол, яъни уй эгаси қирқдан ўтган, балки бий билан ёши тенг, тўладан

келган, эшкак эшавериб бақувват бўлиб кетган мушаклари оқ сурпдан тикилган кўйлакни туртиб, билиниб турган одамнинг касби дарға бўлиб, Қулчи бий хақида халқ орасида айтилиб юрган хангомалардан, Тўриққашка от сабабли бўлиб ўтган дов-жанжаллардан хабардор экан.

Қулчи шу ерда қоғоз-калам топдириб, бекнинг номига хат ёзди. Ундан “Шундай-шундай, кипчокнинг фалончи бийи эли билан бирга, икки юздан ошиқ хўжалик сизнинг паноҳингизга ўтмоқчи, Чимбой шахри атрофида жойлашмоқчи, шунга ижозат берсангиз” деган маънодаги сўзларни Хива хони ҳазратларига етказишни ўтинди. Яна “бек жанобларининг ёнига ўзим бормоқчи эдим, дарёнинг тошқинлиги сабаб, чибин жонимни ўйлаб, бора олмадим” деган сўзларни кўшиб кўйди. Хатни дарғага берди. “Бу омонатни бекка албатта етказаман” деган ваъдасини олди. Кўнок оши егандан сўнг Қулчи бий кўчга қайтиб келди. Отам замонлардан бери дарё ёқасида яшаётган, отидан кўриниб тургандай кипчоклардан иборат “Қипчок” овули одамларининг асосий иши кема ва қайиқлар билан Амударёнинг нариги қирғоғидан бериги қирғоғига одамларни, уларнинг от-уловлари, юкларини ўтказиб кўйиб, тирикчилик қилар, кирда мол боқиб, чорвачилик билан ҳам шуғулланар, балик ҳам овлар эдилар. Шунинг учун улар ўтроқ яшашар, катта ховлилар солишиб, боғ яратиб, дехкончилик ҳам қилишарди. Онда-сонда кароқчилар тунаб ёки табиий офат юз берган йилларни демаса, улар мухтожлик нима эканини билмай яшар эдилар.

Кўч кўзлаган манзилга етиб боргунга қадар ҳали босиб ўтиладиган юзлаб чақирим йўллар бўлса-да энди бу томонларда қорақалпоқлар яшайдиган овуллар дуч келар, энг муҳими, сув мўл, жонга ва молга хавф солиб турган йирткич ва ёввойи хайвонлар йўқ эди. Наврўз арафасида йўлга чиқиб, тинимсиз одимлаб келаётган кўч саратоннинг бошларида кўзлаган манзилга – Чимбойнинг шимолидаги Лар сойининг бўйига келиб қўнди.

– У-у-у-ууув!

Кўч кўнган янги жойда бамайлихотир мизғиётган Бектемир кашқирларнинг узоқ чўзилган мунгли ва совук товушидан уйғониб кетди...

Биринчи китоб тугади

Қорақалпоқ тилидан Рустам МУСУРМОН таржимаси





Анвар НАМОЗОВ

1970 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Мен – кўринмас одам”, “Онаси ўлмаган йигит”, “Жўмбоқ”, “Қиёфа ўғриси”, “Нотаниши”, “Тоҳир Малик билан гурунлар” ва “Учрашув” номли китоблари чоп этилган.

ВИЖДОН СЎРОҒИ

– Зулфия холанинг эшиги олдига чакалоқ ташлаб кетишибди, – Мансур но-нуштага ўтирар-ўтирмас онаси уни шу хабар билан кутиб олди.

– Нима? – Мансур хайрон бўлди. Кейин эса кечаси билан алаҳсираб чиққани бежиз эмасдек туюлиб кетди. Бевозта қилгани мана шу чакалоқнинг овози экан-да! Лекин у... гапирди, шекилли? “Дада, дада”, деб кўлларини чўзди.

– Ўғли тирноқка зорлигини билган-да, – изох берди онаси. – Бўлмаса, шуларнинг остонасига ташлаб кетадими? Қизик, кимнинг боласи экан?

“Менинг болам. Бошқаники эмас...” Мансур бу гапни тилига чиқармади, албатта.

Назира бопади лекин. Ахир, кишлокда болага зорлар факат мана шу дарвоза эгалари эмас. Ана, Туроб, кейин нариги кўчадаги Ворис аканинг ўғлиям бор. Хотини билан ажрашаман, деб турибди. Собит ака-чи, саккиз йилча бўлди, фарзанд кўришмайди. Эр-хотин бир-бирини яхши кўргани учун ҳам сабр қилиб юришибди. Назира эса келиб-келиб Зулфия холанинг дарвозаси тагига ташлаб кетибди болани. Булар бокиб олишига ақли етади, муҳими, Мансурнинг тез-тез кўзи тушиб, виждони бот-бот сўроққа туттишини англаб етган...

– Ойи, нима қилишаркан энди булар?

– Ким, Зулфия холами? Бокиб олади. Нима қилсин, келини – ўзининг жияни. Мархума опасининг яккаю-яғонаси! Ажрашиб кетишларини истамайди-да!

– Тўғри-ю, аммо... айтдингиз-ку, кимнинг боласи экан, деб. Орқа-олдини суриштирамай, индамай асраб олишаверадими?

Санобар опа чуқур уф тортди:

– Билмасам, болам, ўзлари ҳал қилишади-да! Чакалоқда нима гуноҳ? Аҳмоқ онаси ташлаб кетган-да!

– Авваллари сира бунақа воқеа бўлмасди, – деди Мансур беихтиёр, ўз айбини ошкор қилаётгандек.

Онаси маъқуллади:

– Ҳа, нимасини айтасан! Кимдир тирноқка зор, кимдир туғиб ташлаб кетади. Ишкилиб шу кишлокнинг қизи қилган.

Мансур ўйчан алфозда деди:

– Етимхонага беришсин. Нима қилишади асраб? Эртага бир дахмазаси чиқиб қолиши мумкин-ку!

– Билмасам... Менга қара, сен ҳеч кимга айтма тағин. Ҳали ҳеч ким билмайди. Зулфия хола бечора ичига сиғдирилмай, секин келиб менга шипшиди. Болани етимхонадан олдик, дейишсаям ажаб эмас.

– Э, кишлокда гап турармиди, оий, – Мансур дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

Унинг ўй-хаёли чакалокда эди. Негадир кўргиси келди. Кимга ўхшаркан? Ҳозир унча билинмаса керак, каттариб Мансурга ўхшаса-я! Нима бўлади ўшанда? Кеча ярим тунда Назира йўргакка ўраб келганида бир карамади. Наҳотки, юраги жиз этмади. Кўрқди, биров кўриб қолишидан кўрқди. Тезда изига қайтди.

“Нега ундай қилдинг, Назира? Ўйлаб-ўйлаб топганинг шу бўлдимми? “Сиз номардлик қилсангиз ҳам мен номардлик қилмайман”, дегандинг-ку! Сўзингда турмабсан-да!”

Қулоқлари тагида Назиранинг жавоб сўзлари жаранглагандек бўлди:

“Ахир кўз ўнгингизда ўсса, яхши-ку! Нима қилганда ҳам болангиз...”

“Болангиз... Болангиз...”

Назира қанча ялинди-ёлворди-я! Биргина никоҳ ўқитиб қўйиш қийин эдимми? Нега шундай? Нима учун қутилмаганда ишларинг чаппа-тесқари кетиб, режаларинг чиппакка чиқади?

Ишқилиб Назира йўргакда хат-пат қолдирмаганиман? Одатда, боласини ташлаб кетадиганлар шунақа қилишади-ку! Кейин йиллар ўтиб, болам, болагинам, деб қайтиб келишади. Назира ҳам қайтиб келармикан? Йўқ, у қайтмайди. Болани Мансурга ишонади. Ўзи... ўзи қандай яшайди? Кимга эрга тегади? Ким уйланади энди унга? Балки кишлокдан бош олиб кетгандир? Йўғ-ей, касалманд отасини ташлаб-а!..

Мансур бир ҳафтача ўз ёғига қоврилиб юрди. Бу орада на болани кўра олди, на Назирани! У журъатсиз, янада кўрқок одамга айланган эди. Онасидан янги-янги гап эшитаверди. Эмишки, чакалокни қўлига олган захоти Юлдуз келиннинг кўкрагига сут келганмиш! Қувониб кетибди. Эри унча рўйхушлик бермаган экан, йиғлаб-сиктабди. “Бир умрга чўрингиз бўлай, шу болани асраб олайлик, дебди. Одамларнинг гапидан қочиш учун узоқ-узокларга кетсак ҳам розиман”, дебди.

Яна бир ҳафтадан сўнг Мансур даҳшатли хабарни эшитди. Сойдан Назиранинг ўлиги чиқибди. У қарахт бўлиб қолди. Ҳаял ўтмай, Назиранинг отаси Умаркул ака ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Мансур оғир ўй-хаёллар гирдобида қолди. Ҳаётнинг шундай зарбалари, виждонининг шу қадар оғир сўроқлари бор деб ўйламагани хали! Ахир, икки инсоннинг ўлимига сабабчи бўлиши етти ухлаб тушига кирмаган. Бу қандай разолат? Ҳар ким айби, гуноҳига яраша жазосини олади деганими бу?..

Кундузи ота-боланинг қабрига бормокчи бўлиб, яна журъат қилолмади. Кечаси отланди. Ярим йўлда изига қайтди. Кўрқди. Худди Назира гўрдан чиқиб, уни тупроқ қаърига олиб кириб кетадигандек туюлиб кетди. Йўқ-йўқ, Назира ундай қилмайди. У боласини Мансурга ишониб кетган...

– Юр, чакалокни кўрасан, – деди бир куни Санобар опа. – Чилласи чиқди, энди ҳеч нима қилмайди. Бирам чиройли қизалокки, бурунчасини чимчилагинг келади.

Мансур нима деярини билмай қолди:

– Йўғ-ей, оий, ноқулай...

– Сен, бола, чакалокни кўриб, уйланишга қарор қилсанми, дегандим-да! Юраверасанми шундай?

– Сиз, Назирага нима бўлган, шуни... билмадингизми?

Санобар опа чуқур ух тортди:

– Э, хар хил гаплар юрибди. Яхши қиз эди, ўлди-кетди. Отасини айтмайсанми! Кўтаролмади. Мана энди дарвозаси қулф уларнинг. Уйини чанг-губор босиб ётгандир.

Мансур яна сиқилди: “Нега бундай қилдинг, Назира? Ахир, отам биледи, қон йиғласаям кечирди, деган эдинг-ку! Ёки бола туғилгач, кейин эс-хушингдан ай-

рилдинги? Туғиб, уйларингда бемалол яшайверсанг ҳам бўларди-ку! Сизлар билан кимниям иши бор эди? Одамлар бир-икки гапириши мумкиндир, бир умрга вайсаб юришмайди-ку!”

– Назирани Жўра фермернинг ўғли ўлдирган, деганлар ҳам бор.

“Ботир, Ботир!.. Йўлимизга тўғанок бўлдинг! Ҳаммасига сен сабабчисан! Нега мени кўрkitдинг? “Агар шу кизга яна бир марта яқинлашсанг, сени асфаласофилинга жўнатаман!”

Нахотки шугина гап булар тақдирини хал қилган бўлса? Мансур нима учун кўрkitди? Умуман, кўрkitдими ё бахона килдими?

“Мансур, тоғ-тоғ ваъдалар бериб, ташлаб кетмоқчимисиз?”

“Мени кечиринг, Назира”.

“Бу кечириладиган иш эмас. Илтимос, унака килманг. Мен шарманда бўламан. Ҳеч кими йўк, отаси ногирон, деб ташлаб кетмоқчимисиз? Отамнинг кўзига қандай қарайман?”

“Менга қаранг, Назира, агар... шу иш бўлмаганида бунча жон койитмасдингиз. Ўзингизни тийиб юринг эди”.

“Нима?.. Мен... сизнинг қасамларингизга ишониб...”

Қасам...

Санобар опа танбех берди:

– Бас, бировлар учун ҳалеб қуяверма... Даданг юборган пулга мол олиб қўямиз. Акс ҳолда опаларинг эшитса, яна тортиб олишади. Тўйнинг тадоригини ҳозирдан кўраверишимиз керак. Россиядан келса, кўнглимизни сиёҳ қилиб ўтиради...

Мансур кизалокни кўрди. Назирани кўргандек бўлди. Юраги чим этиб кетди. Худди агайин қилгандек исмини Вазира деб қўйишибди. Қизчани Юлдуз янгага берар-бермас, дарвозадан чиқиб кетди. Далага югурди. Ўша ерда ўқсиб-ўқсиб йиғлади. Назирасидан кечирим сўради... Назира кечиргандек туюлди...

Даладан қайтишда уларнинг дарвозасига ўғринча қаради. Шу уйда бахт порлашям мумкин эди, деб ўйлади. Ундай бўлмади. Мансур кўрқоклик килди, бошқа ҳеч нарса эмас. Мана, Ботир ҳам уйланыпти.

Назира қурмағур чиройли эди-да! Вазираси ундан ҳам барно бўлиб вояга етса керак. Мансур бекор уни кўрди. Энди оёқлари ўша уйга тортаверади.

– Ҳой, тўхта, – деган овоз эшитилди.

Мансур тўхтаб, орқасига ўтирилди. Ботир ҳаллослаб етиб келди:

– Менга қара, Назирани мен ўлдирганим йўк, – деди ён-атрофга қараб олиб.

– Уни яхши кўрганим рост, аммо бундай иш менинг қўлимдан келмайди. Сен...

– Нима, сен?

– Сен ҳам ўлдирмагансан, биламан. Бекор ораларингга тўғанок бўлган эканман, кечир. Сени яхши кўришини айтганди-я!

Мансур ғашланди:

– Энди бу гапларнинг мавриди эмас, Ботир. Ақлинг кеч кирибди.

Ботирнинг жаҳли қикди:

– Сенинг ақлинг бутунми? Агар ташлаб кетмаганингда у ўзини сувга отмасди, тушуяпсанми?.. Битта менинг виждоним қийналиши керакми?

Мансур индамай йўлида давом этди. Виждон... Хато қилиб бўлганингда кетган у бош кўтаради. Нега доим шунақа? У доим кеч уйғониб, сўроққа тутади. Бундай виждоннинг нима кераги бор?

Назира, сен ўлмаслигинг керак эди. Ўлиб, бошқаларни ўлгандан баттар қилдинг...

Орадан уч кун ўтиб, онаси Назирани ховлига кўтариб келди. Ўғлининг савол ақс этган нигоҳига яқинда эр-хотин бошқа жойга кўчиб кетишаётганини, бу кизчага

ўрганиб қолганини, энди кийнаилишини айтиб, дийдиё қилди. Йиллар ўтиб, кайтишса кайтишар, кайтишмаса, Зулфия холанинг ўзлари бориб-келиб турар эмиш.

“Балки яхши бўлар”, деб ўйлади Мансур.

Ўша кеча кизалок тушига кирди: Дад-да, деди қўлчаларини чўзиб.

Сакраб уйғонди. Йўқ, бундай яшаб бўлмайти. Гуноҳни қилишга қилиб, қачонгача томошабин бўлиб туриш мумкин? Назира аёл боши билан мардлик қилганида Мансур эркак бўлиб, ҳаммасини сир тутиб юрибди.

Ўзида қандайдир ботиний мардлик сезди. Қабристонга йўл олди. Қўрққани сайин қўлларини мушт қилиб, ўзини енгилга ҳаракат қилаверди. Назирани кўмиш пайтида келганди, шу боис ой ёруғида қабрини кийналмай топди. Чўккалаб ўтирди. Келгунича ўпкаси тўлиб кетганди, энди эса бир томчиям кўзёши чиқмади...

– Кетяписизларми? – деди у Носир акага.

– Ҳа, ука, кетяпмиз, – жавоб берди қўшниси. – Сендан илтимос, укаларимдан хабар олиб тур. Кейин... бу сирдан фақат сизлар воқифсизлар, ҳеч кимга айтманглар.

– Носир ака, кетманглар, – Мансурнинг овози илтимосдан кўра буйруқ оҳангида янгради. – Вазира... Вазира – менинг қизим.

Носир ака ханг-манг бўлиб қолган бўлса-да, тезда ўзини йиғиб олди. Аёлларга билдиргиси келмади.

– Сен ташлаб кетган экансан-да! Қилғилиқни қилиб...

– Мен эмас, онаси.

– Ким ўша онаси?

– Жаҳл қилманг. Бу сир бўла қолсин... Носир ака, қизимни менга беринглар...

Кетишди. “Бекор қилдим айтиб”, ўйлади Мансур. Кейин, “Тўғри қилдим”, деди. Бирок энди қандай яшашни билмасди.

Ҳаммасини вақт ҳал қилади, дейдилар. Мунча имиллаб ўтмаса!

Онасига ҳам бор гапни айтмоқчи бўлди, хавотирга тушди: онасининг астма касали бор. Аммо... Вазирани олиб кетишди. Жигарининг бир бўлагини! Ростдан ҳам энди қандай яшайди, қандай ухлайди? Яшашдан, ухлашдан қўрқади.

Ярим кечаси кўзи илинган эди, Назира тушига кирди.

“Яхши бўлди, олиб кетишгани, – деди у. – Қизим энди ишончли қўлларда”.

“Мен-чи?” деди Мансур.

“Сиз?... Сизга ишониб, мен нима бўлдим?”

“Мен ҳам кетишим керак эди...”

“Сизни мен олиб кетаман...”

“Ундай дема”.

Яна қўрқяписизми? Бўлинг. Уйғонинг...”

Мансур бу буйруққа итоат қилиб, уйғонди. Кейин қабристонга йўл олди. Юраги тўхташни буюрар, виждони яна олдинга қадам ташлашни амр қиларди...

ОДАМ БЎЛ...

Бурҳон телефон гўшагини қўяр-қўймас, йиғлаб юборди. Хонага югуриб қирган Салтанат эрининг авзойини қўриб, қўркиб кетди. Сўрашга ботинолмай турди. Сўнг юзини тўсиб йиғлаётган Бурҳонга секин яқинлашди-ю, қўлини секин елкасига қўйди:

– Ҳа, тинчликми, ким телефон қилди?

– Онам... – деди елкалари титраб Бурҳон, – онам... ўтиб қолибдилар.

– Вой, шўрим, – Салтанат лабини қимтиб, ўтириб қолди.

Тонг оқариб келар, болалар хали уйғонишмаганди. Салтанат эрини нима деб овутишни билмас, кўзларини ерга тикканча жим ўтирарди. Бурҳон узок йиғлади.

– Онажоним, онагинам, – деди ичини бўшатиб олгач. – Нахотки, у киши энди йўк бўлса? Мен кимни она, дейман? Нега... нега менинг онам ўлади, нега онажоним ўлади?..

– “Дўхтирлар тузалапти”, дейишганди-ку, дадаси...

– Хе, ўша дўхтирларни... Қўлидан ҳеч бало келмайди, ҳаммаси ёлғончи! Пулни олишга олиб... Мен устозга телефон қилишим керак. Ён дафтаримни бер. Тезрок!

Салтанат эрининг иш столидаги кичкина дафтарчани олиб, унга узатди. Бурхон қўллари титраб, дафтарчадан Валижон Ҳошимовичнинг уй телефони рақамини топди. Кейин кўнғирок қилди. Нариги томон ҳадеганда гўшакни олавермади. Бурхон асабийлашиб, қайтадан рақам терди. Аёл кишининг бўғик овози эшитилди:

– Алё... ким бу?

– Ассалому алайкум, – деди Бурхон. – Узр, безовта қил...

– Кимсиз, гапиринг.

– Мен Бурхонман, домланинг шогирди. Узр! Домлани чакириб беролмайсизми?

– Бурхон? Домлани нима қиласиз? У киши ухляпти, ахир!

– Бир дақиқага, илтимос. Зарур гапни айтишим керак.

Нариги томон анча пайтгача жим бўлиб қолди. Сўнг яна аёлнинг овози эшитилди:

– Нима ишингиз бор? Икки соатлардан кейин кўнғирок қилсангиз ҳам бўларди. Фаросатдан ҳам берган экан-да.

– Кеннойи, сиз... кеннойимсиз? Жуда зарур гапим бор эди.

– Мен кизлари бўламан. Домла ухляпти, дедим сизга.

– Тўхтанг, – илтижо қилди Бурхон. – Илтимос, домлага етказиб қўйсангиз, Бурхон деган шогирдингиз зудлик билан кишлокка кетибди, денг. Ўзим ҳам йўлдан телефон...

Гўшакнинг шарақлатиб қўйилгани эшитилди.

– Мен болаларни уйғотай, – деди Салтанат ўрнидан кўзғалиб.

– Тез бўл, – Бурхон асабийлашарди.

У ваннахонага кириб, апил-тапил ювинди. Болалар хонасидан ғингшиган овозлар, сўнг кичкинаси Баҳрулланинг йиғлаганини эшитди:

– Буви! Бувижоним... Энди нима қиламан?

Бурхон ваннахонадан чиққанида Салтанат кийиниб бўлган эди, у ҳам тез-тез кийина бошлади. Кўз олдидан онаси кетмас, ўпкаси тўлиб, мижжалари нам эди унинг. “Отамнинг ахvoli қандай кечади? – деб ўйлади. – Бир-бирларига суяниб қолишганди...”

Қўл телефони жиринглади: домла Ёдгоров кўнғирок қилаётганди. Бурхон шоша-пиша телефонни қулоғига олиб борди:

– Ассалому алайкум, Валижон Ҳошимович. Яхшимсиз?

– Ҳа, тинчликми эрталабдан? Кишлокка кетаман, дебсиз?

– Тинчликмас, домла. Шу... онам ўтиб қолибдилар.

– Э, бандалик, ука, бандалик, – Ёдгоров бир муддат сукут сақлагач, қўшимча қилди: – Нега бирдан... тўсатдан...

– Касал эдилар. Яқинда шифохонадан чикувдилар. Дўхтирлар харомхўр-да, барибир ўлади, деб уйга жавоб беришган экан. Бир оғиз айтишмаган, қаранг.

– Ҳм-м... Кетяпсизми?

– Ҳа, домла. Энди... бошка чора йўк, домла.

– Тўғри-тўғри, бориш керак... Оббо, шундай кунда-я...

– Домла, фотиҳага ўтарсизлар... Мен телефон қилиб, манзилни тушунтираман.

– Тўхтанг, фотиҳага ўтиш қочмайди. Жуда бўлмаса, келганингизда билдириш қиларсиз. Мен бугунни ўйлаяпман, Бурхонжон! Қандай қунилингиз биласизми? Шундай...

– Биаламан... Узр, шошяпман.

– Бирпас эшитинг, нега гапимни бўласиз? Бугун илмий ишни ёқлайдиган қу-

нингиз. Тошкентдан академикларни таклиф қилганмиз. Зухуров кимлигини биласизми? Жуда яхши биласиз. Гап кечаги зиёфатда ҳам эмас.

Бурхон Ёдгоровнинг нима демокчилигини тушунди. Ҳа, бугун илмий иш ёклайдиган куни унинг! Кеча ярим тунгача “бир пиёла чой” устида бу ишнинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини “этироф этишди”. Ҳар бир қадах сўзида макташди. Аммо Тошкентдан академиклар келган, деб бу ерда қолиб бўлмайти, ахир! Қишлоқда тумонат одам йиғилган, Бурхон бориб, онасини сўнгги манзилга кузатиши керак. “Сўнгги манзил!” Нақадар хунук эшитилади.

– Ўзи сиз омадсиз экансиз-да, – минғирларди Ёдгоров. – Турган-битганингиз омадсизлик! Агар ёклашни бугундан колдирсак, кейинги йилга ўтиб кетади, шуни англаяпсизми?

Бурхон бакириб юборишдан ўзини зўрға тийиб деди:

– Менга кетмайсан, демокчимисиз? Қандай қилиб?.. Онам ўлган, домла!

– Сиз менга зарда қилманг, хўпми? – вишиллаган овози келди Ёдгоровнинг.

– Мен сизга ишонгандим, кимсан – Зухуров каби академикларни чакирибман-а! Обрўйимни бир тийин қиласиз-ку бунақада!

– Узр, домла, бундай бўлишини ким билибди, дейсиз?

– Менга қаранг, Бурхонжон! Мен сизни тушуниб турибман. Ўлим, азадорлик... ҳаммасини тушунаман. Сиз ҳам тушунинг. Бугунги иш иккаламизнинг меҳнатимиз маҳсули бўлади. Радио, телевидениедан ҳам одамлар айтилган. Тушдан кейин кетасиз, ҳеч нима қилмайди.

– Йўк, – деди Бурхон биринчи марта устозини кескин рад қилиб. – Тушдан кейин майит чиқарилади. Мен улгурмайман. Қолаверса, бу ахволда қандай қилиб илмий ишни ёклайман? У ерда онам ўлиб ётса-ю, мен...

Ёдгоров худди кизи каби “так” этиб гўшакни қўйиб қўйди. Бурхон аввалгидан беш баттар асабийлашиб, чўнтагига қўл суқди-да, сигарета олди. Ютоқиб чекди. Савол аломати билан қараб турган хотинига ўтирилди:

– Кетма, деяпти... Устозим.

Салтанатнинг жаҳли чиқди:

– Эси жойидами?

– Тўғри гапир, – койиди Бурхон. – Тушунмасдан бидирлайверма! Қанча тай-ёргарлик қўрилган, билмайсан. Кошки аклинг етса!

– Нима қилмоқчисиз? Тезроқ бориш керак...

Бурхон жеркиб берди:

– Нима?.. Сен ўзингни яхши қилиб кўрсатмоқчисан-да, а? Энди онамни ўйлаб колдингми? Тириклигида қадрига етмай...

– Дада, секироқ, – деди катта ўғли Дилшод. – Қўшнилар...

– Ўчир овозингни! – бакирди Бурхон. – Нега бакраясанлар? Кўзимга кўринма, йўқол бу ердан!

Улар ичкари хонага кириб кетишди. Бурхон ўчиб қолаётган сигаретини алам билан чекди.

Жин урсин! Қанақа калтафаҳм бу Ёдгоров?! “Тушдан кейин кетасиз” эмиш! Наҳотки, Бурхоннинг ахволини тушунмаса? Тушунмайди! Шу пайтгача тушунмаган, бундан кейин ҳам фаҳми етмайди!

Тўғри, академиклар келишган. Ваклари бўлмаса-да, Валижон Ҳошимовичнинг шахсий илтимосига кўра ташриф буюришган. Кейин келишадими-йўқми... Тўғриси, келишмайди. Келмаслик тугул, бундай олимлар Бурхонга аччиқ қилиб, унинг кейинги ишларига тўғанок ҳам бўлишади. Бурхонни ким химоя қилади? Ёдгоровми? Ҳеч қачон! Бу пасткаш устоз Бурхоннинг ишини бошқа шогирдига сотиб юборишдан ҳам тоймайди. Аниқ шундай қилади. Кейин... хайр, шунча йиллик меҳнат! Хайр, орзулар!

Аттанг! Ёдгоровга қўнғирок килмасдан тўппа-тўғри кишлокка кетавериш керак экан. Мана энди Бурхоннинг фикри бўлинди-қолди. Юраги хавотирга тўлди.

Нега... айнан бугун?...

– Кеча кечкурун яхши эдилар, – деди опаси. – Эрталаб кирсак, шу гап... Ўлимдан олдинги тетикланиш экан-да!.. Укажон, тез етиб кел. Ишқилиб, отамга ҳам бир гап бўлмайсайди.

Бурхоннинг қўнғилдан худбинона ўй ўтди:

“Агар онам бугун мен учун нақадар муҳим кун эканлигини билганида “Бурхонни чақириб ўтирманглар, овора бўлмасин”, дерди. Балки шундай дегандир ҳам? Онанинг қўнғилдан ўтади-ку барибир!..”

Бурхон хотинини чақирди.

– Менга қара, Салтанат, – деди пичирлаб. – Онамни... эртага чиқарса бўлмайдим, а? Бугун, биласанми... барибир тушунмайсан, хотин! Мени ҳеч ким тушунмайди ўзи! – Бурхон яна йиғлаб юборди.

Салтанат индамади. Бурхон унинг гапиришни ўзига эп кўрмаётганини фаҳмлади. Соатига қараб, багтар эзилди: вақт ўтяпти.

–Нега лом-мим демайсан, Салтанат? Онам менинг олим бўлишимни хоҳларди. Ахир... ахир, илмий ишимни ёқлаб борсам, яхши эмасми? Онамни рози қилган бўламан-ку!

– Сизга нима бўлди ўзи? Нималар деяпсиз? Одамларнинг гапини ўйлаяпсизми? Ҳеч бўлмаса...

– Э, одамлар билан нима ишим бор?! – бақирди Бурхон. – Менга бирор киши ёрдам бeryаптими? Ҳеч бўлмаса, хотиним бўлиб сен мени тушун. Агар бугун илмий ишимни ёқламасам, ҳаммаси ҳавога учади-кетади. Мен сени одам деб маслаҳат сўраяпман!

Салтанат хўрсиниб қўйди. Бу Бурхонни багтар эзди.

– Сен кишлокка телефон қил, – деди у. – “Эртага чиқарилса, яхши бўларди”, дейсанми ёки бошқа нимадир дейсанми, шуни билдириб қўй. Бугун тушдан кейин чиқиб кетамиз.

– Мен бундай дея олмайман, – бош чайкади Салтанат. – Бу... бу жуда ёмон гап. Бурхон бошини эгди:

– Ҳа, жуда ёмон гап, бироқ...

– Кўзни чирт юмиб кетавериш керак, дадаси. Колгани садқан сар!

“Хотиним тўғри айтяпти, – ич-ичидан тан олди Бурхон. – Бироқ Ёдгоров... Бошқа устоз қуриб қолганмиди менга? Қачонгача унинг чизигидан чиқмайман?..”

Бурхон ўйларига ғарқ бўлиб узок ўтирди. У онасини ўйлаб, қанча сиқилса, бугунги кунни қўлдан бой берса, нималар бўлишини тасаввур қилиб, янада эзиларди. Ниҳоят, у бир қарорга келди. Қўлига телефонини олди ва укасининг рақамини терди. Жавоб бўлмади. Бурхон қайта-қайта терди, лекин ҳаракатлари зое кетди.

– Менга қара, Салтанат, – хотинини чақирди у, сўнг овозини пасайтириб деди: – Мен кетдим. Кафедрага ўтиб келмасам бўлмайди. Сен... костюмимни дазмоллаб қўйгансан-а, кеча айтувдим?

Салтанат жавондан кўм-кўк костюмни олиб, эрига узатди.

– Менга қара, болаларга билдирма. Даданг ҳозир келади, зудлик билан чақирдиши, деб қўй. Балки тушгача келарман.

Костюмни кийган Бурхон дахлиздаги кичкина ойнага юзланди-ю, биринчи бўлиб бошидаги дўппига кўзи тушди. Юраги қалқиб кетди. Дўппини секин олиб, хотинига берди. Кейин папкасини қўлтиклаб, уйдан чиқиб кетди.

Йўлдан иккита иссиқ нон, ширинликлар оларкан, машинасини Ёдгоров

яшайдиган томонга қараб бурди. Кета-кетгунча устозига қўнғирок килди, жавоб бўлмади. Сўнг ундан қандай кечирим сўрашни ўйлаб кетди.

Ёдгоров энди ишга отланиб турган экан, Бурхонни қўриб, ковоғи уюлди. Сўнг унинг кўлидаги егуликларни олиб, истар-истамас ичкарига таклиф қилди. Бурхоннинг “вакт зик” лигини айтиб эслатганидан сўнг “ха-я”, деб ўзи ҳам шошилди.

Устоз йўлда келишда оналар ҳақида айтилган ривоятлардан сўзлади. Кейин эса... бугун, жилла курси, икки соат мобайнида фақат ёқлайдиган илмий иши ҳақида ўйлаши кераклигини тайинлади.

– Таъзия ҳақида Зухуровларга зинҳор билдирманг, Бурхонжон. Улар катта-катта домлалар. Ноқулай аҳволга қўймайлик, дейман-да! Қулимсираб... туринг.

Бурхон ижирганди, ҳеч нима демади.

Кафедрага етиб бордилар. Кейинги воқеалар худди туш каби ўтди. Меҳмонларни кутиб олиш, югур-югурлар... Сўнг узок кутилган тадбир! Бурхон нималар қилаётганини идрок эта олмас, худди тўтиқуш каби устозининг ўғитларини такрорлар, бир ҳафта мобайнида ёдлаб олган сўзларини дона-дона қилиб таъкидларди. Кўпчилик орасида бўлгани учунми, у онасини унутгандек ҳам эди.

Академиклар уни роса “дўппослашди”. Гарчанд бу ҳақда кеча зиёфатда келишилган бўлса-да, Бурхон довдираб қолди. Зухуров сўз олиб, “Б.Собиров” ишининг улкан аҳамияти ҳақида гапиргач, ўзига келди. Шу аснода костюмининг ички чўнтагида тинмай “титраётган” телефони диққатини чағғитар, уни ўчириб қўймаганидан афсус чекарди.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайди, соатига секин кўз ташлаган Бурхоннинг юраги оркага тортиб кетди: нақ тўрт соатга чўзилибди.

“Онамни чиқаришгандир, – деб ўйлади у. – Булар қачон тугатишаркан?..”

Хўрлиги келди...

Нихоят, ҳаммаси тугади. Хонадан чиқаётганларида у енгил тортиш ўрнига елқасидан нимадир эзгилаб босаётганини аниқ ҳис этди.

– Домла, ҳозир тўппа-тўғри ресторонга борамиз, – деди Ёдгоров меҳмонларга. – Шундай ишни ювмасак, уят бўлар.

– Қандок бўларкин? – мийиғида қулди Зухуров. – Сизларни овора қилиб қўямиз-да!

– Фақат бир узрли иш чиқиб қолди, домла. Бурхонжонга жавоб берсак...

– Баҳай!.. Нега?

– Шу десангиз, уйига меҳмонлар келиб қолишибди. Кетиши жуда зарур экан.

– Ие, ким экан, шогирдингиз биздан устун қўядиган ўша одамлар? Йў-ў-к, бунақаси кетмайди, Валижон Ҳошимович.

Бурхон чеккароққа ўтиб, телефонда уқаси билан гаплашарди:

– Комрон... Ҳа... Йўлдамиз... Э, машина бузилиб қолди. Лаънати!.. Ўзи бунақа пайтда аксига олади-ку!.. Чиқармай туринглар, илтимос... А?.. Эшитилмаяпти, Комрон!.. Укажон... Жон укам...

– Бурхонжон, – унинг тирсагидан тутди Ёдгоров, – домлалар кўнишмаяпти.

– Нимани айтяписиз? – энсаси қотди Бурхоннинг.

– “Банкетга борсин, дарров гердаийб қолдимиз?” – дейишяпти. Сиз булар ширақайф бўлиб қолгунча озрок ўтирасиз, кейин секин чиқиб кетасиз.

– Домла, мен сизларни эшикдан киргизаману, дарҳол оркамга қайтаман. Қўряписиз-ку, кечикиб кетдим.

– Қиркига чидаган қирк бирига ҳам чидайди. Энди кичкина одам эмассиз, докторсиз! Тошкентга бориб, институтимиз ҳақида сассиб юришмасин, дейман-да!

Бурхон тишларини ғижирлатди. “Тупурдим ҳаммасига”, – деди ичида... Ичида... Хайрият, ичи бор экан!

Йигирма чоғли киши иштирокидаги зиёфатдан қочиб кетиб бўлмасди. Боз

устига “спонсор” деб Бурхонни тўрга ўтказиб қўйишди. Энг ёмони, қўярда-қўймай ичиришди.

– Бугун Бурхон Собиров учун энг ажойиб кун, – деди биринчилардан бўлиб сўз олган Зухуров. – Бу инсон илм оламида революция килди. Бундай одам ҳеч қаерда йўқ. Ёш олим Бурхоннинг генетика жабҳасидаги ушбу тадқиқоти жуда қўплаб ишларга дебоча бўлади.

Ёдгоров илжайиб лутф килди:

– Менинг раҳбарлигимда, домла...

– Ҳа-ҳа... Валижон Ҳошимович раҳбарлиги ва раҳнамолигида! Мен мана шу қадахни ажойиб кун...

Бурхоннинг қулоқлари шангиллаб, бошқа сўзларни эшитмай қолди.

“Ажойиб кун?.. – сикилди у. – Менинг онам ўлган, ахир! Нега ҳеч ким ҳис қилмайди? Албатта ҳис қилмайди. Чунки, бунга мен, ўзим сабабчиман. Шаҳарда яшаб, сиртимга гард юктирмаслик учун ҳам мунофиқлик никобини кийганман. Шунчалик мунофиқманки, ҳатто онамнинг ўлганини айтишдан ор қилиб ўтирибман. Ҳа, мендек одам ҳеч қаерда йўқ... Одам? Мен одамлигимдан чикиб бўлдим, олимлигимни ёкладим! Мен онамнинг ўлганини тантана қиляпман...”

Зухуров эзмалик қилиб, узок гапирди. Аммо Бурхон хануз эшитмас, қулогига олисдаги отаси, опа-укаларининг йиғи, ноласи сизилиб қирарди...

– Ҳозир кетасиз, – унинг елкаси оша шипшиди Ёдгоров. – Мен домлага онангиз ҳақида айтдим.

Бурхон Зухуровга қаради, бироқ у ёнидаги яна бир академик билан алланималарни гаплашиб тиржаарди.

Кафедра лабораториясида ишлайдиган Муҳиба опа Бурхоннинг қўлидан торткилади:

– Бугун сизга ҳаддимиз сиғади, Бурхонбек. Битта ўйнайлик.

Буниси ошиб тушди. Бурхон Муҳиба опани силтаб ташлади:

– Қўлингни ол, ифлос!

Муҳиба опа лабини бурди:

– Вой, кайфи ошиб қопти-ку бунинг! Тавба, доктор бўлиб, бир зумда...

Ёдгоров уни жойига олиб бориб ўтказди.

“Сенлар ҳамманг малъун, – дегиси келди Бурхоннинг. – Худди ўзимга ўхшаган малъун! Сенларга базму жамшид бўлса кифоя...”

Бурхон ўрнидан туриб, ҳаммага бир-бир қаради. Унга ҳеч ким эътибор бермас, кимдир телефонда, бошқаси ёнидаги одамга энгашиб олганча гаплашар, тўрт-беш ҳамкасби эса хиринглаган қўйи қадах уриштириш билан овора эди.

Садир уни четга имлади:

– Ўзингни тут, ошна. Бунақада ҳамма билан юзкўрмас бўлиб кетасан-ку!.. Мени эшит, домла сўраяпти, ресторан билан ҳисоблашгансан-а?

– Ортиги билан берганман.

– Дуруст. Зўр одамсан-да! Энди астагина чикиб кетавер, домла айтди...

Бурхон ташқарида чуқур нафас олди. Аммо унга барибир ҳаво етишмаётгандек эди, зўрга ўзига келди. Кейин машинаси томонга отилди. Телефони жиринглаб қолди.

– Алло, Бурхон, ўзингмисан? Мен – Ғолибман. Ўл-а, банкетга айтмай! Менинг зиёфатимда эшакдек ичганинг эсингдан чикиб кетибди-да! Шундай кунда билинаркан. Дўст дегани...

Бурхон телефонини отиб юборди...

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ

Филология фанлари доктори, профессор. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тугаллаган. “Шоир ва давр”, “Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди”, “Бадий асар биографияси”, “Истиқлол ва бугунги адабиёт” каби монографиялари, “Нур боқийликдир”, “Фалсафий лирика” каби рисоалари чоп этилган.



БУГУНГИ ТАНҚИДЧИЛИК ВА АДАБИЙ САВИЯ

Бугунги танқидчилик ва адабий савия мавзусида баҳс бўлса, назаримда, уч томон – ёзувчи, мунаққид ва китобхон тахминан шундай суҳбат қурган бўлишарди.

Китобхон: – XX аср танқидчилиги мисолида айтадиган бўлсак, ана шу катта давр оралиғида, адабий жараённинг фаол иштирокчиси сифатида, айтингчи, танқидчилигимиз ўз ривожидида нималарга эришди-ю, нималарни бой берди?

Мунаққид: – Ўзбек адабиёти нималарга эришган бўлса, танқидчилиги ҳам шуларга етишди. Танқидий тафаккур такомилли адабий жараён сингари текис эмас. Бир қарасангиз, бадийи етук асарлар пайдо бўлади. Бир қарасангиз, заиф, бадийи ночор асарлар кўпайиб кетади. Устига-устак, уларни ер-кўкка сигдирилмай мақташга тушиб кетилади. Ана шу нотекислик танқидчиликнинг ривожланиши йўллари учун ҳам хос.

Фикримни тасдиқлайдиган бир нарса шуки, 20-йилларда Фитрат, Чўлпон ва бошқа ижодкорлар, қатор мунаққидлар адабий-танқидчилик соҳасида кўп ишларни адо этишган. Шундан кейин, хусусан 30-йилларда адабий танқид анча заифлашди. У бадийи адабиётга нисбатан зулм ўтказди. Адабиётни “уриб берди”. 40-йиллар охири, 50-йилларда ҳам шу ҳол давом этди. Адабий танқиднинг бадийи адабиётга нисбатан зўравонлиги сусаймади. Машхур конфликтсизлик назариясини химоя қилди, адабиётга кўп зиён етказди. 50-йилларнинг охириларида бошлаб ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик меъёрларнинг тикланиши натижа-сида танқидчилик ҳам аста-секин қаддини кўтарди, тиклана бошлади.

Танқидчиликнинг 20-йиллардаги аънаналари таъсири ҳам бор бу ерда. Лекин асосан, ижтимоий воқелик талаби билан ҳаётга теран қараш эҳтиёжи туғилди. Адабий жараёнга, бадийи асарларга, ижодкорлар фаолиятига ҳолис, объектив баҳо бериш тамойиллари қайта туғилди, жонланди. Ўшандан бери танқидчилигимиз юксалиш жараёнида. Энди, 70-йилларнинг турғунлик даврида танқидчилик бадийи адабиётчилик турғун, сўлиш ҳолатини бошдан кечирмади. Бадийи адабиётчилик зарар кўрмади. Чунки адабиёт ҳаётни ўрганиш, воқеа-ҳодисаларни қабул қилиш бўйича биринчи объект-да. Шу жиҳатдан адабий танқид адабиётимиз сингари турғунликка узоқ берилмади.

Ёзувчи: – Дарҳақиқат, адабий ҳаётга “янги” тушунчаси кириб келди ва муқим ўрнашди (“янги шеър”, “янги наср”, “янги адабиёт”). Адабий танқид ҳам тубдан янгиланди. Бу нарса унинг ижодий таҳлил, тадқиқотида, адабий асарни ижодкор шахсияти, дунёкараши, ижтимоий воқелик билан вобаста ўрганиш таъминлида қарор топди. Қатъий ва изчил йўналиш касб этди. Адабиётнинг дин, фалсафа, фольклор, тарих, тасвирий санъат, мусика, кино, театр, фан ва ҳоказо соҳалар билан боғлиқлигини, адабий жараён психологияси билан бадий асар фалсафасини, ижодкорнинг тафаккур тарзи, ижодий методи, маҳорати масалалари билан уйғунликда ўрганиш мустақил йўналишга айланди.

Мунаққид: – Ушбу изланишларни шеърятимиз тадқиқотчилигида янги йўналиш десак, масала моҳияти тўлиқроқ очилса керак. Талқин ва ифода маданиятининг бу хил янги кўринишлари юзага чиқаётгани бежиз эмас. Биргина мустақиллик даври шеърятни мисолида айтадиган бўлсак, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Ҳалима Аҳмедова, Шавкат Раҳмон, Усмон Қўчқор сингари бетақрор ижодкорлар янгича эстетик савиядаги шеърларини яратди. Бадий-фалсафий тафаккур уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган, рамзларга, тимсолларга, таҳайюлга асосланган мазкур шеърятнинг поэтик талқиндаги ифода йўллари ниҳоятда хилма-хил. Улар билан изма-из келаётган Икром Искандар, Ҳабиб Абдуназар, Муҳиддин Омон, Шодмонкул Салом, Алишер Назар, Ойдиннисо, Гўзал Бегим, Хусан Қарвонли каби шоирлар жараёнда ўзлигини кўрсатишга, ўз сўзини айтишга муваффақ бўлмоқда. Ушбу адабий ҳодисанинг табиатини нозик тушунадиган, образли ифодалар билан тушунтириб берадиган ўз танқидчиларини кутмоқда.

Адабий танқид бадий асар эстетикасини, фалсафасини, нафосатини ўрганиш сари юз бурди; таҳлил ва тадқиқ йўллари, ифода имкониятларини изламоқда. Демак, бадий-эстетик тафаккурдаги кескин ва жўшқин эврилишлар адабий танқидга янги нафас, янги талқинлар олиб кирди. Бу борада Чўлпондан Шавкат Раҳмонгача, Абдулла Қодирийдан Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Абдуқаюм Йўлдошгача, Ойбекдан Абдулла Ориповгача, Максуд Шайхзодадан Муҳаммад Алигача, Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Наби Жалолиддин ва ҳоказо бир неча авлод ижодкорларининг ижодий тажрибалари, бадийиети салмоқли ўрин тутиб келмоқда, асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Китобхон: – Айтиш мумкинки, адабиётимиз катта бир сакраш, янги кўтарилиш олдига турибди. Кейинги йилларда Учқун Назаровнинг “Паймона” романи, Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси, Наби Жалолиддиннинг “Хайём”, “Тегирмон” асарлари, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қичкирик”, “Жоди”, “Катта кўча” ҳикоялари, Эркин Аъзамнинг “Шовкин” романи, “Жаннат ўзи қайдадир”, “Забаржад” киноқиссалари, Эркин Усмоннинг “Ажал хиёбони”, “Қопкон теварагидаги рақс”, “Тақдири азал” қиссалари, “Чаён қонуни”, “Гаров”, “Қоронғу хонадаги қора мушук” ҳикоялари каби ўнлаб бадий етук асарлар яратилди. Танқидчилигимиз ҳам шундай, юксалиш остонасида. Мустақиллик унга қанот берди. Нафасни ростлаш кўп ҳам қутирмади. Жиддий тадқиқотлар, адабий-танқидий асарлар пайдо бўлиши тезлашди. Ҳаёт оқимини билганимдан, жараёни хис этганимдан айтаёйман-да. Бунинг амалий тасдиғи сифатида Озод Шарофидиновнинг “Чўлпонни англаш”, “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон”, “Отажон Ҳошимов шахсияти. Тақдири. Ижоди”, “Довондаги ўйлар” тадқиқотлари, Умарали Норматовнинг “Ижод сеҳри”, “Абдулла Қодирий мўъжизаси”, “Абдулла Қодирий боғи”, Иброҳим Ғафуровнинг “Дил эркинлиги”, “Мангу латофағ”, “Хаё – халоскор”, “Паривашлар мажлиси”, Абдуғафур Расуловнинг “Бетақрор ўзлик”, Париза Мирзааҳмедованинг “Классика ва замонавийлик: адабий алоқалар йўналишида”, “Чингиз Айтматов ва замонамиз-

нинг маданиятшунослик масалалари”, Улугбек Саидовнинг “Шарк ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар”, Дилмурод Куроновнинг “Мутолаа ва идрок машқлари” каби асарлар ижтимоий-танқидий тафаккурдаги ўзгаришлар, янгиланишлар тақозоси билан юзага келди. Адабий танқид илмий-назарий тафаккурдаги турғунлик ҳолатларини, кўринишларини таҳлил қилиш баробарида янги асарлар бадиятини ижодкор шахсияти, дунёқарши, жамият психологияси билан боғлаб ёритиш тамойили янги кўтарилишни, сифат жиҳатдан янгиланишни таъминламоқда.

Ўзувчи: – Ушбу кўтарилиш кўплаб камчиликларни бартараф этиш ҳисобида кечиши керак. Танқидчилик этагига ёпишган хас-хашак кўп. Чунончи, ҳозирги адабий жараёндан мисол келтирадиган бўлсак, танқид бадий адабиётнинг бор гўзаллигини, кемтиклари ва етишмовчиликларини барча кирралари билан очиб беролмаётгандек таассурот қолдиради, кенг китобхонлар оммасига тушунтириб беролмаётгандек кўринади. Хусусан, унинг “иш” методида ғалати бир одат суяк суриб келаётгандек, назаримда. Яъни адабий асарлар одатда бадий етук, бадий саёз ва ўртамиёна кабилида таснифланади. Эстетик баҳолаганда эса тасдиқ, таъкид, таъқиқ ҳукмрон. Яъни, ҳамма гапларимиз адабий асарларни макташ, таъкидлаш ёки ёмон ҳам эмас, яхши ҳам эмас, илмиллик, дегандек бадий саёзликни хаспўшлаш тарзида кечаётир. Бу нарса санокли ижодкорлар изланишлари билан чекланади. Ваҳоланки, Толиб Йўлдош, Азиз Абдураззок, Тошпўлат Аҳмад, Жонрид Абдуллахонов, Учқун Назаров, Эркин Самандар, Анвар Эшонов, Сафар Барноев, Анвар Исроилов, Муроджон Мансуров, Раззок Абдурашид, Тўлқин, Саъдулла Сиёев, Эркин Усмон, Аббос Саид каби ўнлаб ижодкорлар асарлари танқидчилик назаридан мутлако четда. Қолаверса, улар ижоди ўртахол эмас, бадият тарихини бойитувчи жиддий ва етук асарлар кўп. Шундай экан, бунинг боиси нимада? Бу нарса танқидчилигимизнинг “феъли” торлигини кўрсатиши баробарида адабий жараёни камбағаллаштириб қўймаётими?

Мунаққид: – Бу ерда масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Хусусан, аксарият адиблар танқидчилик фикри билан ҳисоблашмайди. Танқидчиларнинг иши – гапириш, бизнинг вазифамиз – ёзиш, дегандек, асарлари ҳақидаги асосли танқидий мулоҳазаларни инобатга олишмайди. Китобхонлардан олган хатларим ҳақми ёки биттагина мунаққиднинг гапи ҳақми, дейишади. Кўпнинг сонли мактубларни рўқач қилиб кўрсатишади. “Танқидчилик ўртамиёна асар, дегани билан китобхонлар талаб қилаётми-ю, мактаётми-ю”, деган мулоҳазаларда ҳам жон бор. Кейинги йилларда юксак савияли ва бадий саёз асарлар оралигида ўртахол-оммабоп адабиёт ҳам вужудга келди. Бир пайтлар обдон мактовлар ёғдирилган “Мангулик”, “Чотқол йўлбарси”, “Хонадон” ва ҳоказо ўнлаб романларни бугун ўқувчилар унутди. Номини ҳам эсламай қўйди. Малакали танқидчилар бундай асарларни адабиётимиз тарихида, маънавий камолотда ўрни ва роли сезиларсиз, дейди. Бугун ҳам шундай тутантириғи йўқ асарлар китоб дўконларида лиммо-лим. Эркин Худойбердиевнинг “Кечирилмас жиноят”, “Севги изтироблари”, “Жиноятга жазо муқаррар”, “Адашганлар қисмати”, Шарофат Жалилованинг “Армон”, “Мундарижа”, Қўлдош Мирзонинг “Шайтон фарёди”, “Туғилмаган одам қиссаси” романлари, Фарид Усмоннинг “Эҳсон”, “Лайло”, “Мени сев” ва ҳоказо ўнлаб хикоялари ўқиб унутиладиган, китобхонга маънавий озик бермайди. Лекин эътироф этиш керак, бу хил асарларнинг ўқувчилари анчагина. Бунинг учун радио инсценировкалар, телевидение орқали кўп серияли фильмлар тарзида тарғиб-ташвиқ этилиши ҳам катта роль ўйнайди. Аммо булар асосий сабаб эмас. Мухими, ушбу асарларда ўқувчилар кўнглига йўл топадиган, уларни кизиктирадиган воқеалар, ҳолатларнинг кўплигидир. Қандай омиллари бўлишидан қатъи назар, китобхон бекордан-бекорга у ёки бу асарни берилиб ўқиши

бежиз эмас. Ўша асарларнинг нимасидир, қандайдир хусусияти борки, адибга мактублар битади, асари эса қўлма-қўл ўтиб ҳам кетади. Ана шу фактнинг ўзидаёқ танқидчиликнинг катта камчилигини кўрсатиб қўяди. Яъни у яхши, бадийиёт стук асарларни ўқувчиларга кўрсатиб беролмаяпти, тушунтиришни эпложмаяпти.

Танқидчилигимизда оммабос-ўртамиёна асарлар мохияти сирлари очилмай келаётган; илмий жиҳатдан асослаб берилмаётган. Бунинг учун адабиётда ҳам, танқидчиликда ҳам махсус социологик кузатишларни йўлга қўйиш вақти аллақачон етган. Кўкрагига уриб, ҳеч кимнинг кўзини очирмай юрган ёзувчи-шоирлар ҳам, бир-икки ижодкорни топиб олиб макташдан ортмаётган, атрофида гирдикапалак бўлаётган олимлар ҳам хийла эпакага келармиди? Тўғри, оммалаштирувчи воситалар ҳамон ўз ишидан тийилгани йўқ; ўртача ёзувчиларни халқ орасида тарғибташвик қилиб оммалаштиришга улгурияпти. Бундан адабиёт зарар кўрмоқда, китобхон дидини бузиб қўймоқда. Китобхон уларнинг кўпнинг нусхаларда чиккан асарларини “ҳақиқий адабиёт” деб қабул қиладиган бўлиб қолди.

Китобхон: – Пайкашимча, танқидчиларнинг ҳам “сортни” бор; икки хил. Бир тоифаси бадийиётни курул қилиб олади, бадийиёт йўлидан боради. Бадийиёт орқали асарнинг ғоявий, ижтимоий, ахлокий-эстетик хусусиятларига ўтади. Ғоявийликни бадийиётнинг ажралмас бир қисми сифатида қарайди. Яна бир хил танқидчилар бор, улар расмий ҳужжатлардаги, газета-журналларнинг бош мақолаларидаги рўйхатга қараб иш тутаяди. Ким биринчи бўлса, ўша ёзувчига кўп мактовлар бағишлайди, уларни тарғиб қилишга тушади. Кўп танқидчилар шу томонга ўтиб кетди. Савиясиз асарларнинг оммавийлашувига катта ҳисса қўшди. Масалан, “Хонадон”, “Қора қаср асираси”, “Армон” асарларини олайлик. Бадийиёт жиҳатдан бақувват асарлар эмас. Уларда халқнинг дилида юрган, тил учидан турган дард ҳам йўқ. Лекин яхши томонлари ҳам бор. Хусусан, “Умид” да Умид билан Ҳафиза ўртасидаги муҳаббат ишонарли акс этган. У орқали ҳаётнинг бир бўлаги тасвирланган. Романнинг ўзида тугал равишда, айтайлик, “Синчалак” ёки “Диёнат” дагидек, “Улуғбек хазинаси”, ҳатто “Меъмор” дагидек ёзувчи дилидан чиккан катта бир дард йўқ. Аммо китобхон асарни ўқийди. Аввало, китобхон Умид билан Ҳафиза ўртасидаги муносабатни ёктиради. Соф, ҳалол муҳаббат; шунга қизикади. Ундан кейин Умиднинг адашиши билан қизикади. Ёшларнинг дилини китиклайдиган, ҳирсини уйғотадиган ишқий саҳифалар бор: ўқувчи шунга қизикади.

Кейин, биласизми, баъзи ёшларга ўқийдиган бир нарса керак; маънавий жиҳатдан ўша асардан бир нима оладими, йўқми, бу билан иши йўқ. Ёзувчи эса ўқувчининг ана шу қизикишини, ўқишга ташналигини ҳисобга олиб, ўзига билдирмаган ҳолда ўша саҳналар орқали яхши, ибратли ғояларни бериши керак. Романдаги Жанна ёки профессор Обидий линияси эса китобхонга муҳим бир гапни беавермайди. Аммо бу билан китобхоннинг иши йўқ. Дилини китиклайдиган саҳифалар, боблар кўп, шуларга берилиб кетади. Китобхонларининг кўпчилигига қараб бадийиёт асарга юксак баҳо бериб бўлмайди. Баъзи бир арзон масалалар, арзон гаплар китобхонни жалб қилиши, элитиб кетиши мумкин.

Ёзувчи: – Ўртамиёна адабиётнинг оммалаштириш сирларидан бири – ишқий саҳналарга кўп ўрин ажратилади; интим ҳолатлар деталлаштириб тасвирланади; сууюкоёқ аёлларнинг ташқи қиёфаси, бадан тузилиши, ҳатти-ҳаракатларини акс эттиришга алоҳида эътибор берилади. Бунинг заминида, биринчидан, ёзувчиларнинг арзон шухрат кетидан қувишдек, тезроқ оммалаштиришдек енгил ва жўн интилиши ётади (“Мақрми ё муҳаббат”, “Севги изтироблари”, “Дунёдаги энг гўзал аёл”, “Адашганлар қисмати” сингари). Иккинчидан, танқидчилик ана шу хилдаги

бадииятнинг сусайиш ҳолларига ҳафсаласизлик билан қараётир. Ёзувчи меҳнатдаги энгил-елпиликни бадиий изланишлар сифатида ўрганаётир ва баҳолаётир.

Мунаққид: – Ҳақиқий танқидчи ҳар бир асарнинг бадиий қимматини, камчиликларини асосли кўрсата билиши керак. Аксинча, баъзи танқидчилар романининг ўқишлилигини ҳисобга олиб, “Умид”, “Қора қаср асираси”, “Кўшзуқ”, “Қиёматдан бир кун олдин”га юқори баҳо бериб юбордилар. Аслида эса ушбу асарларда катта бир ижтимоий дард йўқ. Умид ва Ҳафиза ўртасидаги муҳаббатга юқланган ижтимоий маъно ҳам кейинги бобларга бориб, сийкаланиб йўқолиб кетади. Ундан ташқари, романининг иккинчи қисми, хусусан, Жанна, профессор Обидий муҳити тасвири юзаки ёзилган, баён кучли. Бундан кўринадики, китобхонимиз диди унчалик юқори эмас. Иккинчидан, Абдулла Қаҳҳор “Синчалак” асарига китобхонларидан биронта ҳам хат олмаган бўлиши мумкин. Лекин Ҳабиб Темиров, Эркин Худойбердиев, Қўлдош Мирзо ва ҳоказо адиблар асарлари ҳақида юзаки мактовлар ана шу дидсизликнинг бир белгиси.

Бу ерда танқидчилик учун ғоят зарур бўлган бошқа бир масала юзага чиқаётир. Хусусан, “Умид”, “Қора қаср асираси”, “Адашганлар қисмати”ни кўплаб китобхон ўқийди; “Диёнат”, “Бозор”, “Шовкин”, “Хайём” эса бунчалик ўқилмаслиги мумкин. Энди бунга қандай қараш керак? Танқидчилик “Диёнат”, “Олмос камар”, “Мерос”, “Бозор”, “Шовкин”, “Хайём” сингари асарлар маъзини чакиб бериб, китобхон эътиборини жалб қилиши керак. Танқидчиликнинг энг муҳим вазифаларидан бири шу. “Диёнат”нинг маъзи нимада? Романда турғунлик даврида ўзбошимчаликка берилиб кетган, бошқалар ҳисобига яшаган, обрў орттирган, бошқа хўжаликларга борадиган техника воситаларини тортиб олган, шу билан ўз хўжалигини кўтарган ва лекин, ўз айбини яшириб юрган омилкор шахс ҳақидаги асар. Агар тўғри бўлса, Шомуродов тоғасини одам ҳисобламайди; унинг маслаҳатларига кулок солмайди. Оиласида ҳам бевош. Қизига қўл кўтаради, фарзандининг эрки ҳисоблашмайди. Хушига келганича иш тутади; булар ахлоқан тўғри эмаслигини кўрсатади. У турғунлик даврининг типик образларидан бири. Танқидчиликнинг вазифаси – ана шу муҳим ижтимоий масаланинг бадиий анализини таҳлил орқали кўрсатиб бериш. Шу тарика китобхон дидини тарбиялаган, бадиий асарни тушуниш савиясини кўтаришга хизмат қилган бўлади.

Энди кўпгина ёзувчиларнинг танқидчилик назаридан четда қолганлигига келсак. Бунда ҳам расмий доиралар билан мабуот ва радио-телевидениенинг роли катта. Танқидчилик ана шу хилдаги “мавсумий” олкишларга берилмаслиги, чинакам истеъодларни халққа қашф эта бориши шарт. Адабий жараёнда баҳоли қудрат иштирок этиб келаётган, турли хил “кўтар-кўтар”лардан холи, танқидчиси йўқ, бир чеккада юрган ижодкорлар озми?

Яқинда Машраб Бобоевнинг “Ўттиз ёшлилар” радиопьесасини бошидан охиригача кунт билан эшитдим. Яхшигина пьеса. Танқидчилик шу хилдаги асарларни кўтармаганига, тарғиб-ташвиқ қилмаганига ачинасан, киши. Танқидчиликнинг маълум доирасидан четда юрган ижодкорларни иложи борича халққа танитишимиз зарур. Машраб Бобоев асари Ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилишга арзийди. У бадиий бакуват асар.

Китобхон: – Бу, назаримда, танқидчиликнинг маълум даражада шухрат-парастлиги билан изоҳланса керак-да. Аксар олимлар зўр ёзувчилар ҳақида ёзиб, ўзининг илмий-назарий қувватини, билимини кўрсатишга ҳаракат қилади. Зўр талантлар ҳақида зўр гап айта олиш, албатта яхши. Хусусан, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Максуд Шайхзода, Миртемир, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон синга-

ри йирик ижодкорлар бадий маҳоратини очишга, адабиётдаги хизматини, маънавий тараққиётдаги ўрни ва ролини кўрсатишга интилиш олимга катта бурч-масъулият юклайди. Бу каби ижодкорлар номи ҳам танқидчига куч-мадад беради. Бадияти сирларини очишга сафарбарлик мунаққиднинг маҳоратини чарх-лаш баробарида фикран бойитади, маънан юксалтиради.

Ўзувчи: – Виждонан олганда, аслида танқидчининг вазифаси адабиётда “йилт” этиб кўринган ижод борки, ўша ҳақда портретми, мақолами, тақризми ёзиб, матбуотда чиқишдир. Болалар адабиётининг катта шоири Турсунбой Адашбоев асарлари танқидчилик томонидан муносиб баҳосини олган. “Пародиялар” китоби ҳам воқеа. Лекин танқидчиликнинг муносабати ҳамон кўринмайди. Уни тарғиб-ташвиқ қилиш суст. Мутлақо йўқ, деса ҳам бўлади. Танқидчиликда салбий бир одат бор – кутувчанлик. Номдор, амалдор адиблар асар ёзса, дарров шу ҳақда бирон нима айтиб қолиш. Янги истеъдодлар чикса, кутиб турилади. Авторитетлар нима деркин, ёқлармикан ёки “уриб” ташлармикан?! Бу хилдаги салбий одатлар ҳали-бери йўқоладиганга ўхшамайди. Ваҳоланки, адабиётда яхши асар яратилдими, бас, шу ҳақда ёзиш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш танқидчининг бурчи. Кейин, аксар танқидчилар тақриз ёзишни эп кўрмайди. Масалан, В.Г.Белинский асарларининг етмиш-саксон фоизи тақриزلардан иборат. Оддий бир календарга ҳам тақриз ёзган. Лекин шунда ҳам муҳим бир гап айта билган.

Мунаққид: – Тақриزلардан тортиб монографияларгача танқиднинг адабиётдан энг кўп талаб қиладигани – бу бадият. Аслида, адабий танқиднинг ўзи ҳам бадий, ўқимишли бўлиши лозим. Зеро, бадий адабиётсиз одамзоднинг яшаши қийин. Лекин адабий танқидсиз ҳам одамларнинг куни ўтаверадими? Кейинги йигирма-ўттиз йил ичида шунчалик кўп адабий-танқидий, илмий-назарий асарлар босилиб чиқдики, аксариятини кенг ўқувчилар тугул, илмий мутахассисларнинг ўзи ҳам эслай олмайди. Шундай экан, адабий танқидсиз ҳам одамлар яшайвераркан-ку, бирор жойи камайиб, кемтик бўлиб қолмаяпти-ю деган фикр туғилади. Адабиётимиз илми коранда-ю дехқонга ҳам, ишчи-ҳайдовчига, уй бекасига ҳам тушунарли бўлиши, уларни бирдек ўзига жалб қилиши учун аввало ўқишли бўлиши зарур. Қандай қилса, қандай йўл-йўриқ турса, у ҳам бадий асарлар сингари кенг китобхонлар учун бирдек эътиборли бўлиши мумкин?

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, адабий танқид бадий асарлар моҳиятини, фалсафий мағзини ўқувчиларга тушунтириб бериш учунгина керакми? Ёки унинг бошқа бурчи ҳам борми? У бадий адабиёт материали орқали ҳаётни, жамиятни, инсонни ўрганади; бадий адабиёт материали воситасида жамият ходисаларини, одамлараро муносабатларни, инсон феъли-табиатини тушунтиришга ва эстетик баҳолашга ҳаракат қилади. Назаримда, ана шу хусусият – адабий танқиднинг специфик ўзига хослигини белгиловчи бош аломат.

Ана шу омил адабий танқид зиммасидаги яна бир вазифани юзага чиқараётир. Чунончи, одамларда нафрат, норозилик, қаҳр-ғазаб туйғулари қачон ва нимадан туғилади? Аввало камбағаллигидан, куни оғир кечишидан, рўзғори кемтиклигидан, оиласининг юпун ва ночорлигидан келиб чиқади. Шунга монанд, айтиш мумкинки, китобхоннинг адабий танқиддан кўнгли қолиши – бу фикрга тўймаганлигидан, ҳаёт тартиблари, жамият ходисалари, инсон феъли-атвори ҳақидаги маънолар мағзини чақолмаганидан туғилади. Адабий танқиднинг бундан бўлак бошқа вазифалари ҳам борми?

Ўзувчи: – Танқид бадий асар эмас. Лекин уни ўқийдиган қилиб ёза билиш керак. Адабиёт олдига қўйилган талаб танқид олдига ҳам қўйилади. Адабиётни тушунадиган одамлар дилида юрган дардни топа олган ва айта билган танқидчининг

асарларини ўқувчилар эътибор билан ўқийди. Айтмоқчиманки, бадий асар учун ижтимоий дард қанчалик зарур бўлса, адабий танқид учун ҳам шунчалик аскотади. Мунаққид асари бадий асардаги дардга шерик бўлиши, очиб бериши, уни китобхонга етказа билиши, англата олиши даркор. Бу – танқидий асарнинг ўқимишли бўлиш шартларидан биттаси. Кейин тўғри гапни ёза билиш ҳам, ёза олмаслик ҳам мумкин. Масалан, мунаққид шу ҳақ гапни тўғри тушунади, лекин уни тушунтириб беришда қийналади, чайналади. Бу, демак, танқидчи ўз фикрини баён қилиши хусусида жиддий ўйлаши керак деганидир. Бунинг учун мақоласини қайта-қайта ишлаши, кўнгилга ўтиришадиган ҳолатга, қиёмега етгандан кейингина газета-журналга элтиб бергани маъқул. Ёзувчи асари устида қанчалик кўп тер тўкса, мунаққид ҳам мақоласи ўқишли бўлиши учун шунчалик заҳмат чекиши зарур. Бунинг учун меҳнатга муҳаббат бўлиши керак. Бу – истеъдоднинг бош белгиси. Яъни, меҳнат уни жабрламасин, балки роҳат бағишласин. Бирон саҳифа мақоласини одамларга манзур қила олганидан бир неча кун қувониб, севинчи ичига сиймай яйрайдиган бўлсин. Танқидчи шу даражада ўз ишига муҳаббат қўйсин. Мақоласи дард сифатида, меҳнатнинг якуни, меҳнатга муҳаббатнинг маҳсули сифатида юзага чиқмас экан, уни биров ўқимайди. Баъзан шундай тақризлар ёзилади; баланпарвоз, мактовли бўлади. Уни фақат матбуотда кўриниш учун, ёзувчини ҳимоя қилиб ўтиш учун – оддий бир мақсад йўлида ёзилади. Бу хилдаги танқидий мақола одамга таъсир қилмайди.

Китобхон: – Адабий-танқидий мақолаларнинг ўқишли бўлишини таъминлаш учун мунаққидга дард, адабий дид ва савия, истеъдоднинг ўзи кифоя қилармикан? Яна нималардир керакка ўхшайди-да. Кейинги йиллар жараёни мисолида айтадиган бўлсак, ҳатто истеъдодли мунаққидларнинг асарлари ҳам зерикарли, ўқувчини ўзига тортмайди. Ҳаётдаги, жамиятдаги муайян дардлар, муаммолар бор, албатта. Лекин, барибир ўқувчи фикри-зикрини буткул банд этиш учун нимадир етишмаётгандек туюлади. Ифодадаги чиройли сўзлар, қиёслар ҳам танқиднинг ўқишлигини белгилай олмас экан. Бир неча авлод савиясини, дидини тарбиялаш учун танқидда оханрабодек сеҳрли куч бўлиши тақозо этилади, шекилли.

Ёзувчи: – Ўқишлилик учун яна бир муҳим нарса – кучли мантик бўлиши керак. Гегель, Белинский, Добролюбов, Уорренларни ўқиганда китобхонни шундай бир сеҳрли куч етаклаб кетадики, худди бадий асар ўқигандек мароқланасиз. Бу – бадий мантининг сеҳри. Кейин ҳақиқий илмий асар бўлса, у бадий асарга ўхшагандек жозиб кучига эга. Масалан, “Ўткан кунлар”ни ҳар гал ўқисанг, ундан янги бир гап топасан, янги маъно укасан. Адабий-танқидий ишлардан ҳам шу тарика сермаънолик, серфикрлик талаб қилинади. Ҳар гал ўқиганда ўқувчи ундан янги-янги маънавий озик ола билсин. Уни ўқишга қайта-қайта иштиёқи туғилсин. Яъни, танқиднинг кучи – маънонинг зичлигида. Маъно қанча тигиз бўлса, кейин ўқиганда ҳам у фикримизни бойитади; ақлга ақл, билимга билим қўшаверади. Агар маъно зич бўлмаса, бу ҳам ҳаммага маълум гаплар экан-да, дейсиз-да, мақолани бир четга йиғиштириб қўясиз.

Демак, адабий танқидга яна маънонинг тигизлиги-ю, кучли мантик тақозо этилар экан. Танқид-адабиётшунослиқда ана шу талабга жавоб бермайдиган асарлар кўп. Илмий жиҳатдан ҳаммаси тўғри. Талабга тўлиқ жавоб беради. Лекин ўқиган одамга маънавий озик бермайди. Ана шу хилдаги сип-силлик ва лекин одамлар баҳра ололмайдиган танқидий ишлар кўплиги ачинарлидир.

Мунаққид: – Кейинги ўттиз йил ичида кўплаб номзодлик, докторлик диссертациялари ёқланди. Уларнинг умумий сони тўрт юзтага етиб қолади. Қани ўша илмий даражали олимлар зумраси? Аксарияти на фундаментал тадқиқотлар яра-

тишда, на адабий жараёнда катнашмаётир. Семиз диссертациялар маълум илмий ҳақиқатларни такрорлашдан нари ўтмаганлиги боисидан алоҳида тўпламлар ҳолида ҳам, монографиялар тарзида ҳам эълон қилинмаётир. Демак, адабиёт илми бор гапларни бир-бирига уктиришдан, бир-бирини такрорлашдан, бир-бирининг бошини силашдан ортмаяпти. Ачинарлиси, ўнлаб фан номзодлари, ҳатто фан докторлари ҳам ўзлигини, ўзига хос фикрлаш лаёқатини, мустақил нуқтаи назарини намоён этолмаётир. На ижодий метод, на адабий мерос, на ҳозирги жараённинг ақтуал масалаларини кўтариб чиқишда ўз илмий концепциясини айтолмаётир. Ана шу кемтиклар жаҳон микёсига кўтарилишга монелик кўрсатаётган асосий омиллар эмасмикан?

Ёзувчи: – Тўғри, ўша диссертацияларни варақлаб кўринг, бир-бирига жудаям ўхшайди. Бирида конфликт, иккинчисида характер, учинчисида сюжет масаласи олинади-ю, лекин маълум гапларни такрорлашдан нарига ўтмайди. Муаммонинг ечими, хулосалар бир, фақат сўзлар бошқа-бошқа. Масаланинг қўйилишида ҳам такрор кўп. Ёхуд услубий изланишларга онд ишларни кўринг. Шеърят, наср, драматургия, бадний публицистика, болалар адабиёти ва бошқа соҳалар бўйича масала белгиланиши икки томчи сувдек ўхшаш. Бу, спортчилар ибораси билан айтганда, бир жойда туриб югуришдан бўлак нарса эмас. Улар орасидан ихтиро даражасига кўтариладиган тадқиқотни излаш анқонинг уруғидек бир гап. Бу ерда икки ҳолат бор. Биринчисида диссертацияни ёқлаш учун жонини жаборга бериб, кучи етсатмаса тирмашувчилар бор. Иккинчисида ўз илми, меҳнати, адабиётга хизмати билан табиий равишда шу натижага келадиганлар бор. Маънавий камолотга, бадний адабиёт ва илм ривожига муносиб хиссасини қўшиб, диссертация ёқлайдиган олимларимизни шоир-ёзувчилар ҳам, олимлар ҳам яхши билади. Бу – ҳақиқий олимнинг йўли; афсуски, булар камчил. Кўпроғи диплом учун, умрни бекор ўтказмаслик учун, бирон-бир олий ўқув юртида қуни ўтиши учун, яъни бошқача айтганда, бир бурда нон учун диссертация ёқлайди. Эҳтимол, бу ҳам керакдир. Олимлар кўпайса, орасидан истеъодлар сараланиб қолар. Энди, қилинган ишларни тўхтатиб қўйиш, фақат истеъодлар тадқиқотини ўтказамиз, дейиш ҳам бир ёқламалиқдир.

Китобхон: – Адабий асарни муайян давр маҳсулооти сифатида таҳлил-тадқиқ қилишга ўтилгани ҳам илмий ва бадний тафаккурнинг ўсишига ёрдам қилади. Бу нарса давр ҳақиқатини, бадний ижод ҳақиқатини, инсон ҳақидаги ҳақиқатларни юзага чиқариши жиҳатидан ҳам аҳамиятли. Бу масалага тарихий ёндошиш тақозосидир. Унинг моҳияти шундан иборатки, даврни бадний ўзлаштиришдаги санъаткор хизмати нимадан иборат? Шулар тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёритилади. Танқидчиликда барҳам топмаётган бир кемтик бу – адабий асардан ёлғиз ғоя кидирилиши. Танқидий тафаккурдаги ана шу оқсаш сабабли бўлса керак, ижодкорнинг дунёкараши, фалсафаси, бадияти, шахсияти ва ижтимоий муҳит билан омукталиқда ўрганиш маданияти кенг палак ёзолмаяпти, чоғи.

Мунаққид: – Бадний асардан ғоя кидириш керак. Бу – танқидчининг биринчи галдаги вазифаси. Лекин шунини бадиятнинг барча компонентлари орқали очиб бериш лозим. Ана шундан асарнинг ғоявий мазмуни келиб чиқсин. Шу хусусда Гегелнинг яхши бир гапи бор: “Бадний ғоя қанчалик матн ичига яшириб юборилса, асар шунчалик бақувват бўлади”, дейди у. Шу масаланинг бошқа бир қиррасига эътиборни қаратмоқчи эдим. Адабиётимиз илмида санъаткорнинг дунёкарашидаги, шахс сифатидаги такомил билан ижодидаги эволюцияни яхлит бирликда ўрганиш малакаси етишмайди. Бу хилдаги камчилик адабий-эстетик тафаккурнинг барча босқичларида кўзга ташланади. Бу қийин, аммо шарафли юмуш. Шунда баҳолардаги оғишлар, узилишлар, чалқашликлар ўз-ўзидан барҳам топган бўлармики?

Ёзувчи: – Бу анча мураккаб масала. Бунинг учун барча санъаткорлар ижодини ипидан-игнасиғача ўрганиш, жуда катта меҳнат қилиш керак. Шундагина муддаога эришиш мумкин. Ундан кейин, бу вазифаларни уддалайдиганлар ҳам, эплюлмайди-ганлар ҳам бор. Уни кўлидан келган одам эплаши мумкин. Ёзувчининг бутун бир эволюциясини бериш, унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини қайтадан яратиш, ижодига саёҳат яшаш, ижодининг фазилатлари-ю, камчиликларини кўрсатиб бериш осон иш эмас. Биргина XX аср бошлари адабий ҳаётини оладиган бўлсак, Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби беш-ўн адиб адабий ме-роси билан кифояланиб қолинапти. Ваҳоланки, шу даврда Ибрат, Хислат, Элбек, Тавалло, Боту, Шоқир Сулаймон сингари турли хил савиядаги шоир-ёзувчилар адабий жараёнда фаол иштирок этишган. Умуман, XX аср бошлари, 20-йиллар адабий ҳаёти бамисоли очилмаган кўрик. Бор зиддиятлари-ю ҳаёт билан боғлиқ кирраларини очиш катта олимлар жамоасининг саъй-ҳаракатини тақозо қилади. Ҳозир илмимизда қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик, ойбек-шунослик сингари йўналишлар пайдо бўлди. Бу санъаткорлар ҳаёти ва ижодининг рангинг кирралари кўплаб олимлар меҳнати эвазига юзага чиққанлиги далолати-дир. Бунинг учун илм-фан фидойилари бўлиш керак. Аваз Ўтарнинг бир гапи бор: “Ҳаётни ўзгартириш учун ватанпарвар, фидойи фирка керакдур”, дейди у. Илм-да ҳам янги тармок – йўналишларни вужудга келтириш учун шундай фидойилар зарур. Шундагина XX аср адабиёти тарихининг яхлит бир манзараси яратилиши мумкин. Бу сўз санъаткорлари ижодини, адабиётнинг ривожланиш даврларини, босқичларини қайтадан ўрганиш, умумлаштириш ва баҳолаш демакдир.

Китобхон: – Адабиёт ҳаётнинг бадий кўзгуси, деймиз. Танқид эса ана шу жараёни, асарлар бадийинини, адабиётнинг одамларни мафтун қиладиган, маънавий озик берадиган нафосати, жозибасини исботлаши шарт. Ҳар бир ёзувчи ўз асарига маълум бир маънони яширган бўлади. Танқидчи ўша бадий-фалсафий маъно қимматини, сеҳрини халққа айтиб бериши талаб қилинади. Бунинг учун танқидчида билим, эстетик дид, савия бўлиши шарт.

Мунаққид: – Эстетик савия – бу мунаққиддан муттасил меҳнатни, ўз билимини доимо такомиллаштириб бориши талаб қилади. Хусусан, Шарқ, Ғарб ва умуман, жаҳон адабиёти, адабий-эстетик тафаккур самараларини бирдек ўзига сингдириши тақозо этилади. Яна сўз санъаткорларининг адабий меҳнат тўғрисидаги қарашлари ҳам катта сабоқ беради. Уларда адибларнинг бадий ижод сирларига оид эстетик қарашлари мужассамлашган. Хусусан, Лермонтовнинг “Замонамиз қахрамонлари” асарини қайта-қайта ўқиганман, у менга қаттиқ таъсир қилган. Кейин Белинскийнинг шу асар ҳақидаги мақоласини ўқиб қолдим. У тасаввуримни бутунлай ўзгартириб юборди. Бадий асарни шундай таҳлил қилиш керак экан-да, деган фикр ҳаёлимдан ўтганди. Белинский мақолаларининг ҳайратланарли жойи шундаки, Пушкин ва Лермонтов асарларини қилни қирқ ёргудек, ипидан игнасиғача таҳлил қилиб берган. Ҳар бир сўз ҳар бир жумланинг умумкомпозицияга қандай алоқаси бор, қандай маъно та-шиб келаётир, ғоят синчковлик билан миридан-сиригача текширилади. Асарга қандай ёндашиш, қандай таҳлил қилиш йўллари, очкич қалитни топишда кўмак беради.

Умуман, мунаққид асарининг китобхонга, ёзувчига, илмий-назарий ва адабий-эстетик тафаккур такомилга бирдек маъқул топилиши осон эмас. Ҳаёт, адабиёт, бадий асар – илм учун доимий сабоқ мактаби.



Санобар ТЎЛАГАНОВА

Филология фанлари номзоди. 1970 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Илмий мақолалари марказий нашрларда чоп этилган. “Бадий асар морфологияси” номли китоби нашр этилган.

ТАРИХИЙ ЖАРАЁН ВА ИЖОДКОР

Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек ўзбек романчилик мактабининг асосчилари саналиб, ҳар бири феномен сифатида адабиётда ўз ўрни ва мақомига эга. Ҳар бир ижодкор алоҳида индивидуал ва бетакрор шахс бўлгани сингари, уларнинг романлари ҳам бир-бирига ўхшамайдиган адабий ҳодисадир. Ижодкорлар бир замонда ва деярли бир шароитда яшаган бўлишига ва яқин мавзуга қўл урганига қарамай такрорийликдан саклай олишган. Уларни бундан нима асраб қолди? Фақат шахсий бутунликка эга бўлган ижодкоргина бошқаларни такрорламайди. Қодирий, Чўлпон ва Ойбекнинг ҳар бири улғу шахсиятдир. Мазкур мақолада ижодкорлар ҳаётидаги кўзга кўринмас, аммо ниҳоятда аҳамиятли нукталарга эътибор қаратмоқчимиз.

XX аср бошидаги талатўплар ижодкорларнинг иродасини яна бир бора синовдан ўтказди. Аслида, бундай ҳолатлар инсон фитратидаги “мен”ни қайтадан тарбиялайди, чархлайди. Кимдир осонгина таслим бўлса, яна кимдир янада тобланади. Бу ғоят оғир, шу билан бирга жуда нозик рухий жараён ҳисобланади. Инсонни тайёр қолишларга солиб ўрганиб бўлмайди, воқеликка муносабат билдираётганда ижодкор ҳаётидаги кичик унсурларни ҳам кўздан қочирмаслик лозим. “Ким, нега, қачон, нима учун?” каби саволларга жавоб доим тайёр бўлиши зарур.

Ижодкор тафаккур тарзи ва дунёни идрок қилишига кўра турли ифода усулларини танлайди. Усул услубни шакллантиради. Услубда ҳар бир қахрамон, унинг нафаси, фикрлаши, дунёни қабул қилишида ёзувчининг “мен”и яққол кўриниб туради. Биографик услуб асосчиларидан Ш.Сент-Бёв ижодкор асарларини ўрганаётганда ёзувчининг оиласи, у яшаган муҳит, унинг диний дунёқарashi, эътиқоди, феъл-атвори, тафаккур тарзи, шахсий ҳаёт тартиби, яшаш шароити каби омилларни муҳим деб билган. Ижодкорнинг бадий тафаккури эса ўз навбатида дин, тил, миллат, кадрият каби фалсафий тушунчалар билан узвий алоқада бўлади. Рус олими Лосеев “Илм, санъат, дин – ҳақиқатни англашнинг уч босқичи”, дея эътироф этганда тўла ҳақли эди. Шу вақтга қадар илмда, жумладан, ўзбек адабиётшунослигида мафкура туфайли муаммога диний нуктаи назардан қараш ман этилган эди. Шу боис бу даврда яратилган тадқиқотларни бутун деб қабул қилиш тўғри эмасдек назаримизда. Инсонни ҳеч қачон эътиқоддан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мана шу учлик: илм, санъат, дин ўзаро уйғунлашгандагина қонуниятлар идрок этилади, сирлар очилади.

Абдулла Қодирий, Чўлпон ҳамда Ойбек ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ манбаларда турли мазмундаги маълумот, чалқаш фикрлар ёхуд уларни ортикча идеаллаштиришга уриниш каби ҳолатлар ҳам учрайдики, аллақачон бундай маълумот-



ларга аниқлик киритиб, уларни борича қабул қилиш вақти аллақачон келган. Бу, аввало эътиқод, тутум, ҳаётий мезон, ижоддаги бетакрорлик каби хусусиятлар орқали намоён бўлиб, асарга биографик контекстда қаралса, кўп нарсалар ойдинлашади.

Абдулла Қодирий ижодида диний эътиқод масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, бу ғоя унинг асарларида кизил ип бўлиб ўтган. Ёзувчи асарларининг умумий руҳи ва қахрамонларнинг тутумларида исломий эътиқод ахлоқ кодекси вазифасини ўтайди. Буни Қодирий билан бир даврда яшаган ёзувчилар ҳам тасдиқлайди. Фафур Гулом ёзувчига: “У барча диний расм-русумларни катъиян адо этарди”, – деб таъриф беради. Ойбек эса: “У бироз биқик киши эди, эҳтимол, шу ҳол бизнинг яқиндан танишимизга монелик қилгандир”,¹ деб ёзади. Демак, Қодирий Ойбек ва Фафур Гулом, Чўлпон сингари янги ўзбек насри вакиллари билан алоқада бўлишдан нима учундир ўзини тийган. Мазкур таърифларда ўша давр мафқурасининг нафаси уфуриб турса-да, улар маълум даражада ҳақ. Улар ёзувчига таъриф бераётганда Қодирийга хос характерли жиҳатларни тилга олган. Ҳақиқатан ҳам адиб кўпчиликка аралашиб кетишни ёқтирмаган, кўпроқ ёлғиз ўзи билан ўзи қолишни афзал билгич, мураккаб феъл-атворли одам бўлган. Ҳаммабоп бўлиш ёзувчи учун ўзлигидан воз кечиш билан баробар саналган. Қодирий учун *“виждони олдида бир турлик бўлиб имон таъзийки остида”* яшаш бош мезон бўлиб саналган. Қолаверса, Қодирий адабиёт майдонига кириб келгандёқ, шахс сифатида камолга етган эди. Ўзига нисбатан жуда талабчан бўлган ёзувчи киска умри давомида бу мезондан ҳеч қачон чекинмаган ва Яратганнинг олдида ҳисоб беришини бир лаҳза унутмаган.

Инсон шахсининг эврилиши, давр билан муроасага бориши ниҳоятда мураккаб жараён. Аммо шуни қатъий равишда айта олиш мумкинки, Қодирий бу жараёндан ўз “мен”ини омон сақлай олди. Адиб ижодини яхлит олиб қараганда, уларда тубтубидан мустақкам боғлаб турувчи ришта – умум руҳни топиш кийин эмас. Ўз даврига сиғмаган, ҳаммабоп бўлишдан чекинган, имони бут исёнкор шахс руҳияти ижодкорнинг жамики асарларида бош белги – ўзакни ташкил қилган.

Ёзувчининг мазкур фикри уни янаям яқиндан билишимизга кўмак беради. *“Ўз бутунлигини сақлай олмаган бошқага енг бўлаолмайди”. Шахсий бутунлиқ, мустақил шахсият қуллик билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи тополмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалиқ ва чин ағзо бўла олмаслар”*².

Адабиёт майдонига ўзини таниб, Шахс бўлиб кирган Абдулла Қодирий даврнинг ўткинчи куйларини ўз вақтида сезди ва бошқалардан кўра аввалроқ *“хўрликдан ўлим тансиқроқ”* эканлиги англаб етди.

Қодирийдан кейинги поғонада Чўлпон ўзгача руҳдаги романи билан янги давр насридан дарак берса, Ойбек замон талатўплари орасида йўлини айириб ола билмай тургандай таассурот уйғотади. Мазкур ёзувчилар бир даврда яшаб ижод этишган бўлса-да, шахсан ўзаро қандай муносабатда бўлганликлари ҳақида бизда маълумот жуда кам. Аммо улар ижодкор сифатида бир-бирини жуда ҳурмат қилганлиги аниқ. Чўлпонга нисбатан адабий жамоатчилик орасида нотўғри муносабат юзага келганда, уларга қарши Қодирий ва Ойбек бадиият талабларига таянган ҳолда матбуот орқали фикр билдиришгани бунга тасдиқ бўла олади.

Чўлпоннинг *“Тонг сирлари”* тўпламига Қодирий шундай сўзбоши ёзган: *“Баъзи бир ўртоқлар Чўлпонни йиғлоқ, деб айбситадилар. Балки ҳақлари ҳам бордир. Бироқ, шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўсдирмоқчи бўлмаса*

¹ Бокий Н. Катлинома. Т., 1992. Б. 78.

² Ўша асар. 368.бет.

эди, биз ҳам унинг муътаризлари (эътироз қилувчи – Т.С) қаторига кирган бўлар эдик”³. Адиб шоир Чўлпон руҳини тўғри англаб бошқаларни ҳам шунга чакиради. 1927 йилда шоирга нисбатан “Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкура-чисидир, шуларнинг шоиридир”⁴, деган айблов қўйилади. Бунга жавобан хали давр шабадалари таъсир килмаган ёш Ойбек дадиллик билан “Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?” деган мақоласида шоир ижодини мафкура мезонлари билан эмас, балки санъат нуктаи назаридан ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Бу маълумот дастлаб Ойбекнинг адабиётга талаби бутунлай ўзгача бўлганлигидан далолат беради. Шу мавзуда ўзбек матбуотида катта баҳс бўлиб ўтади. Усмонхон Эшонхўжаев “Мунаққиднинг мунаққиди” (“Кизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил, июнь) мақоласида Ойбекнинг фикрини рад этиб, Чўлпонни “таназулпарвар, хаёлпараст”ликда айблайди. Ойбек бунга жавобан “Мунаққиднинг мунаққиди” мақоласининг эгасига” номли мақола ёзиб, унда ўз фикрларида собит турувчи шахс сифатида намоён бўлади. Ойбек табиатидаги адолатпарварлик унинг шахсиятидаги энг етакчи фазилат ҳисобланади. Йўлчи образидаги адолатпарварлик ёзувчи шахсининг сачратқиси эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Чўлпон Қодирий ва Ойбекка нисбатан зиддиятлар ва қутилмаган бурилишларга бой, мураккаб даврда ҳаёт кечирган. Шахсий турмушдаги кўнгилсизликлар, муқим бир жойда қола олмаслик ва қутилмаган зиддиятли ҳолатлар, қиска ҳаётида асосан мусофирликда яшаш унинг руҳиятига жиддий таъсир кўрсатган. Чўлпон аввал диний таълим олган бўлса-да, кейинчалик дунёвий илмлар, яъни жадид мактаблари ва унинг ғояси тарғиботи билан шуғулланишни маъқул кўрган. Чўлпон Қодирийга нисбатан ўзгача йўлни танлади, миллат равнақи учун курашишни ўзи учун *ибодат* даражасига кўтарди. Теранрок назар солинса, Қодирий ва Ойбек фикр, Чўлпон эса фаолият кишиси бўлганига амин бўлаемиз. Чўлпоннинг шоир сифатида хис-хажонга ва тезда кайфият таъсирига берилиши унинг қахрамонларида ҳам ўзига хос тарзда кўринади. Образли айтганда, масала ечимида Қодирий *ақл*, Чўлпон эса *юрак*, хис-хажон, Ойбек *эҳтиёткорлик* билан иш кўрган дейиш мумкин.

Чўлпоннинг “Қаландар ишки” шеъридаги “Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку” сатрлари унинг қалбидаги изтироблар, иккиланишлар алами ва алданиш азобини кўрсатиб, ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Чўлпон 1927 йилда қурултойдан ҳайдалгач, шўролар билан муросага бориш мажбуриятини хис қилади. У шўроларнинг шиорларига секин-аста юз буради ва кейинчалик унинг шеърларига шўро мафкураси кириб келади. Унинг “Соз” тўплами бунинг ёрқин далили. Ёлғон, рангсизлик, ясамалик пайдо бўлди, алалокибат “давр ўз ишини килди”.⁵ Тарихий жараёнга муносабат билдиришда кўп ҳолларда замон талаби шундай бўлган деган муросага чорловчи хулосага таяниб иш кўраемиз. Бу тўғримикин? Унутмаслигимиз лозимки, замон талабларига бўйсуниб яшаш юкидан ўзини саклайдиган шахс тушунчаси ҳам бор. “*Саъз танқидчилик ёзувчи шахсида “инсон”ни, унинг “мен”ини кўриши олмаганлиги учун ҳам тарих фақат унинг ижодий меросига қараб баҳо беради, деб ҳисоблашади биографлар*”.⁶ *Аслида, асар моҳиятини англашда ижодкор ҳаёти ва тақдири қалит вазифасини бажаришини*⁷ эътибордан соқит қилмаслик лозим. Чўлпон *Ватан*, *юрт*, *миллат*, *истиқлол* тушунчаларини шиор даражасига кўтарди ва ушбу сўзларининг лексик-семантик қатламини кенгайтириб юборди. Унинг асарларида *Туркистон* ва

³ Қодирий А. Диёри бақр. Т., 2007. Б. 261.

⁴ Шарафиддинов О. Ўзбек шоирлари. “Кизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 й. 14 фев.

⁵ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т., Маънавият. 2004. Б.450.

⁶ Сент-Бёв.Ш.О. Литературные портреты. М., 1970.С. 48.

⁷ Борев Ю. Эстетика.М., 1981. С.356.

юрт келажаси қайғуси етакчи мавзуга айланди. “Озриган дард” – миллат келажаси муаммоси Чўлпон асарларида ўзгача кўриниш касб этди. Қодирий ижодида мана шу дардни ошкор қилиш ва киноя оркали *фоиш этиши*, Чўлпонда *малҳам бўлиш*, Ойбекда эса *дардни ҳис* қилиш ва унинг илдизларига чуқурроқ назар солиш ғояси етакчилик қилади.

Ойбек Қодирий ва Чўлпон адабий аъналарининг хар томонлама давомчиси саналди. Қодирий асарларида муаллиф идеали сифатида давр зиддиятлари орасида ўзлигини англаб этиш умидида курашаётган шахс образи тасвирланса, Чўлпон ижодида ижтимоий тузум муаммоларини ўз қисматига айлантирган инсон қиёфаси эстетик идеал даражасига кўтарилган. Ойбекнинг эстетик идеали эса кўнгил кишиси, юксак туйғулар соҳиби, адолат учун курашувчи қахрамон сифатида бўй кўрсатади. Образли ифодалаганда, Қодирий ҳукуматнинг сиёсатига *шубҳа ҳамда шишончисизлик*, Чўлпон *нафрат ва алам*, Ойбек эса *ҳадик* билан қараган.

Ойбекка ўзи билан бир даврда яшаб ижод этган Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодининг таъсири жуда катта бўлган. Улар бир-бирлари билан адабиёт ҳақида суҳбатлашган, баҳслашган бўлиши ҳам эҳтимолдан узок эмас. Уларга нисбатан ёшроқ бўлган Ойбек мафкура талаблари адабиётга зўрлик қила бошлаганда кириб келди. Адиб Қодирий ва Чўлпондан биринчи навбатда таъсирланди, ўрганди, маълум маънода уларга эргашди. Ойбек ўз асарларида бевосита ва билвосита Қодирий ва Чўлпон ижодидан таъсирланди, ўрганди. Бунинг ўз сабаби бўлиб, сабаблар ўзига изох талаб қилади.

Ойбекнинг отаси тирикчилик ташвишида аксарият хизмат сафарларида бўлганлиги боис унинг тарбияси билан кўпроқ бобоси шуғулланди. Бобосидан келгуси фаолиятида асқотадиган ҳаёт сабоқларини ўрганди. Бунга адибнинг “Болалик” киссаси мисол. У табиатан босиқ, вазмин, ўйчан, таъсирчан ва кенгфёъл бўлиб, унда мушоҳадага мойиллик кучли эди. Бобосининг таъсири остида улғайган Ойбек воқеаларга муносабатда ёшига нисбатан улуғворлик ва босиқлик билан ёндашадиган бўлиб шаклланди. Аммо инкилобдан кейинги сиёсий-ижтимоий вазият бошқа ижодкорлар сингари унинг руҳиятига ҳам жиддий таъсир ўтказиб, у замон талаблари билан муросага боришга мажбур бўлди, мафкура ғояларини қуйлаш ёзувчи учун мажбуриятга айланди. Замонанинг тазйиқи борган сари кучайганлигини ҳисобга олсак, баъзи масалалар ойдинлашади. Хар бир ижодкор мазкур масалага ўз англами ва амалига мувофиқ тарзда эътибор қаратган.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари ўрталарида бошланган зиёлиларни таъкиб этиш ва “кама-кама” ваҳимаси Ойбекни бир қадар муросага бориб, мафкура талабларига ён беришга мажбур этди. Қолаверса, камбағал оиладан чиққан ва советнинг олий мактабларида махсус таълим олган шоир йигит даврдан ўзи учун ижобий нукталарни топа олди. У гўзалликни, кўнгил кечинмасини қуйлашни бахт деб билди. Ойбек Қодирий ва Чўлпондан ёш жиҳатдан ҳам анча кичик бўлиб, ёшига муносиб тарзда ҳаётга ва даврга бошқа кўз билан қаради. “*Чўлпонга нисбатан бироз эркинроқ яшаган Ойбек кўзларига темир панжара кўринмайди. Унинг лирик қахрамони табиат манзараларидан, воқеликдаги гўзалликдан баҳра олади. Чўлпон учун эса энг катта бахт эркинлик, руҳнинг хурлигидир*”.⁸ Ойбек 1920-йилларнинг охирида адабиёт майдонига кириб келган бўлса, у ҳаётий ҳақиқатни юқоридаги ёзувчилардан фаркли равишда қабул қилди.

Ойбек ўзидан олдин ўтган ёзувчилар ижодидан мактаб сифатида фойдаланиш баробарида, уларнинг қисматидан сабоқ чиқариши ҳаётий ҳақиқатдир.

⁸ Каримов Н. XX аср адабиёт манзаралари. Т., 2008. Б.211.

Ваҳималар ичида яшаб ижод этган Ойбек маълум маънода ўзини чеклашга маҳкум эди. Ижод жараёнида онгли ёки онгсиз равишда бўлсин, у сиёсий таъйикни ҳар нафасда ҳис этиб турди. Қодирий ва Чўлпон ўзини келажакда катта хавф кутаётганлигини билса-билмаса, иродаси етгунча тергов жараёнида сабр-тоқатини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Терговнинг охири нима билан туғашини ақлан ҳис этсалар-да, аммо умид илинжи уларга куч бағишлаб турган. Қагафоннинг мудқиш оқибатини ўз кўзи билан кўрган Ойбекнинг бундан ўзига хулоса чиқармай иложи йўқ, бунга амал қилмаслик ўз умрига зомин бўлиш билан барабар эди. Айниқса, 1937-1938 йиллардаги қалтис вазиятда Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романини ёзишга ўзида куч топиши катта жасорат эди. Бу кучнинг манбаи нима бўлиши мумкин? Адиб таҳликали даврда ўзини овутиш йўлида романини ёзишга ўзида ишонч ҳосил қилди. Бундан ташқари, ўз навбатини жим қутиб ўтиргандан кўра, гоё қидирганларга ўз позициясини кўрсатиб қўйиш учун ҳам асарни яратган бўлиши мумкин. Қолаверса, асарда танланган мавзу адибга ҳаётини ҳимоя қилиш учун суғурта вазифасини ўтагандир, эҳтимол.

Ойбек 1927-1929 йилларда Ленинграддаги Плеханов номли Халқ хўжалиги институтида ўқиб юрган кезларида А.Блок, В.Брюсов, В.Маяковский сингари рус шоирлари ижоди билан яқиндан танишди. Натижада, у билган адабиёт майдонининг сарҳадлари кенгайиб кетади. У “Қутлуғ қон” романини ёзишдан олдин “Туйғулар”, “Кўнгил найлари”, “Машъала”, “Бахтигул ва Соғиндик” каби шеъррий асарларини эълон қилган, Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеъррий романини таржима қилиб улгурган эди. Демак, адиб ўзига нисбатан ишончи ортиб, бадий қуввати етарли деб билганидан сўнггина, романга қўл урди. Бу пайтда Қодирий ва Чўлпоннинг романлари йўқ қилинган бўлиб, ўзбек наصري ўзининг бор-йўғидан айрилиб бўлган эди. Катта истеъдод эгаси Ойбек ўзидан аввалги салафлари ижодини шунчаки, қурук ўрганмади, балки бунга ўзига ҳос йўл топди. Ойбек Қодирий ва Чўлпондан фарқли равишда жамият таракқиётининг иқтисодий асосларини жуда яхши биларди. Шу боис Мирзакаримбой сингари образлар мисолида маҳаллий мулкдорларнинг дунёқараши ва миллий сармоя муаммосини нафақат ёзувчи, балки иқтисодчи мутахассис нигоҳи билан кузатди. Ва буни ўз романида тасвирлашга ҳаракат қилди. Романдаги Мирзакаримбойнинг сўзлари мазмунида кўпроқ иқтисодий билим ва тажрибанинг йиғиндисини кўриш мумкин. Демак, Ойбек яшаган жамият ва вазиятнинг талаби Қодирий ва Чўлпон яшаган вақтдан бироз фарқланган, бу асардаги мақсад ва мавзунини танлаш ҳамда фикр ифодасида яққол кўринади.

Ойбек ўзининг ҳар бир қадами назоратда турганлигини доимо ҳис қилиб яшагани бир бўлса, аёли Зарифахоним ҳам буни таъкидлаб, уни огоҳ қилиб турганлиги икки бўлган. Бу огоҳлик эса ташқи назоратнинг сиқувига қўшилиб, ёзувчини доимо ўз-ўзини ҳар томонлама текшириб туришга ва кузатишга мажбур этган. Шоирдаги яшаш инстинкти ҳис-туйғуга зўрлик қилди. Устоз Наим Каримовнинг сўзларига кўра, Ҳабибулло Қодирий отаси Абдулла Қодирийни оқлаш учун Республика бош прокуратураси талаб қилган хатни олиш мақсадида Ойбекдан хулоса сўраб борганда, Зарифахоним: “Мана шу хатни Ойбек ёзса нима бўлади-ю, ёзмаса нима бўлади”, деган мазмундаги саволни ўрғага қўйган. Масаланинг ечими вазиятга қараб ҳал этилган.

3.Сайдносированинг “Ойбеким менинг” номли китоби адиб ҳаётини чуқурроқ англашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин, аммо бунда ёзувчининг руҳини англаш қийинроқ. Китоб асосан Ойбекнинг Зарифага ёзган мактубларидан иборат. Китобда биз Ойбекни фақат муаллифнинг нигоҳи орқали кўраимиз ва ўша

нигоҳ бизни ҳам бошқаради. Ҳақиқатан ҳам сарлавҳада ёзилгандек, бу Зарифа-хонимнинг Ойбеги. Аёлнинг бош мақсади эса биринчи навбатда Ойбекни асраш бўлганлигини яна бир бора эътироф этамиз. Бу каби асрашлар биринчи навбатда, ёзувчига кун кечиришга кўмак берса, иккинчидан, эркин ижод қилишга маълум маънода тўсқинлик қилган бўлиши мумкин. Чунки руҳ эркинлиги ижодкор ҳаётида биринчи шарт ҳисобланади.

Асарда Зарифахоним Ойбекни қандай англаса, билса, сезса, худди шу сезимлари асосида ижодкорни кузатади, ўз тасаввур камрови даражасида баҳолайди. Бундай фикрлаш усули ўқувчига ҳам юқиб, у ҳам муаллиф Ойбекни қандай англаса ва билса, худди шундай қабул қилади. Ваҳоланки, адабиётшунослик ҳалигача мана шундай субъектив манбаларга таяниб қолаётганлиги сир эмас. “Ойбек дунёни қандай идрок бўлди, нималарни муҳим деб билди, нималардан ўзини чеклашга мажбур бўлди, нималарни айтишни хоҳлади-ю, улгурмади?” каби саволларга мазкур китобдан жавоб топиш имконсиз.

Ойбек Қодирий оқланганидан сўнгра жуда каттик таъсирланиб, ўзининг бир вақтлар ёзган “Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси” номли монографиясини ташлаб юборганлигини ҳаяжон билан тилга олади. Бунда ҳам кўп гаплар яширин, кўпроқ иқроғра ўхшайди...

Тарихий поэтиканинг бош мезони ижодкорни ўзи яшаган давр билан боғлаб ўрганиш саналади. Шундагина ижодкорларнинг руҳини ҳис этиб, ҳаётини мантик асосида улар ижодига одилона баҳо бериш мумкин бўлади.

Бадий ижодда муаллиф шахси ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Қодирий шахсий бутунлик ва ҳаётини мезонлари билан ҳам Чўлпон ва Ойбекка устоз эканлиги аниқ. Замон зайли ёзувчилардан истаган-истамаган ёхуд кўнгли тиламаган оҳангларга жўр бўлишни талаб қилди, зўрлик билан бўлса-да, ўз оқимига солишга ҳаракат қилди. Баъзилар жон саклаш учун йўл кидирди. Кимдир топа билди, яна кимдир боридан ҳам айрилди. Ҳар бир ёзувчи замона синовлари олдида нечоғлиқ ўзини назорат қила олди, ўз-ўзи билан муроасага боришга мажбур бўлди, уларнинг қанчаси бу сиёсий ўйинлар олдида мағлуб бўлди, бунга тарих гувоҳ.

ҲУКМАТ

Кўнгли ва тили бир бўлган
кишининг айтган сўзи бум.

Алишер НАВОИЙ



БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ



Мансур ЖУМАЕВ

1991 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини битирган.

Йўлларга сочилган настарин томчи

Ҳаёт қўшиғи

Зумрад чирокларга қўнган шарорим,
настрин либосларда олгай қарорим.
Совиб бораётган ёшлигимми киш
ёки зарраларга сингган баҳорим?

Покиза декабрь, оппок декабрь,
бу тунда бағримни тирналар сабр.
Йўлларга сочилган настарин томчи:
қанчалар тозадир, қанча бекадр?

Кўзгуга урилган қушдай сарсари
кўнглим каби эриб боряпти бари.
Заминий шуқуҳим, самовий руҳим
ва чорак асримнинг заррачалари.

Эриб бораётган поралар – абас,
нахот, хусн нажот чораси эмас?
Қаҳратон – қаттиққўл мураббий, фақат
январь билан февраль ораси эмас.

Қаҳратон – қалбимга томир отган дарз,
қаҳратон – шуурда гуллаётган дарс.
Ўзимдай мискину ўзимдай мағрур,
ўзимдай қобилу ўзимдайин чарс.

Бир қуни севилган пайтида февраль,
музларга хайрухўш айтади февраль.
Юзлари лоладай ёнади бирдан
ва мартнинг ёнига қайтади февраль.

Ва йиғлок бу музлар кулар маъмулан
ва жилға, жўйларда айтажак ўлан,
ва яланг гулларни кийинтирар март
менинг эриб кетган хаётим билан.

Ўн саккиз минг олам

Ўн саккиз минг олам оралаб
бир менгина танхо ва ғариб.
Эшигингни бордим коралаб,
кўзларингдан кулгу ахтариб.

Ўн саккиз минг олам ичра бир
сенда экан бундайин кулгу.
Жаҳаннамий каҳкаҳа зохир
ва жаннатий насимдан улгу.

Кора окшом сўйлади эртак,
юрагимга чикдинг югуриб.
Киркта жонинг устига-устак
бир жонимни олдинг суғуриб.

Сўнг торгина кулбам сорига
кайтдим жонсиз вужудим билан.
Сени битган фалак корига
сано айтдим сужудим билан.

Ўн саккиз минг олам ичинда
алқаб менинг нигоҳбонимни,
ахтараман, окшом ичимдан
сен суғуриб олган жонимни.

Дашт шамолини биласизми? Дашт шамоли ҳам юзларингизни силаб ўтади, ҳам сочларингизни юлгудай торткилайди, баъзан эса кўз очиргани кўймайди. Мансур Жумаевнинг шеърлари ҳам дашт шамолларига ўхшайди.

“Болалик” шеъри чўккидаги покиза корнинг жиљага айланиб, хаёт сойига сафари тасвири билан бошланади. Жилга: “Кетаверди лойланиб, танимаган жойига”, дея, давом этади. Энди унинг корлигидан асар ҳам колмади. Қаерга етгани-да номаълум. Шоир шеърни кутилмаган хотима билан якунлайдики, ўкувчини ўйга толдириб кўяди. Кўз олдидан бутун хаёти ўтади ва шеърда инкор қилиб бўлмас ҳақиқат айтилганига иқрор бўлади:

...У кор бўлиб яшаган
чўккисига қайтмайди.

Бу сатрлар сўз завки билан бирга дард ҳам юктиради кишига. Ёки “Тун” сарлавхали шеърни олинг. Ҳар сатрида: “Тес!” деганча лабига бармоғини босган тун”, “дарё дилим кўпириб, кўзларимдан тошган тун”, “айвонимда мунғайиб ой ўзини осган тун” каби сатрларга кўзингиз тушади.

Ўйга чўмасиз. Мансур Жумаевнинг шеърларини ўқиб, унга шеърят бардавомлигини тиламан.



Ва ҳар сафар ул меҳрибоним
сыйлаганда айбим бағишлаб,
вужудимга кирганда жоним,
бир кулгунга қайтаман ташлаб.

Ва ҳар сафар минг битта ошуб
кетиб колар мағрур ва мунглим.
Ўн саккиз минг асрлик бошу
ўн саккизга кирмаган кўнглим.

Тун

Сиримизни сотмаган,
сир сақлаган бус-бутун.
“Тсс!” деганча лабига
бармоғини босган тун.

Най ноласин келтирди
кулоғимга не учун?
Ё мени алдаяпти,
ё ақлдан озган тун.

Ташлайинми супуриб
хотирларни ё беун?
Дарё дилим кўпириб
кўзларимдан тошган тун.

Сени элтар ўзгага
қорасочин ёзган тун.
Айвонимда мунгайиб
ой ўзини осган тун.

Баҳор ва севилиш эртаги

Том бошида лолакизғалдоқ,
ёр бошида кирови дўппи.
Кўз ташлади. Терс айланди ер
ва қалбимга қайгулар кўпти.

Шундан кейин йиғлади осмон,
шундан кейин қудди майсалар.
Ханжар тахлит киприқлар чунон
юрагимга урди найзалар.

Шундан кейин ботир қалтирок
вужудимга инди жимирлаб.
Фарёд урди момақалдинок,
ёмғир исмим айтди шивирлаб.



Шундан кейин офтоб жилмайиб,
кўзларимга умидлар экди.
Шундан кейин шодон шамолнинг
кокиллари кўксимга тегди.

Шундан кейин сабзаранг боғлар
оғочларга битдилар калом.
Ва амома ўраган тоғлар
жилғалардан йўллади салом.

Шундан кейин лазиз ёр лаби
капалакка айтди исмимни.
Хаёл аркон узган от каби
олиб кочди жону жисмимни...

...Сўнг, хиллдан сўрадим бўса,
ширин тушлар берди муанбар.
Тун мустағрак ухлаган эсам,
шердай бўлиб уйғондим сахар.

Болалик

Қор жилгага айланиб,
кетди ҳаёт сойига.
Кетаверди лойланиб,
танимаган жойига.

Қорлигидан асар йўк,
кайга кетди, айтмайди?
У қор бўлиб яшаган
чўккисига қайтмайди...



ТАҲЛИЛ



Нусратилла ЖУМАХЎЖАЕВ

Филология фанлари доктори. 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Олимнинг “Поэтик тасвирда пейзажнинг роли”, “Турди назми бадиияти”, “Мунис газалиёти” каби илмий монографиялари нашр қилинган.

“...УЛ САРВИ ГУЛРҮ КЕЛМАДИ” ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛЛАРИ ТАДҚИҚИ

Алишер Навоийнинг олимларимиз томонидан энг кўп тадқиқ этилган ғазалларидан бири “...Ул сарви гулрү келмади” ғазалидир. У кўп ўрганилгани жиҳатидан “Қаро кўзум...” ғазалидан кейин иккинчи ўринда, ўрганилиш тарихининг чуқурлиги жиҳатидан эса биринчи ўринда туради. Агар “Қаро кўзум...” ғазалининг тадқиқ этилиши қирк йиллик тарихга эга бўлса, “...Ул сарви гулрү келмади” ғазалининг ўрганилиши эллик йиллик тарихга эга. Биз бу ўринда ғазалларнинг алоҳида, махсус тадқиқ этилишини назарда тутмоқдамиз.

Ғазал матнини илмий таҳлил ва талқин этишда устоз адабиётшунослар, айниқса, Натан Маллаевнинг ижодий тажрибаси қагга аҳамиятга эга. Навоий лирикасини ўрганиш юзасидан Натан Маллаев 1968 йилда тузиб нашр эттирган ихчамгина қўлланма-мажмуа, мана 50 йилдирки, хамон мутахассисларга амалий хизмат қилиб келмоқда. Китобдаги “...Ул сарви гулрү келмади” ғазали таҳлили бугунги айрим таҳлилларга нисбатан анча устун. Буни муқояса жараёнида кўриш мумкин. Натан Маллаев ушбу мақоласини илмий таҳлил сифатида эмас, балки “ўқувчиларга ёрдам мақсадида”, “текст устида ишлаш бўйича бир намуна сифатида” тақдим этган. Унда ғазал таҳлили қуйидаги тадрижий изчилликда амалга оширилган: ғазал матни, вазни, луғат ва изоҳлар, байтларнинг насрий баёни, ғазалнинг мавзуси, ғоявий мазмуни, ғазалдаги образлар, ғазалнинг бадиий хусусиятлари. Етти моддadan иборат режа асосида муфассал ёритилган ғазал таҳлили асарни ўрганувчи талабалар учун ҳам, ғазалини ўргатувчи ўқитувчилар учун ҳам ва оддий мухлислару кенг китобхонлар омаси учун ҳам жуда қулай ва фойдалидир. Орадан ярим аср вақт ўтса ҳамки, ғазал таҳлилининг бу тартиби илмий-оммабоп таҳлил намунаси бўлиб келмоқда. Профессор Нажмиддин Комиловнинг “Маънолар оламига сафар” китобидagi ва филология фанлари номзоди, доцент Дилназов Юсупованинг “Жаҳон адабиёти” журналида изчил эълон этилаётган таҳлиллари шундан далolat беради. Янги таҳлиллардаги таркибий тузилиш анча соддалашган. Улар ғазал матни, луғат, байтларнинг насрий баёни ва ғазалнинг мазмун-моҳияти баёнидан иборат.

1986 йил 22 сентябрь куни филология фанлари доктори Исмаиулла Абдуллаевнинг “Ул сарви гулрү келмади” сарлавхали таҳлилий мақоласи “Тошкент оқшоми”

газетасида “Машхур ғазаллар таҳлили” руқни остида босилиб чиқди. Холисона айтганда, Натан Маллаев талқини Исмадулла Абдуллаевнинг ўн саккиз йилдан кейинги талқинидан яхшироқ. Келинг, иккинчи байт баёнини қиёслаб кўрайлик:

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.

Натан Маллаев талқини: “Дам-бадам чиқиб йўлида интизорлик чекдим, лекин жон оғзимга келди-ю, у ёмон одатли шўх (ёрим) келмади”. Исмадулла Абдуллаев талқини: “Секин-аста кўчага чиқиб, унинг йўлида пойлаб ўтирдим, жоним оғзимга етиб, ўлар ҳолга келсам ҳам, ул феъли ёмон, шўх ғўзал келмади”. Гарчи биринчи талқин бадний ҳақиқатга яқинроқ бўлса-да, иккала олимнинг ҳам “шўхи бадхў” иборасини айнан ҳозирги тилимиздагидек “ёмон одатли”, “феъли ёмон” деб тушунтиришлари тўғри эмас. Исмадулла Абдуллаев талқинида ошиқнинг маъшуқа интизорлигидаги изтироблари, эхтирос, хаяжонлари ифодаси буткул акс этмаган. Шундай қилиб, ғазал таҳлилининг савияси бир қадар пасайган.

Яна чорак аср – нақ йигирма беш йилдан кейин ғазал таҳлили ва талқинининг савияси бундан ҳам пасайиб кетишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. 2011 йили филология фанлари номзоди Муҳаммаджон Маҳмуднинг “Яна Навоийни ўқиб” номли китоби босилиб чиқди. Унда “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали талқинида муаллиф Навоий байтларини умуман нотўғри тушунган ва тесқари талқин этган.

Мухташам тўйхоналардан биридаги маърақада машхур бир имом-хатиб “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали лирик қахрамони прототипининг антика талқинини халққа тақдим этди. Унинг талқинига кўра, қунлардан бир қуни ҳазрат Алишер Навоийнинг тушларига Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) кирган эканлар. Туш ниҳоясида ул зоти шариф “Мен яна келаман” дея ваъдалашиб хайрлашган эмишлар. Шундан сўнг Навоий У кишини хар кеча кутавериб, бетоқатланиб “Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади” ғазалини ёзган эмиш. Бундай ғаройиб талқинни зиёли аҳли юрак ютиб, чурқ этмай тинглади. Лекин битта-яримта китоб ўқимайдиган, адабиётдан беҳабар авом кишилар ўзаро: “Қойил, Навоийни ҳам жуда содда қилиб тушунтирдилар-а, қори акам”, дея муҳокама юритганлари қулоғимизга чалинди. Бундай талқинга ҳам бирор асос, манба борлиги илмга қоронғи. Бундай талқинни халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида қабул қилиш мумкин, балки.

“Жаҳон адабиёти” журналининг 2012 йил декабрь сонидида мазкур сатрлар муаллифининг “Ул сарви гулрў келмади” сарлавхали таҳлилий мақоласи чоп этилди. Унда ғазал таҳлилларининг мазмуни мумкин қадар умумлаштиришга ҳаракат қилинди. “Адабиёт” дарслиги таҳлиларидаги камчиликлар бирор жумлада қисман айтиб ўтилди. Аммо журнал илмий миқдор бўлмагани ва ҳажм имконияти чекланганлиги туфайли ғазал таҳлилларини тўлиқ ва муфассал умумлаштиришнинг иложи бўлмади.

2014 йилда умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфлари учун “Адабиёт” дарслик-мажмуасининг 3-нашри босилиб чиқди ҳамда таълим жараёнига татбиқ этилди. Ғазал таҳлили бўйича 8-синф “Адабиёт” дарслигининг янги нашрида айрим ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Масалан, дарсликнинг 1- ва 2-нашрларида “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалининг яратилиш даври ҳақида жиддий фактик хато бор эди. Муаллиф ғазалда йўқ, ўзи ўйлаб топган пир ва мурид образлари ҳақидаги фикрларини асослаш мақсадида ғазал яратилган сана тўғрисида иштибоҳли тахминини баён этади: “Навоий ғазалларининг ёзилган йиллари маълум эмас, – дейди у. – Тахмин қилиш мумкинки, бу ғазали шоир устози ва пири Абдурахмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин битган”. Ҳолбуки, Алишер Навоий мукамал лирик қуллиёти – “Ҳазой-

ин ул-маоний”га асарларини умр фаслларига мувофиқ таксимлаб киритганида “...Ул сарви гулрӯ келмади” ғазали “Бадоеъ ул-васат”, яъни “Ўрта ёш гўзалликлари” девонидан ўрин олган бўлса ҳам, аслида, у шоирнинг ёшлик лирикаси махсулидир. Ахир 1492 йилда Навоий 51 ёшда бўлган. Бу шоирнинг қарилик даврига тўғри келади. Ваҳоланки, “...Ул сарви гулрӯ келмади” ғазали Навоийнинг “Илк девон”и ҳамда иккинчи расмий девони “Наводир ун-нихоя”да ҳам мавжуд. Ғазал шоирнинг илк лирикаси махсули эканлиги шундан далолат берадики, у йигитлик ишқининг нозик сарғушашглари, дунёвий мухаббатнинг оташин эхтирос ва туйғулари билан ёзилган. Мазкур далил эса ғазал мазмунини сунъий равишда “ишқи ҳақиқий”га боғлаб талқин этишга асос берайди.

Бундай ҳатолар икки нашр мобайнида, саккиз йил давомида ўқувчи ва ўқитувчилар онгига синдирилган. Дарслик муаллифи “Лаҳза-лаҳза чиктиму чектим йўлида интизор, Келди жон оғзимгаю, ул шўхи бадхў келмади” байтидаги “бадхў” сўзини “бадхох”, яъни “ёмонлик истовчи” маъносида янглиш тушунган ва тушунтирган. Янги нашрда мана шу ҳаёт ҳам тузатилди. Бирок, янги нашрда бошқа қўп камчиликлар тузатилмаган.

Байтдаги ҳеч бир нашрда қўшиб ёзилмаган “аввал” ва “кадам” сўзларини “аввалкадам” шаклида қўшиб ёзилган:

Толиби содиқ топилмас, йўкса ким қўйди кадам
Йўлғаким, аввалкадам маъшуке ўтру келмади. (111-бет)

Бу билан матнда йўқ “пешкадам пир” тушунчаси пайдо бўлади. Дарсликдаги талқинга эътибор беринг: “Байтнинг сўзларидан келиб чиқадиган маъно-мазмуни қуйидагича: Содиқ толиб топилмайди, шундай бўлмаса эди, кимки йўлга кадам қўйса, “аввалкадам”, яъни ундан олдинроқда юрадиган бир маъшук рўбарў келмайдими”. Бу ерда муаллиф ўзининг асоссиз тасавуридаги олдинда юриб бораётган “аввалкадам”, яъни пешкадам пир Жомий ва унга эргашган мурид Навоийни назарда тутган. Бу талқин мантиксиздир. Ахир ошқдан олдинроқда кетаётган маъшук олдинга қараб кетаверади-да, қандай қилиб “ўтру” – рўбарў келади? Бундан ташқари, ғазал матнида пир образи умуман йўқ. Ғазалда йўқ образни тўкиб чиқариш ва айниқса, дарсликка тикиштириш – ғайриилмий йўл. Ғазалда дунёвий мухаббат тасвирланган. Байт мазмуни Натан Маллаев талқинида жуда тушунарли ва лўнда баён этилган эди: “Садоқатли талабгор топилмас экан, бўлмаса йўлга аввал кадам қўйганнинг қаршисидан ёр келмасмиди?” Дарсликда эса аслиятдан жуда узоклашиб кетилган. Дарслик муаллифи мурид Навоийнинг пир Жомийга ишқи тасвирланган, деган даъвои илгари суради. Ҳолбуки, ғазалда пир ва мурид муносабатларига ҳатто ишора ҳам йўқ.

Талқин давомида гап тасаввуф фалсафасига боғланадики, муаллиф матн мазмунидан буткул ташқарига чиқиб кетади. “Бу ерда нозик фалсафий-тасаввуфий масала кўтарилган, – дея давом этади у. – “Йўл” байтда тасаввуфни, Оллоҳ ишқини билдиради. Бу йўлда эса садоқатли талабгор (ошқ) топилмаяпти. Айни гап билан шоир пирга ишора қилган. Чунки пир хамиша бу йўлни муриддан аввалроқ босиб ўтган, яъни у “аввалкадам” бўлади. Аввалкадам ошқ эса Оллоҳ васлига етиб, маъшукка айланади. Мурид ана шу шайхнинг эгагидан тутиб, унга эргашмокчи. Чунки Оллоҳни севиш учун мурид аввал пирни севиши керак. Бошқача айтганда, Оллоҳга мухаббат йўли бевосита пир қалби орқали ўтади. Чунки тасаввуфда пирга комиллик тимсоли сифатида қаралади”.

Муаллиф наинки ғазал матнидан четлашиб кетган, ҳатто, ғазал матни ва мазмунида бўлмаган тасаввуфий образ ва тушунчаларни ўйлаб чиқариб, талқинга сунъий равишда татбиқ этган. Хўш, ғазал матнига ёпишмайдиган бу мавҳум талқинни қандай қилиб адабиётни тушунишни энди ўрганаётган 8-синф ўқувчисига тушунтириш мумкин? Тасаввуфий бўлмаган ғазални тасаввуфий деб зўрма-зўраки талқин этиш – бадий асарни сохталаштиришдир.

Мустақиллик даври биринчи авлод дарсликлариде тасаввуф ҳақида махсус мавзу

бор эди. Ўша мавзунини дарс жараёнида ёритиш оркали ўқитувчи ва ўқувчилар бироз йўлланма олишар ва тасаввуфий асарларни тушунишар, дея каноат ҳосил қилиш мумкин эди. У даврда биз муҳокама қилаётган асарлар 8-синфда эмас, 9-10-синфларда ўқитиларди. Ўсмирлик даврида бир йилда ҳам ўқувчилар руҳияти, онгу идрокида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳозирги дарсликлардаги “...Ул сарви гулрӯ келмади” сингари асарлар 8-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига ҳам мос эмас.

Аслида, байтнинг мазмун-моҳияти анчайин содда ва ҳаётий. Байтда изчил ёритилаётган мавзу юзасидан хулоса, ҳукм чиқарилган. Муаммонинг фалсафий ечимини баён этилган. Маълумки, олдинги байтларда лирик қаҳрамон, яъни ошиқ хижрондан шикоят қилиб келаётган эди. У заиф ва нолақор бир вазиятда турганди. Байтда шоир ошиқнинг бундай вазиятига танқидий муносабат билдиради. “Толиби содик”, яъни садокатли талабгор топилмас экан, – дея фикр юритади шоир, – ваъдага вафосиз ёрнинг жабру ситамларидан оҳ-воҳ чекиш билан кифояланиш чинакам ошиқнинг иши эмас. “Йўкса”, яъни бўлмаса, ёрнинг йўлига ким “аввал”, яъни биринчи бўлиб журятли, дадил кадам қўйдиким, унинг маъшуқи рўпарасига пешвоз чикмади?! Риторик сўрок бор бу ерда. Ҳеч қанака пир ва мурид муносабатлари йўк!

Тўртинчи байт мазмунини Натан Маллаев: “Ул гўзал хажрида девоналарча йиғладим, (менинг бу ҳолатимни) кўрганда кулгиси келмаган кимса бормикин”, дея тўғри талқин этган. Дарслик-мажмуа муаллифи эса бу ҳолатни ошиқнинг “устидан куладиган борми-йўклиги” деб шарҳлаган. Бу эса шоир кўзда тутган мазмунни анча хиралаштирган.

Дарслик-мажмуада адабиёт назарияси жихатидан ҳам баҳсли фикрлар илгари суриб келинмоқда. Султонмурод Олимов ғазалшунослик назариясида йўк “бегона байт” тушунчаси ва терминини сунъий равишда дарсликка олиб кирган. Унингча, ғазалда мақтадан олдин келадиган лирик чекиниш тарзидаги фалсафий байтлар, хусусан, “...Ул сарви гулрӯ келмади” ғазалининг “Толиби содик топилмас” деб бошланадиган байти “бегона байт”. Аввало шуни англаш керакки, нафис адабиётнинг энг фаол ва энг нафис лирик жанри бўлмиш ғазалга нисбатан “бегона байт” тушунчасини қўллаш нафосатдан эмас. Нафис санъатга нафосат билан ёндашган маъқул. “Бегона байт” эса кўпол ва дағал атама. Мумтоз шеърятимизда “бегона байт” деган тушунча мавжуд”, деган маълумот асосиз. Адабиётшуносликда ҳам, хусусан, ғазалшуносликда ҳам “бегона байт” деган тушунча мавжуд эмас. Шу дарслик-мажмуагача бирор илмий манбада бундай тушунча қўлланилмаган.

Дарслик янги нашрининг назарий маълумот қисмида “бегона байт” тимсолида гўёки “Америка кашф этилган”. Гўёки ғазалдаги учта байтнинг алоҳида номи бор. Булар макта, макта ва бегона байт. Ҳали илмий муҳокамага олиб чиқилмаган, эътироф этилмаган тушунчани умумэътироф этилган минг йиллик “макта” ва “макта” терминлари каторига қўйиш илмий этикага ҳам тўғри келмайди. Терминология илмида расмийлашганлик тушунчаси бор. Муайян атама соҳа олимлари томонидан тан олиниб, маъқулланса ва у умумэътироф этилиб, илмий жараёнда ҳамма мутахассислар томонидан фаол қўлланса, ўшандагина у махсус соҳага расмийлашган ҳисобланади ҳамда термин мақомини олади. Расмийлашмаган атама дарсликка олиб кирилмайди. Бу – аксиома.

Мана, гўёки илмий асослашдек тасаввур уйғотишга уринилган ва дарслик услуби учун хос бўлмаган яна бир тушунтириш: “Ғазалчилигимиз, хусусан, Навоий ғазалларидаги бу типик хусусиятни кўплаб навоийшунослар кузатган, таҳлил этган. Абдуқодир Ҳайитметов буни умумий қилиб “лирик чекиниш”, Ёқубжон Исоқов “бегона ёки кистирма байтлар”, Нажмиддин Комилов эса “гардиш”, “бозгапш” (“кайтиш”) деб номлайди (140-бет). Аввало, дарслик илмий исботнинг ўрни эмас. Дарсликка фақатгина исботланган ва тасдиқланган, умумэътироф этилган фикрлар кирди. Қолаверса, иқтибосда асарларига ҳавола қилинган бирорта навоийшунос “бегона байт” атамасини қўлмаган. Муаллиф Ёқубжон Исоқовдан кўчирма келтира

туриб, "Навий поэтикаси" китобида йўқ "байтлар" сўзини қўштирноқ ичига кирилади. Гўёки Ёқубжон Исоқов "бегона байт" атамасини қўллагандай кўрсатади. Мана Ёқубжон Исоқовнинг саҳиҳ жумласи: "Тавсифий ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг "бегона" ёки кистирмалиги яққол сезилиб туради". Бу гапда "бегона байт" термини қани? Ёқубжон Исоқовнинг "бегона" сўзини қўштирноққа олгани ва "яққол сезилиб туради" дегани мактадан олдинги байтнинг "бегона байт" деб аталишини билдирмайди. Биз Ёқубжон Исоқов билан юзма-юз кўришиб фикр алмашганимизда, у ҳам илмий ишида ундай демокчи бўлмаганини айтди ва дарслик-мажмуадаги нуқтаи назарни рад этди. У иктибосда профессор А.Ҳайитметовнинг "лирик чекиниш" атамасини қўллаб турибди. Монографиядан олинган иктибосдан қуйроқда бундай байтни у эпиграммага ҳам ўхшайди дейди. Бундан ташқари, Ёқубжон Исоқовнинг китоби илмий монография. Илмий китобда бахсли масалаларни бемалол муҳокама қилавериши мумкин, лекин дарслиқда эмас. Чунки ўқувчи олим ҳам эмас ва мактабда адабиётшунос ҳам тайёрланмайди.

Хуллас, ғазал таҳлилларининг тарихий тадрижидан англашиладики, ғазал мазмун-моҳиятини, бадий хусусиятларини очиб бериш дастлаб содда ва тушунарли услубда кечган. Талкин тарихининг бу босқичида ғазалда дунёвий муҳаббат, яъни инсоннинг инсонга муҳаббати акс этганлиги ёритилган. Кейинчалик таҳлил услуби мураккаблашиб борган. Айниқса, ғазал бадииятини тасаввуф таълимоти билан боғлаб талкин этишга уриниш асар мазмун-моҳиятини сохталаштирган. Таълим жараёнидаги талкинларга илмий жамоатчиликнинг эътиборсизлиги, муҳокамалардан четда қолиши сунъий талкинларнинг ривожланишига ва узок муддат таълим-тарбияга салбий таъсир кўрсатишига асос берган. Ҳар бир ғазалдан, албатта, тасаввуфий талкин кидиришга ружу қўйиш ўринсиздир. Шунингдек, дунёвий муҳаббат ёхуд "ишки мажозий" ифодаланган ғазални тўғри таҳлил эта туриб, уни тасаввуфий талкин ёки "ишки ҳақиқий" билан боғламасам, камчиликка йўл қўяман, деган андиша билан сунъий равишда тасаввуф билан боғлаш ҳам ноўриндир. "Дунёвийлик – даҳрийлик эмас", деган тушунча ғазал моҳиятига ҳам тегишли.

Ғазалнинг янги талкинини яратганда асарни аввал тадқиқ этган олимларнинг ижодий тажрибаларидан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мабодо улардан беҳабар ҳолда ишга киришилса ёхуд улардан кўз юмилса, улар унутилса, талкинда адашиш, маттни тўғри тушунмаслик ҳолатлари юз беради. Ғазал таҳлилида матн аслиятидан узоклашмаслик, матн мазмунидан ташқари тушунчаларни сунъий равишда талкинга сингдиришдан сақланган маъқул. Ғазал таҳлилига илмда эътироф этилмаган назарий фикрларни тикиштириш юқоридаги сингари салбий оқибатларга олиб бориши тайин. Албатта, ғазал таҳлили индивидуал ижодий ҳодиса. Ғазал матни кўпмаънолилиқ хусусиятига эга ва уни ҳар ким ҳар хил тушуниши, талкин этиши мумкин. Бирок дарслик услуби учун хусусий ёндашув хатарлидир. Чунки дарсликдан қўпминглаб одамлар таълим олади ва хато хусусий талкинлар уларда нотўғри тушунчаларни шакллантириши хавфи бор. Дарслик давлат стандарти мақомидаги ўқув қуроли сифатида тасдиқланади ва илмий хатолари бўлишига қарамадан, яна янги дарслик яратилиб чоп этилгунча ундан фойдаланишга мажбур бўлинади. Бундай узок муддат мобайнида дарслиқдаги нуқсонлар бир неча авлод таълимида сезиларли салбий из қолдиради. Шунинг учун, дарслиқда умумэътироф этилган, илм-фанда ўз ечимини топган, бахсли бўлмаган маълумотлар ёритилиши талаб этилади.

САНЪАТШУНОСЛИК

Дилдора УМАРОВА

1982 йилда туғилган. Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг санъатшунослик факультетини тамомлаган. Мақолалари илмий журналларда ҳамда хорижий тўпламларда chop этилган.



МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон рангтасвирида мустақил тараккиёт йилларида бошланган янгиланиш жараёни миллатнинг ўзига хос хусусиятларини ва эстетик идеалларини янада чуқурроқ аке эттиришга, миллий кадриятлар, маданият ва маънавиятнинг ахлокий тамойилларини ифодалашга қаратилди. Бу даврда миллий истиклол ғояси ҳамда янги миллий тафаккурнинг шаклланиши, дунёвий тамаддун ва жаҳон тасвирий санъати билан яқинроқ танишув ҳамда шу асосда юксак маданий меросни қайта тиклаш имкониятини яратди.

Ўтган даврда санъатда ўрнашиб қолган догматизм ва стереотип салмоғига қарамай, миллий тасвирий санъат юксак профессионализм ва тасвирий маданиятнинг эътиборли тажрибаларини ўзида аке эттирган. Аммо эндиликда анъаналарга янгича эстетик принциплар билан ёндашув, шунингдек, дунё ҳамжамиятига яқинлашиш, жаҳон санъатининг илғор тенденцияларига асосланиши ўзига хос бадний жараённинг янги даврини ифода этди.

Жаҳон тасвирий санъати тарихидан маълумки, янги стилистик йўналишларни ўзлаштириш кўп ҳолларда муайян илғор тенденцияларга кўр-кўрона тақлидий ёндашув ва умумийлик асосида кечади. Мазкур ҳодиса Ўзбекистон рангтасвирида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлиб, янги тенденцияларда ислом фалсафаси, Шарқ поэзияси, асотир ва ривоятлар баднийатини синтез қилиш йўллари вужудга келтирди. Ўз навбатида Ўзбекистон рангтасвиридаги янги тенденциялар Шарқ-Ғарб иждодий мулоқотини янги илмий методология асосида чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Ўзбекистон тасвирий санъатида янги давр ижтимоий-маданий эврилишлар моҳияти маънавий муаммолар билан боғлиқликда хис этилди. Мустақилликка эришган мамлакатлардаги санъат ва маданиятнинг ривожланишини таҳлил этишдаги назарий жиҳатлар ўзининг тарихий ва илмий асосига эга. Мазкур мамлакатлар жараён маданиятшунослик кесимида учта ривожланиш босқичини босиб ўтади. Биринчи босқич – босиб ўтилган даврга танқидий муносабат, иккинчи босқич – миллий маданиятнинг анъанавий асосдаги туб моҳиятларини идеалликда кўриш ва ниҳоят, учинчи босқич – дунё замонавий тамаддунига муносиб бўладиган мустақкам тараккиёт тамойилларини

шаклантиришдан иборат. Бунингдек ривожланиш боскичлари ўзига хос конуният тусини олганлиги кўплаб халқлар маданият ва санъати тарихидан маълум.

Мамлакатда кечган туб бурилишлар даврининг ўзига хос ижтимоий, иктисодий, маънавий муаммолари рассомлар идрок призмасидан ўтиб, улар рухий оламида ўз ифодасини топди. Ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган бурилишлар даври ўйлашга, фикрлашга ундовчи муҳим аҳамиятга молик мавзуларни ўртага ташлади. Ўзгараётган иктисодий-ижтимоий воқелик нафақат жамият ҳаётида, балки ижодкорлар онги ва шуурида ўзига хос янгиланишлар имкониятини туғдирди. Эски тузумнинг парчаланиши билан узок йиллар давомида маънавиятда шаклланган дунёқарашлар тарзи ҳам барбод бўлар экан, унинг ўрнига келадиган янги жамият, янгича турмуш тарзи аввало кишилар онгида ўз аксини топиши муҳим эди. Бу тарихи маънавий эврилишлар жараёни айрим ижодкорларни рухий тушқунликка солса, бошқаларининг кечинмаларида эса янги уйғонишлар қилишга ундади. Рухий тушқунлик ўз навбатида ижодий тўхташга, уйғонишлар жараёни эса аксинча, янги имкониятларни очишга олиб келди. Бу рухий кечинмалар давр акс-садосини ифода этувчи бадний жараёни етилтирди. 1990-йилларнинг мураккаблиги шундаки, бу давр ўзининг азалий қахрамонлари ва мавзулари билан сокин давом этаётган ижодий жараёни кутилмаган ларзаларга солишга, натижада бир қадар бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келди. Миллий рангтасвида эса айни бўшлиқни миллий хусусият, азалий кадриятлар, қадим маданий бойликлар, улуг аждодлар меросидан излаш билан тўлдириш борасидаги тажрибалар ўзига хос бадний феномен бўлди.

Янги бадний жараёнда илгарилари ёпиқ саналган мавзуларга ва авваллари таъқиқ этилган тарихий шахслар портретига мурожаат этиш ҳаракатлари бошланган бўлса-да, уни тахлилий ўрганишда анъанавий қарашларнинг устуворлиги бир қадар давом этди. Бироқ, янги давр тарихий портретларидаги бойитилган сюжетлар, ички сифатлар ифодасини тахлилий ўрганишда санъатшуносларнинг анъанавий ёндашуви эндиликда ўзини оқламаслигини кўрсатди. Бугунги кундаги бадний жараён тарихий портретларни реалистик услуб асосида рамзий-метафорик, шартли-декоратив, модернистик ва постмодернистик тенденциялари мувофиқлашаётганлиги билан бирга ўрганишни талаб қилади.

Рангтасвида тарихий мавзуларни долзарблашишида миллий истиқлол ғояси миллатпарварликни, мозийдаги азалий кадриятлар ва улуг аждодлар тарихини идрок этишдек маънавият асосларини чуқур ҳис этиш имконини беради. Бунда табиий равишда тарихий мавзулар талқини олдинги ўринга чиқади.

XX аср давомида тарихий жанр рассомлари меҳнаткаш халқнинг эркинликка чиқиш учун кураши, халқ қахрамонларининг жасорати, илм ва маданият арбоблари билан боғлиқ эпизодларни жонлантирган эдилар. Ўтган йилларда асосий эътибор революцион тарих, совет ҳукумати учун кураш мавзуларига қаратилган бўлиб, тарихий-революцион картина жанри тараккий топди. Тарихий портрет ва картиналарида, Абдулҳақ Абдуллаев, Чингиз Аҳмаров, Бахтиёр Бабаев, Баҳодир Жалолов, Владимир Жмакин, Малик Набиев, Собир Раҳметов, Жавлон Умарбеков, Рўзи Чориев каби рассомлар ижоди алоҳида бадний қиймати билан аҳамият қозонди.

Мустақиллик даврига келиб, мазкур мавзунинг мазмун ва моҳияти ўзгарди. Тарихий мавзу ва тарихий портретлар миллий кадриятлар ифодачиси сифатида рассомнинг фуқаролик позицияси ҳамда миллий меросга муносабатини акс эттириши бу даврда яратилган ижодий ишларда ўз ифодасини топди, образлар ва мавзулар иконаграфияси алмашди. Зеро, тарихнинг туб бурилишлари ва ижтимоий-ғоявий эврилишлар пайтида замон қахрамонлари борасидаги тасаввурлар ўзгаради, давр моҳиятини акс эттирувчи ёрқин тимсоллар яратилишига маънавий эҳтиёж туғилади. Жамиятнинг бу тарздаги ўта масъулиятли ҳамда му-

раккаб даврида маънавий бўшлиқни муносиб тарихий ажодлар образлари билан тўлдириш зарур. Буюк ажодларнинг улугвор сиймосини бадий талқин этиш орқали ижодкор юксак маънавият ва чинакам фукаролик туйғуларини замондошлари онгига сингдириши лозим. Бундай маданий феномен кўплаб халқларда, уларнинг тарихий бурилишлари даврида учраганлиги манбалардан маълум.

Тарихий хотирани жонлантириб, янги фукаролик жамияти шаклланишида улкан аҳамият касб этувчи тарихий мавзу рангтасвирнинг мазкур жанрида янги тенденцияларни аниқлаб берди. Бу жиҳатига кўра мазкур йўналишдаги асарларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

– *Қадриятларимизга қайтиш, ўтмишни холисона баҳолаш миллий меросини қайта ўрганиш кайфиятидан келиб чиқиб, тарихий ажодларимиз образини яратиш тенденцияси.* Мазкур тенденция Абдулҳак Абдуллаев “Алишер Навоий”, Саъдулла Абдуллаев “Хўжа Аҳмад Яссавий”, Акмал Икромжонов “Мирзо Улуғбек”, Азиза Маматова “Бобур”, Ориф Мўинов “Бибиҳоним”, Малик Набиев “Амир Темур”, Жавлон Умарбеков “Соҳибқирон Амир Темур”, “Етти иклим султони”, Раҳмон Шодиев “Машраб” каби катор портретларда ўзининг бадий ва эстетик аҳамиятини кўрсатди. Жамиятни янгилаш борасидаги янги тарихий қаҳрамонларни излаш, маънавий идеалларни тиклаш йўлида тарихий мавзу биринчи планга чиқиб тарихий портрет ва тарихий картинанинг жанрга оид хусусиятларини янгиллади.

– *Кўп йиллик тарихга эга бўлган азалий миллий қадриятларга эътибор қаратиш, уларни қайтадан идрок этиш тенденцияси.* Мазкур тенденция том маънода янги даврга келиб шаклланди, зеро, илгарилари ўтмишни холисона баҳолаш, миллий қадриятларни чуқур ўрганган ҳолда улардаги умуминсонийлик сифатларини очиб бериш рассомлар ижодида деярли кўзга ташланмаган эди. Бу тенденция ривожда халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари бўлган дoston, афсона ва ривоятларга асосланган сюжетлар етакчилик қилди. Хусусан, Саъдулла Абдуллаев “Ўрта аср Ренессанси”, Алишер Алиқулов “Буюк донишмандлар”, “Халқ кўзғолони ва жадидлар ҳаракати”, Муборак Йўлдошев “Алпомиш”, Тўра Курязов “Жалолиддин Мангуберди”, Эркабой Машарипов “Алпомиш”, “Паҳлавон Маҳмуд”, Ориф Мўинов “Рухшона”, “Ойбарчин”, “Ўғузнинг туғилиши”, “Тўмарис” асарларида азалий қадриятларнинг янгича талқини сезилди.

Санъат тарихидан маълумки, турли миллий мактабда шаклланган ва унинг ривожланишига хос бўлган хусусиятларни ифодалаган муайян тенденциялар вақт ўтиши билан такомиллашиб боради ва мустақил йўналиш тусини олади. Айнан шундай ривожланиш хусусиятлари Ўзбекистон рангтасвирининг шартли-декоратив тенденциясига ҳам хос.

Шартли-декоратив тенденция 1920-1950 йилларда безак элементлари сифатида рангтасвирга киритилар эди. Ўша даврнинг қатъий нормативлари ва ижодда муайян чегаралар мавжудлигига қарамай, мазкур тенденция миллий хусусиятни ифода этувчи восита бўлиб келган. Рассомларнинг янги даражадаги изланишлари анъаналардаги ҳар бир элемент, орнамент, колорит аслида дин, афсона ва дунёқарашга боғлиқ бўлиб, борлиқнинг айрилмас бир қисмига тегишли эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу тенденцияни шакллантирган ва янгиллаган анъаналарга олиб борувчи услубий йўл узок йиллар қаршилиққа учраб келди.

Шартли-декоратив тенденция билан боғлиқ асарларда ўзбек халқ миллий санъати анъаналаридаги ранг-баранглик ва уларнинг ўзига хослиги заминида декоративлик ётарди. Ушбу тенденциянинг шаклланишида 1920-1950 йилларда Александр Волков, Надежда Кашина, Александр Николаев (Уста Мўмин), Ўрол Тансиқбоев, Шамсируй Ҳасановалардан тортиб, кейинчалик Чингиз Аҳмаров, Раҳим Аҳмедов, Шухрат Абдурашидов, Бахтиёр Бабаев, Владимир Бурмакин, Аслидин Исаев, Юрий Мельников, Алишер Мирзаев, Григорий Улько, Жавлон

Умарбеков, Рўзи Чориев, Раҳмон Шодиев каби рассомларнинг асарлари аҳамиятли бўлган эди. Турли йиллар давомида жўшқин рангларга ошуфта рассомлар ўз асарларини баъзан импрессионистик, баъзан эса Шарқ миниатюриси оҳанглари руҳида акс эттирдилар. Ўша пайтларда авангардда бутун бир пластик янгилик ҳисобланган, шартли-безакдорлик асосида, шунингдек, анъанавий ўзбек санъатида кескин ранглар уйғунлигида туғилган бу йўналиш узок йиллар давомида миллий анъаналар оҳанглари руҳида акс эттирилди. Мазкур рангтаъсир асарларига Европа модернизми кучли таъсир этди. Тадқиқотчилар шартли-декоратив тенденция асосини француз постимпрессионизм, фовизм ва экспрессионизм тенденцияларига хос бўлган халқ санъати тажрибаларини синтезлаш йўли билан боғлайдилар.

Мустақиллик даврига келиб шартли-декоратив тенденция Шарқ, хусусан, Ўзбекистон санъати асосида ётувчи декоратив тамойилларга асосланган мустақил тенденцияни ўзлаштириш тажрибаси сифатида аниқланди. Унда “Миллий мерос” ва “анъана” тушунчалари янги тарихий-маданий контекстда яна ҳам кенг маъно касб этди. Эндиликда бу тушунчалар маънавий-диний анъаналардан илдиз отган, миллат идеаллари эстетик тарихидаги тасаввуф поэтикаси, миниатюра, анъанавий амалий санъат беазаги тарзида англашила бошланди.

Шартли-декоратив тенденция миллий рангтаъсирнинг таркибий қисми сифатида норматив эстетика чегараларини ҳамда орнаментлар семантикасини ифодаловчи рамзий-символик воситалар мажмуаси тарзида аҳамият қозонди. Ўзбекистон рангтаъсир янгилиниш жараёнида миллий мероснинг ўрни ва роли долзарблалар экан, бу борадаги изланишлар шартли-декоратив тенденция ривожига уйғунлашиб кетди. Декоративлик инсонни ўраб турган муҳитнинг ҳиссий ифодавийлиги ва бадий ташкилий аҳамиятини кучайтирувчи бадий негиз эканлиги идрок этилди. Мазкур тенденцияни ўрганишда декоративликни шартли декоративлик тизими сифатида қараш муҳим бўлиб, ундаги етакчи воситалар тарзида миллий орнамент асосий омил сифатида кўриш мақсадга мувофиқдир. Миллий орнаментга ашёнинг табиий юзаси ва унга хос бўлган бадий шакллар, композициялар, чизгил оҳангнинг ташкиллашуви, рангларнинг ёрқинлиги, турли фактураларнинг ифодавийлиги етакчи восита бўлаётганлиги қўшиб таҳлил этилиши лозим. Бу жиҳат чуқур рамзийликка, семантик белгилар ва кичик унсурлар воситасида кенг мазмунли ифодаловчи ҳамда негизда азалий комилликка интилишга асосланган миллий меросдан келиб чиқади. Замоनावий рассомлар ижодини таҳлил қилишда уларнинг анъаналарга ёндашуви, миллий меросни идрок қилиши хусусиятини кузатиш рангтаъсирдаги шартли декоративликнинг туб мазмунлини ўрганишга имкон беради. Миллий рангтаъсир учун анъанавий, илгари мавжуд бўлган декоратив-шартлилик тенденцияни таҳлил этишда қадриятлар билан алоқадорлик бошқа тамойилларга асосланишини эътиборга олиш зарур. Анъаналарга таянишдаги асосий ва янги йўл бу – анъаналар таъсирига фақатгина расмий усул ва стилистик асос билан эришиб бўлмаслигида кўринади. Янги анъана асосида қўп асрлик миллий қадриятлар қатламлари долзарблик касб этади, рассомларнинг борлиққа ва замоनावий ҳаётга эстетик муносабати янгиланди.

Янги таракқиёт босқичини бошлаган шартли-декоратив тенденция Шарқнинг мумтоз мероси ғоясини Ўзбекистон рангтаъсирдаги янги ва муҳим ташкилий қисмга айлантира олди. Миллий анъаналарнинг рассомлар ижодига таъсири нафақат услубий ёндашувларда, балки рангтаъсирда фалсафий дунёқарашнинг кенгайишида ҳам аҳамиятли бўлди. Колоритнинг ҳиссиётлилиги ва экспрессияси, пластик шаклларнинг шартлилиги, дунёни жимжимадор безаклар уйғунлигида, рамзий ранглар воситасида ифодалаш декоратив йўналишдаги рассомлар Николай Шиннинг “Реквием. Видолашув шамлари”, “Йил фасллари”; Шахноза Абдуллаеванинг “Бибихоним”, “Келинчак”; Алишер Мирзаевнинг “Қизил тоғ этагида

учрашув”, “Кўғирчоқлар”; Раҳмон Шодиевнинг “Байрам”, “Учрашув”, Иброҳим Валихўжаевнинг “Дўппи бозори”, “Келин”; Анна Иванованинг “Чойхона”, “Оила”; Тоҳир Каримовнинг “Қоғоз кайиқчалар”, “Ёшлик”, Оксана Залевскаянинг “Анорлар ва Марғилон матоси”, “Анорлар”, Сейран Куртжемилнинг “Куёш чиқиши”, “Сўқоқдаги уй”, Инна Кулагинанинг “Умид деразаси”, “Сухбат”, Владимир Кимнинг “Бахмал мавсуми”, Тоҳир Аҳмедовнинг “Ўйин”, Эшмамат Ҳайитовнинг “Қомо кўлида тонг”, “Учрашув”, Қамолжон Бобоевнинг “Лаби ҳовуз”, “Отлар, Жазирама. Севишганлар”, Заур Мансуровнинг “Тумор”, “Ошиқ Сирано” асарларида намоён бўлди. Янги давр Ўзбекистон рангтасвирининг шартли-декоратив тенденцияси мумтоз поэтика, Шарқ фалсафаси, исломий кадриятларга хос бетакрор миллий сифатлар аке этган колоритни уйғунлаштира билиш хусусияти ўзига хос тизимни вужудга келтирди. Бу принциплар орқали улар миллийликка хос ҳаёт гўзаллигини бир бутунликда ёркин ва фаол ранглар ёрдамида намоён этиб, таъсирчанлик, уйғунлик, ритм динамикаси ва пластик ечимларга катта эмоционаллик бахш этдилар. Реализмнинг суёт кўриниши эмас, балки модернизмнинг формал тамойиллари асосида анъанавий идеаллар ва миллий рамзлар талқини намоён бўлди. Ўзгаришлар рангтасвирнинг колористик вазифаларидаги умумий тенденцияларига ҳам таъсир кўрсатиб, юзаки-декоративликни рад этишга хизмат қилди.

Мустақиллик давридаги шартли-декоратив тенденциянинг замонавий ҳолати шуни кўрсатадики, эндиликда Ўзбекистон маданиятига хос маънавий кадриятлар, миллий мерос ҳамда анъаналарга хос жамики қатлам нафақат талқин учун услубий асос, балки миллий кадрият сифатида жанр, мавзу, образли жихатлар ҳамда услубий янгилаштирилган ўз аксини топиши зарур. Бу сифат рангтасвирда модернизм тажрибаларини ўзлаштириш талаблари билан уйғунлашиб кетади. Анъанавий жанрларни четга сурмаган ҳолда абстракт тажрибани рангтасвирнинг формал муаммолари бўйича ўзлаштириб, фигуратив бўлмаган ишлар яратиш таржибаси композицион, ранг ва фактура асосида 2000-йилларда Дилором Мамедова, Инна Кулагина, Анна Иванова, Оксана Залевская, Сейран Куртжемил каби рассомлар асарларида ўз аксини топди.

Дастлабки йилларда, рангтасвирда авваллари мавжуд бўлмаган Шарққа хос фалсафий дунёқараш, образлилик, рамзийлик, жанр ва стилистик тизимлари намоён бўла борди. Қатор асарларда исломий мерос маданияти, кўхна деворий суратлардан тортиб, шарқ миниатюраси, ислом маънавияти ва фалсафаси, поэзия, афсона ва ривоятларидан келиб чиққан, индивидуал пластик таомиллар долзарблашди.

Ўзбекистон рангтасвирда рамзий ва метафорик тенденциялар дастлабки даврда Шаҳноза Абдуллаева, Файзуллахон Аҳмадалиев, Рихситилла Акрамов, Хуршид Зиёхонов, Леким Ибрагимов, Аслидин Исаев, Мухтор Исанов, Бобур Исмоилов, Тоҳир Каримов, Акмал Нур, Шавкат Ҳакимов, Ғофур Қодиров, Жамол Усмонов, Жавлон Умарбеков, кейинроқ эса ёш рассомлар Фаррух Аҳмадалиев, Қамолжон Бобоев, Ғайрат Ибрагимов ва бошқа рассомлар ижодида яққол аке этди. Улар рангнинг қучли рамзийлиги етакчилигида Шарқ фалсафаси ва поэтикаси ғояларига таяниб пластик образларнинг янги дунёсини яратганлиги билан ажралиб турди. Борлик муаллифнинг қандалик ҳаёт ташвишларидан йироқ, гўзаллик ва фалсафий тафаккурнинг сирли дунёсида яширинган, поэтик инон ихтиёри ва ҳиссиётидаги шахсий талқинида, яширин орзулар ҳамда кечинмалари билан ўз аксини топди. Рангтасвир асарлари учун қадимги ва Ўрта аср деворий суратлари ҳамда бўртмаларида аке этган мантик ва вазифалар, фалсафий-диний таълимотлар, тасаввуф эзотерик билимлари, кўхна дунёнинг афсонавий поэтик мероси, маънавий оламнинг тимсол ва рамзийликка асосланган бетакрор тили аҳамиятли бўлиб, янги пластик йўғрилишларни юзага келтирди. Бунда реалликдан мавҳумликка, одатий сюжетдан шартлиликка ўтиш, мажозий тилга аҳамият қаратиш етакчилик қилди. Азалий анъаналар, этномаданий сифатлар, миллий кадриятлар рассомлар ижодида метафоралар воситасида ифода этилди.

Рамз, метафора, тағмаъноларга диққат қаратиш асарларнинг сюжетли асосини сиқиб чиқазар экан, шакл ва услуб, ранглар жилоси, бўёқлар маънодорлиги рангтасвир семантикасини бойитди, ботиний ва зохирий муносибликларни ўзида мужассам этди. Рамзий-метафорик тенденция йўлида яратилган асарларга Рихситилла Акрамовнинг “Севги боғи”, “Одам ва Ҳаво”, Хуршид Зиёхоновнинг “Ўзбеклар”, “Наврўз”, “Хоразм мусикачилари”, Леким Ибрагимовнинг “Амударё”, “Севги водийси”, Мухтор Исановнинг “Анор”, “Тандир”, Бобур Исмоиловнинг “Анорли дастурхон”, “Биринчи қор. Ота”, Акмал Нурнинг “Кун ва тун”, “Куй”, Журъат Раҳмонийнинг “Сўнги баҳор”, “Шарқ аёли”, Шавкат Ҳақимовнинг “Сукунат”, “Ой оғушидаги севишганлар”, Ғофур Қодировнинг “Бахтли оила”, Жавлон Умарбековнинг “Олтин шафтолилар”, “Болалигимиз ёзи”, Фаррух Аҳмадалиевнинг “Машраб”, “Буёқ ипак йўли” картиналарини мисол қилиб келтириш мумкин. Уларда Шарқ миниатюраси, лирикаси ва мусикасига хос ички ва ташқи уйғунлик ўз аксини топган.

Мазкур тенденция жамиятда пайдо бўлган турли маънавий ва фалсафий қарашлар манбаидаги этномаданий мерос билан боғлиқ янги бадийий ғояларни идрок этишни биринчилардан бўлиб ўртага ташлаганлигига кўра аҳамиятлидир. Рангтасвирда муайян ғоя ёки хиссиётни романтик афсоналар руҳи билан ифода этиш аниқ бир вақт жараёнини ўзгача кўринишда талкин этиш, рамзлар орқали фикрлаш имконини беради. Мазкур тенденциянинг ўзаги лиро-эпик, афсонавий эртақ ва асотирлар оламига хос поэтик-романтик хиссиётлар, чуқур фалсафий тинчликлар орқали азалий комиллик йўлига интилган инсон қалбини кашф этишдек ўзига хослиги Тилаб Махмудов ёзганидек “Шарқ романтизми эстетикасига” бориб тақалади. Рангтасвир бадийиятига кенг мазмун бахш этувчи бу хусусият қатор асарларда бадийий феноменга айланди. Яратилган асарлар дунёни янгидан англаш, борлиқни кенг мушоахада этиш ва шу тариха ҳаётнинг азалий саволларига жавоб излашдек тафаккур саволларини ўртага ташлайди. Уларда дунёни англашнинг анъанавий тасаввурлардан келиб чиққан асосий жиҳати, аввалгилардан фарқли равишда иррационалликнинг рационалликдан устун келишидек мантук ётади.

Рамзий-метафорик тенденциянинг етакчи хусусиятларидан яна бири рангтасвирда тасаввуф ғояларининг акс этишидир. Ўрта асрлар тасаввуф ғоялари, дунёқароши ва эстетик тамойилларига янгича ёндашув Файзуллаҳон Аҳмадалиев, Аслиддин Исаев, Акмал Нур, Жамол Усмонов, Ғофур Қодиров, Шавкат Ҳақимов ва бошқа рассомлар ижодида ўзининг бадийий талқинини топди. Яратилган асарларда рассом ижодидаги тасаввуф талқинлари, яширинган сўфийлик ривоятлари хикматини ўрганиш ижодкорни маърифатнинг олий нуқтаси билан бўладиган мулоқоқлар ўрнатиш воситаси эканлиги акс этди. Илоҳий руҳга эришиш саодати, комилликка интилиш йўли рангтасвир асарларидаги тасаввуфнинг ўзига хос талқини тарзида композиция, сюжет, ранглар градиациясида бадийий ифода этилди.

Рамзий-метафорик тенденция тараккиётида неопрIMITИВИЗМГА асосланган рангтасвир намуналари ҳам ўзини намоян этди. Европада XX асрнинг бошидаги шаклланган ва ўзининг эстетик хусусиятларига эга бўлган содда ҳамда примитив санъат хиссиётларнинг самимиёлиги, қундалиқ оламни дактикლოსкопик аниқликда кўришдек алоҳида жиҳатлари билан тасвирий санъатдаги муайян йўналиш тусини олган эди. Янги тенденция шаклланиб борар экан, рассомлар ижодида неопрIMITИВИЗМ қайта идрок этилиб, синтез қилиш ҳолатлари кузатилди. Мазкур тенденцияга ижодий ёндашиш соддалик, беғуборлик остида Шарққа хос донишмандликни мужассам этишдек ўзига хос сифатни юзага келтирди. Хусусан, рассом Шавкат Ҳақимов ижодида бу жараён неопрIMITИВИЗМ даражасига чиққанлиги тадқиқот хулосаларида ўз аксини топган. НеопрIMITИВИЗМ асосида рамзий-метафора орқали интеллектуал фалсафий қарашлар, шарқона донолик, яширинган хикматларни ифодалаш мазкур тенденциянинг алоҳида сифатлари бўлиб майдонга келди.

Замонавий бадний жараёнда шаклланган рамзий-метафорик тенденция ўзининг ахамиятлилик даражасини кўрсатар экан, қуйидаги етакчи хусусиятлари белгиланди: **биринчидан**, мазкур тенденция рассомларга мозийни ўрганиш ва олис тарих қатламларидаги қадим оҳанглари чуқур идрок этиш орқали азалий қадриятларнинг замонавий талқинини яратиш имконини берди. **Иккинчидан**, борлиққа рассомнинг субъектив муносабатини рамз, белги, ишора ва тағмаёналарга тўлиқ композицион яхлитликда ифодалаш, азалий қадриятлар ва миллий хусусиятлардан иккиламчи архетипларни яратиш учун рағбатлантирувчи омил тарзида фойдаланиш шарт-шароитини етилтди. **Учинчидан**, халқ маданияти анъаналари, анъанавий номоддий мерос билан боғлиқ афсонавий поэтика комплексини долзарблаштирди ва реалистик рангтасвирдан аста-секин узоклашиш ҳамда фигуратив тасвирлар ўрнини белги ва мавҳумлик билан тўлдириш, Европа рангтасвири тажрибасини ўзлаштириш орқали ўзида автохтон санъатнинг архаик белги ва рамзлари асосида интеллектуал пландаги янги ижодий тажрибаларга йўл очди. **Тўртинчидан** эса мазкур тенденция замонавий рангтасвир эстетикаси ва поэтикасининг маъно-мазмуни ўзгариб бораётганлигини кўрсатиб, унинг эртанги тараққиётга хизмат қилувчи воситаларини аниқлашга ёрдам берди.

Миллий анъана тургун, ҳаракатсиз бўлмаслиги, аксинча ўзгараётган дунё билан биргаликда ўсиб, унинг миллий туб асоси, характери тобора кенгрок идрок этиб борилиши лозим. Бугунги бадний жараёнда мероснинг янги қатлами – ислом, тасаввуф, мумтоз шеърят анъаналарига боғлиб тараққий топа бораётганлиги янгича илмий қузатувлар олиб боришини тақозо этади.

Миллий ўзликни англаш жараёни ниҳоятда мураккабки, у бир томондан миллий ва маънавий меросга умуминсоний мезонлар нуктаи назардан кенг мушоҳада орқали ёндашиш билан бир қаторда, иккинчи томондан, яқин тарих идеалларидан буткул воз кечиш эвазига ўз ўтмишини иделлаштириш, диний қадриятларга бирёклама ёндашиб, илоҳийлаштириш, пафосга ва ҳиссиётчанликка берилишдек зиддиятли қутбларни ўз ичига олади. Айни мана шу қутблар нафақат миллий ўзликни англаш, балки мамлакат санъатининг бундан кейинги ривожланиш йўлини ва эстетик идеалларини белгилашдек мураккаб масалани олдинга суради.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвиридаги янги тенденциялар таҳлиliga бағишланади. Муаллиф томонидан амалга оширилган таҳлиллар Ўзбекистон рангтасвирида афсонавий, шеърый меросга, анъанавий ва инновацион бадний концепцияларга мурожат билан боғлиқ бўлган реалистик, рамзий-метафорик ва шартли-декоратив тенденциялар ривожланганини кўрсатади.

Статья посвящена анализу новых тенденций в живописи Узбекистана периода независимости. Проведенный автором анализ показал, что в живописи Узбекистана развиваются такие тенденции как реалистическая, символично-метафорическая и условно-декоративная, связанные с обращением к мифо-поэтическому наследию, к традиционным и инновационным художественным концепциям.

Article is devoted to the analysis of new tendencies in painting of Uzbekistan of the period of independence. The analysis of a number of works of painters which is carried out by the author has shown that in painting of Uzbekistan such tendencies as realistic, symbolic and metaphorical and conditional and decorative, connected with the appeal to mifo-poetic heritage, to traditional and innovative art concepts develop.



АДАБИЁТШУНОСЛИК



Бахтиёр ЁКУБОВ

1986 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат санъат институти (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. “Изҳор” номли шеърый тўплами чоп этилган. “Хато”, “Умид” фильмлари сценарий муаллифи. Хорижий нашрларда бир қанча мақолалари нашр этилган.

ДРАМАТУРГИЯДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

Табийки, ҳар бир халқнинг, миллатнинг маданияти, санъати, жумладан, театр санъати ҳам ўзига хос бўлади. Унда ўша миллатга хос муаммолар, мавзулар, воқеалар ва тақдирлар акс этади. Тарихдан биламизки, ўтган асрда профессионал шаклга кирган ўзбек театри қанчадан-қанча бадний баркамол асарларни саҳнага кўйди. Уларнинг кўпчилиги ҳам бадний, ҳам ғоявий, ҳам композицион жиҳатдан мукамал даражадаги асарлар эди. Бирок ҳаммаси ҳам театрлар репертуарларидан муқим жой ололмади, бармоқ билан санарли бир неча спектаклларгина саҳнада узок “яшаб” колди, томошабинлар талабига кўра қайта-қайта саҳналаштирилди. Бу ерда асосий масала, ўша асарларнинг халқ кўнглига қанчалик яқинлигидадир. Масалан, ўтган асрнинг сўнгги чорагида саҳнага чиққан “Келинлар кўзғолони” (драматург – Саид Аҳмад, режиссёр – Баҳодир Йўлдошев) спектакли неча юз маргалаб ўйналди ва ҳар сафар аншлаб бўлди. Албатта, бу борада актёрлар ансамблининг алоҳида ўрни бор. Бирок муваффақиятнинг бош сабаби драматургия, постановкада, декорация ва мусикада миллий колоритнинг юқорилигидадир.

“Келинлар кўзғолони”нинг бадний компонентлари миллий қадриятлар замирига қурилган бўлиб, уни балки бошқа миллат вакиллари тушунмас (жумладан, шунча кишининг она раъйига қарши боролмаслиги, онанинг барчани бир хондонда олиб ўтириши, ўзро муносабатлар қабилар), лекин ўзбек томошабини учун у ердаги бирор воқеа-ҳодисага изох шарт эмас. Барчаси тушунарли ва ҳаётийдир. Худди мана шу ҳаётийлик омиллари асар муваффақиятини таъминлади.

Собик шўро даврида фавқулодда ходисалардан бўлган бундай спектакллар жуда камдан-кам яратиларди. Зеро, миллий қадриятларнинг ҳар қандай шаклда тарғиб қилиниши тоталитар тузум мафқураси ва ғояларига мувофиқ келмас, у иттифокдош халқларнинг миллий ўзлигини англашга бўлган интилишини кўзгаши мумкинлигини қизил мафкура мутасаддилари яхши тушунарди.

Миллий қадриятлар масаласидаги бундай чеклов нафақат санъат, ижтимоий соҳадаги барча жабҳалар қатъий назорат остида эди. Собик иттифокда миллатлар генофонди, унинг ижтимоий муаммолари тўғрисидаги масала билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмади.

Мустакиллик даврининг илк кунларидан бошлаб миллий кадриятлар, миллий ўзликни англаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бу масалага давлат сиёсати даражасида ахамият берилди. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Қаримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ва мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.

Истиклолнинг дастлабки йилларида театрлардан томошабин қадами узилиб қолган, театр ижодкорлари ҳам кишиларни қандай асарлар билан жалб қилиш борасида бош қотиришарди. Эътироф этиш лозимки, мана шундай мураккаб бир пайтда театрга томошабинларни қайтарган, театрга қайта жон бағишлаган асар “Чимилдик” (драматург – Эркин Хушвақтов, режиссёр – Турғун Азизов) бўлди. Шундан сўнг, мамлакатимиз театрларида миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз акс этган спектакллар кўплаб яратила бошланди. Тўғри, театр томошабин дидига мослашиши керак эмас, бироқ томошабинсиз ҳам театр мавжуд эмас. Шу боис, халқона томошалар воситасида театр ижодкорлари томошабинларга қадим ажодимизлардан ўтиб келаётган умуминсоний ғояларни сингдиришга, ёш авлодни бобомерос анъаналарга хурмат руҳида тарбиялашга интилишди.

Ўзбек театри ўзининг муҳим ижтимоий вазифасини шундай йўл билан бажаришга бел боғлади. Натижада, театрларимизда “Чимилдик”дан сўнг бирин-кетин “Қаллик ўйин”, “Қирмизи олма”, “Андишали келинчак”, “Кўнги”, “Халоллик тилаб келдим” (Эркин Хушвақтов); “Аёлғу”, “Ўлдинг – азиз бўлдинг”, “Меҳр нури”, “Кампир топайми, дадажон?” (Холик Хурсандов); “Ўзбекча рақс” (Нурилла Аббосхон); “Тили асалим” (Ҳайитмат Расул); “Тонг отган тарафларда” (Усмон Азим); “Тўйдан кейин томоша” (Шукрулло); “Чеча” (Мели Юсупов) каби асарлар саҳналаштирилди.

Драматург Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдик” асарида оила ҳамда унга боғлиқ кадриятлар мукаддаслиги ҳақида сўз борса, “Қаллик ўйин”ида инсонни суратига-мас, сийратига кўра кадрлаш, қалбон яқинлик ва ички маънавият барча нарасадан устун экани илгари сурилади. Мазкур асарида муаллиф халқ орасида мавжуд бўлган, бироқ кўпчилик учун нотаниш, шу билан бир қаторда яхши тушуниб етилмаган “Қаллик ўйин” одатининг моҳиятини очиб беради. Асарда бу жараён ота-онадан ёш етим қолган укаларини “оёкка қўйиш” учун меҳнат қилиб, ёши ўтган йигит ҳамда ўз тенгини, кўнглига яқин инсонини тополмаган эркақшода киз ўртасидаги дастлаб кескин, сўнгра бир-бирига яқинлашиши оқибатида юзага келган ўзига хос драматик вазиятда акс этадики, томошабин беихтиёр ҳаётда ўзгаларнинг бахтини деб ўз бахтига эришолмаган кишилар учун бу қадимий одатнинг нечоғлиқ ахамиятли эканини англайди. “Қирмизи олма”да драматург халолликни, “Андишали келинчак”да оиланинг асоси, бахт сари йўл сабр эканини ўзига хос кўримларда ифодалайди...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йўналишдаги пьесаларнинг аксарияти комедия жанрига мансуб бўлиб, муаллифлар замонавий кишилар орасидаги муаммоларни кулги йўли билан очиб беришга интилишмоқда. Бир қарашда бундай асарнинг кўлами фақатгина маиший даража билан чекланиб қолгандек туюлади. Дарҳақиқат, уларнинг аксариятида маълум бир миллатгагина хос бўлган хусусиятлар ифодаланади. Бироқ шу билан биргаликда уларнинг замирида инсон ва унинг кадр-қиммати масаласи ётадики, буни фақатгина бир миллат ёки халқ доирасида чегаралаб бўлмайди. Зеро, инсон бор экан, унинг муаммолари бир-бирига ўхшаш, бир-бирига ёндош бўлади.

Шундай асарлардан бири Холик Хурсандовнинг “Ўлдинг – азиз бўлдинг” комедиясидир. Одатда бундай сахна асарлар ё ҳолат, ё бўлмаса характер комедияларига бўлинади. “Ўлдинг – азиз бўлдинг” пьесасида эса муаллиф ушбу унсурларнинг ҳар иккаласини омухталаштиришга эришган. Қўлгили ҳолатдаги кишиларнинг характерларидаги нуксонлар ҳам ақс этади. Асар воқеалари жуда содда тузилган. Кексайиб қолган Мавлон ота дўсти уста Йўлдошнинг таъзиясига бориб келади ва у ердаги ҳолатдан жуда таъсирланади. Мотамда дўстининг биттаю битта ўғлининг йўқлиги, отанинг ўзгалар томонидан тупрокка қўйилгани Мавлонни ташвишга солиб қўяди. Мавлон марҳум дўстининг биттаю битта фарзандини еру қўкка ишонмай қатта қилганини, ягона суянчигим, эртага ўлсам ўлигимни қаровсиз қолдирмайди, деган гапларини изтироб билан эслайди ва ўзининг эртаси ҳақида ўйлаб қолади. Тўғри-да, ёши бир жойга бориб қолди. Ўлим ҳақ. Бир куни омонатини топширадиган бўлса, унинг ҳам бошида “отам”лаб турадиганлари келмай қолишса-я!.. Бундай хавфни олдини олиш керак!.. Мавлон чол шу ниятда ўта жиддий билан хотини Ойдона ва дўсти Авазларни чақириб, уларга қаттиқ шарт қўяди: уни ўлдига чиқариб, фарзандларини чақиртиришни, уларнинг барчаси йиғилмагунча бу сирни очмасликни буюради. Шу йўл билан кимнинг қанакалигини билиб олмоқчи бўлади. Табиийки, бундай қалтис ишга Мавлон отанинг дўсти ҳам, хотини ҳам қаршилик қилишади. Мавлон чол бўлса, уларни кўрқитиш мақсадида дўсти билан хотинини бевафоликда айблаб, уйдан кетмоқчи бўлади... Қийин-қистовга олиб хотини ва дўстини қўндирган ва ҳатто, уларга қасам ичириш даражасигача борган Мавлон чол фарзандларини кута бошлади. Чолнинг қатта ўғли Султон вилоят микёсидаги раҳбарлардан. Унинг учун ўз обрўси кўп нарсадан устун туради. Шу боис, жанозага келган чоғида ҳам атрофдагиларнинг назарида эканини эсидан чиқармайди. Кейинги ўғил Достон ҳам яхши ишда ишлайди. Хизматчилар билан юради. Ўзини жонқуярдек, меҳрибондек қилиб кўрсатади. Аслида эса унинг оқибати ёлланма марсиячилару Шуриқнинг (хизматчиси) югур-югуридан ортмайди. Чолнинг кенжа ўғли Бўстон – шоир. Баландрарвоз, хавойи туйғулар билан осмонларда учиб юради. Умуминсоний туйғулар ҳақида гапиради ўзида буларнинг биронтаси кўринмайди. Қизи Гулистон фақат ота-онасини кўргандагина меҳрибон. Мавлон чолнинг фарзандлари пьесада ана шундай тасвирланади. Ушбу тасвирлардан улар орасида биронта ҳам яхшиси йўқмикин, наҳотки, бари салбий бўёқларда тасвирланган бўлса, деб ўйлаб қолсан, киши. Бундай мулоҳазалар бизни беихтиёр ушбу асарнинг сахнавий талқинларига кизикишга ундайди.

Ушбу асар тўртта театрда – Муқимий номидаги мусиқали драма театрида (“Ўлдинг – азиз бўлдинг”, трагикомедия), Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида (“Ўлдинг – азиз бўлдинг”, мусиқали фарс), Жиззах вилоят мусиқали драма театрида (“Қайсар чолнинг қилиғи”, трагикомедия), Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида (“Бир ўлиб кўрай-чи”, мусиқали фарс) сахналаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ушбу асар ўзига хос оҳангларда талқин этилади. Улардан фақатгина Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрларининг сахна талқинларида сюжет пьесадаги каби бўлиб, муаллиф ғоясини сақлаб қолган. Тошкент ва Жиззах театрларида бироз ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг талқинида пьесадагидан фарқли равишда асар сўнггида Мавлон чол ростдан ҳам ўлади. Ундан олдин эса фарзандлар алданганликларини билиб, оталаридан ҳафсалалари пир бўлади ва бундай қалтис ҳазил қилганлиги учун оталаридан ранжиб кетиб қолишади. Мавлон чол бундай кўргиликни кўтаролмайди. Ва оқибатда ростдан ҳам Мавлон чол хавотир олган ҳодиса рўй беради, жанозада фарзандлар қатнашишмайди.

Бир қарашда бундай яқун ваъда қилинган трагикомедия учун табиийдек. Бирок бутун асар давомида ўзи четда турган бош қахрамон Мавлон отасиз воқеалар содир бўлади, улар ривожланади, ечим топади. Натижада томошабиннинг барча диққат-эътибори Мавлон қолнинг ўлимига қаратилиб, асарда айтилмокчи бўлган – одамлар бир-бирига, айниқса, фарзандлар ўз ота-оналарига меҳрибон, ғамхўр, эътиборли бўлишлари керак, деган асосий фикр чиқмай қолади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят мусикали драма театрларида режиссёр Мансур Равшанов мазкур пьесани мусикали фарс тарзида сахнага олиб чиққан. Шу сабабли асардаги энг катта ёлғон – Мавлон қолнинг бир ўлиб кўриши қайсидир маънода ўзини оқлаган.

Бадийликнинг муҳим шартларидан яна бири адабий асарда мазмун билан шаклнинг уйғунлигидир. Тошкент ҳамда Жиззах театрлари талқинларида асар якуни ўзгача бўлиб, Мансур Равшанов спектакларида асар пьесадаги каби ечим топади. Яъни асар сўнггида қол фарзандларига уларни синаб кўрганлигини, бу иши учун кечиришларини сўрагандан кейин фарзандлари ҳам отадан хафа бўлишмайди ва оталарининг тириклигига хурсанд бўлганча, меҳр билан қучишади. Асарнинг бундай яқун топиши эса, томошабин ва ўқувчига биз учун қадрли бўлган кишиларни тириклигида хушнуд этайлик, ҳолларидан хабар олиб, қорига ярайлик деган инсонпарвар ғояни беради. Бу асарнинг, айниқса, ёшлар тарбияси учун аҳамияти катта бўлиб, Мавлон қолнинг фарзандлари характерлари жамиятдаги турли қатламлар вакилларида намуна сифатида олингани яққол кўриниб туради. Бу эса бизга, ҳаётда ким бўлмайлик, раҳбарми, амалдорми, ижодкор ёки хунармандми ҳар қандай вазиятда ҳам инсонийликни эсдан чиқармасликка, ўзимиз учун қадрли бўлган кишиларга эътиборли, ғамхўр бўлишга қорлайди. Худди мана шундай фикрларни қучайтириб бериш учун ҳам муаллиф асарга турли хил персонажларни қўшадики, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўзаро муомалаларидан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқаришимиз мумкин бўлади. Жумладан, асарда Шуриқнинг ўз хўжайинига қўшилиб, “отам”лаб йиғлаши ҳаётимизда учрайдиган баъзи бир киёфасиз, буқаламун кимсаларни ёдимизга солади. Улар хўжайинга яхши кўриниш ва ҳимоясида юриш учун минг турли киёфага қирадилар. Бундай одамлар ҳатто ўз ишларининг ёмонлигини, инсон деган номга нолайқлигини яхши билишади. Бирок нафс измидаги бундай кимсалар учун мансаб, мартаба, манфаат ҳамма нарсадан устун туради.

Миллийлик контекстида умуминсонийлик, байналмилаллик ғояларини ифода этган асарлар сирасига “Аёлғу” (Валижон Умаров, Холик Хурсандов), “Ўзбекча ракс”, “Жайдари келин” (Нурилла Аббосхон) қабиларни ҳам киритишимиз ўринли. Бу асарлар режиссураси, актёрлик ижроси, сценографияси томонидан қанчалик муваффақият қозонган бўлса, бунга биринчи навбатда уларнинг драматургияси муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, спектаклнинг асосий воқеалар йўналиши, конфликт ва характерларнинг ўзига хослиги авваламбор адабий асосда акс этади. Аввал таъкидлаганимиздек, бугунги кунда бу каби асарларнинг томошабинлари кўп. Айнан мана шу омил миллий қадриятлар акс этган пьесаларнинг кўпайишига замин яратади. Ўз ўрнида бу ҳолат драматурглар олдида катта талабларни ҳам қўяди. Хусусан, улар икки хавфдан эҳтиёт бўлишлари лозим. Биринчиси, оригиналлик масаласи. Бу йўналишга тинимсиз мурожаат қиладиган драматург кўпинча ўзини-ўзи такрорлаб қўйиши мумкин. Бу ҳолат кўпинча, драматургнинг аввалги асари муваффақияти боис юз беради: муаллиф томошабиннинг талаби ортидан кува бошлайди. Натижа эса шунга яраша бўлади. Иккинчидан, мавзунинг ўта маънавийлаштириб юборишдан сақланиш лозим. Гарчи драматургик материал асоси

хаётдан олинса-да, хаётдаги барча воқеа-ходисаларни сахнага кўчириб бўлмайди. Ўз асариди миллий қадриятларни акс эттиришни мақсад қилган муаллиф аввал улар орасидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлганларини саралаб олмоғи ва бир миллат, бир халқ хаёти мисолида бутун инсониятга тааллуқли бўла оладиган фикрни айта олиши лозим. Театр санъатининг бошқа санъат турлари, хусусан, яқка тартибда ҳис этиладиган мусиқа ва тасвирий санъатдан фарқли томони ҳам у оммавий томоша қилинади ва сахнада туриб айтилаётган фикр муаллифнинг субъектив дунёқараши маҳсули бўлиши керак эмас. Муаллиф ўз асари орқали томошабинга етказмоқчи бўлган фикрини, албатта, умумий ҳақиқат талабидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий фикр шаклида етказиши лозим.

Маълумки, ҳар қандай қонун устувор бўлган мамлакатда ҳам хаётнинг ҳар бир ҳолатини ҳуқуқий жиҳатдан қамраб олиб бўлмайди. Шундай ҳолатлар бўладигани, қонундан кўркмайдиган, унга бўйсунмайдиган кишилар ҳам ота-болаларидан ўтиб келаётган идумлар олдида масъулиятли бўлишлари мумкин. Миллий қадриятларнинг кишилар онгига чуқур сингдириш етук шахсларни тарбиялаш билан бирга жамият хаётини ҳам ижобий ўсиб боришига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундан ташқари фақатгина миллий қадриятлар туфайлигина одамлар қалбида ватанга, оилага, ота-онага муҳаббат каби туйғулар шаклланади.

Шу маънода бадий адабиётнинг, жумладан, драма асарларининг ижтимоий ҳаётимизда алоҳида ўрни борки, у кишилар қалбида ўз миллий қадриятларига муҳаббат уйғотиб, уларни ўзлигини танишга, Ватан ва миллат тарихи, бугуни ва келажати учун дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва курашишга ундайди.

РЕЗЮМЕ

Миллий қадриятлар миллатни, халқни ўзаро бирлаштирувчи, жислаштирувчи кучдир. Театрда миллий қадриятлар тарғиб этилган, уларнинг умуминсоний, эзгу хусусиятлари ифодаланган асарлар саҳналаштирилгандагина бу санъат тури ўзининг ижтимоий вазифасини бажарган бўлади. Мақолада драматурглар олдида турган мана шундай долзарб вазифа қай даражада удаланаётгани драматургик асарлар таҳлили асосида тадқиқ этилади.

Национальные ценности являются объединяющей, сплавивающей нацию и народ силой. Театр может выполнить свою социальную функцию только ставив на своей сцене те произведения, в которых воспеваются национальные и общечеловеческие ценности. В статье, основываясь на анализ произведений современных драматургов, исследуется вопрос – насколько современные драматурги справляются стоящей перед ними задачей.

National values are the power that can unite the nation and the people. The type of art will have accomplished its social function when the plays that propagate national values and the plays which contain humane and positive features of these values are staged in the theatre. The article explores how the important tasks that lie before playwrights are being completed through the analysis of the plays.

КЎНГИЛ МУЛКИ

Абдуҳамид ПАРДАЕВ

1958 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-
нинг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини та-
момлаган. Ж.Дони, Ж.Байрон, П.Шелли, Ж.Китс, Р.Тагор,
А.Пушкин, А.Блок каби шоирларнинг турқум шеърла-
рини, Б.Паскаль, Э.Фромм, Н.Бердяев, Ф.Достоевский,
В.Кунин, М.Русси, С.Беллоу қаламига мансуб бадий ва
фалсафий асарларни ўзбек тилига ўсирган.



ҲУВАЙДО ОРЗУЛАР

*Агар сен бор бўлсанг ердами, кўкда,
Ёки борса-келмас бирон овлоқда.
Қуёш ётар жойи – алвон уфқда,
Оёқ куяр саҳро ё ёнар тоғда,
Мен сени топаман, ҳақиқат!*

Абдумажид АЗИМ

Таникли шоир Абдумажид Азим навбатдаги “Ошиқ дилим”¹ шеърлар тўпламини китобхонлар ҳукмига тортиқ қилди.

Сўнги ўн йиллик аввалида истиклолдек беназир неъматни тортиқ қилган йигирманчи аср халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Халқимиз маънавиятининг мезонларидан бири бўлган адабиёт соҳасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Бадий ижоднинг турли жанрларида жаҳон адабиётининг энг сара асарлари билан беллаша оладиган ижод намуналари яратилди. Абдумажид Азим мансуб авлоднинг бахти шундаки, улар адабиётимиздаги ана шундай ижодий юксалиш даврида адабиёт майдониغا кириб келди. Бинобарин, устоз шоирларнинг кўтаринки, парвози юлдузлар қадар юксак романтик шеърияти сарчашмасидан баҳраманд бўлган Абдумажид Азимнинг “сийрати Мажнунсифат, суврати мастона” лирик қахрамони умидлар оламига талпиниб яшайдиган, ҳатто “Ё ҳаёт, ё мамот!” дея ҳақиқат ханжарини кўксига санчишга шай Гамлет сингари ёвқур орзумандлар сирасига қиради.

Таникли мунаққид Иброҳим Ҳаққул ёзади: “Олимларнинг эътирофлари бўйича ҳинд, юнон, чин тушунча тизимидан фарқли ўларок, туркий халқлар фикр ва тушунча тизимида миллат севгиси, Оллоҳ қўрқуви ва тўғрилиқ доимий равишда устуворлик қилиб келган”.

Ўзбек шоирлари миллат ва Ватан севгисини нанки юксак пардаларда қуйлайдилар, балки ватан меҳри, дарду ҳасратларини чинакам ватанпарвар фидойиларга хос ихтиёрий равишда “кўзга мил каби” тортадилар.

Абдумажид Азимнинг шеърый ижоди ҳам, аввало, Ватанга меҳр-мухаббат, унинг буюк истикболга қомил ишонч билан йўғрилган. Бинобарин, “Шу мушфик улусни онам деб суйдим”, деб ёзади. “Шарку Ғарб эшиги” – дарвозаси

¹ Абдумажид Азим, “Ошиқ дилим”, “O‘ZBEKISTON” НМИУ, Т., 2015 йил.

бўлмиш жаннатмонанд она юртни ўғлон сифатида “отам дея суйгани”га, “ёрим дея” ардоклаганига шеърларида қайта-қайта урғу беради.

Абдумажид Азим “бағрикенг, соғинчлар юрти” Сурхондарё фарзанди. Атоқли адибимиз Шуқур Холмирзаев пойтахтда умргузаронлик қилганига карамай, қалбан Бойсун бағрида яшаб ўтди. Абдумажид Азим шеърларида ҳам “ёбонларида ҳамон болалиги тентираб юрган Сурхон боғларининг” соғинчи устувор. Бу самимий соғинч она Ўзбекистонга меҳру муҳаббат пойдеворидир.

*Табаррукдир киндик қоним томган макон,
Ховлиларни райҳонларнинг ҳиди тутган.
Лойсувоқ уй, ўчоқ, тандир, қора қумгон,
Ватан асли, Ота уйим, мени кутган.*

*Ўша азиз масканларни соғинаман,
Чоғим келар кўчаларга солиб сурон.
Бу дунёда битта сенга юкинаман,
Онажоним, меҳрибоним, Ўзбекистон.*

Энг муҳими, Ўзбекистон аҳлини шоир “отам-онам дея суйиш” билан кифояланмайди. Шоир илҳом оғушида “хувайдо орзулар”и билан парвоз қилар экан, буюк истикбол сари талпинади.

Ҳозир баландпарвоз романтика даври ўтди дея даъво қилувчилар кўпайган. Бирок орзу-умидсиз ҳаёт йўқ.

Бобомерос адабиётда айтилмаган фикр йўқ ҳисоби. Айниқса, мумтоз Шарқ шеърлятида қаламга олинмаган мавзу топилиши даргумон. Шу боис кўҳна ва навкирон шеърят бўстонида янгилик яратиш амри маҳол. Лекин мазкур бўстон кўркига имкон қадар тароват бахш этиш ҳар бир шоирлар авлодининг муқаддас бурчи. Муҳаббат ва комиллик армони, она-юрт равнақи, қолаверса, комиллик соғинчи билан йўғрилган самимий тизмалар фикримизни исботлайди.

Ҳажми ёстиқдай айрим шеърӣ тўпламларни заррабин билан хиҷжалаб ўқиганда ҳам қалб сардафтарига зарҳал харфлар билан мангуликка битиш учун арзийдиган теша теғмаган назмӣ жавахир топиш даргумон. Қувонарли жиҳати шундаки, пиروвард натижада комилликка ундовчи шоирона бокира илҳом билан ёзилган, безовтаю беором қалб қони ила омухта, юракка қўшқанот шеърят ёмбиларини Абдумажид Азим шеърляти сардафтаридан топасиз.

*Фақир йўли панада дерлар,
Ётар ери ёнада дерлар,
Фақирмисан, ҳақирми, нодон,
Юраккинам, уйқудан уйгон!*

*Кўзинг ерда, кўнглинг ойдадир,
Оёқларинг аммо лойдадир.
Қийнал майли, азоблан, тўлгон,
Юраккинам, уйқудан уйгон!*

Юрагида муҳаббати бисёр, ғайрат-шижоати чексиз шоир руҳиятида инқилоб рӯй беришини истади. Зиддиятли қисмат билан аёвсиз жангга киришади. Машрабнинг аччиқ армон билан йўғрилган: “Бу ғафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас” мисраси ёдга келади. Абдумажид Азим ҳам наинки қалбини, қалб кўзгусида акс этаётган замондошларни ғафлатдан уйғонишга, давр билан ҳамнафас, ҳамқадам

бўлишга чорлайди. Максад – умрини ўтаган, миллат, она Ватан равнакига монелик килаётган “сохта таомилларни бузишу Музаффар эл-юртни тузиш”дан иборат!

Абдумажид Азим лирик қахрамони тор-махдуд, манфаатпараст “мен” доира-сидан чикиб, ижтимоийлашган шоир – шахс даражасига юксалгани “Алиф қадли эл-юртни тузиш”дек муқаддас вазифага астойдил чоғланишию буюк “келажакдан имдод кутиши”да яққол кўзга ташланади.

Шоир ўзи эътироф этгандек, ҳасрат дафтарининг бир саҳифасини муҳаббат чечаклари безаса, бошқа бир саҳифасида нафрат алангалади:

*Тилла қадаҳимда май ўрнига хун,
Рухим сарватида васваса, жунун.
Елкамдан босади рутубатли тун,
Нохуш тушларимни чапта йўйдим мен.*

Азал-азалдан муҳаббат фарзанди бўлган шоирлар айни пайтда ҳақгўйлиги, ҳақиқатпарастлиги билан ҳам эътибор қозониб келади. Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор дегандай, ҳақиқатнинг кўзига тик қарашга ҳамма ҳам журъат эътавермайди.

*Ноёб бир матодир ҳақ сўз биламиз,
Ёлгонга тобемиз, аммо, барибир.*

Шоир – илҳом фарзанди. Шугина эмас. Илҳом бахш этган қўшқанот туфайли шоир, лоақал, ижод лаҳзаларида заминдан узилади – юксакларга беихтиёр парвоз қилади, тенгсиз куч-қудрат соҳибига айланади. Навоий ҳазратлари илҳом шарофати билан наинки дунёнинг салкам ярмини эгаллаган туркий халқлари, шунинг баробарида жамики эзгу ниятли аҳли башарни “яққалам айлайди”, Бобораҳим Машраб айни илҳом бахш этган куч-қувват билан “дўзахни пистанинг пўчоғига жойлайди”.

Замонлар ўзгаргани билан қалбимизни ҳамон азалий кечинма-туйғулар жунбишга солаверади. Шу боис Машрабнинг:

*Аҳволи дилими айғоли бир маҳраме топмай,
Зулмингни қариндошу гамингни падар этдим, –*

байтига, Абдумажид Азимнинг армон билан йўғрилган:

*Куним гурбат, туним гурбат, сафолар қайда қолмишлар,
Хобгоҳим совуқ турбат, садолар қайда қолмишлар, –*

сатрлари ҳамоҳанг жаранглайди.

“Оташ шамолларга бағрини кенг очган” шоир шеърлятида, шунингдек, ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва нафрат, ёвузлик ва эзгулик сингари боқий мавзулар шоирона маҳорат билан васф этилади. Бу борада мунаввар тонг тимсоли шеърлардан шеърларга кўчиб, буюк иқбол мағғига айланиши бежиз эмас, илло истиклол йўлидан мардона одимлаётган бунёдкор халқимизни буюк келажак – истикбол ва иқбол уфқлари чорлаётир.

Шоир бир шеърда: “Она, туғилайин оппоқ тонг билан” дея ҳайкиради. “Эврилиш” шеърда эса “тамомила бошқа одам бўлиб уйғонишни” орзу қиларкан, эзгу ниятларини овоза қилади:

*Уйғонаман, руҳимда титроқ,
Оҳларимни ичимга ютиб.
Зулумотни унутиб, бироқ
Ёруғликни энтикиб кутиб.*

Ҳақиқат кўзига тик караган шоир ҳатто ўлимдан ҳам хайикмайди. Қуйидаги сатрлар гўё жафокаш, бироқ эътиқоди қоядай мустаҳкам кодирийлар хайкириғидай янграйди:

*Бир жонимдан қўрқсам агар, ўзлим ёлгон,
Қаро ерга қирайин-о, кўк кийсин осмон.*

*Бу ўлимим ҳақсизликка қарши исёндир,
Риё, алдов забун бўлган бир гўзал тонгдир.*

Тўпламнинг “Ошиқ дилим” тарзида номланишида теран маъно бор. Шоир “Ишк экан энг буюк нажот дунёда” дея эътироф этаркан, “ишк” калимасига оламжаҳон моҳият жо эканини юрак-юрагидан ҳис этади. Бу шоир кўнглидаги шунчаки хою-хавас эмас, балки том маънодаги ишк дарди, таъбир жоиз бўлса, Оллоҳ муҳаббати экани билан қимматли.

XX асрда, даҳрий мафкура ҳукм сурган шароитда ҳатто Оллоҳ номини шеър-га солишга изн берилмасди. Ҳолбуки, “шеър – бошқача йўлда изҳор қилиб бўлмайдиган дардчил туйғу. У ижтимоий хою-хаваслар дахл қилмайдиган хаводан нафас олади” (Улуғбек Ҳамдам). Факат истиклол шарофати билан бу асрий анъана яна шеърятимизда бўй кўрсата бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркуми яратилди. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи эса том маънода муножот туркумидаги шеърлар битди.

Абдумажид Азимнинг ҳам “фано зиндонидан” безор лирик қаҳрамони Парвардигори оламга юзланиб росмана муножот қилади. “Бу кун юрагимни тилмасам бўлмас, Ҳаққа илтижолар қилмасам бўлмас” дея ёзғирар экан, ишкка ташна калби ғолиб туғдай Яратган томон чорлайди.

*Ит нафсим занжирга боғлаб ниҳоят,
Адам саҳросига бадарга қилдим.
Мен кимман? Пойинга етолсам шояд,
Кўк сари азм этдим, кўкка интилдим!*

Бошқа бир шеърда эса шундай хитоб қилади:

*Нисбийдир макону вақт,
Ҳар заррада ҳукми Ҳақ,
Қудрат йўқ мангу барҳақ,
Парвардигордан бўлак.*

Мазкур тўплам шаклий жиҳатдан ранг-баранг. Публицистик кўтаринкилик билан қанотланган манзумалар билан басма-бас ўйноқи халқона оҳанг билан йўғрилган тароналар беллашади. Шоир қатор тўртликлар ва туюклар ҳам ижод қилгани эътиборни тортади:

*Кўнгил, сен ўзингни овутиб яша,
Тақдири азалнинг ишига кўнгил.
Умримнинг наст-баланд йўллари оша,
Сендайин бир маҳрам топмадим, кўнгил.*

Мазкур туёқ тугал фикрга эга экани ва шеърый санъатлар билан зийнатлангани диққатга сазовор. Хусусан, “кўнгил” сўзи дастлабки сатр бошида ҳам, қолаверса иккинчи ва тўртинчи сатр сўнггида ҳам келиб, тақрир, яъни тақрор санъатини вужудга келтирган. Лекин “кўнгил” калимасини бўғинларга ажратсак, яна икки хил маънога эга “кўн” ва “гил” сўзларига эга бўламыз. Зотан, шоир мазкур калиманинг мана шу жиҳатидан ҳам маҳорат билан фойдалана олганда, бу туёқ яна ҳам бетакрор чирой касб этган бўларди.

“Ошиқ дилим” тўпламида оташнафас Усмон Носирга бағишланган шеър бор. Атоқли шоирга Абдумажид Азимнинг ихлоси бежиз эмас. Усмон Носир машхур шеърларидан бирида қалбига мурожаат қилади:

*Юрак, сенсан, менинг созим,
Дилимни найга жўр этдинг.*

“Юрак, сенга айтаман дангал, Мени кўп ҳам эркалатма, бас!” дея ўз қалбига самимий юзланган Абдумажид Азим ҳам қомил ишонч билан хитоб қилади:

*Энди мен қоинот фуқаросиман,
Сомон йўлларидек ёруғдир ўйим.
Мен бу кун оламда энг улкан Одам,
Энг ёруғ юлдузга етади бўйим.*

Шоир ўзини наинки она табиат, балки чексиз қоинот билан бир бутун ҳис этиши учун қайси маъволарга юксалган бўлиши керак? Ниҳоят, энг улкан Одам бахтини теран ҳис этган Абдумажид Азим лирик қаҳрамонининг қадду бастаи энг ёруғ юлдузни ҳам ортда қолдирганига ишонгимиз келади.

ҲУКМАТ

**Қимнинг асли яхши бўлса,
Қилиқлари гувоҳ бўлади. Ёмоннинг
аслига ҳам қилиқлари гувоҳлик
беради.**

Юсуф Хос ҲОЖИБ



ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ



Маҳбубахон ТЕМИРОВА

1965 йилда туғилган. Қирғизистон давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Ўзбек ва қирғиз фольклорига мақоллар муштараклиги” ўқув қўлланмаси, умумий таълим мактабларининг қирғиз тилида ўқитиладиган синфлари учун 4-синф “Она тили”, 5-синф “Қирғиз тили”, 7-синф “Адабиёт” дарсликлари муаллифи.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР МАҚОЛЛАРИДА ОБРАЗЛАР ФУНКЦИЯСИ

Мақоллар поэтикаси масаласи муҳим ва мураккаб бўлиб, бу жанрнинг ихчам шаклга эга эканлиги, айни пайтда ижтимоий-фалсафий мазмуни теранлиги билан ажралиб туради. Бу мураккаблик ихчам шаклда чуқур мазмунни ифодалаш билан боғлиқ.

Мақоллар бадиятига оид айрим изланишлар фольклоршуносликда мавжуд бўлса-да¹, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёслаш асносида бадият масаласига алоҳида тўхталган тадқиқотлар яратилмаган.

Мақоллар поэтикаси ҳақида сўз борганда, даставвал, унинг шакл тузилишига тўхталиш лозим. Чунончи, ибратли ҳукм, хулосани бадий воситалар орқали ифодалаш поэтиканинг бош масалаларидан бири ҳисобланади.

Мақолларнинг поэтик шакли шеърини ўлчов, ҳижо, кофия, ассонанс, эллипсис каби бадий воситаларнинг қўлланишини текширишни талаб қилади. Ўзбек халқ мақоллари, шунингдек, қирғиз халқ мақоллари ҳам структурал жиҳатдан икки хил шаклга эга; насрий ва назмий.

Наср шаклидаги мақоллар оддий сўзлашув услубидан фарқланади. Бундай мақолларда образлилик ва шаклда ихчамлилик бўлади. Ўғит бериш функциясига асосланган мақоллар осон ёдда қолиши учун ритмик жиҳатдан шакланган бўлади².

Икки халқ мақолларида образ яратиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Асрлар давомида сайқалланиб, мазмунан ва бадий жиҳатдан бойиб борган мақолларда турлича образлар тизими мавжуд.

Мақолларда муайян воқеликнинг ўзи эмас, балки шу воқеликдан келиб чиқадиган ҳукм-хулосалар киска шаклда, умумлаштириб ифода этилади. “Шунинг учун ҳам уларда конкрет индивидуал образ, унинг кечинмалари эмас, балки бир-бирига ўхшаш кўпгина воқеа-ҳодисалар ҳақидаги омманинг лўнда хуло-

¹ Саримсоков Б. Халқ тафаккурининг олмос катралари. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1984. – Б.336-350; Саримсоков Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент, 1978. – Б. 43-51; Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских народных пословиц. АҚД. – Ташкент, 1986.

² Соатов Б. Взаимосвязь паремнологических жанров и поэтические особенности узбекских народных пословиц. – Ташкент: Фан, 1994. – С.86.

салари ифодаланади. Демак, макол жанри учун образни индивидуаллаштириш эмас, аксинча, умумлаштириш хос”³.

Маколларда қўлланилган образлар олами ранг-баранг. Реал ҳаётний образлар, масалан, эр, хотин, чол, кампир, бола, киз, йигит, бой, камбағал, чўпон, чорвадор, подшо, кайнона, кайнота, келин, куёв, ака, ука, опа, сингил қабилар. Маколларнинг аксарияти даврий чегараланиш хусусиятига эмас, образларнинг умумлашма тарзда бўлиши боис ҳам бундай маколлар ҳар қайси жамият, давр, мафкура шароитида ҳам сақланиб келади. Маколларда жамиятнинг турли табақа, соҳа кишиларининг образлари ҳам учрайди. Масалан, “*Камбағални от устида ит қопар*”, “*Аёлниң ҳусни пардозда эмас, ақлида*” ёки “*Пазанданиң гўжасидан ош чиқар, Ношудниң паловидан тош чиқар*”.

Маколларда тарихий ёки афсонавий шахслар номлари ҳам учрайди. Масалан, Хизр, Сулаймон, Аёз, Аёз момолар шулар жумласидан. Бундан ташқари, шахс, киши номлари ҳам умумлашма маънода келадиган маколлар ҳам мавжуд: “*Абдулҳаким овга чиқди, Орқасидан гавго чиқди*”. Қирғиз халқ мақоли: “*Асанкайғи өз үйүндө жек көрүндү болот*” ёки “*А болду, бу болду, Алжыбайды там басты*”. Бу турдаги маколларда келтирилган исмлар халқда кўп учрайди.

Маколларда ифодаланган инсон образи муайян шахс бўлмай, қайсидир тоифага мансуб одамларни англатади. Масалан, “*Бахилниң боғи қўқармас*” сингари ўзбек халқ мақолида ёки “*Бакылдын бағи көгөрбөйт, көгөрсө да көбөйбөйт*” қирғиз мақолида “бахил” номи остида хасис, нокас кимсаларнинг умумлашма образи намоён бўлади.

“*Бой бойга боқар, Сув сойга оқар*” ўзбек мақоли ёки қирғиз фольклоридаги “*Бай байга қуят, суу сайга қуят*” мақолида юқори табақага мансуб ҳисобланган бойларнинг ўз тоифаси билангина муносабатда бўлиши таъкидланган. Бундай маколлар даврий чегараланишга мансуб эмас.

Айрим маколларда учрайдиган киши номлари эса машҳур тарихий ёки афсонавий шахслар ёхуд халқ ўртасида катта шухрат қозонган киши номларидир. Масалан, қирғиз халқ маколларидан: “*Токтогулдай ырчы бол, Толубайдай сынчы бол*”. Қирғиз халқида машҳур Тўктогул оқинни ёки Тўлибой синчини билмаган одам йўқ. Ушбу оқин ва синчининг хунарига барча бирдек тан беради, оқин бўлса, Тўктогулдек, синчи бўлса, Тўлибойдай бўлсин-да, дейилади.

Ўзбек халқ мақолларидан: “*Аёз кўрган кунинг унутма, Кўн чоригинг қуритма*”. Мазкур халқ мақолининг келиб чиқиши оддий чўпондан халқ етакчиси даражасига кўтарилган ҳалол, доно Аёз ҳақидаги эртақ сюжети билан боғлиқ. Аёз исмли чўпон ақлу фаросатининг юқори даражадалиги сабабли вазир этиб тайинланади. У ўтган оғир кунларини унутмаслик учун чоригини ўз хонаси эшигининг тепасига осиб кўяди ва ҳар сафар унга кўзи тушганида шу сўзларни айтган. “*Кўн чоригини қуритма*” бирикмасининг мазмуни шундан иборатки, қадимда хом теридан тикилган чорик ёрилиб кетмаслик учун ёглаб турилган.⁴

Демак, макол мазмунидан кўринадики, мазкур жумлалар юқори мартабага эришгач, ҳаволаниб кетган одамларга нисбатан қўлланади. “Биров” сўзи остида киши, шахсларнинг айрим сифатларига ишора қилинади: “*Биров ўламан деса, биров қуламан дейди*”, худди ушбу макол қирғиз халқида бошқачароқ тарзда учрайди: “*Бирөө олут жатса, бирөө күлүп жатат*”. Ушбу ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида ҳар кимнинг ўзига хос қайфияти борлиги ва бир вақтда икки хил экани, дарду ташвиши ҳам бошқа-бошқа экани англашилади.

³ Имомов К., Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - Б.96-97.

⁴ Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Ҳикматнома. - Тошкент: Мехнат, 1990. - Б.13.

Киши исмларининг сифатлаш ўрнида келтирилиши ҳам кузатилади: “Ақл – Ҳасан, одоб – Ҳусан”. Мақолда ақл ва одоб эгиз тушунчалар эканлиги шахс номлари орқали образли ифодаланмоқда.

Нодон ва доно, ақли ва аҳмоқ, тўғри ва эгри, мард ва номард, яхши ва ёмон, бахил ва сахий, дўст ва душман кабилар бир вақтнинг ўзида ҳам кишилар сифатини, ҳам уларнинг хулқ-атворини билдиради: “*Номардга иши тушмасан Марднинг қадрини билмас*”, “*Аҳмоқ ўзини мақтар, Тентак қизини*”, “*Ақлгига – ҳурмат, ақсизга – қаттак*”.

Мақолларда образ яратиш тамойиллари жанрнинг специфик хусусиятлари билан боғлиқ. Мақоллар битта гап шаклида бўлганда ҳам умумий ҳукм-хулосани акс эттиради. Айрим мақолларнинг тузилиши икки компонентли бўлганда, биринчи компонент ўз маъносида келса, иккинчи компонент кўчма маънода қўлланади. Образ яратилиши эса маълумки, кўчма маъно акс эттириш билан боғлиқ. Масалан, “*Қамши сувдан тўймас, Ёмон хотин – тўйдан*” мақолида асосий мазмун иккинчи компонентда ифодаланмоқда. Бу ерда таъмагир, ўз нафси кўйида юрадиган, каерда ош-нон бўлса колмайдиган андишасиз аёл хагга-харакати худди доимо сувда ўсадиган қамиш образига таққосланмоқда. Қирғиз халқидаги “*Жаман катын мактанат, жарга тартын аттанат*” мақолининг иккинчи компонентида ҳам асосий мазмун ифодаланмоқда, яъни ёмон хотин ҳамиша ишни орқага тортади, ёмон хотин билан яшаш жараёнида ҳеч қачон ҳаёт олдига силжimasлиги, жарга (пастликка) тортиб туриши айtilмоқда. Мақолнинг биринчи компонентида таққослаш йўқ, лекин ўз маъносида, ёмон хотин иши яхши бўлмаса-да, мақтанишни қанда қилмаслиги хусусида бормоқда.

Баъзан мазмун жиҳатдан бир-бирини инкор қилувчи мақоллар ҳам учрайди. Масалан: “*Ҳар нарса ўз ерида қадрли*” ҳамда “*Ҳар нарса ўз ерида қадрсиз*”, ёки “*Ҳисобли дўст айрилмас*”, ҳамда “*Ҳисоблаган дўст эмас*”. Қирғиз халқида ҳам айнан шундай мақоллар мавжуд. Бундай мақоллар вазиятга нисбатан қўлланади.

Мақоллар бир қанча фольклор жанрлари таркибида ҳам келади. Масалан, кичик шеърлий шакл термаларда ҳам мақоллар қўлланиши кузатилади. И.Турсуновнинг термалар тадқиқига бағишланган тадқиқотида “оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида бўлгани каби термаларда ҳам мақоллар” қўлланиши ва мумтоз адабиётда ирсоли масал санъати дейилиши таъкидланади. Маълум бўлишича, мақоллар дostonчилар репертуарида дostonларнинг насрий қисмида ўзгартирмай, назм қисмлари ва термаларда айнан ёки кофия ҳамда вазн талабига кўра ўзгартириб қўлланади.⁵

Тадқиқотчи Эргаш Жуманбулбул ўғли сўз қадри ва дostonчилик маҳорати ҳақидаги термасида “*Яхшидан от, ёмондан дод*”, “*Вақтинг — бахтинг*” каби халқ мақолларини айнан қўллашини ёки Фозил шоир репертуаридаги “*Бўлмаса*” радифли термасидаги куйидаги банддаги мақолдан фойдаланганини кўрсатади:

*Отинг ёмон бўлса, армонинг кетар,
Ўелинг ёмон бўлса, дармонинг кетар,
Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетар,
Бу учов дуч келмас, шўринг бўлмаса.*

Ушбу мисолдаги тўртинчи мисра олиб ташланса, у халқ мақолининг айнан ўзидан иборат бўлиб қолишини тўғри белгилайди. Бу парчада йигит кишининг оти, ўғли, хотини ҳаётида муҳим ўринга эга эканлиги, учаласи унинг обрўси, орияти ва ғурури экани мақол шаклида ифодаланган. Ўзбек халқ дostonлари таркибида қўлланган мақол-термалар дostonнинг умумий мазмун-мундарижаси

⁵ Турсунов И.Н. Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2009. – Б.13.

билан алоқадор бўлмаса-да, асарда маълум бир бадий юк ташиydi. Тадқиқотда 118 мисрალი халқ термаларининг бирида эллиқдан ортик халқ мақолларининг кўлланилишини кузатиш мумкинлиги айтиб ўтилади.⁶ Демак, мақоллар асосида терма ижод килиш қадимдан анъана бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Фольклор жанрлари сирасида мақоллар ўзининг яшовчанлиги, мукаммаллашиб ва бойиб бориши билан фаркланади. Ҳар икки халқнинг паремиологик фондида аналогияси (муқобили) мавжуд мақолларнинг учраши мазкур икки халқнинг яшаш тарзи, тафаккури, маданияти, адабиёти ўртасида муайян муштараклик борлигини далиллайди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари мақолларини тўплаш, қиёсий ўрганиш, уларнинг моҳиятини ёритиш билан туркий халқларнинг бой ўтмиши, анъана ва урф-одатлари, турмуш тарзи ҳақида маълумот олиш мумкин. Ҳар икки халқ мақоллари мундарижаси ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий масалаларга онд мавзулардан иборат. Уларда ўзбек ва қирғиз халқлари вакилларининг ватанга, меҳнатга, илмга, оилага, фарзандга, жамиятга бўлган муносабатлари ўзининг бадий ифодасини топган.

Туркий халқлар фольклоридаги мақоллар асрлар давомида инсониятни эзгуликка, олижанобликка ундаган, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаган, тинчлик, фаровонликни улуглаган. Бу хусусиятлари билан мақоллар ҳамма вақт инсонлар учун ҳаёт дарслиги ҳисобланган.

Мақоллар инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантирувчи асосий восита эканлиги билан аҳамиятлидир. Икки халқ афористик фондида шу кунгача сақланиб келган халқ мақолларини қиёсий ўрганиш мазкур мақолларнинг тарихий ва тадрижий такомил хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Чунки қон-қардош, девор-дармиён яшаган икки халқнинг тафаккур даражаси, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари бир-бирига мувофиқ бўлган.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг тематик ва ғоявий жиҳатдан турли хиллиги қадим даврлардан халқ оғзаки ижодининг гуллаб-яшнаганидан далолат беради. Мақоллар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалаларини қамраб олади. Уларда умумтуркий халқларнинг тарихи, эътиқоди, дунёқараши, тафаккур тарзи ифодаланган.

Ҳар икки халқ мақоллари умрбоқийлигининг сабаби аждодларимизнинг мақолларда ифодаланган ўлмас қадриятлар ва халқ ҳаёти тарихига бўлган муносабати ҳамда уни ўрганишга бўлган интилишидир.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг муштараклиги образлар оламида, ритмик-синтактик тузилишида, композицияда, поэтик ва семантик хусусиятларда, тил хусусияти, ғоявий мундарижасида яққол кўзга ташланади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг образлар олами ранг-баранглиги, функцияси, яратилишидаги ўзига хослиги хусусида сўз юритилади.

Автор статьи рассуждает о многогранности существующих образов в узбекских и киргизских народных пословицах, их функции, а также специфики их создания.

Article considered differences between proverbs of Uzbek and Kyrgyz languages and their functional peculiarities of their appearance.

⁶ Турсунов И.Н. Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т. 2009. – Б.13.



ЙИЛЛАР, ВОҶЕАЛАР, ХОТИРАЛАР



Назира ШАЙХОВА

Олий таърифадаги ишфокор, тиббиёт фанлари номзоди. Тошкент давлат тиббиёт институтининг (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) даволаш факультетини тамомлаган. Аҳоли тиббий маданиятини ошириши мавзусида республика матбуотида кўплаб илмий ва оммабон мақолалари чоп этилган.

ОНА ЕР СОҒИНЧИ

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Ҳазрати Имом мажмуасига ҳар сафар дилимда ифтихор билан келаман. Бойси шу мажмуага ярашиб тушган Тиллашайх мачити тарихи билан оиламизнинг тарихи кўшилиб кетганидир. Кўнглимда фахр уйғотадиган яна бир туйғу менинг боболарим Тилла Шайх бува ҳамда Саидазим Муҳаммадбой ўғли, шунингдек, укам Ҳожиакбар Шайхов билан боғлиқ. Ўйлаб қарасам, укамнинг ёзувчи бўлиб адабиётда ўз ўрнини эгаллаши ҳам бежиз бўлмаган, бунга боболаримнинг тарихи, онамнинг сўзлари ва қонимизга сингган Ватан дарди, Тошкент соғинчи сабаб бўлган экан.

Ҳожиакбарнинг таржимаи ҳолида туғилган жойи, худди бошқа опа ва сингилларим, укаларим каби Хитой Халқ Республикасининг Чугучак шаҳри деб ёзилган. Бойси бувамиз Гулом қори Тилла шайх ўғли Ватанимиз тарихида кечган оғир давр – инкилобий тўнтаришдан кейин қатағонга учраб, Шарқий Туркистонга қочиб жон сақлаган, биз онам Муяссархон Гулом қори қизи ва отам Ислом шайх Баҳром шайх ўғлининг Ватандан жудолик даврида кўрган болалари эдик.

1927-1928 йиллар кулоқларни синф сифатида тугатиш номили кампания бошланиши билан кўплаб оилаларнинг бошига қулфат тушгани маълум. Бу офат бизнинг оиламизни ҳам четлаб ўтмаган. Аямнинг айтишларига қараганда, 1928 йилда, тун пайти бувамнинг дўсти дарвозамизни тақиллатиб келиб: “Советлар сизни қулоқ қилиб отиб ташлашмоқчи, шу кечанинг ўзида Тошкентдан чиқиб кетмасангиз, кеч бўлади”, дея огоҳлантирган экан. Бувам Гулом қорининг фуқаропарварлиги, 1924-1925 йиллардаги очарчилик пайти отаси қурдирган Тиллашайх мачитида қатта қозонда овқат тайёрлаб, очларга тарқатганлари, мамлакатда фуқаролар уруши авж олган пайтларда боқувчисиз қолган оилаларга ёрдам берганлари бир томон бўлиб, унинг бадавлат савдогар Тилла Шайхнинг ўғли эканлиги, ўрис подшоси Александр II фахрий фуқаро унвонини берган тошкентлик машҳур савдогар Саидазимбойнинг невараси куёви эканлиги, ота томонидан шажараси Хўжа Аҳрорга бориб тақалиши тарозини босиб кетган.

Гулом қори бир вақтлар қарорчи бўлиб ишлаган бир ўрис киши билан биргаликда Тошкентдан чиқиб кетади. Тақдирга битилган ватанжудолик шу қуни бошланган эди.

Бувам Хитойнинг Син-Цзян ўлкасидаги Чугутак шаҳридан қўним топади. Ўша ерда савдо ишларини бошлаб юборади, оёқка туради. Аям Мукамбархон, фарзандлари учун боғ яради, уй қуради. Ўша даврларда Чугучак шаҳрида

электр манбаи бўлмаган. Фулом кори Туркистондан келиб ўрнашган бир нечта бойларни тўплаб, уларга бош бўлади-да, маблағ йиғишиб, электр станцияси қуришади. Кейин мачит солишади, ўзбек мактаби очишади.

Гўёки совет катағони дахшатлари олисда қолгандай эди. Лекин катагон хорижда яшаётган ўзбек зиёлилари ва уламоларига ҳам панжа узатади. 1939 йилнинг кишида, тунда уч киши Фулом корининг уйига кириб келади. “Фулом кори Тилла Шайх ўғли, сизни олиб кетамиз, вақтимиз зик, тезда кийининг”, – дейишади. Бувамни оёғида биргина калиш, эгнида чопон билан, оила аъзолари билан тузукроқ хайрлашишга имкон бермасдан, “тезда кайтиб келади”, деб олиб чикиб кетишади. Фулом кори Урумчи шаҳар камоқхонасига, кейинчалик Хитой камоқхонасига олиб кетилади. Шу билан бувамиз кайтиб келмайди...

Биз бувамнинг бошидан ўтган бу воқеаларни анча кейин, Мустақиллик даврига келиб билдик. Унгача мен ҳозир ҳикоя қилганларни аям биз – фарзандлардан яшириб келган. Бунга катагон дахшати юракларга солган кўркув сабаб бўлганмикин ёки фарзандларини кўламини ўзи ҳам билмаган қандайдир хавф ёки хатарлардан ҳимоя қилиш истаги сабаб бўлганмикин, айтиш кийин.

Хаёт давом этавераркан... Чугучак шахрида радиоприёмниклар пайдо бўлади. Мукамбархон аям (яъни, бувим) “Тошкентни эшитса бўларкан”, деган хабарни эшитиб, тинчини йўқотади. Радиоприёмник жуда қиммат экан-да! Отам аямнинг дардини тушунганидан, кичкинагина приёмникни унча-мунча эмас, икки юзта кўйининг пулига харид қилади.

Ўша пайтда онам менга ҳомиладор экан. Аям “қиз туғилса, исмини Маҳмудахон, Маҳфузахон ёки Манзураҳон кўямиз”, деб юраркан. Уйга радиоприёмник олиб келиниб, Тошкентдан эшиттириш бериладиган вақтда мурватни бурасалар, суҳандон “Назира Аҳмедова куйлайди”, дея эълон қилибди. Шу сабаб бўлиб, исми Назира бўлибди...

Аям бизга бир гапни кўп такрорларди: “Бу ерда туғилган бўлсаларинг ҳам, аслида тошкентликсизлар, Худо хоҳласа, албатта, Тошкентга, Ватанга кайтамиз”.

Аям окшомлари бизга эртақлар айтиб берарди. Унинг эртақларида ибратомуз гаплар кўп бўларди. Масалан, “Саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютардим”, дебди аждар”, – деганда, биз “Ассалому алайкум” сўзининг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушунардик, Ўғри ва Тўғри ҳақидаги эртақни эшитганда, ҳалолликни англардик, доно малика тўғрисидаги кўпчалар эса бизга заковатнинг кучи нималарга қодирлигини кўрсатарди. Кейинчалик тушундимки, аям афсонавий гўзал боғни тасвирлаганда ўзига хос тарзда Ватан манзарасини чизар экан: “Боғ теварагида баланд терақлар ўсаркан, уларнинг тақинасида ариқча жилдираб оқаркан, баҳор келганда ариқча лабида ялпизлар кўқараркан, боғда аввал ўриқлар, кейин гилослар, охирида олмалар, беҳилар гулга кираркан...”

Кейинчалик Ҳожиакбар укамнинг қатор фантастик асарларини ўқиганимда аям айтган эртақлардаги ибратлиликни, таъсирчанликни кўрдим. Мен оиламизнинг барча аъзолари катори унинг ҳар бир асарини ўқиганман. Ҳожиакбарнинг кўп ҳикоя ва қиссаларида тасвирланган Она ер соғинчи ҳисси болалигимизда, аям дилимизга солган Ватан туйғусидан ўсиб чиққан, деб биламан. Унинг қахрамонлари қонотда, олис сайёралар сари учиб борар эканлар, Она ерни соғинадилар, заминдаги ҳар бир мавжудотни азиз деб билдилар, улар учун инсонийлик, дўстлик, садоқат ва заковат тушунчалари жуда муқаддас. Чунки бусиз йиллар бўйи қонот сафарида бўлиш мумкин эмас. Айниқса, “Рене жумбоғи” қиссасидаги профессор Рененинг жасурлиги, капитан Азизовнинг фидойилиги, Шавкатнинг зукколиги мени жуда таъсирлантирган.

Аям Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини бекитиб, “ҳеч кимга бу

ҳақда гапирманглар”, деб тайинлаб ўқитганларини ҳамон эслайман. Бир куни аям “Қодирий менинг отам Саидқаримбой хомийлик қилган рус-тузем мактабида таълим олган, яхши ўқигани учун отам уни соат билан тақдирлаган экан”, деди. Саидқаримбой тошкентлик савдогар Саидазим Мухаммадбойнинг ўғли бўлиб, Саидазимбой Тошкентда янги усул мактабларини ташкил этиш ташаббускори, Шайхонтохурдаги Эшонқули додхо мадрасаси биносини мактабга айлантирган, кейинчалик ҳам мактаб учун мунтазам равишда маблағ ажратиб турган, икtidорли ўқувчиларни тақдирлаган экан. Саидқаримбой эса отасининг ишини давом эттирган, бир сафар ўқишини яхши ўзлаштирган еттита ўқувчини соат билан тақдирлаган, айтишларича, ўқувчиларнинг ичида Самарқанд дарвозалик Абдулла Қодир ўғли ўзининг заковати билан ажралиб тургани учун олтин соат билан мукофотланган. Абдулла Қодир ўғли кейинчалик ёзувчи Жулқунбой – Абдулла Қодирий бўлиб танилди.

Биз кейинчалик Саидазимбой ҳақида ҳам кўплаб хотиралар эшитдик. Мана, шундан баъзилари: Саидазимбой 1863 йил савдо ишлари билан Россияга кетатуриб, Туркистон шаҳрига рус кўшинлари хужуми арафасида етиб келади. Шунда Саидазимбой Туркистон ҳокими Мирза Давлатбой додхондан 250 кўкон тилласига рус асирини сотиб олиб (бу аскар Тобольск губернияси деҳқони Данило Коробкин бўлади), рус ҳукуматига топширади ва иккала томоннинг ярашишига сабаб бўлади. Ўз навбатида Саидазимбой рус ҳукумати томонидан 1863 йил 18 августда “Станислав лентасидаги кумуш медаль” билан тақдирланади...

Аям Ойбекнинг “Навойий” романини, Гафур Гуломнинг “Ёдгор” кассасини ўқитганлари эсимда. Хорижда ҳам миллий адабиётимизга муҳаббат руҳида тарбия топганимиз айнан аямнинг хизматлари эди. Айниқса, Тошкентни соғиниб қийналган кезлари қўлларига дутор олиб: “Қачон бўлғайки топгайман хабар ёру диёримдин”, ёки “Сайдинг кўябер сайёд, сайёра экан мандек”, – деб куйлаганида уйимизга сукунат чўкарди. Айтилган кўшиқ юракка кириб борар, туйғулар дутор торларига кўшилиб кетар эди. “Ўткан кунлар” романидаги:

Аё чарх, этдинг оғир жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, дилимда колди фарёд.
Ҳаётим лоззоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулин кўкка совурдинг; –

сатрларини ёддан ўқирди. Аям Фузулий, Лutfий, Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фуркатнинг кўп ғазалларини ёддан биларди, уларни ўқиб, мағзини чақиб берарди. Ҳожиакбар укамнинг таниқли ёзувчи бўлиб етишишининг неғизид аяжоним берган маънавий асослар ётибди, десам муболага бўлмаса керак. Чунки бизда адабиётга муҳаббат уйғотган инсон аям бўлган эди.

1945 йилда Алихонтўра Соғуний бошчилигидаги Шинг-Жонг ўлкасининг уч вилояти – Тарғаботой, Олтой, Ғулжадан иборат бўлган Шарқий Туркистон республикаси ташкил этилди. Шунда Ҳожиакбар йўрғақдаги чакалоқ эди. Тўрт йилдан кейин бу вилоятлар Хитой Халқ республикасига кирди, отам Тарғаботой вилояти транспорт идорасига раҳбарлик қила бошлади. Онам эса ўзбек мактабида математикадан дарс берар эди.

Оиламиз Ватанга қайтиш имконига эга бўлганда Ҳожиакбар ўн ёшда эди. Ҳамон эслайман. 1955 йилда хорижда яшаётган ватандошларга ортга қайтишга рухсат берилди. Лекин Ватанга қайтишнинг бир шarti – улар Қозоғистон шимолида очилган кўрик ерларни ўзлаштиришга боришлари керак эди. Оиламиз биринчилар қатори бу шартга рози бўлиб, совет элчихонасига мурожаат қилишди. Не-не текширишлар билан чегарадан ўтиб, Қозоғистон чеккасидаги Аягуз шаҳарчасига етиб келдик. Бизни у ердан Павлодар поездига чиқаришди.

Отам катта хитойи термосни олиб, станция биносига қайнок сув олиш учун кетди-ю, тезда қайтиб келди. “Аяси, мен кўкон дўппи, бекасам чопон кийган бир ўзбекни кўрдим, гаплашдим, у Тошкентдан экан, – деди севиниб. – Худога шукр, Тиллашайх мачити омон экан, одамлар ҳар жума куни у ерга намозга боришар экан. Мен у одамга биз Тилла Шайх авлодимиз, ўша мачитда у кишининг бошка авлодларидан бирортаси бўлиши керак, бир парча хат ёзиб берсам, етказа ола-сизми, деб сўрасам, етказиб бераман, деди”.

Шу куни отам аям, онам ва ўзининг номидан қисқача хат битиб, унда кетаётган манзилмизни кўрсатиб, ўша кишининг қўлига обориб берди. Бу киши Аягуз – Тошкент поездининг проводниги экан. “Сиз билан Тошкентда кўришиш насиб этсин, илоийм”, – деди отам хайрлашаркан. Поезд юриб кетди. Отам эса у кишининг яшаш манзилини билиб олишга улгурмаганидан афсусланиб қолди.

Павлодарга етиб келгач, бизни “Иртиш” совхозига олиб боришди. Ўн бир жон бўлиб битта йўлак билан туташтирилган иккита каталакдек, битта сал каттарок хонага жойлашдик. Мен Чугучакдаги ичкари-ташқари ҳовлили, саккиз хонали шинам уйимизни, боғимизни эсладим. Аям эса: “Худога минг қатла шукр, энди Тошкентга кетамиз”, – дерди.

Отам қандайдир қурилишга ишга кирди. Хоналарда ҳаммага жой етказиш кийин бўлганидан сандиклар устига кўрпача ташлаб, иккитадан болани ёнма-ён ётқизишарди, озик-овқат маҳсулотлари кам, палов қилиш учун Иртиш туман марказидан қурилган тўғралган сабзи олиб келишгани ҳамон эсимда.

Биз Чугучак шаҳрида уйғур тилида, араб алифбосида ўқиган эдик. Иртиш совхозда қозоқ мактабига қатнаб, қозоқ ва рус тилларини ўзлаштира бошладик. Қўлларимиз араб алифбосига ўрганганидан кирилчасига чапдан ўнгга томон ёзишга қийналардик. Ҳожиакбар жула тийрак бола эди. У янгича сабоқларга биздан тезроқ ўрганди, осонроқ ўзлаштирди.

Кўп ўтмай, совхоз директори (отасининг исмини билмасдик, бу киши ҳаммамиз учун Сафар оға эди) “Тошкандан туғушқанларингдан хабар келди”, – деб телеграмма олиб келди. Телеграммада: “Хатингизни олдиқ, хурсандимиз. Тошкентга келинг, кутамиз. Нигмон қори ва Низом қори”, деб ёзилган, манзил кўрсатилган эди. Бизга жавоб йўллаганлар бувам Ғулом қорининг укалари экан.

Отам директордан рухсат олиб, аям билан бирга Тошкентга жўнади. Аям хурсандлигидан нуқул йиғлар, “Йиғирма олти йил дегаңда орзумга етдим”, дер эди. Орадан уч ярим ой ўтгач, отам оиламиз билан Тошкентга кўчиб ўтишга рухсатнома олиб келди. Шодлигимизнинг чеки йўқ эди.

Тошкентга етиб олиш учун Иртиш дарёсидан Барнаулгача парохолда бордик, у ердан эса поездга ўтирдик.

Тошкентда 40-ўрта мактабда ўқий бошладик. Онам биздан аъло ўқишимизни талаб қиларди, бизнинг бўш вақтимиз бўлмасди, ўқишдан ортган вақтимиз уй ишларига қарашини, китоб ўқиш билан ўтарди, ўқувчилар саройига қатнардик. Ҳожиакбар укаларим Шухрат ва Саъбат қатори мусикани ўрганган, пианинони яхшигина чалар эди. Ҳожиакбар, айниқса, китобга ортик даражада меҳр қўйганди, у вазмин бола эди, ўғил болаларининг шовкин-суронли ўйинларига кўп ҳам қўшилмасди, тўполон қилиш унинг табиатига зид эди. Ўша пайтда ўзбек тилида босилган болалар китоблари унчалик кўп эмас эди. Жаҳон адабиёти, рус адабиёти вакилларининг болаларга атаб ёзилган асарларининг кўпчилиги хали ўзбек тилига ўтирилмаган эди. Шунинг учун ўзбек тилидаги болаларга аталган китобчаларнинг ҳар бири кўзга суртиб ўқиларди.

1955-1956 йилларда Тошкентда турмуш даражаси паст, дўконларда сарёғ, пиш-лок, гўшт маҳсулотлари тақчил, нон олиш учун эрталаб соат олтида бориб навбат олма-сак, нонни топиб бўлмас эди. Мактабга матодан тикилган жилд кўтариб борар-дик. Жилднинг бир чеккасига оғзига тикин тикилган сиёҳдон солинган бўларди. Биз

учига пўлат перо уланган ёғоч ручкаларни мана шу сиёҳдонга ботириб, эҳтиёткорлик билан ёзардик. Чунки салгина эҳтиётсизлик қилинса, кийимга сиёҳ сачраши ёки тўкилиши мумкин эди. Сиёҳнинг доғи эса ювса ҳам кетмасди. Атлас кўйлакни, сарпода келганлиги учун, факат келинлар кийишарди. Қизларга атлас кўйлак тиктириб кийгазишга ота-оналарнинг қурби етмасди. Биз косибга аям учун амиркон кавуш буюртирганганимизда уни эски латталарга ўраб, яширинча олиб келганмиз. Чунки одамлар кўриб қолишса, “шунчалик оғир даврда ҳам амиркон кавуш кийибди, пулни қаердан олибди”, деб бизнинг ҳам, косибнинг ҳам адабини бериши турган гап эди.

Мамлакатимиз мана шундай кунларни бошидан кечирганига гувоҳ бўлганим учун ҳам бугунги фаровон кунларнинг кадрига кўпроқ етиш керак, деб ўйлайман.

Бу орада онам Хастимомдаги ҳовлимизни қайтариб олиш ҳаракатига тушди, анча уринишлардан кейин буни уддалади ҳам. Чунки Тошкент шаҳар ижроия кўмитасига ёзилган аризасида бобом Гулом Қорининг кулоқ қилинмаганини таъкидлаб кўрсатган эди.

Ҳожиакбанинг биринчи ҳикояси газетада босилганда у ҳали 9-синфда ўқирди. У ёзувчиликни ҳавас қиларди. Ҳовлимизда укаларим шовкин солиб ўйнаган пайтлари у ичкари хонада мук тушиб, қоғоз кораларди. Ёзганларини болалар нашри тахририятларига жўнатар, почта орқали олган жавобларида кўпинча: “Ҳикоя ва мақолаларингиз устида кўпроқ ишланг” каби тавсиялар бўларди. Ҳожиакбар бу жавобларга жиддий қарарди, шунинг учун ўз тенгдошлари орасида билими, ўқимишлилиги билан ажралиб турарди.

Онамнинг барчамизни ўқимишли, зиёли кўриш орзуларини рўёбга чиқариш, иккинчи томондан, ўз она тилимизда таълим олишдек имкониятга эришганимиздан хурсандлигимиз учун ҳаммамиз мактабни олтин медалга битирганмиз. Мен, Маъсудахон опам, синглим Гули, укаларим Анвар ва Шуҳрат шифокор бўлишди. Ҳожиакбар, Санъат, Шавкат ва Асад эса техника йўналишини танлашди. Оиламиздан еттига фан номзоди етишиб чиқди. Кейинчалик синглим Гули тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ҳожиакбар эса фантаст ёзувчи бўлиб етишди.

Ҳожиакбар ёзувчи сифатида кўзга кўриниб, эътироф этилган кезларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Электроника илмий-тадқиқот институтида ишларди. Унинг ёшлар ижод намуналаридан тузилган тўпламда босилган илк ҳикоясини ҳамон эслайман. Ҳикоя ярашув машинаси яратган бола ҳақида бўлиб, сарлавҳаси тагига “хаёлий ҳикоя” деб ёзилган эди. Чунки ўша пайтда “фантастика” деган атама ҳали истеъмолга кириб келмаганди.

Ҳикоянинг мазмуни жуда ғаройиб, бола ажрашиб кетган ота-онасини яраштириш орзусида ярашув машинаси ясади. Лекин одамлар орасидаги меҳрни ҳеч бир машина ёрдамида яратиб бўлмаслигини, узилиб кетган кўнгил ришталарини боғлашга ҳеч қандай аппарат қодир эмаслигини тушуниб етди...

“Фантастик” деган сўз унинг асарлари сарлавҳаси остида кейинроқ пайдо бўлди. Биринчи китоби ҳаммуаллифликда босмадан чиққан. Бунинг тарихи ҳам қизик. 1972 йилда Ҳожиакбарнинг китоби босмага тайёрланаётганда ундан Тохир Ҳобиловнинг киссасини ҳам сизнинг китобингизга қўшиб, битта тўплам қилиб чоп этсак, дея розилик сўрашади. Ўша пайтларда кўпгина ёш ёзувчиларнинг китоблари шу тарзда босиларди. Ҳожиакбар рози бўлади. Шунда қилиб, укамнинг биринчи китоби “7-СЕР”нинг муқовасида иккита муаллифнинг исм-шарифи кўрсатилади: Ҳожиакбар Шайхов, Тохир Ҳобилов. Тақдирнинг ғаройиблигини қаранг, Тохир Ҳобилов укам билан битта мактабда ўқиган, иккови тенгдош, лекин бир-бирини яхши танимас экан. Шу сабаб бўлиб кейинчалик иккови дўстлашиб кетди. У йигит бир неча йил ўтиб, Тохир Малик тахаллуси билан танилди.

Бу орада оиламизда ҳам киши дилини қувонтирадиган воқеалар бўлди. Шулардан бири – отам Аягуз станциясида бизга ёрдам берган кишини топди. Мени

унаштиришиб, куёв томондан фотиҳа қилиш учун келган меҳмонларга тўнлар қийдирилаётган пайт отам қуда томондан келган бир кишини таниб қолиб, қучоқлаб олади. “Охири сиз билан дийдор кўришиш насиб қилди-я”, дейди хурсанд бўлиб. Атрофдагиларнинг ҳаммаси хайрон бўлганлигини кўриб: “Бу киши бизнинг хатимизни Аягуз шаҳридан қариндошларимизга етказиб берган эди, шу яхши инсон сабаб биз ўз юртимизга кела олдик”, дейди. Маълум бўлишича, бу кишининг исми Сирожиддин бўлиб, ўзи қуданинг кўшниси, маҳалла фаолларидан экан.

Оиламизни қувонтирган воқеалардан яна бири Ҳожиакбар укамнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо этиб қабул қилиниши бўлди. У биринчи ўзбек фантаст ёзувчиси сифатида ҳатто халқаро микёсда ҳам эътироф этилди, қатор китоблари босилди, асарлари хорижий тилларга таржима қилинди.

1992 йилда Россия телевидениесининг ОРТ канали Тошкентдаги Тиллашайх маъритида ўқилган хайит намозидан репортаж кўрсатди. Мен онамга кўнғирок қилиб: “Бобом ўзидан яхши из қолдириб кетган экан. Бугун Тиллашайх маъритида хайит намози ўқилганини кўплаб чет мамлакатларда кўришяпти”, – дедим. Онам: “Мени жуда хурсанд қилдинг. Хаёлимдан ҳозир Ғулом қори бобонгни НКВД олиб кетганини, унинг қатағон қилинганини, бошимиздан ўтган оғир қунларни эслаб турган эдим”, – деди. Кейин: “Энди НКВД ҳам, қатағон дахшати ҳам йўқ, айтсам бўлади”, – деб, бобом Ғулом қорининг бошидан кечган, мен юқорида ёзиб ўтган воқеаларни гашириб берди...

Оиламиз аъзоларини қувонтирган яна бир воқеа шу бўлдики, Ҳожиакбар АҚШда нашр қилинган жаҳоннинг энг етук фантаст ёзувчилари ҳақидаги энциклопедияга ўзбек адабиётининг вакили сифатида киритилди. Айтиш керакки, у Марказий Осиёдан кирган ягона фантаст ёзувчи бўлди. Бу унинг халқаро микёсда ҳам тан олинганини билдиради эди...

Ҳожиакбар “Сирли олам” журнали, “Қалб кўзи” газеталарини ташкил қилиш билан банд бўлганда, онам укамдан тез-тез: “Ишларинг яхшими? Илгари сил-жияптими?” деб сўрарди. Бир куни уйга онамни кўргани келсам, хафа бўлиб ўтирибди. Сабабини айтмайди. Кўярда-қўймай сўрайверсам, охири ёрилди. “Ҳожиакбар Янгийўлга кетди, – деди. – Қоғоз такчил эмиш, топилмаса, газетаси босилмасмиш. Э, Худо, шу қоғоз дегани бемалол бўлса нима қилар эди?” Оназор-да, ўглининг кичиккина муаммоси учун ҳам қуйинар эди.

Ҳожиакбар ҳам қуйинчак эди. Бу хислат унга онамдан ўтган бўлса керак, деб ўйлайман. У дўстларидан, яқинларидан ёрдамни ҳеч қачон аямаган. Унинг олдига истаган пайт дардлашиш, турмушда бўлиб турадиган муаммоларнинг ечимини бир-галикда топиш учун келавериш мумкин эди, у ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб, бизнинг “дил дафтар”имизни тинглаб, юпатар, керак ўринларда кўмак берарди.

Ҳожиакбар 2002 йилда, 57 ёшида вафот этди. У хасталикка чалинган эди. Кўпчилигимиз шифокор эмасмизми, унинг касаллигини, умри оз қолганини билардик. Лекин унга буни сездирмадик. Чунки Ҳожиакбар ҳаётни севарди, ғайрати кўп эди, ишга, ижодга чанқок эди. Унинг чанқоклиги сўниб қолмасин, дердик.

Менга айниқса, унинг “Дархон кўшиғи” ва “Умид сайёраси” ҳикоялари ёқади. “Оловдан чиққан одам” ҳикоясини ўқиганда Ҳожиакбар реалистик ёки тарихий мавзуларда ҳам ажойиб асарлар яратиши мумкин экан, деб ўйлаганман.

Ҳожиакбар қисқа умри давомида баракали ижод қилди. Оиламизда, ишонаманки, адабиётимизда ҳам унинг ўрни ҳамон билинади. Аммо бизни бир нарса юпантирадики, у ҳам бўлса, укамнинг ўзбек ёзувчиси сифатида эътибор ва эътироф топгани, аяжонимнинг армони ушалиб, Ватанга қайта олгани, бобом авлодларга қолдириб кетган Тиллашайх маъритининг Мустақиллик шарофати билан қайта таъмирланиб, янада кўркамлашганидир. Шукрки, шу қунларга етиб келдик.



МУТОЛАА



Шахло ХАМРОЕВА

1976 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили филологияси факультетини тамомлаган. Қирқдан ортиқ илмий мақолалари республика матбуотида, бир нечта мақоласи хорижда чоп этилган. "Шухрат" медали билан мукофотланган.

ЯХШИ АСАР – КҮНГИЛ МУЛКИ

Шоир ва ёзувчилар ўз халки, миллатининг қалбини, юрагини, айниқса, инсоннинг эзгу хис-туйғулари, тасаввурларини ўзига хос тарзда ифода этиб яшайди. Шунинг учун ҳам китобхонлар шоир, адибларни, уларнинг ўлмас асарларини доимо ардоқлаб келади. Чунки одам боласини тарбиялашда китобнинг ўрни бекиёсдир. Сир эмас, илмий-оммабоп китоблар аклни пешласа, бадний адабиёт кўнгилни поклайди. Бу ўринда гап юксак бадний савияда битилган асарлар, яхши китоблар ҳақида эканини таъкидлаш жоиз. Яхши китоб фикримизни чархлайди, қалбимизни нурга тўлдириб, дунёқарашимизни кенгайтиради.

Ўтган йил китобхонлик борасида ҳаётимизда қувончли воқеалар кўп бўлди. Хусусан, севимли журналимиз – "Шарқ юлдузи"нинг йил давомида ўн иккита сонини олиб, уларни пешма-пеш ўқидик. Айтиш керакки, мазкур журналга оиламиз кўпдан буён обуна бўлиб келади. Сўнгги икки йил ичида журналда эълон қилинаётган асарларнинг муаллифлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Мени қувонтирган яна бир жихати, роман ва қиссаларнинг тўлалигича босилаётганидир. Бундан тўрт-беш йиллар аввал роман ва қиссалар "журнал варианты" деган эслатма билан босиларди ва табиийки, асар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлолмасдик. Ўтган йили Хуршид Дўстмухаммаднинг "Донишманд Сизиф", Асад Дилмуроднинг "Заррадаги олам", Нодир Норматовнинг "Зулайхо дарахти" романлари тўлалигича босилди, бу асарларни ўқиб, адабиётимизда ижобий сил-жишлар бўлаётганига ишонч ҳосил қилдим.

Маълумки, фалсафий шеърятнинг мазмун-моҳиятини азалий ва абадий мавзу муаммолари ташкил этади. Ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, зулм ва адолат, муҳаббат ва дўстлик, яхшилик ва ёмонлик, садоқат ва хиёнат сингари масалаларга ижодкорлар маънавий ахлоқий эҳтиёжларидан келиб чиқиб жавоб излайди.

Журналнинг 2016 йил 1-сонида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Соҳибкирон" китобидан" номли лирик-фалсафий достони эътиборимни тортди.

Достон "Шоир", "Валиахднинг уйланиши", "Туман ока малика", "Қилич ҳақида икки фикр", "Қилич дастасидаги битиклар", "Соҳибкирон дейди", "Белбокқа ёзилган битиклар", "Бизнинг барлос боболар", "Исिम Темурбекдир, Темурбек сўзим..." сингари фаслларни ўз ичига олади.

Инсон кадри, миллат шаъни, Ватан тақдири хақидаги Соҳибқирон ўй-мушоҳадалари, кечинмалари асар мазмунини белгилайди. Шоир “Ватанни севмок – имондан”, деган ҳикматга амал қилади. Соҳибқирон руҳиятига назар ташлаш баробарида боқий кадриятларга муносабатини сураатлантира боради. Ватанга муҳаббат илдизи, асл манбаси хусусида фикр юритади.

Бандага “илм” ёр, “адолат” ёрdir,
Афсус, “темир”га ҳам эҳтиёж борdir.
Туғимда уч халқа ярқирай ял-ял:
Эзгу сўз, хур фикр, хайрли амал.

Ушбу сатрлар Темурнинг ҳаётий эътиқоди, ҳукмдорлик фалсафасидир. Ҳаётий кечинмадан туғилган ботиний психологик ҳолат дostonнинг бадийлигини оширган.

“Шарқ юлдузи” журналининг 3-сонидagi Тўлқин Хайит каламига мансуб “Ўғузхоннинг сўнги қурултойи” деб номланган қисса менга икки жиҳати билан ғоят манзур бўлди. Биринчиси, асар тарихий жанрда битилган бўлиб, қадимги улуғ ҳукмдор аждодимиз Ўғузхон шахси билан боғлиқ. Маълумки Ўғузхоннинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги афсонавий қаҳрамонликлари ва жонбозликларини ҳатто Хитой салномачилари ҳам эътироф этишган. Иккинчи жиҳати, қисса ниҳоятда лирик оҳангда ёзилганлиги билан ўқувчи калбини завққа тўлдиради. “Тонг юзида боқира қиз жилмайиши, майсада ҳавас, зилол сувнинг кумуш жамалаклариди идао. Нега?..” Бу жумлалар китобхонда худди шеър ўқиётгандай таассурот қолдиради. Асар сўзбошисиди филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов таъкидлаганидек, тарихий роман ва қисса – тарихий воқеаларнинг нуҳаси эмас. Чунки ёзувчи яратаётган асариди талайгина бадий приёмлардан фойдаланади, бадийликни ошириш мақсадида қатор тўқима образларни олиб қиради. Буларнинг бари асарни ўқишли қилишдан ташқари, бош қаҳрамонни жонли, ҳаётий сиймо сифатида кўрсатиш мақсадида амалга оширилади. Шу боис Ўғузхон шахси Насимхон Раҳмон таъкидлаган тарихий асарлар – “Ўғуз ҳокон хақида дoston”, “Жомеъ ут-таворих”, “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” китобларида батафсил тасвирланган бўлса-ди, бу кишининг ҳаётий сиймосини фақат бадий асаргина яратиб, кўрсатиб бера олади.

Қолаверса, “Ўғузнома” китобий эпоси билан бошқа тарихий манбалардаги Ўғузхон хақидаги ривоятлар ўртасиди маълум фарқлар уларга ёзувчининг эҳтиёқдорлик билан ёндашуви зарурлигини кўрсатади. Тўлқин Хайитнинг қадимги давр инсон дунёқарашини ҳам, қадимги бадий тафаккур жараёнини ҳам яхши ўргангани қисса аввалиданок кўриниб турибди.

Ёзувчи Ўғузхоннинг қурултой баҳона авлодларга ўз васиятини етказиши воқеасини сюжет қилиб олади. Ўғузхон марказлашган давлат барпо қилди, уни оёққа турғизди, халқини озод, эркин ва ўз сўзига ўзини хўжайин қилди. Энди эса у ёлгон дунёни тарк этиб, Тангри ҳузурига йўл олиш арафасиди. Ўғузхон қақирган улуғ қурултой нима мақсадни кўзлаган бўлиши мумкин? Қиссанинг бор йўналиши шунга қаратилади. Хон эса ўз мақсадини соддагина қилиб тушунтиради: “Эй ўғилларим! Мен кўп яшадим, кўп жангу жадалларни кўрдим, умрим шу дунёни деб адо бўлди, дўстларни қулдирган бўлсам, душманларни йиғлатдим. Шу йўсинди Тангри олдида бурчимни ўтадим. Энди қаридим, қартайдим: инсон – омонат бу дунёда, қелиш бор, қетиш бор, дунёни сизларга қолдираман! Бирликда уни янада обод этинглар!”

Бу мурожаат асарда гўёки аждоларнинг биз – авлодларга карата айтган сўзлари бўлиб янграйди. Дарҳақиқат, боболаримиз бу ўлкани бизга қолдирдилар, бу заминни биз учун обод қилиш йўлида неча хил заҳматлар чекдилар, меҳнат қилдилар, курашдилар. Биз авлодлар уни биргалашиб янада обод қилишимиз зарур.

Журналнинг 6-сонида босилган Тилаб Маҳмудовнинг “Қора пальто” ҳикояси ҳам эътиборимни тортди. Тилаб Маҳмудов адабиётимизнинг кекса авлод вакиллари билан бири. Бу ҳикоянинг диққатимни тортган томони – қаҳрамоннинг биринчи мухаббати билан боғлиқ воқеанинг бир қарашда қулгили, лекин мунгли тарзда тасвирланишидир.

Ҳикоя бош қаҳрамони Тилавой ўзи севиб қолган кизнинг кўзига чиройли кўриниш учун эски шинелдан тикилган қўлбола пальтони фабрикада тикилган қора пальтога алмаштиради. Лекин пальто унга анчагина катта, бир-икки жойини қуя еган экан. Кеннойиси бу пальто олинган пулига арзимаслигини айтса ҳам қаҳрамон парво қилмайди. Негаки, энди кизнинг олдига чинакам қора пальтода боради-да! Лекин киз билан муносабатларининг бузилишига шу пальто сабаб бўлади. Чунки бу пальто шу кизнинг отасига тегишли экан. Қўлбола шинелни пальтога алмаштириб берган одам эса кизнинг отаси бўлиб чиқади...

Журналда йил давомида бир қанча ҳикоялар босилди. Масалан, Матлуба Юсуф Охун, Сарвар Тўраев, Жасур Кенгбоев каби ёш ёзувчиларни кашф этдим. Айниқса, Усмон Азимнинг насрга қўл ургани мен учун катта янгилик бўлди. Унинг “Ишхонадаги кўргазма” номли ҳикоясини берилиб ўқидим.

Умид қиламанки, “Шарқ юлдузи”да бу йил ҳам кизикарли роман ва қиссалар, ҳикоялар, шеър ва дostonлар босилади, янги-янги истеъодлар кашф қилинади.

ҲУКМАТ

Ҳар бир миллатнинг дунёга
борлигини кўрсатадурсон ойнау
ҳаёти тил ва адабиётидур.

Абдулла АВЛОНИЙ

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Ўзбекистон халқ шоири. 1937 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Шоирнинг “Висол”, “Самарқанд ушшоғи”, “Сени излайман”, “Афросиёб”, “Сонетлар” номли шеърӣ тўпламлари ҳамда Навоӣ ҳаёти ва ижодида бағишланган достонлари наир этилган.

Шоир 2006 йилда вафот этган.



Қалбингдир топинган менинг меҳробим

Инсон билан бирга яралган
Бир чашма бор – мангу мукаддас.
Ҳаёт боғи ундан кўрк олган,
Сўлмоқни ҳам билмас бир нафас.
Бу чашмага тушса хору хас,
Кипригила териб олар кун.
Юракларда кўзгаб зўр хавас
Шайдо этган ҳаётга бутун.
Ундан баҳра топмаган одам
Туғилмаган онадан хали,
Ёнмагандир кўзларида шам.
Ишк чашмасин сеҳри туфайли.
Танидигу ҳаётни, эркам,
Бошланди чин муҳаббат сайли...
...Инсон билан бирга яралган
Бир чашма бор – мангу мукаддас.
Ҳаёт боғи ундан кўрк олган,
Салмоқни ҳам билмас бир нафас.

Юр, чиқайлик сайрга, дўстим,
Соғинганман Сиёб бўйини.
Тарк этайлик шаҳарни бир зум
Кўрмоқ учун кўклам тўйини.

Капалакдай айлаб сайри гул,
Боғлар аро кезайлик хуррам.
Сендан факат илтимосим шул,
Биздан ризо бўлсин бу кўклам.



Кўлингдаги чинни пиёла,
 Майли, менга тутмасин шароб.
 Юр, азизим, тезроқ Сиёбга,
 Май ўрнида ичайлик гулоб.

Ёшлигимиз ўтган гул боғлар
 Ҳар баҳорда бизни сўроқлар.

* * *

Тонг билан кўрдим ёр юзида ханда,
 Кўзларим нурланди шарорасидан,
 Юрак туғён урди наззорасидан,
 Тонг билан кўрдим ёр кўзида ханда.
 Чиннидек жаранглар сўзида ханда,
 Кўнгилга бол томар иборасидан,
 Рухга жон югурар ишорасидан,
 Гул бўлиб яшнайти изида ханда.
 Бу висол айёмин айламай қанда,
 Лол бўлиб кўнгилнинг иштиёқидан,
 Бошимда чарақлаб куёш кулганда,
 Ҳайратланиб ишкнинг ихтиросидан,
 Сўзлагим келади ушбу чаманда,
 Ёр рози эрса бас, ҳар бир сасимдан...
 ...Тонг билан кўрдим ёр юзида ханда,
 Кўзларим нурланди шарорасидан,
 Юрак туғён урди наззорасидан,
 Тонг билан кўрдим ёр кўзида ханда.

* * *

Мевали дарахтга тош отар,
 Тошлардан бутонинг синмасин,
 Шохингга калхатлар кўнмасин,
 Қисматинг ўйласам бош котар.

Кўзимда кўрғошин ёш котар,
 Майли, тош отганлар тинмасин.
 Мевангни еб туриб, тиғлансин,
 Бошингда бир куни тонг отар.

Вале, тонг отгунча отиб тош,
 Тутундек ўрласа охларинг,
 Дардингга бўлгандек кайғудош.

Хазондек ёнса гар боғларинг,
 Сен бўлиб ўрғада жон талаш,
 Қирқишиб кетмасин шохларинг.

* * *

Муҳаббат чироғи ёнмаса,
 Кўнгил уйи зулматдир.
 Дунё боғи ғурбатдир
 Муҳаббат чироғи ёнмаса.



Муҳаббат чироғи ёнмаса,
 Кечган умр ғафлатдир.
 Яшаш бахтмас, кулфатдир,
 Муҳаббат чироғи ёнмаса.
 Муҳаббат инсонга қўшканот,
 Дунёни кўргувчи кўзидир,
 Авлодлар топинган бахт, нажот.
 Инсоннинг у айтар сўзидир,
 У билан гўзалдир бу ҳаёт,
 Муҳаббат инсоннинг ўзидир...
 ...Муҳаббат чироғи ёнмаса,
 Кўнгил уйи зулматдир.
 Дунё боғи ғурбатдир
 Муҳаббат чироғи ёнмаса.

* * *

Эй менинг гўзалим, менинг фараштам,
 Сенга тушганида дастлаб нигоҳим,
 Юлдуздай бешумор балки гуноҳим,
 Эй менинг гўзалим, менинг фараштам.

Қалбингга туташдир менинг жон риштам,
 Эй менинг дилбарим, чашми сиёҳим,
 Бу чигал дунёда сенсан паноҳим,
 Қалбингга туташдир менинг жон риштам.

Жоним риштасини узма калбингдан,
 Самони тутундек тутмасин оҳим,
 Офтоб ҳам куймасин сенинг қаҳрингдан.

Севмаклик айб эмас, эй менинг моҳим,
 Ишқимни ҳайдама кўнгил қаҳрингдан,
 Қалбингдир топинган менинг меҳробим.

* * *

Ургут чиноридан менинг қаламим,
 Қалбимнинг софлиги – булоқларидан.
 Одамларин меҳри – ўтли каломим,
 Қаддим расолиги – алп тоғларидан.

Кўклам хандасидан – табассум, кулгим,
 Шеър битган қоғозим – сахий даласи.
 Кимё тупроғидан тўлган илигим,
 Нафасим – шифобахш субҳи сабоси.

Бедор сойларида – умрим кемаси,
 Чарх урган каптари – ўй-орзуларим.
 Тилидаги ғазал – севгим шеvasи,
 Чўккига кетган йўл – менинг изларим.

Таржимаи ҳолим – Ургут киссаси...





ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Арнольд БЕННЕТ

Атоқли инглиз ёзувчиси. 1867 йилда тугилган. 1893 йилда “Уйга мактуб” ҳикояси учун илк марта мукофотга сазовор бўлади. “Беи шаҳар ҳикоялари”, “Борбудимни ўғирлаган аёл” номли ҳикоялар тўплами, “Авангард”, “Лаззатлар шаҳри”, “Райсимен-Стенс”, “Лорд Рэйинго” романлари, “Беи шаҳар” романлар туркуми муаллифи. 1931 йилда вафот этган.

МАКТУБ ВА ЁЛҒОН

Ҳикоя

I

Эркак уйига эрта қайтди. Уловдан тушибок, нимқоронғи холл бўйлаб иш кабинети томон шошди. Қўлини кўтариб, унга бир нима демокчи бўлган котибасига эътибор бермай стулига ўтирди. Чунки столда ётган мактубнинг биринчи сўзларини ўқишга улгурган эди: “Стаффоршайр, Файф тоунс...” Мактубнинг “Қаердан” сўзига ҳам, “Қаерга” сўзига ҳам бир хил манзил кўрсатилганди. Унинг фикри-хаёли шунда эди. Катта столида ўтирганча, бесабрлик билан хатни ўқишга тутинди. Кейин бирдан ёнида турган олтинранг ақик сиёҳдонга тикилиб қолди. Сиёҳдонни Уэлс қироли ва қироличаси эркакнинг бахт тўйига совға қилишганди. Конверт чала-чулпа ёпиштирилганидан эркакнинг асабий титраётган бармоқлари уни тезда очди.

“Қадрли Клоуд, ниҳоят алвидо айтиш фурсати етди...” Эркак ўқишдан тўхтади. Кўксини кўрқув билан чангаллади, шифокорнинг “дархол операция қилишимиз лозим”, деган гапини эслади. Ҳаяжон билан тўртинчи варақнинг сўнгигадаги имзога назар ташлади: “Чин юракдан, Гертруда”.

Эшикдан котиб мўраллади.

– Мен бир-иккита шахсий мактуб ёзишим керак, – деди эркак унга қараб. – Мени ёлғиз қолдир, керак бўлсанг кўнғирок қиламан.

– Хўп, жаноб. Пластингизни илиб қўяйми?

– Йўқ, шарт эмас.

Ходима эҳтиёткорлик билан эшикни ёпди.

“...фурсати етди. Ортик чидай олмайман. Клоуд, мен Италияга кетаяпман. Флоренциядаги виллада яшайман, мени безовта қилмайсан деб умид қиламан. Дўстларимизга ўзинг маълум қиларсан. Аввал Бергрелларга айтишдан бошла. Ишонманки, улар мени тушунишади, энг тўғри йўл – шу...”

Эркакнинг назарида хат ажрашиш ҳақидаги аризага ўхшаб кетди, вужудиди оғрик сезди.

“Бир-икки кунда бундан ҳамма хабар топади, лекин яна бир неча кундан кейин можарони унутиб юборишади. Сенга бор гапни тўлиқ тушунтириб беролмайман. Қисқаси, биз бир-биримизга мос эмасмиз, Клоуд. Ўн йиллик турмушимиз буни исботлади, аслида олти-етти йил олдин тушунгандим буни. Ўтган йиллар ичида сен ҳаётимга нукта қўймоқчи бўлдинг, мени ўлдирдинг...”

“Уни ўлдирдим?!” Эрак хайрат ва айбсизлик хисси билан шивирлади.

“Сен ўз хаётинг билан яшар эдинг. Мен-чи, мени ким ўйлайди? Охири беш йил ичида мен жуда кексайдим, яшашга кучим қолмади. Сабрим ҳам тугади. Мен бу жирканч Файф тоунсда ортик яшолмайман”.

Эрак уни бир неча марта Адлей кўчасида яшашга ундаган. Лекин уни Стаффорд-шайрда умрбод қолишга мажбур қилмаганди-ку!

“Сен билан ҳам яшолмайман. Бу – аччиқ ҳақиқат. Сен менинг асабларимни адо қилдинг, ўзингнинг шошма-шошарлигинг, жиддийлигинг билан адо қилдинг. Эсиз асабларим! Сен эса буни тушунмадинг, чунки жуда банд эдинг. Мени ясама севгига қаноат қилиб яшай олади, деб ўйладинг, тўғрими? Сен доимо банд бўладиган сиёсий тушлик ва диний нонушталар аро...”

Эрак сесканиб кетди. “Йўқ” деди кейин лабини тишларкан, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб.

“Сенга азоб берайман. Мен жоҳилман. Мени кечириб бўлмайди! Одамлар ҳозир индашмайди. Ўтмишда аёллар қандай соддадил бўлишган, эҳ... Буни биламан. Лекин сенга айтишга мажбур эдим. Сен ўта жиддий одамсан, Клоуд, мен эса ундай эмасман. Шундай тўғилганмиз. Сен мендан яхшироқсан, ёки мен сендан яхшиман, демокчимасман. Биз шунчаки бири-бирига ўхшамаган икки оламмиз, холос. Бахтсизлигимиз шундаки, сен мени тушунолмайсан, бунга укувинг йўқ. Ҳар холда, бугун эрталабки воқеадан сўнг...”

Воқеа? Қайси воқеани айтаяпти? Эрак ҳеч нимани эслай олмади. Фақат хотинига: “Хатларни ўқиётганимда халакит берма”, дегани эсида. Лекин мулоим гапирганди-ку. Шунда хотини столдан туриб кетди. Эрак у нонушта қилиб бўлганини учун туриб кетди, деб ўйлаганди.

“...тушундимки... умуман, бугундан бошлаб сени бошқа безовта қилмасликка аҳд қилдим.”

Ҳа, демак, ўша воқеага экан. “Бунчаям ёш болага ўхшайди-я?” – деб ўйлади эрак.

“...Хайр. Сен ҳалол, виждонли, тўғрисиўз ва жуда ақлли одамсан, хаётда ҳали кўп яхши ишлар қилишингга ишонаман. Бирок ортик даражада масъулиятлисан. Сенга осон бўлиши учун бир иш қилдим – хотинингдан ҳалос этдим. Энди сен менга муҳтож эмассан. Сенга фақат бир кўғирчоқ керак, у билан ҳар куни “хайрли тонг, азизим” ва “хайрли тун, ёлғизим” дейиш учунгина яшайсан. Мен сенисиз яшай оламанми, деб ўзимга савол бердим. Қисқаси, ўйлай-ўйлай ҳаммаси тугади, дейиш учун мактуб ёзишга киришдим. Энди истаганингни қил. Мен озодман. Сенга омад ва яна кўп яхши тилақлар билдираман. Тўғри иш қилаётганимга ишонганим учун шу мактубни қолдираёйман.

Чин юракдан, Гертруда”.

Қоғозлар эракнинг қўлидан тушиб кетди, лекин у дарҳол варақларни йиғиб олди-да, қайта ўқиб чиқди. Сўнг одатий эҳтиёткорлиги билан мактубни яна конвертга жойлади. Ғайришуурий бир ҳолда уни қайта елимлади ва конвертни сиёҳдонга тираб қўйди. Кейин унинг “Қаерга” деб ёзилган ерига тикилиб ўтираверди: “Хурматли жаноб Клоуд Малпасга”. Аёл унинг исмини катта-катта ҳарфлар билан ёзганди. Худди аччиқ қилгандек. Ҳатто хат четига “шахсий” деб ёзишни ҳам лозим топмади.

Эракнинг боши айланиб йикилаёзди...

Охири ўзини қўлга олиб, дераза томон юрди. Уни юкори қаватда жойлашганидан Файф тоунсинг хар бир бурчагигача бемалол томоша қилса бўларди. Уни одамлар катта ер эгаси, тўрт минг ишчининг бошқарувчиси, етгита кўмир ва иккита темир конининг соҳиби, юксак эътиқодли шахс, Кнайпнинг майори, Футбол ассоциацияси президенти, умуман қисқача қилиб, Сир Клоуд деб аташар эди.

Клоуд деразадан ташқарига умид билан тикилди. Бугунги можаро! Эрак бармоқларини қисирлатиб қўйди. Гертруда уни ташлаб кетди! Клоуд унинг хаётини барбод қилганмиш. Наҳотки, шундай қилган бўлса? Балки... чиндан ҳам хотинига

етарлича вақт ажратмагандир... Аёллар, айникса, Гертрудага ўхшаганлар таъсирчан, сипо бўлишади, бироқ бирдан “портлашади”.

У нафасини ростлаб, кийиниш хонасига кирди-да, диванга чўкди.

Аёли сабрли эди – эркак буни яхши билади. Турмушларининг илк ойлари қандай масрур, орзуларга тўла дамлар эди-я! Энди-чи?

Эркак ўз кабинетидан келаётган кадам товушларига кулок тутди. Иш кабинети ва кийиниш хонаси орасидаги эшик қия очик эди. Эркак аста назар ташлади: Гертруда! Қайтиб келибди. Нега?

...Аёл кабинетга киргач, аста столга яқинлашди ва унга беҳол суянди. Стол устини тими-мирскилаб, ўзининг хатини топди. “Демак, хали ўқимабди”, – ўйлади у тин олиб.

Эркак бўғилиб кетди-ю, беихтиёр йўталиб юборди.

– Ким бор бу ерда? – аёл хавотирланиб сўради. – Бу сенми, Клоуд?

– Ҳа, – деди эркак енгил нафас оларкан.

– Қайтишингга хали эрта эди-ку!

– Мазам қочди, чарчабман, шунга қайтиб келдим. Бироз дам олмоқчийдим. Бош оғригимга бирор нима қилолмайсанми? Ё таътил олсаммикин?

Эркак унинг хатни яшириб, ўзининг кийиниш хонасига кириб кетишини кузатиб қолди.

– Ох, бечора Клоуд! – дерди аёл унинг пешонасини укаларкан.

Эркак Гертруданинг сафарга чикқанда қиядиган либосига қараб қўйди.

– Биз саёхатга чиқишимиз керак, – деди Клоуд шикаста товушда.

Аёлининг пешонасини силаб ўтиришидан эркак бугунги можарони унутгандек бўлди. Гўё у оғир ва туганмас касалликдан уйғонгандек, ўзини тетик ҳис этди.

II

– Энди ҳаммаси яхши бўлади, дегин? – сўради Лорд Бергрев ўша куни кечки таомдан сўнг. – Қайтиб келибди-да?

Лорд Бергрев Гертруданинг жияни эди. У дам олиш кунлари хотини билан Шорашайрдан Клоудларнинг уйига меҳмон бўлиб келарди. Эркаклар чекиш хонасида гаплашиб ўтирардилар. Лорднинг сочлари қуланг, юзи тўртбурчак, ўзи анча ёш қўринарди.

– Ҳа, Гарри, шунақа бўлди. Сизганингдек, мен хатни ўз ўрнига қўйгандим, у қайтиб келганда мактубнинг очилганини сезмади.

– Ўзини ҳеч нима бўлмагандек тутгани яхши бўлибди, – деди Лорд вискидан хўплар экан. – Овқатланаётганда орангизда бир гап ўтганини сезгандим. Лекин... бу сен сабаблими, деб ўйлабман. Аслида ундан ўтган экан-да...

Клоуд унга гина билан қараб қўйди.

– Мен хатто касал бўлиб қолдим. Яхшиямки, у қайтиб келди.

– Энг яхшиси, сизлар бирор ерга бориб дам олиб қайтинглар. Сир бой берма, бир неча кунга кетамиз, де. Кейин дам олишни яна бирозга чўзарсан. Ахир у Италияга кетаман, деган экан-ку. Ана, Италияга жўнанглар. Олти ой менимча, етарли.

– Ишим нима бўлади?

– Ҳеч қанақа иш йўқ бу ерда! – Лорднинг жаҳли чикди. – Файф тоунс менсиз кунини кўролмайти деб ўйлайсанми? Факат ишлаш учун туғилмагансан-ку. Ахмоқона нутқларинг билан оилангдан айрилишинг мумкин эди. Энди ишбилармон, ақлли, уddaбурон одами нунут, сен бутундан бошлаб пули ва вақти етарли бўлган, имкони-ятдан унумли фойдаланиши керак бўлган одамсан.

– Фикрингга қўшилмайман, – деди Клоуд бошини кимирлатиб.

– Биламан. Мен ўз йўлимни ўзим қурмаганман. Сенга эса тан бераман, албатта, Гертруда масаласини айтмаганда. Сен бу борада ноҳақсан – улкан режаларинг сени жарликка олиб келди. Эркак оила даврасида ҳамма нарсани ҳам гапиравермайди, айникса, ишини. Хуллас, уни олгин-да, узокларга кет. Аёлинг сени қайтадан севиб қолишига ҳаракат қил.

– Менми? Мен ҳаракат қиламанми? Йўқ, мен унга бор гапни айтишим керак.
 – Яна нимани айтмоқчисан?
 – Хатни ўқиганимни-да. Ахир бугун уни биринчи марта алдадим. Ўзимни ҳеч нимадан беҳабардек тугдим. Мен орамазга ёлгон аралашинини истамайман. Бу тўғри эмас...
 Лорд аччиғидан ўрнидан турди:
 – Клоуд! Аҳмоқ бўлма. Сен оддий бир масалани катта можаро деб тушунаёсан. Ахир, энди Гертруда билан тинчгина ҳаёт кечиришинг мумкин. Муҳими, у қайтиб келди. Сен эса тентакона ўйларинг билан ҳамма нарсани янада чигаллаштирмоқчисан. Ҳозир бу ёлгон жуда керак. Ҳар кун тонгда уйғониб, атрофингга яхшилаб кара: ўша ёлгон ўртангизда турибдими? Энди ўша ёлгон сенга кўмак беради. Ўтмишни унут, келажакни ўйла. Тушунаёсанми мени?

III

Худди шу пайтда Бергрев хоним билан Гертруда кийиниш хонасида дардлашиб ўтиришарди.

– Ҳа, – деди Гертруда. – Менимча, Клоуд кетишим билан уйга қайтган. Ўйлаганимдан икки соат аввалроқ қайтибди. Яхшиямки, тўғри кийиниш хонасига кириб кетибди. Ўша пайт асабларим жуда толиқканди, тушунаёсанми, Минни? Қисқаси, мен Колинга ортга қайтаман, деб буюрдим. Клоуд хатимни ўқимасидан бурун етиб келишим керак эди. Хизматкоримиз хайрон бўлди, лекин уйга бурилди. Кира солиб, мактубни олдим, шу пайтда Клоуднинг уйда эканлигини сезиб қолдим. Хатни яшириб қўйдим. Ох! Ҳаётимда ҳали ҳеч ўз истагимга қарши бормагандим. Бечорагинамнинг мазаси кочиб турган экан. Жуда чарчабди, юзида кон йўқ, энди мен кетолмайман. Уни ташлаб кетолмайман! Саёҳатга чикайлик, дегандан кейин ўйлаб қолдим: ҳаммасини бошидан бошлаб кўрсак бўлмасмикин? Ҳа, бошидан...

Орага жимлик чўқди.

– Ўзи хатингда нима дегандинг? – Бергрев хоним сўради.

– Сенга ҳозир ўқиб бераман. – Аёл шундай деб яширган жойидан хатни чикарди ва ўқий бошлади. “Мен ортиқ бу жирканч Файф тоунсда яшолмайман”, деган жумлага келганда аёл тўхтаб қолди.

– Давом этавер... – хоним кистади.

– Йўқ, – Гертруда хатни оловга ташлади. – Гап шундаки, – аёл хонимнинг стулига яқинлашди. – Аҳмоқона иш бўлди. Ҳеч ўйламагандим... ҳозир эса ҳаммаси ўзгаргандек туюляпти.

– Нега йиғлаёсан, азизам?

– Нималар қилиб қўйишим мумкин эди, а? Хато қилдим. Агар... агар хатимни ўқиганидами, мени ҳеч қачон кечирмасди! Умид баъзан бахтга етаклайди...

– Гертруда! – ташқаридан Клоуднинг тетик овози эшитилди.

– Энди бизга руҳсат, – деди Бергрев хоним ўрнидан туриб. – Соат бир бўлибди. Лордим ҳам ухлаб қолай дегандир...

Гертруда хонимни ўпиб, эшиккача кузатиб қўйди.

Клоуд эшик ёнида аёлига меҳр ила тикилиб турарди...

Инглиз тилидан Нодирабегим ИБРОҲИМОВА таржимаси

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

1989 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоя ва таржималари республика матбуотида чоп этилган. Ҳозирда “Бекажон” газетасида фаолият юртади.





ГУЛҚАЙЧИ



Хол Муҳаммад ХАСАН

1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Оҳува”, “Қадимий кўшиқ”, “Ул қуни устоз дедилар...” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

Кўнгил қурғур ўрлиги тутди

Куюлиш

Ёш эдим, бебош эдим, қайтмас эдим бир бошласам,
Хуш ёкарди қилмишим йўлдан ўтганни тошласам.

Турфа қуш овлар эдим, юмрон инин қовлар эдим,
Кўрқитардим барчани қапча илонни ушласам.

Кўрса қочиб бачалар, қарғаб юрарди чечалар,
Қизлари қақмачақар, қулоқларини тишласам.

Бари “чув-чув”лаб қолар, кўппаклари қувлаб қолар,
Хатагин озгин очиб, товукларин “киш-киш”ласам.

Той бўлиб кишнар эдим, чилвир каманд ташлар эдим,
Байтали “пиш-пиш”ласа, айғир қаби ирғишласам.

Ўтди, ўтди ҳаммаси, энди қуюлдим чамаси,
Синмаса чин косаси, қанийди юз ёш ёшласам.

Олдда ҳали кўп довон, тизза қурғур қакшар ёмон,
Ҳолим Ўзига аён, майлими бир ёнбошласам.

Ютқазिश

Гул болалик тарк этди қай қун,
Гўл балоғат ёшига етдим.
Ғўр фикрлар чулғади ҳар тун,
Жавдираб ўз жуфтими кутдим.

Юракни кўр олдирди оташ,
Кўзларим кўр, қизил-қонталаш,
Оқми сарик, ҳиндими ҳабаш,
Бариси бир, фарқин унутдим.

Ховрим хозир анча босилган,
 Бўйнимга зил тўрва осилган.
 Елкам кичик, тилим қисилган –
 Дўнонофат давридан ўтдим.

Энди не дей, қуйганимдан сўнг,
 Таом келди тўйганимдан сўнг:
 “Мен уйланиб қўйганимдан сўнг
 Сулув кизлар кўпайиб кетди”.¹

Кўнгил қурғур ўрлиги тутди,
 Бозигар боз ўйинда ютди.



Бир бозор бор

*Чангиб ётган ун бозори
 Кўкиб ётган жун бозори.*

“Равиан ва Зулхумор” достонидан

Бу бозорда адашдим мен
 Сотарман ким, оларман ким?
 Ё кеч келдим, ё шошдим мен
 Кетарман ким, коларман ким?

Карвоң ўтган кийин кўрдим,
 Қийли шайтон уйин кўрдим,
 Уйда ажиб ўйин кўрдим,
 Куларман ким, ўларман ким?

Бунда бари мақтар молин:
 “Келиб қолинг, олиб қолинг”,
 Бўйин йўғон, бетлар қалин –
 Қизарган ким, бўзарган ким?

Қассоб жигар чайнаб турар,
 Қаллоб қоши ўйнаб турар,
 Жаллоб тойин сийлаб турар,
 Туртишган ким, туртишган ким?

Тили ёғли морбозни кўр,
 Кўзи боғли дорбозни кўр,
 Тожи тигли хўрозни кўр,
 Чўқишган ким, ўпишган ким?

Бўзчининг бўз иштони йўк,
 Патгачисин виждони йўк,
 На дехқон, на боғбони йўк,
 Эккани ким, тиккани ким?

¹ Козокбой Қашқирли сатри.



Улгуржиси олиб сотар,
Чаканаси бўлиб сотар,
Тилиб сотар, юлиб сотар,
Ўғриси ким, тўғриси ким?

Қизиктириб осиб қолар,
Кўрай десанг тўсиб қолар,
Эзиб қолар, босиб қолар
Бакқоли ким, даллоли ким?

Ғирт ислиқи, кал, дарбадар,
Дудукланиб солади жар.
Кўзи ғилай, қулоғи қар
Ўтирган ким, қутирган ким?

Жин ўйини дер қўпқарин,
Нафсавора ёшу қари.
Тилларин тишлаб тесқари
Йиқилган ким, тўқилган ким?

Тарозибон тошдан урар,
Санокчиси бошдан урар,
Чин гапирган очдан ўлар,
Қарокчи ким, сўрокчи ким?

Сўл сўлжаяр ўнг бўлай деб,
Тор ториғар кенг бўлай деб,
Паст-паст кетар дўнг бўлай деб,
Тайёри ким, айёри ким?

Равшанми у Ошиқ Ғариб,
Қалпоқ бозорин ахтариб:
“Пўшт, арава! Қоч-эй, ҳариф”
Анграйди ким, хўмайди ким?

Отанг бозор, онанг бозор,
Ёзаверсанг қўнглинг озар.
“Бозорда бизнинг Зулхумор
Ким кўрди, ким? Ким кўрди? Ким?”



* * *

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Китоб акцияси” ўтказиш юзасидан тadbирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, ҳар бир вилоятдаги маҳалла, мактаб ва ўқув юрглари билан донмий алоқаларни йўлга қўйиш, китобларни беғараз етказиб бериш катъий белгилаб олинди. “Китоб акцияси” тadbирларини юрғимиздаги 193 та шаҳар ва туманларнинг ҳар бирида ўтказиш мўлжалланмоқда. Масалан, ўтган йили Уюшма қошидаги “Ижод” фонди хомийлигида жами 31 номдаги китоблар нашр этилди. Ушбу китоблар турли ижодий учрашувлар, анжуманлар ва маданий тadbирлар чоғида адабиёт мухлисларига текин, беғараз тарқатилмоқда.

* * *

Мамлакатимизда ўтаётган Наврўз сайилларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Қашқадарё вилояти Камаш туманига қарашли Камай-Окгузар кишлоғи адирларида бўлиб ўтган сайилнинг адабий гурунглари ва мушоирага бағишланган даврасини Жуманазар Бекназар олиб борди. Tadbирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али йиғилганларни кириб келган Наврўз айёми билан табриқлар экан, давлатимиз раҳбарининг китобхонликка алоҳида эътибор кўрсатаётганини ҳамда китобнинг маънавият ва маърифатни юксалтириш борасидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Уюшма томонидан ёш истеъодларга, шунингдек, вилоятларда яшаб ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар меҳнатига алоҳида эътибор берилётганини қайд этди. “Китоб акцияси” доирасида Уюшма ташаббуси билан чоп этилган бир қанча китобларни тумандаги 66-ўрта умумий таълим мактаби кутубхонасига топширди.

Tadbирда, шунингдек, “Шарк юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бирлашган тахририяти бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф ҳам иштирок этиб, мазкур журналлар саҳифаларида эълон қилинаётган янги асарлар, очилаётган янги руқиялар ҳақида тўхталиб ўтди. Бугунги кунда ушбу икки журнал даврийлигининг ошгани, нашр мундарижасида вилоятларда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирларнинг асарларига катта ўрин ажратилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Ўз сўзининг охирида журналнинг бир нечта сонларини мактаб кутубхонасига тақдим этди.

Tadbирда шунингдек, адабиётшунос олимлар Қозокбой Йўлдош, Адҳамбек Алимбеков ва “Фермер” журнали бош муҳаррири Абдурашул Жумақулдовлар ҳам иштирок этишди. Сайил мушоира билан давом этиб, қуй ва қўшиқларга уланди.

* * *

Жиззах шаҳрида “Бадий таржима: амалиёт, назария ва танқид” мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган мазкур тadbир бугунги бадий таржиманинг долзарб масалаларига бағишланган бўлиб, унда таниқли таржимонлар, таржима масалалари билан шугулланувчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талабалар иштирок этишди. Ёзувчилар уюшмаси бадий таржима ва халқор алоқалар бўлими бошлиғи ўринбосари Адҳамбек Алимбеков бугунги бадий таржимадек залворли масъулиятни зиммасига олган ижодкорлар олдида турган вазифаларга тўхталар экан, ўтган 2016 йилда таржима соҳасида анча хайрли ишлар амалга оширилганини айтиб ўтди. Жумладан, ТДПУ профессори Хуррам Раҳимов тахририда тайёрланган Алишер Навоий газалларининг инглиз тилидаги таржималари, Махтумқулнинг Музаффар Аҳмад таржимасидаги “Севмишам сени”, Расул Ҳамзатовнинг Асрор Мўмин таржимасидаги “Аёллар кўн, она ягона” тўплами шулар жумласидандир.

Семинарда иштирок этган таржимон, шоир ва ёзувчилар Я.Эгамова, М.Абдурахмонова, Б.Холбекова, Р.Ҳайдарова, олимлар Р.Абдуллаева, Ш.Каримов, З.Исомидинов, Х.Тожиёвлар бадий таржиманинг бугунги аҳволи, ёш таржимонларни тайёрлаш масалалари, замонавий ўзбек адабиётининг хорижий тилларга таржима қилинишига оид масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

УВАЙСИЙ. Васл ўлса жохон ҳўби фироғинг соғинурмен.4

ПУБЛИЦИСТИКА

Шухрат ЖАББОРОВ. “Шундай ўлка доим бор бўлсин!..”8

НАЗМ

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Инон, бахт кушнинг қаноти синмас. 14

Одил ҲОТАМОВ. Мени излаб келар бир садо.37

Абдурасул ЖУМАҚУЛ. Ёдга тушди эски хотира.41

Минҳожиддин МИРЗО. Тафаккур тоғ бўлса, ҳеч тушмас бошдан. 65

Муҳиддин ОМОН. Шафқ қалбнинг қайноқ меҳри бор.69

НАСР

Зулфия ҚУРОЛБЎЙ ҚИЗИ. Икки ҳикоя.20

Шодмон СУЛАЙМОН. Учинчи палата. Қисса.47

А.ЛИЯ. Орият. Ҳикоя.73

Кенгесбўй КАРИМОВ. Оғабий. Роман (охири).81

Анвар НАМОЗОВ. Икки ҳикоя.102

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Мансур ЖУМАЕВ. Йўлларга сочилган настарин томчи.126

БУ БЎСТОН САҲНИДА

ХУРШИДА. Толеи хурлик куёшин тафтидин порлар бу кун.77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нўмон РАҲИМЖОНОВ. Бугунги танқидчилик ва адабий савия.111

Санобар ТЎЛАГАНОВА. Тарихий жараён ва иждокор.120

Бахтиёр ЁКУБОВ. Драмаатургияда миллий қадриятлар талқини. 142

САНЪАТШУНОСЛИК

Дилдора УМАРОВА. Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтавирининг асосий тенденциялари.135

ТАҲЛИЛ

Нусратилла ЖУМАХЎЖАЕВ. “...Ул сарви гулрў келмади” газали таҳлиллари тадқиқи.130

КЎНГИЛ МУЛКИ

Абдухамид ПАРДАЕВ. Хувайдо орзулар.147

МУТОЛАА

Шахло ҲАМРОЕВА. Яхши асар – кўнгил мулки.162

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Маҳбуба ТЕМИРОВА. Қардош халқлар мақолларида образлар функцияси.152

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХОТИРАЛАР

Назира ШАЙХОВА. Она ер соғинчи.156

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Барот БОЙҚОБИЛОВ. Қалбнигдир топинган менинг меҳробим. 165

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Арнольд БЕННЕТ. Мактуб ва ёлғон. Ҳикоя.168

ГУЛҚАЙЧИ

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН. Кўнгил кургур ўрлиги тутди.172

Адабий ҳаёт.175

Шарқ юлдузи

2017

3-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳрират ижодий жамоаси нуктан назаридан фаркланиши мумкин. Таҳриратта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрлари етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
31.03.2017 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозда босилди.
Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 3000 нусха.
Буюртма № 151

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. Гафур Гулом номидаги НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лабзак кўчаси, 86-уй.
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳи:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

Унутилмас лаҳзалар



Адиб ижодкор дўстлари ва оила аъзолари даврасида





Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



*Сизга тақдим этилаётган ўзбек
ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан
бахраманд бўлинг.*

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси., 86 уй.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42
www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

